

ЎШМЖ



Адабий-бадий,
ижтимоий-сиёсий
ойбитик

110

Феврал

1982 йилдан чиқа бошлаган

Муассислар:

Ўзбекистон ЛКЎИ
Марказий
Қўмитаси ва
Ўзбекистон
Ёзувчилар
уюшмаси

Бош муҳаррир:

Омон МАТЖОН

Таҳрир ҳайъати:

Эркин АЪЗАМОВ
Эркин ВОҲИДОВ
Хуршид ДАВРОН
Владимир ЖОНИБЕКОВ
Жиянбой ИЗБОСКАНОВ
Ҳамид ИСМОИЛОВ
Насриддин МУҲАММАДИЕВ —
масъул котиб
Олим ОТАХОНОВ
Азим СУЮН
Абдуқодир ЭРГАШЕВ
Нурали ҚОБУЛ
Абдурашид ҚОДИРОВ
Усмон ҚУЧҚОР
Гаффор ҲОТАМОВ—
бош муҳаррир ўринбосари

Тошкент
«Камалак» нашриёт-матбаа
бирлашмаси

«ЭИ НАВОИИ»

Доктор Темур Хўжаўғли —
мударжим.

Туркиянинг Мармара дорилфунуни мударриси,

«Бугунги Туркистон» хабарнома-
си муҳаррири...

ҳам бунинг устига закий ва но-
зиктаъб, хушфеъл инсон...

эҳтимол, шунинг учундир, унинг
зоҳирий сифатлари аксар ёшлар
дилида бирваракайига меҳру ҳа-
вас уйғотди.

«Ман гурбатда эмасман, гурбат
маним ичимда,— бир турк шоири
шундай деган. Ва мен шу сатрга
хиёл ислоҳ қиритиб, айтишни истар
эдимки,— Ман Ватанда эмасман,
Ватан маним ичимда!

Қирқ уч йил олис юртларда
юриб, она Ватан деган, улуг Тур-
кистон деган табаррук тушунчани
жони-дилимда ардоқлаб яшадим,
буғун унинг васлига етган бир
маҳалда билмайдурманки, мен Ва-
тандаманми ё ўз юрагимда? Жону
дилимда?

Йигирма икки йил аввал, ва-
фотларидан илгари ҳузурига мени
чақириб, отам айтганлар: — Уғ-
лим, бугундир, эртадир оламдан
ўтаман. Рози бўл. Сенга бу юрт-
ларда қаср қолдирмадим, уй-жой,
қол-дунё қолдирмадим. Мендан
қолмиш мерос шуки, Ватан ҳасра-
ти, она юрт қайғусидир!

Биз — хориждаги туркистонлик-
лар, қачон қараманг, шу Ватан
ҳасрати, шу юрт қайғуси билан
ҳаётмиз. Ва сиз — унинг меҳрини
эмиб яшаётган азизлар шуни би-
лишингизни истар эдикки, бизнинг
бу соғинч, бу доғу ҳасратда ға-
разли бир ният, ортиқча бир даъ-
во йўқ. Фақатгина соғинч, онаизор
меҳрига қонмаган фарзанднинг
дилини ўртагувчи соғинчи — Ватан-
га муҳаббат бор унда, холос».

АВЛОДИ!

Унинг мунг тўла армонли сўзини
тинглар экансиз, она Ватан деб
аталмиш англалмаган Армонни,
фарзандлик бурчи деб аталмиш
узилмаган Қарзни, кимлигингизни
қайта ва теран ҳис этмаслигингиз
ҳеч мумкин эмас. Ва айни пайт-
да мударрис ҳақидаги дастлабки
тасаввур секин-аста сизда ўзгара
боради, энди у хорижда беармон
яшаётган тиниб-тинчимас, турфа
хил етишмовчиликлардан холи ин-
сондан Ватан ҳасрати адоий тамом
қилган фожеий қисматга айлана-
ди. Сиз эса беихтиёр Ватандан
олисда, шу юрт ҳажрида куйиб,
шу заминга талпиниб гурбат ила
кун кечираётган юзлаб ва минг-
лаб темурхўжалар ҳақида ички бир
оғриқ билан ўйлай бошлайсиз...

Заҳириддин Муҳаммад Бобур
хусусида фикр юритиб, шундай де-
ган эди у:

«Кўзлаган муродига етса киши,
Ё барча муродларни тарк этса
киши.
Гар иккиси муяссар бўлмас экан,
Бошин олиб бир сорига кетса
киши.

Бобур шоҳ ҳам ўн олтинчи аср-
нинг бошларида Туркистондаги му-
рақаб сиёсий вазият туфайли азиз
Ватанидан ситилиб чиқиб кетган.
шунга мажбур бўлган у, Ватанини
тарк этмаган бироқ...»



Темур Хўжаўғли

Мурақаб сиёсий вазият туфайли
вақтида Ватанидан ситилиб чиқиб
кетган, умрини хорижда ўтказган
яна бир ҳаммиллатнинг ҳасратла-
ри менинг ёдимда. Саудия Ара-
бистонида истиқомат қилади у, ис-
ми Абдулҳамид. Кўзда ёш билан
шу киши айтганки, не кўргуликка
гувоҳ бўлмадим, ука. Ҳаммиллат-
лар юртида қолган зоту зурриёди
ва ёки онаизоридан, Ватанидан бир
мужда кутиб, уларнинг тирикли-
гини ҳам, ўликлигини ҳам билмай
етмиш йиллаб ҳижратда яшаган-
лар, етмиш йиллаб адоқсиз ҳасрат
билан шу ёққа кўз тикканлар. Ва
ахийри, сўнги лаҳзада ўша зоти
ва ёки онаизорининг исмини айтиб
фарёд чеккан кўйи армон билан
оламдан ўтганлар...

Булар барчаси оламнинг турли
бурчакларида сочилиб ётган, пар-
чинланган Қисматнинг бевоСИТА
бизга дахлдор мунгли унлари, су-
вайдоларидир. Ва улар лоқайд қол-
дирмайди бизни, дилда туғилган
ўйлар, тилдан тилга кўчиб яшовчи
нақллар тасаввурни тўйинтиради,
солнома кемтикларини тўқислаш-
тириб боради, оқибат жамулжам
ҳолида мана шу Ватан, унинг кеч-
миши, қиёфасини ташкил этади.

Гаффор Ҳотамов

ТЕМУР ХУЖАЎҒЛИ: — Одил ака, мана, узоқ юртларда яшаб, қирк уч йилни хорижда ўтказиб, барча муҳожирларнинг фарзанди сингари киндик қоним чет элларда тўкилиб, Ватанини соғина-соғина, ниҳоят, азиз дийрга келиш менга насиб этди. Сўзимнинг бошида шунни айтишим керакки, ташрифимга сиз сабабчисиз. Таважжух кўрсатиб менга даъватнома юбордингиз, бундан бошим кўкка етди, чунки мен севган, мен кадрлаган улуғ бир ёзувчининг каминага даъватнома юборгани катта бир ифтихор василасидир. Сиздан ўта миннатдорман. Ватанимни кўришга муяссар бўлдим. Андижон, Тошкент, Самарқандда, отам юрти Бухорода кезиндим, бу ерлик кишилар, халқимизнинг солих ўғлонлари, улкан иқтидор соҳиблари билан дилкаш суҳбатлар қурдим. Мана, бугун сизнинг хонадонингизда ўлтирибман, бунчалик ширин дийдорни бир йил олдин хаёлга келтириш кўп мушкул эдики, Ватанга бораману Одил ака билан юзма-юз ўтириб дардлашаман, деб хаёлимга ҳам сиғдира олмасдим. Аслида сиз мени унчалик танимайсиз, мен эса сизни яхши танийман, сизнинг асарларингизни, «Диёнат», «Улуғбек хазинаси»ни қайта-қайта ўқиганман, ҳозирги кунда «Улуғбек хазинаси»ни Туркия туркчасига таржима қилганман, аммо бу оддий бир таржима эмас, балки сизнинг асарингиз маъзига сингдирилган нажиб маъноларни усмонли туркийда ифодалашга ҳаракат қилаётирман, албатта, менинг иқтидорим сизникичалик эмас. таржима жуда қийин кечмоқда, аммо шунга эришини ни истаяпманки, токи десинлар: «Бу асарни Одил Екубов туркча ёзган!»

Ижозатингиз билан сизга бир савол берсам: чет элларда яшаб турган, Австралиядан тортиб Покистон, Туркия, Арабистон, Афғонистон, Оврупо мамлакатлари ва Амрикода яшаётган туркистонликлар ҳақида нима дея оласиз?

ОДИЛ ЕКУБОВ: — Ўзбек халқи бошига тушган беҳисоб ташвишлар туфайли, ўша Ўқтабир инқилоби деб аталган, лекин бугун бу бемаврид инқилоб эди, дея жами рус зиёлилари, ҳатто фирка аъзоларининг бир қисми ҳам тан олаётган, кўпчилики айрилиқ пўртанасига тортган ўша инқилоб туфайли ватандошларимизнинг бошларига ҳам кўп кўргуликлар, кайғуситамлар тушиб, хорижий элларга тарикдай сочилиб кетганлиги хануз тузалмас дардларнинг биридир. Биз улуғ маърифатпарвар юртдошларимиз қандай кулфатларга дучор этилганлигини биламиз ва бунинг учун жуда қаттиқ қайғурамыз. Айни замонда диалектча деган бир тушунча бор-ку! Ушбу тушунчага биноан, ҳаётда содир бўладиган ҳар бир воқеанинг ҳам яхши, ҳам ёмон томони мавжуд. Шу маънода бизнинг ватандошларимиз, гарчи ўз ватанларидан айрилиб, бошларига кўп мусибатлар тушган эса-да, биз воқиф бўлиб турганимиздек, улар ҳоҳ Амрикода бўлсин, ҳоҳ Олмонияда бўлсин, ҳоҳ Хитой ёки Арабистонда бўлсин, ўз иқтидорлари, қувваи ҳофизаларига таяниб, удабурунлиги ва ишбилармонлиги туфайли ўша мамлакатларда йўқ бўлиб кетмаганларидан биз хурсандмиз, биз шунинг учун ҳам хурсандмизки, улар хору зор бўлишгани йўқ, аксинча, ўша жойларда дарҳол инглиз, фаранги, немис тилларини ўрганишиб, араб ва япон тилларини эгаллаб, шу халқлар ичига киришиб, уларга бирор ёмонлик қилмай, аксинча, еган тузларини ҳам оқлаб, иззат-икром топган юртдошларимиз ҳақида кўп эшитамиз ва бундан бизлар ҳам фахрланамиз. Негаки, улар бизнинг жамиятга тамомила бегона ижтимоий тузумда кадр ва мавқе топиши учун, табиийки, фавқуллодда тадбиркор, заки инсонлар бўлиши керак эди ва бунга амалда тасдиқлашди ҳам. Хориждаги



Одил Екубов

минг-минглаб ватандошларимиз ҳақида шундай дейиш мумкин ва бундан мамнунмиз. Тарки ватан қилган кимсалар ҳақидаги бўхтонлар, улар Ватанини сотган деган таъналарга бугунги кунда барҳам бериляпти, буни давлат ва ҳукумат раҳбарлари, жумладан, Михаил Сергеевич Горбачев ҳам қайта-қайта таъкидлаётир. Бу ҳақиқатни биз — ўзбек зиёлилари ҳам қайтадан теран идрок этаётирмиз. Ҳозир хорижда бориб келаётган зиёлилар микдори ўсди. У ёққа борган вакилларимиз, мутахассислар, ижодкорлар улар билан астойдил суҳбатлашиб, ҳоҳ Амрикода бўлсин, ҳоҳ Туркияда бўлсин, ҳоҳ Олмония ёки Фарангистонда бўлсин, ватандошларимизнинг нияти ғараздан холи эканлигини, Шўролар Иттифоқига муносабати самимий эканлигини таъкидламоқдалар.

ТЕМУР ХУЖАЎҒЛИ: — Раҳмат, Одил ака! Билдирган мулоҳазаларингиз ўрилли. Бобур шохдан тортиб турли сабаб билан юртдан чиқиб кетган ватандошларимиздан султонлар сулоласи чиққан, лекин гадо бўлган бирор ўзбек ё козоқни учратмайсиз. Муҳожиротдаги кейинги етмиш йиллик тарихимизга назар солсан, иккитагина қотиллик ҳодисаси бўлган, у ҳам бўлса номус-шаън билан боғлиқ. Бундан бўлак қотиллик, порахўрлик, ўғрилик ёки бошқа бир жиноят билан қамокда етган ватандошимиз йўқ. Бунинг сабаби сиз эъғироф этган улуғ ҳақиқатлар билан изоҳланади. Бизнинг ватандошларимиз ҳоҳ Австралиёда, ҳоҳ Хиндистонда, ҳоҳ Оврупо мамлакатларида, ҳоҳ Олд Осиёда бўлсин, ишчи бўлиб ишлаганлар, дўкон очганлар, кўча супурганлар, лекин бирон-бир лаҳза ўзларининг улуғ бир миллатга мансуб эканликларини унутмаганлар, унинг шаънини ерга урмаганлар. Қайси бир соҳада ишлашмасинлар, қисқа муддат ичида ўзларини ўнглаб олишиб, дўкондор бўлганлар, кейин йирик корхоналар очганлар, эътибор топганлар. Амрикода Нарзиқул деган ҳамшаҳримиз бор эди, икки йил олдин вафот этдилар, шу киши Амрико ҳарбий уюқларига усқуналар тайёрлайдиган учта йирик заводнинг эгаси эди. Бизлар учун бу катта ифтихор намунаси эди, чунки Амриконинг катта бойларидан бири ҳисобланарди. Чет элларга чиқиб қолган Бухорои шарифлик шайхлар авлодидан икки киши Амриконинг йирик миллиардерларидан ҳисобланади. Уларнинг «Атлантик» деган пластинка ёзув ширкати бор. Амрико санъати юлдузларининг қуйи ва кўшиқларини миллионлаб нусхада ёзиб чиқармоқда-

лар. Шунингдек, бизнинг ватандошларимиз каторида олимлар, фозиллар ҳам кўп. Туркия дорилфунунларида, Арабистонда, Оврупо илмгоҳларида дарс берадиган йирик олимларимиз ҳам бор. Саид Али Анкара деган йигирманчи йилларда Бухоро жумҳурияти томонидан Олмонияга юборилган ажойиб бир тошкентлик олим Туркияга қайтиб, физика ва кимё соҳасида улкан кашфиётлар қилган. Чигатой деган бир олимимиз социология (ижтимоият) соҳасида машҳур бўлган, шунингдек, катор юртдошларимиз ҳуқуқшунослик жабҳасида, туркшуносликда эътиборга молик илмий тадқиқотлар яратганлар. Ҳатто туркиялик туркларнинг ўзи ҳам бундан севиниб, Ўрта Осиёлик ота-боболаримизнинг фарзандларига қаранг, улар келиб бизга ҳолис хизмат қилмоқдалар, Туркистонга минг раҳмат, улуғ Бухорога минг раҳмат, дейишмоқда. Албатта, бу қувонарли ҳодисадир.

Одил ЕҚУБОВ: — Темуржон, халқимизнинг сиздай бир фарзанди шунча ташвиш-саргардонликлардан кейин жаҳоннинг тараққий топган мамлакатида — Истамбулдаги Мармара дорилфунунида таълим бериши бизни хурсанд қилади.

ТЕМУР ХУҶАЎҒЛИ: — Шунинг ҳам айтишни истар эдимки, Колумбия дорилфунунида Сталин ўлимидан кейинги давр ўзбек ва қозок романларида миллий оғ масаласига доир докторлик ишимни ҳимоя қилдим. Бу ишда мен асосан сизнинг романларингизни тадқиқ этдим, Одил ака, чунки бизнинг бошқа ёзувчиларимиз миллий масалаларда ёзишга журъат кўрсатмаган бир даврда сиз катта жасорат билан ўша «Диёнат» деган романингизни яратдингиз. Албатта, «Улуғбек хазинаси» улкан бир асар, мен учун ҳам кадрли, Чингиз Айтматов таъбири билан айтганда, бизнинг фахримиз! Аммо негадир «Диёнат» менинг юрагимга яқин, ўша Отақўзи, унинг, айниқса, отаси қабрини зиёрат қилиши, шунда кўкрагига уриб, менинг масжидим, имоним мана шу ерда, дейишидан, ҳар гал ушбу саҳифани ўқиганимда кўзларимдан тиркираб ёш сизади, «Улуғбек хазинаси»да Али Қушчининг Ватандан чиқиб кетаётган дамдаги изтироблари ҳеч маҳал кўнглимдан чиқмайди. Гарчи ўзим Ватандан ажралмаган бўлсам ҳам, отам Усмоҳхўжа 1920 йил шундай кулфатни бошидан кечирган. Ҳар гал «Улуғбек»ни мутолаа қилганда жудоликнинг шу ситамини дилдан туяман.

Докторлик ишимнинг буюк бир қисмида сизнинг қисса ва романларингиздан, шунингдек, Илёс Есенберлин, Дўканбой Дўстқонов асарларидан парчалар келтирдим. Чет элликларга, американикларга шунинг исботлашга ҳаракат қилдимки, бизнинг Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Чўлпон асос солган замонавий ўзбек насри қирқинчи-эллгинчи йилларда оғир даврлардан ўтди, олтишинчи йиллардан кейин Одил Еқубов каби бошқа бир катор адибларнинг кучи билан миллий адабиёт бўлиб сақланиб қолди. Ҳеч бир замон ўз миллий жилоларини йўқотмади. Айниқса, сизнинг кейинги романларингиз, ҳозирда «Ёшлик» ойномасида асарлари чоп этилаётган истеъодли носирлар ижодида силқиб турган миллий рух менинг фикримнинг далилидир.

Ўзбек адабиёти деган айрим бир адабиёт бор. Ҳеч бир вақт бу адабиёт йўқ бўлмайди, чунки унинг илдиэлари бизнинг урхун ёзувимизга, қорахонлилар адабиётига бориб тақалади.

Афсуски, ўзбекчадан бевосита жаҳон тилларига таржима қилиш тузук йўлга қўйилмаган. Сиз лойиқ бўлган ўрнингизни жаҳон миқёсида хали топмаганлигингиз аслида шу билан изоҳланади. Сиз Шўролар Иттифоқидагина эмас, жаҳон миқёсидаги улкан бир ёзувчисиз.

Одил ЕҚУБОВ: — Темуржон, шу маънода сиз ҳақсизки, бу ёруғ оламда ўзбек адабиёти деган айрим бир адабиёт бор ва ҳеч бир вақт бу адабиёт йўқ бўлмайди. Фақат сўнгги йилларда у жаҳон адабиётининг мумтоз намуналари билан ёнма-ён тургулик «Чинор»дай, «Уфк»дай, «Юлдузли тунлар»дай, «Умид», «Кафансиз кўмилганлар»дай комил асарларни, Ўткир Хошимов, Шукур Холмирзаевдай носирларни бизга инъом этди. Бу адабиёт Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Омон Матжон, Жамол Камол, Гулчехраю Ойдин Ҳожиева, Рауф Парфи, Мухаммад Али сингари ўнлаб ёркин истеъодлар назми билан умуминсоний маънавиятни тўйинтирди. Ҳар бирининг ижодига мен чексиз эҳтиром билан қарайдиган навқирон шоиру адиблар хусусида сўз очилса агар, бу суҳбатнинг адоғи бўлмайди...

Улар яратаётган маънавий неъматлар нечоғлик тез умуминсоний мулкка айланиши эса, табиийки, аслиятдан таржима билан бевосита боғлиқ.

Қилинажак ишлар, ниятлар катта. Эҳтимол, шундай кунлар ҳам келар: шоиру ёзувчи табиатни муҳофаза қилиш, тилига давлат мақоми бериш, пахтанинг харид нархини ошириш учун курашга умрини сарфлама, улар ўзларини буткул ижодга бағишлар. Шунда имоним комилки, бу адабиёт биз ҳаёл қилгандан ҳам сержило, комил, қудратли бўлади.

Бу адабиёт не-не сиймоларни етиштириб бермади, ахир!

Умуминсоний маънавий кадриятларнинг бугунги миқёсларини, бугунги маърифий босқични, масалан, дейлик, Навоий ҳазратларининг жавоҳиротсиз тасаввур этиш қийин.

Навоийнинг каминига маълум насрий асарлари, айниқса, унинг шеърляти тенгсиз бир уммондир. Хали бу шеърлят, гарчи яралганидан буён беш юз йилдан энёд вақт ўтса ҳам, жаҳон олимлари томонидан тўлиқ ўрганиб чиқилган эмас. Минглаб олимлар Навоий асарларини ўрганган бўлсалар ҳам, унинг барча асарларини ўрганиб, ниҳоясига ета олган эмаслар. Мен демокчиманки, Ижодий фикрлар теранлиги, инсон қалбининг энг нозик, энг сезгир торларини черта олганлиги жиҳатидан, инсон маънавий оламини қамраб олиши жиҳатидан Навоий дунёдаги энг улуғ мутафаккирлар сирасига қиради. Шунинг учун ҳам Навоий ижоди, шоир яратган улуғ дostonлар ҳақида, у дунё халқларига, биринчи навбатда туркий халқларга, жумладан, ўзбек халқига ҳадя қилган «Хамса»си ҳақида сўз кетганда, бинобарин, бир сўз билан, бир тадқиқот билан қамраб олиш жуда қийин унинг кадр-кимматини. Ўзбек халқи бошқа туркий халқлар сингари Навоийни ўзининг маънавий падари, йўлбошчиси сифатида танийди. Навоийнинг инсонпарвар ғоялари ўзбек халқининг вилдони, ори, номусидир. Мана шу гапларнинг барча-барчасини Навоий айтиб кетган ва Навоий бизнинг бугунги ҳаётимизни кузатиб тургандек, энг муҳими, у бизга ҳақамлик қилиш, эй халқим, мана бу ишинг тўғри бўлаётибди, мана бу ишинг тўғри бўлмаётибди, деб ҳукм чиқаришга ҳақли бўлган буюк сиймолардан биридир. Ўзбекнинг уйда китоб жавони бўлса, шу жавондаги китобларнинг тенг ярми Навоийнинг китоби. Навоийнинг дostonлари, Навоийнинг ғазаллари. Бизнинг халқ сўйган хофизларимиз айтадиган ашулаларнинг аксарияти Навоий ғазаларига басталанган. Бизда тўй-ҳашам йўқ, у ерда Навоий ғазаллари айтилмаса, шу ғазалларга басталанган кўшиқлар қуйланмаса, шу кўшиқларни тинглаб ўтирган кишилар чайқалиб кўзларига ёш олмаса! Бизда бирон-бир хонадон йўқки, зурриёди Навоийнинг севиқли қахрамонлари Фарход

ё Ширин, Лайли ёки Мажнун, ёхуд Алишербек номини олмаган бўлса!

Навоий таваллуд топган куннинг беш юз эллик йиллиги наинки Шўролар Иттифокида, балки жаҳон миқёсида нишонланади. Айни шу кунларда Навоий асарлари Туркияда, Фарангистонда, Амрикода нашрдан чиқаётир. Нашрларнинг синов нусхалари жумҳурият Ёзувчилар уюшмасига етиб келди ҳам.

Мен ўйлайманки, Туркияда ҳам бу кутлуғ санага ҳозирлик катта, турк халқи шубҳасиз Навоийни бир туркигўй шоир сифатида азиз билади, тўю хашамимизда биз билан бирга севинади, улуғ аждодига эҳтиром кўргизади.

ТЕМУР ХУҶАҶЛИ:—Биз—хориждаги туркистонликлар ҳам бобомиз ҳазрати Навоийга чексиз бир эҳтиром билан қараймиз.

Едимда, у пайтлар ҳали мен жуда ҳам ёш эдим, отам менга Навоий ғазалларидан ўқиб берар эди. У киши ҳазрат Навоий номини тилларидан кўймас, мен эсам ҳали мурғак эмасми, шундай отлик бир кўшикчи бўлса керак, деб ўйлар эдим. Негаки, отам ҳазратнинг ғазалларини айрим бир усул билан ўқир эдиларки, кейинчалик англаб етсам, бу аруз бўлиб, шеър муайян мақомда ўқилар экан.

Мақтабга боргач, секин-аста ҳазратнинг ким эканлигини англаб етдим. Табиийки, мен ўзбек мактабида таълим олмаганман, мактабда тўртинчи синфда — ёдимда бор, — муаллимамиз, у киши ҳозир ҳам ҳаётлар, жуда маърифатли хоним эди, — ҳар доим мени: — Эй, Навоийнинг авлоди, кел бу ёкка, — деб чакирар эдилар, мен эса келиб отамга айтардим: — У киши нега менга бундай дейдилар? Ахир мен Усмонхўжанинг авлодман-ку?

Отам дерди: — Йўқ, бизга нисбатан, биз — туркистонликларга нисбатан ҳурматини изҳор этиб шундай дейди, чунки Навоий ёлғиз туркистонликларнинг эмас, балки барча туркий халқларнинг улуғ шоири, Навоийнинг улуғлиги шундаки, унинг таъсир доираси фақат Туркистон чегаралари билан чекланиб қолмаган, ҳам Эронга, Онатўлига, Тотористонга, Кримга етиб борган, Навоий бўлмаса эди, усмонли, озарий туркларидан Фузулий деган шоир чикмас эди, — деб айтардилар. Фузулийнинг устози Навоий, буни унинг ўзи ҳам эътироф этган. Тўғри, Навоийга қадар ҳам Рудакий, Низомий сингари қатор улуғлар ўтган, аммо улар форс тилида ижод қилганликлари учун бизнинг туркий тилимиз, туркийча шеърят макомлари Навоийнинг ижоди баробарида тенгсиз камолот касб этган.

Маълумки, шунга қадар илм тили араб тили деган тушунча ҳукмрон бўлган, шунинг учун ҳам Ибн Сино, ал-Беруний, ал-Хоразмий каби Туркистон фарзандлари ўз асарларини шу тилда яратишган. Шоирлар эса назмни форсда битганлар. Туркий тил эса харбий тил, жанг махали қўлланиладиган тил деб қаралган. Бу тилда латофат, жозоба, назмий истилоҳларни ифода этиш кўрки йўқ, деб ҳисобланган. Холбуки, бу жозиб тилда бизнинг ота-боболар 732 йилда Урхун водийсида тошларга бизнинг Урхун деб аталамиш ёзувимизда ўлмас битиклар битишган. Албатта, бу бизгача етиб келган обида, дунёга маълум ҳозир. Хунлар замонида аждодларимизнинг ўз ёзуви бўлган. Бу Византия, Хитой тарихчилари томонидан эътироф этилган. Хунларнинг тили, ёзуви бўлган, бироқ улар ўз битикларини терига битишган. Шунинг учун ҳам, афсуслар бўлсинки, ўтган жангу жадаллар, қирғинлар ва бошқа талофотлар оқибатида улар бизга қадар етиб келолмаган. Фақат бизнинг Тўнюқук, Кул тигин деган аждодларимиз тошга битган ёзувлар сақланиб қолган. Ва бу ҳам



Шукрулло

Оврупо шарқшунослари томонидан кашф этилган. Токи шунга қадар туркий халқлар фақат жангу жадал билан машҳур бўлган, юрт босиб олган, тилида, маданиятида нафосат бўлмаган, деб қаралган, фақат ўша битиклар кашф этилгач, ўтмишимизга хайрхоқ назар билан қараш юзга келди. Уша Урхун ёзувидаги маънонинг теранлигига аҳли дунё ҳамон ҳайрат билан қарайди, шу қисқагина, мухтасар битикларда бу қадар улуғ тушунча мужассамлиги барчани лол қолдиради.

Мана шу маданиятни янада юксак мақомларга олиб чиққан ҳазрати Навоийдир. У кишининг ҳайратангиз салоҳияти шундаки, ўзларидан бу қадар пурмаъно, бу қадар кўп жилдли асарлар қолдирган. Уларнинг ҳар сатрида бепоён тафаккур мужассам. Айтиш керакки, чигатой адабиётининг эмас, усмонли турк адабиёти ҳам Навоий ҳазратларининг маънавий таъсирида янги поғоналарга юксалди.

Шу маънода агар Туркияга бориб, Навоий бизнинг шоиримиз, дегудек бўлсангиз, улар норози бўлишади ва айтишадики, йўқ, Навоий бизнинг шоиримиз! Сўнг дейдиларки, сизнинг Туркистондаги кутубхоналарда Навоийнинг қайси бир асари қўлёзмаси сақланмоқда, хўш? Ахир барчаси бизда-ку! Бизнинг кутубхоналарда сақланмоқда-ку!

Туркияда навоийшунослар кўпгина тадқиқотлар яратишган, йирик олим Фуод Кўктўнлидан тортиб бўлак олимларгача бу борада қимматли ишлар қилишган. Фуод Кўктўнлининг фикрича, Алишер Навоий барча туркий халқлар адабиётидаги ягона дохийдир. Навоийдек улуғ шоир ундан аввал ҳам, ундан кейин ҳам ер юзига келган эмас.

Дарҳақиқат, Туркияда Алишер Навоий ижодига эътибор чексиз. Бошланғич мактаб ўқувчилари шоир ижодини яхши билишади, унинг асарларини чигатой туркийсида мутулаа қилишади, дорилфунунларда ҳам шундай. Мен Истамбул дорилфунуни турк тили ва адабиёти бўлимида ўқидим, бу бўлимда Фузулий ижодига бир семестр давомида 18 соат вақт ажратилади, шу вақт ичнда улуғ шоир асарлари таҳлил этилади, Навоий ҳазратлари ижодига эса 32 соат вақт ажратиладики, шу вақтдаги сабоқда унинг ғазаллари, ғазал

ларидаги мазмун, истилоҳлар йирик олимлар томонидан тадқиқ ва тақдим этилади. Бизга сабоқ берган атоқли олим, устозимиз профессор Али Нихот Тонгла ҳазратнинг бир байтини беш кун мобайнида таҳлил этган, шў байт замиридаги истилоҳлар, муаммоларни изоҳлаб бериш баробарида бутун бошли туркий адабиётини таҳлил этиб чиққан. Шайх Фузулий, ё Шайбонийхон, ёки бўлак бир туркигўй шоир асари хусусида сўз кетар бўлса, у киши, мана, кўрдингизми, мана бу тимсол, мана бу маъно Навоидан кўчган, дея изоҳ бериб ўтар эдилар.

ШУКРУЛЛО: — Иним Темурхўжа, сиз Навоийнинг буюклиги, ақл бовар қилмас даражада қолдирган адабий мероси, тафаккур дунёсининг бекиёслиги хусусида батафсил гапирдингиз, хайрат билан сўзладингиз. Буни келтириб чиқарган омиллар нима? Биринчидан, Навоийнинг ўзи айтганидек:

**Одавий эрсанг демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами.**

Буюкликнинг омилларидан бири халқнинг ғами билан яшашдир. Албатта, шунинг ўзигина буюкликни номён этолмайди, бунинг учун, табиики, улкан иқтидор ҳам, шунинг баробарида илм-маърифат бўлмоғи керак. фикри ожизимча, Навоий ҳазратлари тангри ато этган тузма истеъдодга эга бўлганлар. Ақл бовар қилмас даражада кўп ва хўп ёзишлари шу билан изоҳланса эҳтимол. Шунинг учун ҳам худо кўнглига солган маъноки бор, унга уйғун шакл топган, ўлмас санъат асарига айлантирган. У вази ва ёки қофия излаган шоир эмас, барча-барчаси табиий йўсинда туғилган.

Иккинчидан, миллатнинг киёфаси — тил. Навоий ҳазратлари халқнинг ўзидан олиб, халқнинг ўзига ўлмас обидалар қолдирган санъаткор, маданиятимиз қадимийлигини тасдиқлаган, уни янада камолотга етказган улуғ шоирдир.

**Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафику меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун кафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш.**

Мана, ҳозир мен, Темурхўжа, сизнинг суҳбатингизни тинглаб, ҳазратнинг шу сатрларини ёд этиб ўтирибман. Ахир, кафасдан озод бўлган булбул ўзини қандай ҳис этса, сиз ҳам мана шундай бир ҳиссиёт билан яшайтирсиз. Чунки одамга Ватан дийдоридан кўра азизроқ, Ватан истикболидан кўра табаррукроқ, муқаддасроқ нарса бўлмаса керак. Сизнинг пойқадамингиз бошланиши бўлсин, Ватан ҳам, Навоий ҳазратларининг шеърлари ҳам оҳанрабодек бағрига тортиб, бошимизни бириктириб, бағримизни бутун, кўксимизни тоғ қилиб турсин.

МУҲАРРИРИЯТДАН: Ушбу суҳбатда айтилгандек, турли иқлим, турли мамлакатларга тарқаб кетган ватандошларимиз, уларнинг бугунги авлодлари ҳаммаша Ватан ишқиде ёнганлар, унинг дардидан дардга ботганлар, ғамидан ғамлар чекканлар. Қайта қуриш шарофати ила ушбу кун уларга ғоявий муҳолиф, хоин, сотқин дея ёпиштирилган ёрликлар олиб ташланмоқда. «Ёшлик» ойномаси ана шундай ватандошлар билан яқин алоқалар ўрнатилган ва улар билан суҳбатларни ўз саҳифаларида ёришиб боришга ҳаракат қилади.

Ҳабиба Абдуҳақимова



Ҳабиба АБДУҲАҚИМОВА — Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида туғилган. Кўчон Давлат педагогика институтини битирган. Шеърлари жумҳурият матбуотида, «Булоқ кўз очди», «Соғиниб яшайман» каби тўпламларда чоп этилган.

Майсалар

*Шарқираган сойни қуритган
Бетон қувур гапни уқмайди.
Бир қултум тиниқ сув ва тоза ҳаво
Излаб келган қушлар тирик қайтмайди.
Одамлар-чи?
Сўз чайнаш билан овора улар...
Нима қилсин?
Кетсамикан бош олиб
Ойга
Майсалар.*

* * *

*Тилинг йўқ деб дардимни тўкиб солсам сенга, тош,
Портлаб кетдинг чинқириб, йўқмиди сенда бардош?
Дилим нақши чизилиб қолибди оҳларингда,
Қилиб қўйдинг-ку ахир, сиримни сабога фош.*

* * *

*Юлдузларнинг бағрида истагим бўлди тугун,
Мажнунтол новдасида юрагим бўлди тугун.
Сув бўйига йлтириб, йиғладим тўйиб-тўйиб,
Балиқларнинг комида тилагим бўлди тугун.*

Ёлғиз ёл

*Ойлар тўлди, бағри тўлмади,
Йиллар ўтди, дарди йлмади,
Ғамга тўйди, ишққа тўймади,
Бахт қушини учирган аёл.*

*Дурлар эмас, дўст керак унга,
Дунё эмас, жуфт керак унга.
Кузга гулдай мунғаяр кунга
Остонада бир ёлғиз аёл...*

Хотира кунда

*Тириклигида йўл
Пойлаган каби
Мунғайиб ётарди
Онанинг қабри...*

Яхё Тоға



Дард илдиизи дилимдадур

Дард илдиизи

«Гўзи ёшларинг холин
на билсун мардуми гофил...»

Фузулий.

I
Дард илдиизи дилимдадур,
бу барг асли тили онинг.

Қароғимда изи қоннинг,
билинг, тортган нили онинг.

Тамоғимда гиря-и талх —
булбулюю чили онинг.

Манглаймни чаман этмиш
тиги онинг, қили онинг.

Кўзим очиқ, ўқинг қайғум
тўлиб қолмай гили онинг.

II

Кимгадир отмоқчи бўлганинг —
ул тош
ўзингники бўлмоғи керак
аввало.

Кундага қўймоқчи бўлганинг —
бул бош

ўзингники бўлмоғи керак
аввало.

Сўз — ўзингники бўлмоғи керак!
Ватан — ўзингники бўлмоғи керак!

Халқ оҳангида

Гула кел, гул, гула кел,
Сир айтиб булбула кел.
Арзанг тинчимди бузсин,
Кангулга гулгула, кел.

Кел дедим, келгил дедим,
Дардими олғил дедим.
Ёлғизлик жоннан ўтди,
Минг йилки, ёлғиз эдим.

Ой қўнсин-а бошинга,
Кун қўнсин-а бошинга.
Дилдан бир гул унар-эй,
Суворайин ёшинга.

Сувдан келсанг силқиб кел,
Сув бетида қалқиб кел.
Икки дарё ораси
Қароғингда балқиб, кел.

Рўмолинг ёв олмасин,
Йўлингга ғов бўлмасин.
Кундуз келма, тунда кел,
Тағи биров билмасин.

Ўйнатайин ўзингди,
Қувнатайин кўзингди.
Ўзинг келиб, ўзинг ол
Ғамини ранги бўзингди.

Қирдан, ўрдан ҳатлаб кел,
Ҳар изингди ҳатлаб кел.
Четлаб кел-а ғанимди,
Биргина бизди бетлаб кел.

Гула кел, гул бўла кел,
Сир айтиб булбула, кел.
Арзанг уйқумди бузсин,
Кангулга гулгула, кел.

Алдасалар...

Алдасалар, ишонмасалар,
Аламларинг кўздан тўкилгай.

Авлиёлар англаб етмаган
Оламларинг кўздан тўкилгай.

Бу дунёга илк ва охириги
Қадамларинг кўздан тўкилгай.

Сени суйган ҳамда сен суйган
Одамларинг кўздан тўкилгай.

Алдасалар...
Ишонмасалар...

Не тилай?

Осмонга устун тилайму,
Шоҳга адолатму тилай?

Ошпичоққа қин тилайму,
Кулга шафоатму тилай?

Ҳовузга тилайму қопқоқ,
Бойга мурувватму тилай?

Кўрпага енг тилайму, ё
Йўқсилга давлатму тилай?..

Кўкламда

Олманинг ҳар гули қўнғироқ бўлгай,
Боғлар уйғонади тонгда аксириб.
Шу кунга-да етдик паймона тўлмай,
Энди пардаларни суриг, тақсириг.

Суриг пардаларни, дарчалар кулсин,
Гулбахор қутласин тор хоналарни.
Офтобда тоблайлик, тақсириг, бир зум
Бу зах тортиб кетган паймоналарни.

* * *

Мен сенинг ёқангдан олганим йўқ-ку,
Сен нега худога ишонмайсан деб,
Турлик шиорлару ёлғонлар тўқиб,
Бу ёшмас, бу асли абри найсон деб.

Бу ёшмас, бу асли абри найсон деб,
Турлик шиорлару ёлғонлар тўқиб,
Сен нега худога ишонмайсан деб,
Мен сенинг ёқангдан олганим йўқ-ку...

Яхё ТОҒА — 1958 йил Тошкент вилояти Ғалаба туманидаги Кўрғонча қишлоғида туғилган. ССЖИ Езувчилар уюшмасининг аъзоси. «Кўклам қалдирғочлари», «Қафасдаги бургут» китобларининг муаллифи. Ҳозир Москвадаги М. Горький номли Олий Адабиёт институтида ўқияпти.

Кўшма ёшмас деб, бу асли абри найсон деб.

Бир гулнинг япроғи

узилди:

Кўрдим.

Титрадим,

бандининг титроғи тинди.


Шамолдан ўтиндим:

Баргимни бергин.


Шамол жавоб айтди:

Кўрмасан энди.

Темурнинг камони



Бойқаронинг камони



Машраб ғазалига мухаммас

Ошиқлар ичра ягона бўлдим,
 Куйдим ўтингда — сўзона бўлдим,
 Изладим, йўлга равона бўлдим,
 Кўрдим юзунгни — девона бўлдим,
 Ақлу ҳушимдин бегона бўлдим.

Энди бу жоним ҳар дам кўйингда,
 Бўлғайдур оташ муз ҳам кўйингда,
 Тирноқча эрмас юз ғам кўйингда,
 Тортиб жафони ўлсам кўйингда,
 Қайтмасман ҳаргиз — мардона бўлдим.

Битмади найлай растаи молам,
 Умр ўтди кетди — хастаи золам,
 Улик замонга етмади нолам,
 Бўлиб жаҳонда расвои олам,
 Яхши-ямонга афсона бўлдим.

Кечмиш жавоби ёдимга келмас,
 Руҳнинг азоби ёдимга келмас,
 Қаҳҳор ғазоби ёдимга келмас,
 Кавсар шароби ёдимга келмас,
 Лаъли лабингдин мастона бўлдим.

Ўтди бу умрим минг бир элакдин,
 Ўтмоқда ханжар сопи куракдин,
 Оҳ дедим, оздим, бездим фалакдин,
 Юмдум кўзимни сендин бўлакдин,
 Кечдим баридин, риндона бўлдим.

Ағёра эсмиш, баски, шамолнинг,
 Топғайму камол наслу ниҳолнинг?
 Ситамму асли касбу аъмолнинг?
 Кўрдум тушумда шамъи жамолнинг,
 Чарх уриб ондин, парвона бўлдим.

Жонимни бердим ул гум денгизга,
 Сигмади дардим, кўмдум денгизга,
 Ман ошинолар бўлдум денгизга,
 Бир қатра эрдим, чўмдум денгизга,
 Кирдим садафга, дурдона бўлдим.

Елкангда куйган кокила соч чўғ,
 Манглайим шудгор қилган омоч чўғ,
 Ёнмишдир ислом, бутхона, хоч чўғ,
 Куйдурмаса ўт бўлмас яғоч чўғ,
 Ишқ ўти бирлан ҳамхона бўлдим.

Кўрдим илонлар меҳроб ичинда,
 Ўтди ҳаёт минг гумроҳ ичинда,
 Шайтондан-да гоҳ шумроқ ичинда,
 Бўлдим фано мен туфроқ ичинда,
 Бир дона эрдим минг дона бўлдим.

Дунё ичинда ҳар неки мавжуд,
 Ишқим қошинда қолмади собит,
 Синди қилчлар, йиртилди совут,
 Ул юз ўтида буд бўлди нобуд,
 Жон жонга кирди, жонона бўлдим.

Доим нишон бир оламда, минг тийр,
 Жабру ситамга ҳотамда минг тийр,
 Отинг сурунса, ҳамдамда минг тийр,
 Тегди кўзингдин ҳар дамда минг тийр,
 Аввал эдим дашт, гулхона бўлдим.

Бўлдим-у сайёд, сордин жудоман,
 Айладим фарёд, ордин жудоман,
 Бунда мен наҳот бордин жудоман,
 Бир неча йилдур ёрдин жудоман,
 Билмай ўзумни ҳайрона бўлдим.

Лочин йиқилса қаргалар баравж,
 Ғам қадами тез, қувонч келур ланж,
 Ошиқ элига буюргани ранж,
 Куймас дедилар маъмураи ганж,
 Обод эдим мен, вайрона бўлдим.

Бўлдим жигархун майхона ичра,
 Кўнглим киби тун майхона ичра,
 Яҳё-да Мажнун майхона ичра,
 Машрабга май сун майхона ичра,
 Кечдим баридин, риндона бўлдим.

I-кўриниш

Шинам сўри ёнига йўл-йўлакай гаплашганча кекса мударрис Шой билан тийрак болакай — кичик шаҳзода Мўмин Мирзо келишади.

Бобораҳим Омон

ШОИЙ. Эмди, шаҳзодам, «Тарихи Абомуслим»ни такрор қилурмиз — қани, унутмадингизмукин?

МЎМИН. О, наинким унутмак — мен ани Паҳлавон бобога айтуб, олқиш ҳам олдим!

Шой (ўтиришгач). Ҳазрат Паҳлавон кўп закий кишидур. Андоғ эрса, қани, бизга-да айнан ул зотиға айтқонингиздек баён этинг-чи.

МЎМИН. Хўп бўлур. Ул замонлар арабда алавийлар, уммавийлар ва аббосийлар аталмиш уч гуруҳ мавжуд бўлуб, халифалик тахти уммавийларда эрди. Оз нуфузли бўлмуш алавийлар ўз тирикчиликлари ила машғул ва халифалик — бошқарув ишларига аралашмас эрдилар.

Аббосийлар эрса мудом тахт эгалламак пайинда юришса-да, аммо кўп сонли ва жангари уммавийлардин ани олурга имконсиз эрдилар.

ШОИЙ. Ҳм, сўнги не бўлибдур?

МЎМИН. Тўқсон йил халифалик қилгон уммавийлар жабр-зулмни беадад ошируб, наинким араб бўлмагон улуснинг, балким минглаб араб хонадонларининг-да ёстуқларин қуритгонлар. Хусусан, алардин бири — қонхўр жаллодлиги-ла ном қозонмуш Ҳажжож ибн Юсуф йигирма йил халифалик қилгондур. Ондин аввал ҳам, кейин ҳам ҳеч бир ҳукмдор халққа ул ёвуздек зулм ўтказмагондур. Ривоят борким, Ҳажжож ўз қўли бирла юз йигирма минг кишини ўлдуртиргон эркан.

ШОИЙ. Хўп, ул жазои ноҳаққа мустаҳиқ бўлмуш шўрликлар кимлардур?

МЎМИН. Алар ўз юртларин ҳимоя этқонлар, гаровға олунгонлар, солуқ тўлай олмагонлардур. Жумладин, бизнинг хуросонлик аждодларимиз ҳам.

ШОИЙ. Хўп, бул бедодликлар охир қандоғ хотима топибдур?

МЎМИН. Аббосийлар сардори ўз улусиндин уммавийларга бас келадурғон куч топмағач, донийларин бизнинг Хуросон сори йиборур. Аларнинг бунда йиққон тарафдорларига Абомуслим бош бўлур ва тadbир ҳам жасорат туфайлидин шуҳрат қозонғон ул зот катта лашкарга эга бўлгач, олти юз мингдин ортуқ арабни маҳв этуб Хуросонни озод қилур.

ШОИЙ. Абомуслим ўзи қандоғ киши эрди?

МЎМИН (бурро). Абомуслим ёши ўн тўққузда, баҳодур келбатли, саховатпеша йигит эрди. Авойили онинг ўзи ҳам қул бўлуб, уммавийлар жабрини ортуқ торгон ва кўп яқинларидин жудо бўлгон ситаидийда эрди. Шу важдинким, мудом мотам либосин — яъни қаро кийюб юрур ва жанг асносидан ўзга пайт ҳеч қулмас эрди. Ул...

Ов кийими кийган, Ҳусайний киради. Устоз-шогирд туриб таъзим этишади.

ҲУСАЙНИЙ. Узр, маҳдум, сабогингизни бўлдик.

ШОИЙ (қўли кўксига). Асло, шоҳим, Сизнинг олий ташрифингиз бизлар-чун буюк илтифотдур.

ҲУСАЙНИЙ (Мўминни кўрсатиб). Нечук, шогирдингиз — кичик шаҳзоданинг идрок-иштиёқи сизни қониқтиурми?

ШОИЙ. Ваоллох, кўз тегмасун, шоҳим, камина неча шаҳзодаю олий зотларга таҳсил бериб, ҳаргиз бундоғ фарзанди донони кўрмагон эрдим. Худо хоҳласа, онинг камоли Сизни бениҳоя мамнун этгусидур!

ҲУСАЙНИЙ. Ҳай-ҳай, бул муболағангизни шаҳзодамиз чин олиб, кибр отун ҳаволатмасун эмди.

ШОИЙ (Мўминнинг елкасига қўлини қўйиб). Асло, шоҳим. Узингиз имтиҳон этиб-да бул фирузбахтнинг идроку қувваи ҳофизасига тан бермагингиз мумкиндур. Камина таълим берурда мудом ўз рўбарўмда бола эрмас, улғайган кимсани тасаввур этурмен.

ҲУСАЙНИЙ (набирасига синовчан тикилиб). Биз ҳали бунни синаб кўрурмиз. (Мўминга) Сиз бунга атонгизни чорланг-чи.

Мўмин «Хўп бўлур» дея югуриб кетади.

Навой
Дирра
Ҳусайний

Икки пардали драма

Ҳассос олим, фидойи навойшунос Ҳамид Сулаймон ҳамда саҳнада Навой тимсолининг беназир ижрочиси — Олим Ҳужаларнинг ёрқин хотираларига бағишланади.

Муаллиф

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Навой
Ҳусайний — шоҳ (Ҳусайн Бойқаро)
Афзал — бош вазир
Бадиуззамон — шаҳзода
Мўмин Мирзо — Бадиуззамоннинг ўғли
Шой — мударрис
Гулруҳсор — малика
Султонали — хаттот
Бобо Али — эшик оға
Маждиддин — вазир
Соний — вазир
Морбоз — соқчибоши
Тарлонбек — саркарда
Чори — навкар
Абдумалик — чопар
Талабалар, канизак ва мүлозимлар

Маҳдум, не толеким, айни валиаҳдимизнинг дилбанди шундоғ фазилатлар намоён этур. Онга сиз мумкин қадар фозиллик ва комиллик сабоғин бергайсиз, токим салтанатимизнинг бўлғуси тождори айни рисоладагидек бўлғай.

ШОИЙ. Шоҳим, бул фақирнинг-да ёлғуз муроди шулдур — иншоолло бори айтқонингиз бекаму кўст ато бўлғусидур!
ХУСАЙНИЙ (мамнун). Биз сизнинг ранжида хизматингизни муносиб баҳолағумиздур. Эмди сизга рухсат.

Мударрис куллуқ қилғач, чиқади. Шоҳ хонтахта устидати китобни кўра бошлаганда Бадмуззамон билан Мўмин киришади.

БАДИУЗЗАМОН. Бузрукворимиз бизни истабдурлар?..
ХУСАЙНИЙ (китобни ёлиб). Ҳа. Сўрмакчи эрдим, кичик Мирзонинг таълим сулукидин воқифмусиз, деб.

БАДИУЗЗАМОН (Мўминга синчков тикилиб). Ҳар нечук умед борким, танбеҳга сазовор бўлмағай деб.

ХУСАЙНИЙ (бироз юраркан, Бадмуззамонга). Улуғ бобомиз Абулмансур Темурбек тақдирин мушоҳада этингиз: невчун ул фотиҳи жаҳон, беҳисоб лашкару валиаҳд фарзандлар бўлатуруб, бул фоний дунёни тарк этғони баробаринда оилаю салтанати ҳам паторатга юз тутғондур?

БАДИУЗЗАМОН (отасининг мударрисини унча тушунмай). Шу ваҳдиним, онинг эътимодли вазирини — яъни беҳудуд салтанатининг кўз-кулоғи бўлмиш шайх Нажмиддин риёкор эркон — ўшал нобакор барча кўрнамак — ҳиёнаткорларни шул қабоҳатга бошлагондур.

ХУСАЙНИЙ (тасдиқлаб). Ҳа, ул беқибат улуг жаҳонгирга ҳурмат кўрсатиб, васиятин тугал адо этмак ўрнига мунофиқлик йўлини тутуб, номақбул ишларни қилғондур... (Таъкидлаб.) Хўп, минбаъд ҳукмдор шул киби муртадларни ўзига яқин тутмаслик чун не йўсун иш тутса бўлур?

БАДИУЗЗАМОН (бир оз ўйлагач). Албатта... бул жаҳадада биз сизнинг тажриба ва пандларингизга сўянурмиз, қиблагоҳ.

ХУСАЙНИЙ. Андоғ эрса тинглангиз, башартики кўкда булут турса, билмассизким, андин ёғин келурми ёхуд шунчаки соя. Аксинча — офтоб эрса-чи?

МЎМИН. Шақсиз, андин ҳарорат била рўшнолик келур!
ХУСАЙНИЙ. Офарин, Мадомики шундоғ эркон, ҳар бир соҳиби тахт ўзуни мажбул булутга эрмас, нурафшон ҳуршида буйламаги дурустдур.

БАДИУЗЗАМОН. Бузруквор, ошкорроқ баён этсангиз, токим биз... пандингизни дил қатиға мустаъмал жо айласак.
ХУСАЙНИЙ. Уқуб олингим, абр-булутлар беимон Нажмиддин кибилар эрса, офтобу зиёваҳш — Низомиддин Алишер эрур!

БАДИУЗЗАМОН. Бағоят тўғри таъриф этурсиз, онҳазрат, Муҳтарам Навоийнинг дилларида мудом адолат ва эзгулик нурлари барқ урур!

ХУСАЙНИЙ. Хулосаи калом ушбуким, қачонки салтанат ихтиёри илқингизга ўтур — сизнинг-да ўз хос Алишерингиз бўлмаги жоиздур.

БАДИУЗЗАМОН (бош чайқаб). О, бузруквор, бул борада толеё офтоби ёлғуз Сизгагина таважжух этғондур. Мавлоно Датлатшоҳ зикр этқонларидек:

**Ломакондин то зуҳр ўлғунча ул зоти комил,
Бас, замонлар айланиб, келгайдур ўзга замон.**

Сиздин олдин-ку андоғини даврон билмабдур ва тағи-да қачондур кўрмаги ҳам маълум эрмас!

ХУСАЙНИЙ (бироз юраркан, мақтаганнамо бош тебратиб). Ҳм, магар атоингиз Хусайн султон бўлмас эрди, анда Алишер ҳам бул кунги Навоий бўлмасму эрди... Биздин олдин мустабид Абу Саид онинг шоиру фозил тағойиларин қатл эттуруб, ўзуни қувғин қилиб эрди... Ниҳол ҳар неча ноёб ўлмасун, башарти зарур заминю парварши йўқ эрса, камол ўрнига завол топқусидур.

Мўминнинг ёлкасига қўлини қўйиб, уқтиради.

Биз хатна тўйларинда шахзодаимизга дорулфатҳ Астробод валийлигин ваъда этқонмиз. Сиз эрса ато сифатинда бул қароғимизга мужассам ва мусаллам сабоқлар бермагингиз фарз бўлур.

БАДИУЗЗАМОН (қўли кўксига). Иншоолло, онҳазрат, бул давлатингиз биз-чун қатъи дастуруламал бўлғусидур!

ХУСАЙНИЙ. Биз очна мударрис сайру шикор азиматиға туш-

қонмиз. Сафар оллидин иккингиизга баъзи ақидаларимизни баён этдук. Эмди отлангиз, бизни кузатиб қўйюрсиз.

Бирга чиқишади.

2-кўришиш

Навоий бир нуқтага тикилганча қўлидаги тенбурни чертиб-чертиб ўтиради. Бир оздан кейин сазни қўйиб, ёзувга берилади. Шу асно мактуб олиб мулозим қиради.

МУЛОЗИМ. Тақсир, Жомий ҳазратларидин чопар! (Мактубни беради). Ул кишининг номларидин мавлоно Али Сафий йиборидур.

НАВОИЙ (мактубни олиб очаркан, мамнун). Сизга рухсат.

Мулозим чиқади. Навоий мактубни ўқийди:

«Ҳамд ангоким, олис сафар ниҳоясида Эшон ҳазратларин сихатлари бомаромдур ва таъби руҳлари масрурдур. Сизга устознинг дуои саломлари ила янги битилмиш бир манзумасини ҳамда ул зоти шарифнинг камина эшитқон заҳоти рақам этуб турғон зарофатгўйликларидин бир нечасини ҳавола этмақдаман, токим тенгрим бизга иноят этқон завқдин Сиз ҳам бенасиб қолмағайсиз дебон фируз бахт Сафий».

Навоий итоат билан Жомий ғазалини ўқий бошлаганда, Афзал қиради ва ўзини сездирмай, тинглайди.

**Раҳна солдинг дилга жон бер деб мани девонани,
Не ажаб, дунё пайдин ўғри тешгай хонани.**

**Меҳри холин донасини дилга солма, эй рақиб,
Эзмагил беҳуда ҳаргиз қора тошга донани.**

**Бас қил, эй машшота, мушқун кокулида қолмади,
Бўлди дил дилга тугун ўйнатганингда шонани.**

**Кўйдин кўз узмаюн чангал солурмен кўксима,
Дарча очғум — сийнадин кўрсун ахир вайронани.**

**Оқибат бегона бўлғум, сендин, эй ёр, не қилай,
Қадр этурсен дўсти ёрдин юз қарат бегонани.**

**Ишқга ўхшашлик тақозо, ким буни инкор этур,
Шамға боқким, ёндирур ўзи киби парвонани.**

**Жомий, ҳушдин кетди, агёро, ул санамдин кам гапур,
Кўзларин юммуш эмди, қисқа қил афсонани!**

Афзал томоқ қиради. Навоий қарағач, саломлашиб-кўришади.

НАВОИЙ (мамнун). Зап қутлуғ дамда келдунгиз-да. Мулла Афзал, айни ташрифингиз арафаси Жомий ҳазратларидин мактуб олуб эрдук. Устознинг зукко мусоҳибларидин Али Сафий йиборғон мутойиба-зарофат гўйликлардин сиз ҳам бахраманд бўлурсиз. (Ўқийди).

«Қачонким биз Боғдод шаҳрига етушғонимизда пиёр Жамол Ироқий ўз муридлари ила ҳазрат ҳузурлариға келдулар. Ул зот гавдадор, овози гулдурак киши бўлуб, ўз жонибинда эътиборли шайхлардин эркон ва бизнинг устозга эътимоди бағоят баланд эркон. Ғалатким, онинг ва муридларин либослари боштин аёқ туя жунидин қилинғон эрди. Ва бу ҳол назардин четда қолмади — яъни шайх ҳазратни кўришлари ила:

— Шукрим, оллоҳ жамолуни кўрдук, — дебон лутф этғон эрди, устоз ҳам аларға қарабон:

— Биз ҳам оллоҳ жамолини, хусусан, оллоҳ туяларини кўргондек бўлдук, — дедулар».

Навоий мутойибадан кулганча, Афзалга қарайди. Лекин унинг юзида паршонлик ва безовталиқ кўриб, жиддийлашади.

— Сизга не бўлду, мавлоно, ёким бетобмусиз?!
АФЗАЛ (ўзини тутиб). Йўқ, Мирим, саломатмен... билурмен, вале илк дафъа бундаюн нотинч кўрурмен.
АФЗАЛ (огир бош ирғаб). Ҳа, Мирим...

НАВОИЙ. Боиси недур?..

АФЗАЛ (лаб тишлаб чуқур нафас олгач, изтироб билан). Гарчанд ўзумда Сизнинг зиёбахш дийдорингизни кўриш, шириндин ширин суҳбатингиздин баҳра олуш матлуби не чандон бўлмасун, бундаюн келуб... шодумонлиғ дамларингизда дилингизга ғам-андух солмагон бўлур эрдум...

НАВОИЙ (сабрсиз). Хўп, анда... баён этингиз — не мушкулот сизни бу янглиғ безовта қилур?!

АФЗАЛ (оғир тин олиб). Малика Гулрухсор... вафот этди-лар...

НАВОИЙ (эшитганига ишонмай). Е пирай?.. Қачон?!

АФЗАЛ. Шу кеча, тун оғишида...

НАВОИЙ. Во дариг?!.. (Юзига фотиҳа тортгач, ўкинч билан). Илму одобда қандоғ баркамол, ҳусну латофатда қандоғ беназир эрди... (Соқолини тутамлаб бош чайқайди). Нафис ашъорлар битғувчи эрди... Эсизким, бевақт завол топмишдур!..

АФЗАЛ (уф тортиб). Ҳа, ажали бедавонинг энг бемаъни қилмиши шулким, ўз хуружиди адашмагон они кам: мудом неча-неча улуснинг жонига этқувчи заҳарниш тиканлар қолиб, мана шундоғ маъсума — ёруғ оламга файзу кўрк бўлғувчи гулларни ҳазон этур!

НАВОИЙ (ҳамон ўзини босолмай). Ахир, табиб Малҳамий, касалик авж палласидин ўтди, иншоолло, малика эмди соғайишга юз тутур, дебон шохни хотиржам қилгон эрди-ку?!

АФЗАЛ (тасдиқлаб). Шундоғ. Вале надоматлар бўлғайким, орага ёвузлар аралашибдур — табибнинг дармон доруси аламаштирилуб қўюлмуш, малика заҳарланибдур...

НАВОИЙ. О, бадкор ёвузлар! Эсиз увол кетмиш жон!..

Бир оз танаффус.

Шоҳга хабар кетдимур?

АФЗАЛ (бош чайқаб). Йўқ — бунга ҳеч кимнинг журъати етмас.

Навоий таажжубланиб қарагач, изоҳ беради.

Шаҳаншоҳ сафар оллидин маликага атаб катта сарв остинда хос кўшк ясауб, дедиларки, ким онинг соғайиш мурдасин еткурса шоҳона инъом — от бида тўн олур, башартики нохуш хабар еткурса, тили кесилур ва боз устига ўзи ҳам отсиз қолур деб...

Сарой мулозими киради. Унинг кўриниши бесаранжом, талвасали.

МУЛОЗИМ (Афзалга). Тақсир!.. (Гапиролмайди).

АФЗАЛ (хавф сезиб). Сўзлангиз.

МУЛОЗИМ. Табиб — Малҳамий... ўзини осибдур...

АФЗАЛ (сесканиб). А? Қ-қачон?!

МУЛОЗИМ. Сиз бу ёнга ташриф буюргач, саройга амир Зулунбек келуб, малика ҳолотун билмай чун табибни йўқлаттирди. Мен борсам, табиб недандур жуда дилгир эрди. Ким чорлаётгонин эшитуб, таги-да безовта бўлди. Сўнг ёнларидин ушбун олуб сизга етказувимни ўтиндилар. (Хатни беради). Кейин менга андак сабр этмакни тайинлаб, бир хонага киргонча ҳаяллаб қолдулар. Мен ул кишини шошилтургали борсам... не кўз ила кўрайким, жон жасадни тарк этгон эркон...

АФЗАЛ (ўзини қўлга олиб). Сизга рухсат.

Мулозим кетади.

НАВОИЙ. Қани, ул шўрликнинг номасун ўқунгиз-чи.

АФЗАЛ (титроқ овоз билан ўқийди).

«Аллома вазир жаноблари

Башартиким маликам шикаста дарддин фориг ўлғонида каминага беадад илтифотлар насиб этғуси эрди. Вале, надоматким, яратгонга акси маъкул келиб, маъсума фаришгани ўз даргоҳига чорлабдур...

Бул жонибдин... камина-да сўнг йўл сори равона бўлурға азм этдум. Зеро воқеа тез султонга маълум ўлғач, онинг қаҳри жунбушга келиб, бамисли аждаҳодек кўпларни ўз домига тортур. Фақир шул талотўпда сўйилмакни истамадин — токим тупроққа қоним жисмдин айру кирмағай, деб адои Малҳамий».

НАВОИЙ (афғон чекиб). Ҳей аттанг!.. Шундоғ одамижон табиб, ҳар куни неча дардмандларга нажот бўлғувчи киши... шошибдур!..

АФЗАЛ. Ҳм... лоақал ул қаттол Зулунбек келмастин тургонда-да бечора менинг жавобимни кутур эрди...

НАВОИЙ. Зулунбекнинг бул фожиага не дахли бордур?

АФЗАЛ. Шаҳаншоҳ они маликани давлатмак-парварилламак борасига мутасадди таюнлаб эрдулар... (Ўқиниб). Тольи бебахтни кўрингким, ул боринда жамъи иш ўрнуда эрди — кеча маликанинг сихатин айтиб, шохдин инъом олгон, бул кун қайтуб келса бундоғ ҳол... (Бошини чангаллаганча). Бунда яна бизнинг шўришимиз. Негаким, султонимиз, эҳтимол аввал боргон чопарга шафқат қилмаги мумкиндиру вале эмди кангуллари тамом таскин топуб, хотиржам бўлгонда ким бормасун безиён қайтмас... Хуллас, аросатда қолгонмиз — шул борада бирор йўруқ берингиз, Мирим.

НАВОИЙ (индамай бироз ўйлағач, қоғозга хат ёзиб узатаркан, таъкидлайди). Сиз чопарлар сирасидин энг тадбиркор ва хушмуховарасун топуб, мазкур мисрани ёд эттуринг, токим ул султонга равон баён этсун:

Ул сарвнинг соясинда сўлди гул, нетмоқ керак!

Башарти чопар ушбун рисоладагидек айтуб бера олса, мен шохнинг одатин яхши билурмен — ашъор айтқон кимсани ҳеч вақт жазога дучор эттурмас, билъакс, анго шойистарақ жавоб айлашга тутинур.

АФЗАЛ. Бор, шундоғ чопар бордур. Бул вазифани чопар Абдумалик, айти Сиз тайинлаётгонингиздек, ўринлата олур.

НАВОИЙ. Унда Абдумаликка айтунгким, мен онинг сафарин безиён кечувига қафилдурмен.

АФЗАЛ. Иншоолло айтқонингиз келғай, Мирим.

Чиқади.

3-кўриниш

Ҳусайний вазирлари Маждиддин, Соний, саркарда Тарлонбек ва соқчи боши Морбоз билан сайхонликда майхўрлик қилмоқда. Даврадошлар вақтихушликдан арзмаган нарсадан ҳам қулги чиқаришиб, хоҳлашадилар. Шоҳ ўзи ичиб бўлғач, улфатларининг навбати билан жом сипқоришини кузатади, гоҳо луқма ташлаб туради.

ҲУСАЙНИЙ (барча ичиб бўлғач). Ҳей, тинглангиз!

Улфатлар дарҳол жим бўлишгач, шеър айтади.

Элға ким хўршид тоби заррани пайдо қилур,
Ғунча оғзинг сиррини ҳам гул юзинг гўё қилур.

Зеб этур кўк сабзаси бирла қуёш рухсорини,
Котиби қудратки, хаттинг нусхасин иншо қилур.

Бор эркон ошиқга меҳнат ўқларин ёғдурғали,
Улки мужгонинг қилиб новак, қошингни ё қилур.

Истади жону кангул нақдини ваҳ суд айларам,
Ғар лабидин бўсае ул нақд ила савдо қилур.

Ҳажр зулмун кўрки, сабр айлай десам, айлар ҳалок,
Айласам бесабрлиқ олам аро расво қилур.

Меним аҳволум кўруб ибрат олунг, эй аҳли ишқ,
Кимки бир бадмеҳр ишқиди ўзун шайдо қилур.

Эй Ҳусайний, чун ул ўтлуқ чехрадин олсам назар,
Кўзларимга дарди ҳижрон кочидин ўт чоқилур.

Шоҳ ғазални тугатиб, шароб симиради. Улфатлари эса бир-бирига гал беришмай мадху санага ўтшади:

— Э, яшанг, шоҳим, жовидон яшангиз!!

— Тасанно, олампадох, сиз назмда-да мумтоздурсиз!!

— Бундаюн аъло ашъорни камина умри бино бўлубки, ҳаргиз эшитмагон эрди, офарин, минг офарин!!

МАЖДИДДИН (салмоқлаб). Шоҳим, сизнинг бундаюн комил суҳанлигингизга наинким биз, ҳатто шоири замон Навоий-да тан бериб қуллуқ қилса арзийдур! Зероки, онинг энг

сара назмлари ҳам сизнинг бул ашъорингиз оллида хийра тортуб, бивайних...

ҲУСАЙНИЙ (хушомадларни илжайган кўйи эшитишдан тўхтаб, эътироз билдиради). Ҳай-ҳай, шоир Навоийни бундаюн баҳоламангиз — ҳар не муболағада-да ҳад бўлмаги жоиздур.

Улфатлар қизгин эътироз билдира бошлайдилар:

— Биз зинҳор муболаға этмадик, олампаҳо!
— Филҳақиқат рост — назмда-да сизга тараф йўқтур!
— Бул таърифда — яъниким биз эшутмак шарафига ноил ўлғонимиз сизнинг беназир ғазалингиз Навоийнинг айтқонларидин аъло ва...

ҲУСАЙНИЙ (уларни босиб). Ҳей, сизлар ҳозир каминани шоирлик рутбасинда ҳатто Навоийдин-да ошируб мадҳ этурсиз. (Маъноли бош чайқаб). Вале бунинг-ла менда ўзларингизга марҳамат эрмас, балким ҳайрат ҳисларин пайдо қилурсиз. Зеро камина ўзга бобларда қандоғлигим билмасмен-у, вале назмда не нав иқтидор касб этғоним яхши билурмен.

Улфатлар яна ким ўзарга тушишади:

— Бале! Сизнинг назмда камол-иқтидорингиз беададдур!
— Одам атодин то шу кунгачаюн умргузаронлик этмуш шуаро ичра ҳам мумтозу яғонадурсиз!!

ҲУСАЙНИЙ (ранжиганнамо). Эҳ, сиз аркони давлат... шеър ўқумасиз, шул боиски пўчоқ ила мағизнинг тафовутин ажратолмасиз!.. Қани, менга айтингиз-чи, сизлар Навоийдин бирор байт билурмусиз?

Улфатлар жавоб беришолмай, кўзларини яширишгач, шоҳ ўзи завқ билан шарҳ этади.

Эҳ, анинг нашъу намосини нега тенг деса бўлур! Дилин — ғам-ташвишдин форуғ этуб, бамисли яшартирур!

**Ул париваш ҳурнинг мен телбадек шайдоси чўх,
Не ажаб гар тўлса олам мулкида ғавғоси чўх.**

**Эй кангул, мумкин эмастур васли невчун ким эрур
Сабру ҳушум озу онинг нозу истиғноси чўх.**

**Мен гадо найлаб сочи мушки харидори бўлай,
Ким эрур шаҳлар димоғида анинг савдоси чўх...**

**Лаълидин ком истарам, не чора етса канглума
Кипригининг найзасидин захм ила ийзоси чўх.**

**Бас баҳодирваш эрур, лекин мулоим ҳам эрур,
Ким Навоий канглуға тушмиш анинг ваввоси чўх.**

Шоҳ улфатларига қараркан, уларнинг ўзи кутганчалик таъсирланиш ўринга, сассиз-ноқулай вазиятда ўтиришганларини кўриб энсаси кетади ва дашном беришга тушади:

Ҳей, сиз бечоралар... бунингдек шавқдин мудом бенасибдурсиз — на тонг отмаги фараҳин билурсиз ва на-да тўлун ой тароватин. Сизлар чун алафдин гулнинг ва зоғдин булбулнинг фарқи йўқтур. Сизнинг энг юксак севинчингиз ногаҳ олтун тўлуқ ҳамён топуб олғонда яким эрса ялтоқ-хушомадингиз чун мендин садақа-илтифот кўрғонда барқ урғай, холос! (Ғуноҳ устида кўлга тушгандек ноқулай аҳволда қолган улфатларини яна бир кўздан кечирган, ўсмоқчилаб сўрайди). Қани, эмди бир рост сўзлангиз-чи, ушбу айтқонларим ҳақиқатму йўқ?! (Улфатлардан садо бўлмагач, овозини анча кўтарди). Эй, мум тишлагонлар, бийронлигингиз қаён кетмуш — мен ўз суолимға жавоб истармен!

МАҲДИДДИН (тилғламлиқ қилиб). Шоҳим, сиз доимо ва фақат ҳақ сўзлар айтурсиз.

СОНИЙ. Ҳа, олампаҳо, бунга асло шак йўқтур.

ҲУСАЙНИЙ (юмшаб). Ундоғ эрса уқуб олингиз: магарким мен салтанат шоҳи эрсам, Навоий — шеър мулкнинг султони-дур. Сизлар... эмди... назм дурларин тизмакни-ку эпломмасиз, лоақал ани эшутғон ёким ўйғонда баҳра олмакни билдингиз-чи.

МОРБОЗ. Бул ўғитингиз бош устига, шоҳим, аини сиз айт-

қондек иш тутмак бизчун фарзу вожиб дурур!

ТАРЛОНБЕК. Аини шундоғ бўлур, давлатпаҳо!

ҲУСАЙНИЙ (атрофга ишора этаркан). Мана, биз айёми Наврўз гаштин сурурмиз. Бул хислат одамға хосдур. Яъниким, кечмуш йил манзилин янгиси олмаги киши канглуда ажиб ҳислар пайдо қилур. Эмди шул ўзгармушларни шоир тавсиф этса — бул бамисли узукка кўюлмуш кўз янглиғ тағи-да мажозиб бўлғай!

СОНИЙ. Филҳақиқат рост, аини шундоғ бўлур!

ҲУСАЙНИЙ. Камина ҳар кўклам Адиб Собир Термизий ҳазратларин камоли завқ-ла ёдға олурмен. Боисики, Хуросон шуаросин сардафари бўлмуш ул зотнинг бундин уч юз йил муқаддам айтқон таърифлари ҳар галги Наврўз ташрифинда — бамисли баҳор такрор гул очғони киби ўз тароватин янгидин манзур этур:

**Боғу сахрода кўруб
наврўзи олам нашъасин
Жону дил шайдойи хусни
боғу сахро бўлдулар.
Борди ҳутнинг ортидин —
етди ҳамалга офитоб,
Дашт аро навраста шоҳу
барг пайдо бўлдулар.
Ҳар кангулни боғ ила
бўстон ҳавоси маст этур,
Бул ҳаводин қумри, булбул
масту гўё бўлдулар.
Бўлмаса соқий булут, май
бўлмаса ёмғур магар,
Лопалар нечун қадаҳ
янглиғ мусаффо бўлдулар!!**

(Кўлига қадаҳ олиб). Қани, эмди шул мусаффо қадаҳларда лолагун майдин сипқорайлик, токим омонлик ва шодумонлик мудом йўлдошимиз бўлғай!! (Май куйилади).

ТАРЛОНБЕК. О, офарин шоҳим, минг офарин! Бағоят зўр лутф ирод эттунгиз!!

ҚОЛГАНЛАР:

— Бале, аини дил муддаосин баён эттунгиз!!

— Илоҳо, ушмундоқ шоҳона лутфлар тингламак бизга бир умр насиб ўлғай!!

— Шоҳимизнинг шавқлари то рўзи қиёматға қадар булоқдек жўшиб турғай!!

Ичишади. Шу асно мулозим киради.

МУЛОЗИМ. Шоҳим, саройдин чопар.

ҲУСАЙНИЙ (мўйловини артаркан). А? Чопар? Кирсун.

Мулозим чиқади. Чопар киради.

Ҳм, сўйла-чи, бизга не муждалар келтурубсен?

ЧОПАР (кироат билан).

Ул сарвнинг соясинда сўлди гул, нетмоқ керак?

ҲУСАЙНИЙ (сергақлиб). А? Не дединг — такрор эт.

ЧОПАР (бироз ҳадик олиб).

Ул сарвнинг соясинда сўлди гул нетмоқ керак?..

ҲУСАЙНИЙ (ўша оҳангда).

Сарвдин тобут ясаб, гулдин кафан этмоқ керак.

ЧОПАР. Амрингиз вожиб, шоҳим, сиз айтқонча бўлур.

Чопар тез кетади. Шоҳнинг авзойи ўзгариб, жими қолади.

МОРБОЗ (қадаҳларга май қуяркан, шоҳдаги ўзгаришни сезмай). О, тасанно тақсири олам, минг бор тасанно!! Сиз киби ҳозиржавобу нуктадон шоҳ шоиримиз борлигини бошларимиз... (Соний туртгач, шоҳга қараб бақа бўлиб қолади.) **ҲУСАЙНИЙ** (ҳеч кимга қарамай, тураркан). Зудлик ила тадорик кўрилсун — ҳозироқ боргоҳға қайтурмиз!

Шоҳ кетади. Улфатлар ҳангу манг.

МАҲДИДДИН (афсусланиб). Ҳей аттанг. Мажлисимиз ширин, шоҳнинг кайфияти ҳам аъло эрди — муҳим ишларни битириб олмоқнинг аини мавриди келғонда ов қўлдан кетди!.. **ТАРЛОНБЕК** (ғижиниб). Аммо лекин давлатдин ҳам путур

кетгонму дермон — косиби ҳам шоир, мирзоси ҳам ва ёким чопари ҳам!..

СОНИЙ (кесатиб). Сиз аларнинг шоир бўлганига эрмас, балким султониимизнинг сулуқбардори — шоири замон Навоий нафас олгон ҳаводин нафас олтуруб аксунча бўлганида ажаблансангиз дурустдур.

МАЖДИДИН (маъноли бош чайқаб). Ҳар не бўлмасун, минбаъд бизнинг-да худди Навоийдек иш тутмагимиз жоиз эркон.

МОРБОЗ (кўзи чақчайиб). А?! Чамаси сиз ул ножинсинг «Одами эрсанг демағил одами, ониким йўқ халқ ғамидин ғами!» дебон мудом бизни ҳажв ва қаҳр ўқиға нишон этишларин унутгон кўринурсиз, а?!

МАЖДИДИН. Асло! Гар имкони тополмасам, лаҳза кечиктурмасдин они бори мухлислари-ла Кўҳи Қофнинг ортиға йиборур эрдум! Бас, тағи невчун. Навоийдек иш тутмак лозим демагим боиси буким, акс ҳолда биз шоҳнинг эътибориндин буткул қолурмиз.

ТАРЛОНБЕК. Хўп, анда Навоийни мақтаб эришатургон мавқени не қилурмиз — наинки биз ҳам онингдек таркидунёчилик тариқатиға ўтсак?!

МАЖДИДИН. Йўқ, бул тадбир зоҳиран, холос. Шоҳки шуни мақбул кўрибдурму, бизнинг ҳам онинг таъби ройишиға пайравлашмакдин ўзга мақомимиз йўқтур. Башарти Навоийни ошкор ерга уратургон бўлсак, таёқ айланиб ўз бошимизға тегур эркон. Хулоса шуқим, минбаъд онинг ёзгонларин ўқуб, тилда кўкларға кўтармак, зимдин эрса чоҳға итармак самаранок бўлуркан.

Бирга маъқуллашиб чиқишади.

4-кўриниш

Сарой мотамда. Қора кийинган кишилар у ён-бу ён ўтиб туришади. Бобо Али югуриб ўтади. Йўл-йўлакай унинг «Усто, усто! Тез юрингиз, султон ҳазратлари келмакдалар!» дегани ва унга жавобан Навоийнинг «Қанилар?» дея сўрагани эшитилади. Кейин Бобо Алининг «Мана бу томондан келмакдалар, тезрак юрингиз, зеро ул кишининг важоҳатлари таҳдиднокдур!» дея шоширгани ва айни шу пайт узокдан бировининг фарёд солгани, шоҳнинг эса «А! Шафқат!!! Мана Шафқат! Мана Шафқат!» дея урган наъраси эшитилади.

БОБО АЛИ (саҳнадан ўтаркан, даҳшатга тушиб). Во аллоҳ!.. Шоҳ Шоди Дўлтойни чопуб ташлади!..

НАВОИЙ (ўтаркан). Ҳа, шоҳ саройға қилич яланғочлаб келтибур!..

Яна шовқин. Шоҳнинг «Қани ул?!» деган зуғуми ва тарақлаш овози эшитилади. Чироқ бироз ўчиб ёнади. Навоий билан Ҳусайний киришади. Ҳамон ўзини босолмаётган шоҳнинг тирсагидан тутиб келади. Унинг иккинчи қўлида эса қилич ялтиради.

ҲУСАЙНИЙ (титраб). Дўстим, бизга ўзунгизни босингиз, тинчлангиз, дерсиз. (Кўксига уриб.) Вале мен қандоғ тинчланурмен?! То мазлума маликанин ҳар тола сочи чун бир муртадинин жонин олмастин, тазаллум этмасдин қандоғ тинчланаюн, а, қандоғ?!

НАВОИЙ (вазмин). Бул ададсиз қайғунгизга бизни-да ҳамдард билгайсиз. Баногоҳ фожейи хабарни эшитуб бамисли сийнаимизга ханжар санчилгондек бўлди... Аммоқим, фожиадин бир мунча оллин воқиф бўлгонимиз ва фақат шул хусусда фикират этгонимиз боисидин фақирда баъзи андешалар борким — эътиборга молик кўрулса айтур эрдик.

ҲУСАЙНИЙ (қарамасдан). Айтингиз, неники билсангиз пинҳон тутмангиз. (Таъкидлаб.) Валекин кангул юмшоқлик ила биздин қотиллар гунаҳин тиламангиз! (Қилич ўқталиб.) Ҳали мен аларнинг бошлариға шундоғ кунларни солаймик, то етти пушлариғача унутмасунлар!!

НАВОИЙ. Албатта, қотил кимлар бўлмасун, қилмишлариға яраша жазоланмағи лозимдур. Валекин бунинг чун аввал аниқ белгиламак керакдур — акс ҳолда ҳар тўқилмуш беғунаҳ қон фожиа кўламин кенгайтирмакдин ўзга нафъ келтурмас.

ҲУСАЙНИЙ (бироз шаштидан тушиб). Хўп... не маслаҳат берурсиз?

НАВОИЙ. Аввало шулки, таомилни унутмайлик. Бунда маликани... иккинчи кунки, Сизга қаратиб турурлар — паноҳиға топшурмак лозимдур. Тоқим марҳума тағи бир кун тириклар можаросиға шерик бўлмағай. Иккинчи маслаҳат эрса — қилич

ни Сиз тутмагонингиз маъқулдур. Зеро Сиз тафтиш ила айбдорни тополсангиз бас, андин сўнг жаллод онинг жазосини ўзунгиздин-да шафқатсизрак бермағи мумкиндур.

Шоҳ индамай қиличини қинга солади. Сўнг бирпас тургач, бўшашиб, гандираклаб кетади. Навоий уни суяганча олиб чиқади. Салдан кейин маросим тиловати эшитилади.

5-Кўриниш

Вазорат. Ҳожа Афзал билан Чори навкар гаплашиб киришади.

ЧОРИ. Мен чопарни кўрмадим, ул ҳақда каминаға ҳеч гап маълум эмастур.

АФЗЛ. Ахир шоҳға хабарни еткургон ўшал-ку?!

ЧОРИ (ўтиришгач). Билмадим. Биз — хос навкарлар онча олисда эрдик. Боз устиға ов бароридин келиб, зиёфат қуюқ ва унча-мунча шароб-да нўш қилгон эрдик.

АФЗЛ. Хўп, унда қолгонлар қани, нечук биргина сиз келиб, ўзгалар ажраб қолмишлар?!

ЧОРИ. Боя дегонимдек, биз тамоми бамайлихотир гашт қилиб ўлтиурдик. Бир пайт ён бостиму ёҳуд ўзга бало кўптиму, ногаҳ «Отлангиз, зудлик ила саройға қайтурмуз!» дедилар. Отларимиз эрса олисда-боқувда эрди. Қўлларида эгар туткон маст — сархуш йигитлар аларни тўздуруб, ҳар бири ўзунинин топқунларича талай фурсат кечти. Меним отум эрса қачонки чорласам, елуб келур эрди. Шул туфайлидин тез отланиб бу пайт йўлда бўлгон шаҳаншоҳ ва аъёнлари ортидин кетдим. Йўлда дарёнинг суйи тошқон эрса-да, султон ҳазратлари тикка от солғоч, биз ҳам шул йўлни туттук. Аммоқим ул томонга ўтуб боқсам, шоҳ била мендин ўзга бирор кимса дарёдин кечолмабтур. Яъниким, бир иккисин сув олуб кетғач, қолгон бори ортлариға қайтишлар. Эмди алар то кўприқдин ўтуб, етуб келгунлариға қадар ярим кун кетур.

АФЗЛ (ўйга чўмиб). Ҳм...

ЧОРИ. Тақдир... балким сиз айтурсиз — бунда не воқея юз бермис: исёнму, босқинму — ҳанузки билолмасмен?

АФЗЛ (уф тортиб). Ҳей, алардин-да оғир мусибат — малика вафот эттилар...

ЧОРИ (сесканиб). Во дариг!.. (Юзига фотиҳа тортгач.) Шундоғ гул... хазон бўлибдур-да, а?..

АФЗЛ (боши билан тасдиқларкан). Ҳа, бир очилуб... сўнг хазон бўлди...

ЧОРИ (бироз жимликдан кейин). Эмди... бизга не йўруқ берурсиз — фақир не қилорум ҳам билолмасмен.

АФЗЛ. Ҳозир энгил-бошингизни алмаштиринг — маърака-да иштирок этурсиз.

ЧОРИ. Маъқул.

Чори кетгач, безовталиги ошиб Афзал ҳам чиқади.

Вазорат. Тун. Мулозим шам ёқиб кетади. Афзал кириб, кийимларини алмаштиради. Мулозим мактуб ва чойнак олиб киради. Афзал мактубни ўқиб турганида Абдумалик киради. Мулозим чиқади.

АБДУМАЛИК. Ассалому алайкум, тақсир.

АФЗЛ (пешвоз юраркан). Ваалайкум ассалом... (кўришиб.) Ишқилиб соғ-омонимсиз, иним? (Эшик томонга.) Бекқулбек, Мир жаноблариға чопар келди, денгиз, хотиржам бўлсунлар.

АБДУМАЛИК. Нечун ташвиш чекмак? Мен шаҳаншоҳни айтилгон ердин топдим, тайинлангон мисрани айтдим ва ул кишидин шойиста жавоб олуб қайтдим. Хуллас, мана, кўруб тургонингиздек, ҳузурингизда ҳозир нозир турурмен.

АФЗЛ (ўтиришгач, пиёлага чой қўйиб узатаркан). Пешинда султониимиз важоҳат-ла етуб келдилар. Ул кишиға гап ўқтирурға ҳеч кимсанин хадди етмасди, бир неча бечоранин шўрин қуритдилар... Мен Сизнинг-да ёш умрингизга зомин бўлдимму, дебон кўп изтиробда эрдим. Хайриятким, аждаҳо комидин беэён чиқибсиз.

Навоий киради.

АБДУМАЛИК (тавозе билан). Ассалому алайкум, тақсир. **НАВОИЙ** (кўришаркан). Ваалайкум ассалом. Қалай, сафарингиз бехатар кечдинму, йигит?

АБДУМАЛИК. Худоға шукр, бори рисоладагидек бўлди — ўзум ҳам соғ-саломатмен, ҳаттоқим бир қадар мамнунмен — зеро, камтарин хизматим-да Сиздек мўътабар зотинг олий

назарларига ноил бўлбдурман. (Таъкидлаб.) Ул Беназир мисраингизга эрса шаҳаншоҳ ҳазратлари ҳам бағоят шойиста жавоб айладилар:

**Сарвининг соясинда сўлди гул, нетмоқ керак!
Сарвдин тобут ясаб, гулдин кафан этмоқ керак.**

НАВОИЙ (тин олиб). Эҳ, даригким, боиси фожиадур. Йўқ эрса эл оғзиға тушатурғон бир шоҳ байт яралибдур-а!..

АЪЗАЛ. Вале, бир жиҳатдин шүкрким, шул ўтлуғ мисралардин яралмиш байт туфайлидин мазлума малика тақдири ҳам эл ёдида қолур.

НАВОИЙ. Хўп, биз эмди қайтурмиз. (Афзалга.) Сиз бул шеромардининг жўмардлининг муносуб сарафроз этурсиз, албатта!

АФЗАЛ. Ҳа, албатта.

НАВОИЙ (кетаётиб). Хўп, сизларга тангри ёр бўлсун.

АБДУМАЛИК. Таксир... (Навоий қарагач.) Гар маъзур тилса, фақирда бир тилак бор эрди...

НАВОИЙ. Не эркон ул?

АБДУМАЛИК. Камина Сизнинг мухлисларингиздинмен — хатотлар неки кўчиришса, кўзга суртуб ўқиюрман. Башартиким, бул мулозимингизнинг хизматин рағбатга муносуб санасангиз, бизга ўзга инъом эрмас, янги битикларингиздин ҳада этилса... андин ортуқ лутфу карам бўлмасму эрди...

НАВОИЙ (бошдан оёқ разм соларкан). Маъкул.

Абдумалик қуллуқ қилади. Сўнг Афзал билан бирга Навоийни кузатиб чиқишади.

6-кўриниш

Гира-шира қоронғулик. Узоқ-яқинда хўрозлар қичқирмоқда. Икки бор қарс овози эшитилади. Шам тутган мулозим киради. У «Буюрингиз, шоҳим» дея шамни шоҳнинг олдига қўймоқчи бўлади. Қалин тўшак устиде, ёстиққа суйанганча ўлтирган Хусайний шамни нари сураркан, «Муножот» дейди. Мулозим чиқади. Созанда-хонандалар «Муножотни бошлашади. Шоҳ шикаста овоз билан қўшиқ матлаъсини такрорлайди:

**Кеча келгумдур дебон ул сарву гулру келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча ўйқу келмади...**

Саҳна секин ёришади. Шоҳ ғазал тугагунга қадар бўйин-кўкракларини уқалаб ўтиради. «Муножот» тугагач, мулозим киради.

МУЛОЗИМ. Шоҳим, такрор айтсунларму ёким бошқа бирин...

ХУСАЙНИЙ (қарамасдан). Довот.

Мулозим чиқиб, ёзув анжомларини келтиради. Шоҳ унинг кирганини сезмасдан ўзича гапиради:

— Ҳа-а... шоир Сухайлий айтқонидек:
**Соямдин ўзга ёр йўқ кимсадин етқон кунин ғам,
Лек қоронғу тунларимга қилмағай тоқат ул ҳам...**

Мулозим ёзув аслаҳаларини бериб, чиқади. Шоҳ қоғозга бироз ёзгач, ўзича маликага мурожат этишга тушади.

Фариштам!.. Эмди сени қайдин топурман!.. Гар изинг-ла борсам висолинг тағи насиб бўлғайму?!.. Еким ул манзилда сен маъсумани беҳишт боғига олгонлар, меним беадад гунаҳларим-чун томуг ўтига дучор этурларму?!.. Наҳот, эмди сен-ла туш ёким ҳаёлотдагина розлашув қолғондур, холос?!.. (Яна кўксини чангаллаб қолади.)

Чироқ ўчади. Бироздан кейин куй чалиниб, кўкимтир нур саҳнани ёритади. Ташқарида қизларнинг шўх кулгилари ва лапар айтишлари эшитилади. Малика Гулрухсор буларни эшитмайди — у қаттиқ берилганча китобдан нусха кўчирмоқда. Канизак киради.

КАНИЗАК. Маликам, шаҳаншоҳ ҳазратлари келмақдалар. **ГУЛРУХСОР** (шошиб тураркан). А? Қанилар?..

КАНИЗАК. Ҳозир ҳузурингизда бўлғайлар.

Гулрухсор кийимларини тузатади. Канизак қоғоз-довотларни олиб чиқади. Сафар кийимидаги Хусайний кириб эшик олдида тўхтади.

ГУЛРУХСОР (таъзим этиб). Ассалому алайкум, яхши келдингизми, Бегим?

ХУСАЙНИЙ (қош учириб). А? Бегим? Нечук ҳеч «шоҳим» демасиз?

ГУЛРУХСОР. Сиз — ҳама учун шоҳсиз. Вале фуқаролар ҳолидин гаҳ оғоҳ, гаҳ нооғоҳсиз. Ёлғуз мен чун наинки шаҳ, ва яна бексиз — ҳузуримда шахликдин озод, вале андин-да беҳсиз.

ХУСАЙНИЙ (завк билан маликани кучмоқчи бўлиб). Жоним! Мен — сафарда-да мудом сенинг ёдинг-ла юрдим!..

ГУЛРУХСОР (четланиб, гинаомуз). Даъвоингиз балким ростдур. Вале нега ошкор этурсиз, эларо дoston қилурсиз?!

ХУСАЙНИЙ (тушунмай). Шама нечун — онгламадум?

ГУЛРУХСОР. Мен чун аталгон деб... ул таърифларни аввал ғайр нигоҳларига ҳавола этурсиз!..

ХУСАЙНИЙ (кулимсираб). Ҳа.. Бунда гинаға асос йўқтур. Камина бир қадар хуснихатдин йироқмен, шул боиским, аларни хатотларга берурман. Токим маҳорат-ла нақшлаб, андин сўнг маҳбубамга еткурғай деб.

ГУЛРУХСОР. Бегим, нақшларингиз монанди сиёҳга беланмиш чумоли изидек бўлсун-чи, ўзим бамисли қошга қўюлмиш ўсмадек келиштуруиб кўчируб олурмен — зеро бирмунча хатотликдин-да хунарим бордур, фақат ёт нигоҳлар алардин воқиф ўлмасалар бас.

ХУСАЙНИЙ (уст анжомларни ечаркан). Биргина шул хусусда мунча баҳс. Гина не туфайлидур — рашқдинму ё истиғнодин?

ГУЛРУХСОР. Асло. Бул эҳтиёт ва... ибодин, Бегим.

ХУСАЙНИЙ (анжомларни бераркан), Ҳар иккиси-да ўринсиздур. Аксинча, шоир — ошиқ Хусайний ўз маҳбубасин қандоғ васф этғони эл аро дoston бўлғонига не етсун!

ГУЛРУХСОР (таъкидлаб). Вале нутмағайларким, Бегим шунчаки ошук эрмас, аввало салтанат соҳибидурлар...

ХУСАЙНИЙ. Навоий дебдурки:

**Ишқ боғи ҳолотун сўр ошиқи оғоҳдин —
Ким фазосинда тафовут йўқ гадога шоҳдин!**

ГУЛРУХСОР (ҳозиржавоблик билан).

**Гадо ризқ топқонда тилаб, шаҳ топқуси талаб,
Ки адлму аларга бўлса бир йўсун талаб!**

ХУСАЙНИЙ (кулиб). Мағлубмен! Вале хануз истихоло боисин билолмасмен. Не учунки ёр васфин таъриф этгон ошиқоналар Навоийни етти иқлимга машхур этуру Хусайнийга эришдур?

ГУЛРУХСОР. Бегим, шоир Навоийнинг хаёлий маҳбубаси бир самовий юксакликдаким, онинг таърифи, бамисли тўлун ой ҳар хонадонга баробар нур сочқонидек, ҳеч кимсада ғайри фикрат туғдирмас. Сизнинг эрса... бир неча онлангиз, жорияларингиз бордур. Шул важдинким, ашъорингизда битилгон тавсифу аъмолларни ўқигонлар «султоннинг шамъи қайси гўшани ёритмақда эркон!» киби фикрларга-да бормаги мумкиндур. Боз устига Сиз таърифда муболағга чунон эрк берурсизким, сўнг, кундошларим билмасмену, аммо мен эл наздидин холи бўлолмасдин афканда юрурмен.

Хусайний ўйланиб қолади.

Бегим, ҳазрат Навоийнинг ушбу мисраларин хотирингизга келтурсангиз, ўтинчим равшанроқ онланурмуди:

**Аҳд қилдум: ишқ лафзин тилға мазкур этмаюн,
Тил неким, хомам тилидин тағи мастур этмаюн.**

**Барча элға фитна бўлгон кўзга мафтун бўлмаюн,
Ҳар киши наззора айлар юзин манзур этмаюн...**

ХУСАЙНИЙ (гапни бўлиб, кулги аралаш). Ҳузурингизга толпуниб келгон шайдоингизни лоақал ўлтурмакка-да изн бермасдин мулзам этмагингиз боиси шул эрса — биз ани қабул қилурмиз. (Кўли кўксига.) Минбаъд ишқ лавҳасинда неким нақш этсак, аввал Сизнинг назарингиздин кечиртурмай, асло ўзга нигоҳларга ҳавола этмасмиз!

ГУЛРУХСОР (ним таъзим-ла). Ҳаргиз толеингиз завол кўрмасун, Бегим.

ХУСАЙНИЙ (тантанали). Хўп, шоир Хусайний минбаъд мудом фармонингизда бўлур (Таъкидлаб.) Эмди, мабодо Султон Хусайин Мирзодинда бирор тилагингиз йўқму?

ГУЛРУХСОР (жиддий.) Олиймақом султонимиздин ҳам бул жорияларин бир ўтинчи бордур. Гар лутф-ла ижозат этсалар...

ҲУСАЙНИЙ. Ижозат, ижозат! Нейки тилагингуз бўлсун — айтингиз, муқаррар ижобот бўлғусидур!

ГУЛРУХСОР. Марҳаматли шоиру шоҳ султонимиз аҳду азм этсалар-да, ул зоти камилнинг шоирликлари менгау, шоҳликлари ўзга даъвогарларга бўлса.

ҲУСАЙНИЙ (тушунмай). А? Бул не демасдур?
ГУЛРУХСОР. Бегим, Сиз сафар авойилинда-да мен-ла бўлуб эрдунгиз. Қайтғоч, тағи бунга келмишсиз. Бека кундошларим... бу ҳолдин норизо бўлурлар...

ҲУСАЙНИЙ (хонтахта ёнига ўтираркан, қўл силкиб). Ҳе, истиҳолангиз шунданму?! Алар шу кунларига шукр этсунлар, акс ҳолда Бека Султонбегим ва Шаҳбону Бегимлар киби саройни тарк этмаклари-да эҳтимолдин холи эрмас.

ГУЛРУХСОР (шоҳ рўбарўсига ўтираркан). Бегим, гул ўз бутасинда азиздур. Завжаларингиз кўпи олий мартабали подшоҳларнинг қизлари ёхуд сингилларидурлар ва Сизнинг алар оллинда-да бурчингиз бордур. Боз устига ул жуфтларингиздин ўн тўрт ўғулу ўн бир қизингиз ҳам...

ҲУСАЙНИЙ (гапини бўлиб). Гулим, гар кўп бор завжлангон эрсам — бул шоҳлигим туфайлидин — яъни меним гуноҳимдур. Вале Бека кундошларингизнинг ҳеч биринда Сизниқидек шакар тил билан инжу дил йўқлиги — аларнинг гуноҳларидур. Хуллас, бизда ўзга завжаларимиз-ла розлашурга ҳеч қанча хоҳиш қолгон эрмас. Бинобарин, бул мавзуга чек қўйилғони дурустдур!

ГУЛРУХСОР (илтижо билан). Бегим, гарчандки мен аларнинг ҳеч бирига ёзуғлиқ истамасмен, вале канглум бийик бир ноинчилик сезмакдадур: магар ушбу ўтинчим рад этсангиз, ногаҳ бир хунук ҳол юз бериб, дилингуз ранжитмас эрди, дебон...

ҲУСАЙНИЙ (қатъий). Ҳей, Сиз не деюрсиз — мен ким Хуросондек улкан салтанат соҳиб эрсам — неча-неча балдау вилоятлар арзи тобелик изҳор этсалару, наинким шул ўз ҳарамимда тартиб ўрнатурда ожизлик қилсам?!
Гулрухсор эътироз этмоқчи бўлганда, гапиртирмай бўйнидан кучади. Чироқ ўчади. Бироздан кейин ҳижрон куйи ва унинг фониде сўзсиз кўшиқ эшитилгач, яна саҳна ёришади. Ҳусайний ҳамон тўшақ устида, кўксини чангаллаб ўтирибди. Пешонасига бир уриб қўйгач, ёнидан қоғоз олиб, тағин мурожаатга ўтади:

О, қоимсиз санам!.. Мана, мен аҳдимизга биноан, васфинг таърифинда янги ғазал битиб эрдим. Сен эрса ани ўзунгча нақшламакни ваъда айлагон эрдинг... Мен буним эмди кимга кўрсатурмен?..

Бироз жим қолади.

Ҳай, лоақал хаёлинг бўлсун, ўзунгга айтурмен. Бул шавқи сенингла кетгон мотамзада ошиқингнинг ўтмиш умриндаги энг масрур дамларин муҳрланмасидур: (шикаста овоз билан ёзувни ўқийди.)

Кўз қорасун ҳал этуб ёздум сенга ажзу ниёз,
Кўз ёшумни ҳам сепуб ул номаға, эй сарвиноз.

Ишқ етқач ақлу ҳушу сабр ҳар ён бутрашур,
Ўт қаён юзланса вожибдур ул элга эҳтироз.

Ошкоро жон агар лаълинг сўзин айтур, вале,
Ёшурун ғунчанг била канглумни бордур ўзга роз.

Ул не қоматдурки, барча ростлар айлаб дуо,
Дерларки, бул гулшан аро ул сарф бўлсун сарфароз.

Шавқи сабрим нақдини айлай они кўрғач фидо,
Демаса айб айлаб ул маҳваш буларни кўпу оз.

Чун ҳақиқат нури ул ораз тажаллисинадур,
Не ҳақиқат улки онинг ишқини ўйнар мажоз.

Эй Ҳусайний, ёр кўйи каъбаси наврўз эрур,
Не ажаб гар бенаволар айлар оҳанги ҳикоз...

Жим бўлиб қолади. Эшиқдан Навоий кириб, секин томоқ қиради.

ҲУСАЙНИЙ (туриб, Навоий билан кўришгач). Келингиз, Алишер.

НАВОИЙ. Нечук, бир қадар... қарор топдингизму?
ҲУСАЙНИЙ (ўтиришгач). Ҳа, эмди... қисмат шаҳлик аъмолин-да тан олмас эркон... Бунда ўзунгга келмиш юкни ўзунг тортурга маҳқум эрсанг... (Уфлаб.) Чорамиз қанчадур...

НАВОИЙ (гап буриб). Келаётиб... бир тоза ғазал эшитдим — бугун битилғонму?..

ҲУСАЙНИЙ (чуқур нафас олиб). Ҳе... Сиз эшутмагондурсиз — шул бонс янги қабул этгондурсиз. Аслида ул яралгондин буюн бир кўп замонлар ўтмуш. Ул дамларда оламда бир Гулрухсор аталгон санам бўлғувчи эрди. Ушал маҳваш бир шайдони беқарор айлаб, васфида шундаюн мисралар тиздирғувчи эрди...

НАВОИЙ. Кўрсак бўлурму?
ҲУСАЙНИЙ (ғазалини узатиб). Малика... раҳматли бўлмасдин аввал каминанинг ишқномаларини то ўзи кўруб, таҳрир этмагунча ҳеч кимга кўрсатмаслик ваъдасун олиб эрди... Ушбу ғазал шикор асноси яралгон эрди. (Хўрсиниб.) Кечикибдур... Эмди бамисли кетиб қолгон нишонга отилгон ўқ — новак каби аросатдадур...

НАВОИЙ (бироз ўқиб, бош чайқайди). Аттангим, маликага буним кўрмак насиб этмабдур... Бағоят нозик ва ўтлғу эркон... Вале, умед борким, Сиз онинг таърифин буткул айтуб бўлмагондурсиз. Бинобарин, вақтики келуб... хотирин ёд олгонда хомангиз тағи мўъжаз наволар биткусидур.

ҲУСАЙНИЙ (ёнидан яна бир битик оларкан, тушкин бош чайқаб). Бизнинг шодлигу шавқимиз-да ул тажаллисоз била кетмушдур ва онинг васфинда минбаъд ушбу... дин ўзга ҳеч наво айтолмасмиз...

НАВОИЙ (қоғозни олиб кўз югуртираркан). Э... бул марсия-ку...

ҲУСАЙНИЙ (чуқур нафас олиб). Ҳа, ўқунгиз. Овоз била ўқунгиз — ўзум ҳам эшутмак истармен...

НАВОИЙ:

Заъфдин ўргамчи домиға йиқилғач чирмануб,
Ул чибиндек турлади ҳар ён танумни айлануб.

Лайлию Ширину Узро бордилар, ваҳ не ажаб,
Бўлмоғим вола сангаким, сен қолубсен сайлануб.

Вомиқу Фарҳоду Мажнун, ишқ ўтиға тузмаюн,
Бордилар, мен қолдум алардин ўтумға чуркануб.

Чуркануб қолғоч ўтумға, маҳфий истаб ғайрдин,
Ултурубмен турфа иш, кўрким кулумни буркануб.

Ҳажрида жонимға бедод айласам айб этмангуз,
Ким, қаттиқ ҳол эмуш айрулмак бировға ўргануб.

Ваҳ, не толеъдурки ғам шоми тушумға кирса ёр,
Бовар этмай уйқудин секраб кўпармен сескануб.

Ёр кўйиндин ўтарда бошимма ёғса бало,
Анда айлармен таваққуф ҳар жиҳатдин куймануб.

Ранжу ҳижрон заъфидин тебранмагим имкон эмас,
Онча қувват қайдаким, кўюнуга борсам суркануб.

Эй Ҳусайний, жуз фано оҳанги маълум ўлмади,
Кўйидаким навҳа қилдунг заъф вақти ингрануб...

Дўстум... мен бандалик дардингиздан не чоғлиқ ғамдил ўлсам, бул навоибномангиз ўқуб, тағи-да муттассир бўлдум ва Сизга қай сўз ила тасалли бурурга-да ожизмен...

ҲУСАЙНИЙ. Раҳмат. Сиздек дўсти содиқни ато этгон тенгрига шукр. Ҳар он дилим ғамдин ўртанур, вале одам зотидин ҳеч бир кимсани кўрурга хушум йўқ эрди. Ташифу мулоқотингиз дардимға бирмунча дармондек бўлди.

НАВОИЙ (ётиги билан). Ундоқ эрса... бизнинг ҳам бир дўстона маслаҳатимиз бордур: эмди... ўзунгизни ҳарчанд узулата олуб, афғор этсангиз-да натижа бўлмас. Бул тарафда эрса ҳудудсиз салтанат — элнинг нигоҳи Сиздадур... Одам тафтин одам олу: тахтга чиқуб, аҳли саройға кўриниш берсангиз, токим...

ҲУСАЙНИЙ (бош чайқаб). Наинки меним ҳолим шунга кел-

са? Еким афтодалигим дўсту душманга намоиш этмак чун кўринаюмму?

НАВОИЙ. Йўқ, асло. Сиз салтанат соҳибидурсиз. Ўзунгизда андоқ қувват топингим, қўл синиғи енг ичра-ю, бош ёриғи тож остинда қолуб, фуқаро мамлакат ҳукмдори борлиғиға, бинобарин, ҳукумат ва адолат барқарорлиғиға ишонч ҳосил этсин.

ҲУСАЙНИЙ (тин олиб). Ҳей, бул дегонларингуз айтурға осондур, этғали эрса... дард бору дармон топилмас.

НАВОИЙ. Дўстум, фуқаро аҳволин-да бир ҳаёлға келтурғайсиз: салтанатнинг олис балдаю вилоятларидин не машаққатлар чекиб бунға келгон арзғуйлар Сизнинг муҳрингиз ёхуд бир калима амрингиз чун мустар юрурлар. Қачонким ҳукумат тарозусин бир палласида Сизнинг адолат тошунгиз турмас эркон, баъзи мансабдорлар эл ҳаққиға жабр этурлар. Хулласким, ногихон адасиз дард тушгон бул бошингизда айни дам тож юки ҳам мавжудлигин унутмағайдурсиз.

Шоҳ ҳаёлға ботиб, иккиланади.

Майли, бир мунча ўзунгизга келгунингизга қадар мен ҳам ёнингизда туриб, ҳарна Сизга маслаҳат ва мулоқот-да мадад берурмен.

ҲУСАЙНИЙ (бироз ўйлагач). Майли... Сиз айтқонча бўлсун.

Кийина бошлайди.

II ПАРДА

7-кўриниш

Невойиннинг хонаси. Афзал ёнбошлаб ўтирибди. Мулозим чой олиб келиб қўяди. Афзал чойни қайтариб ича бошлаганда иккита китоб кўтариб хаттот Султонали Машҳадий киради. Саломлашади-лар.

АФЗАЛ (ўтиришгач). Келингиз, мавлоно! Яхшиям толеъмизга Мир жаноблари борлар, йўқса сизни учратмак ўзунгиз нақшлайтургон китоблар киби мушукулу ноёб бўлурмиди?!

СУЛТОНАЛИ (кулиб). Ҳай-ҳай, бул гинани аслида биз қилмомиз ўринли бўлурди. Негаким, айтишларича, тақсириннинг ўзлари ушбу кезлар жаъми вузарони четлаб, давлат вазифаларин ёлғиз бажарур эмишлар?

АФЗАЛ (чой узатиб). Ажаб! Муболаға бобинда-да маҳоратингиз хаттогликдин қолушмас эркон, мавлоно.

СУЛТОНАЛИ. Магарким, бул муболаға эрса, анда нечук, наинки биз — фақирлар, хатто Мир жанобларин ҳам ҳеч йўқламасиз?

АФЗАЛ (жиддий). Бул гинангиз ўринлидур, мавлоно. Фақат минг таассуфким, бу ҳол каминанинг хоҳишиға зид тарзда юз берур. (Маънос бош чайқаб.) Ҳей, Мир жанобларин мансабдорлик кезлари хўб беҳ замонлар бўлгон эрконда. Ҳар бир вазифадор ўз юмушин вақтинда бажарғувчи эрди. Шул боиским, ҳеч ким ишдин толиқмас, боз устиға турфа анжуманларға-да, нафақат фурсат, балким иштиёқ ҳам беадад эрди.

СУЛТОНАЛИ. Алҳол саройда тутум ўзгармишму?

АФЗАЛ (бош чайқаб). Ҳа... Мир жанобларин қадамлари била гўёким саройни файз ва тартиб-адолат ҳам тарк этгон кибибидур. Бир неча аёёну акобирлар борким, ўз вазифаларин унутушиб, яккаш султонға улфатбозлик қилмак пайинда бўлурлар. Шаҳаншоҳ эрса... айни дамлар майхўрлиққа ружу қўйгондур. Пойтахту вилоятларда бедодлиғ-адолатсизлиқлар ошиб борур. Хулласким, давлат юмушларидин ташқари, арзғуй-адолатталаблар ҳолин ҳам камина тингламаса, ўзга талабгор топилмас.

СУЛТОНАЛИ. Бизни афу этқайсиз, тақсир, гинамиз ноўрин эркон.

АФЗАЛ. Хўп, ўзунгиз бу кезлар не юмушлар-да машғулсиз — ҳар нечук биздек ночор аҳволда эмасдурсиз?

СУЛТОНАЛИ. О, тенгриға шукрим, асло ундоғ эмастур — биз Мир жанобларин пурнур офтоблари остинда боти ташвишларидин холи туруб, мана бундоғ китобатлар қилурмиз.

АФЗАЛ. Бағоят омадлидурсиз, иним. (Китобларға ишора этиб.) Булар не хусусда баён этурлар?

СУЛТОНАЛИ (бир китобни очиб). Бул Миримизнинг шаҳ-

зодан валиаҳд Бадиуззамон Мирзоға тухфалари эрур. То ҳазрат султонимизға қадар ўтмуш бир кўп подшолар ҳоло-тидин сабоқлар берур.

АФЗАЛ (китобни олиб, очаркан). Тасанно! Магарким таъбир жоиз эрса, устоз танни вуҷудға келтургон эрсалар, сиз анға зап ярашуқли либос кийдирибсиз. (Китобни бериб.) Устоз бунда теурийлардин кимларни ибрат келтирмушлар?

СУЛТОНАЛИ (китобни очиб). Устознинг энг юксак олқишлариға сазавор бўлмуш зот — жаннатмакон Улуғбек ҳазратлари эрур. Хусусан, ушбу битиклар онинг таърифиндадур:

**Анинг абнойи жинси бўлди барбод,
Ки давр аҳли биридин айламас ёд.
Ва лек ул илм сори топту чун даст,
Кўзи олдинда бўлди осмон паст.**

АФЗАЛ. Ҳа. Теурийлар аро ҳеч ким ул зоти бобарокот киби маърифат, тижорат ва ободончилик-чун зўр бермагондур.

СУЛТОНАЛИ. Ҳақрост. Устоз битгонларидек:

**Темирхон наслидин султон Улуғбек,
Ки олам кўрмади султон анингдек.**

АФЗАЛ. Улуғбек Мирзо ҳақинда бул киби мумтоз каломлар дегонлари чун олий мартаба Миримизга ва ул айтилгонларни зеб ила нақш этгонингиз чун Сизга-да ҳар неча ҳамду санолар озлик қилур!

Султонали қуллуқ қилади.

Эмди, иншоолло, умед борким, шаҳзодамиз бул ўғитларни дил қатлариға мустаъмал жо этуб олғайлар. Зеро, Миримиз айтқонларидек, шоҳға яқин доно доно эрмас, балким доноға яқин шоҳ шоҳ эрур.

Иккинчи китобни олиб, кўра бошлаганда сарой мулозими киради.

МУЛОЗИМ. Тақсир, сизни шаҳзода Музаффар Мирзо била Зулунбек кўкалтош истайдурлар.

АФЗАЛ. Дуруст. Тезда борурмен.

Мулозим кетади.

Кўрдингизму, иним? Камина неча кунлик орзуси ушалиб, бул саодат маснадиға етишгонда, нурафшон офтобимиз жамолин кўргунча бўлмасдин тағи абри сиёҳлар соясиға қайтмагимиз вожиб бўлди.

СУЛТОНАЛИ (ажабланиб). Ҳали, шу ерга келиб-да устозни кўра олмадингизму?!

АФЗАЛ (бош чайқаб). Армонким, йўқ. Ул киши ҳаммомда эрконлар. Хўп, бизнинг дуою саломимизни Миримизға етка-зурсиз.

СУЛТОНАЛИ (кузатиб чиқаркан). Ҳа, албатта.

Мулозим кириб, дастурхонни йиғиштиради. Китобларни мароқ билан кўздан кечиргач, пешонасиға текизиб, тоқчаға олиб қўяди. Сўнг чойнак ва дастурхонни олиб чиқади. Султонали бир дутор ушлаган йигит билан киради.

СУЛТОНАЛИ. (ўтиришгач). Қани, дўстим, устоз ҳукмиға ҳавола этмакчи бўлгон ул наъманғизни аввал бир тингласак. **ЙИГИТ.** Маъқул, тақсир.

Султонали ёнбошлайди. Йигит дуторни созлагач, чала бошлайди.

8-кўриниш

Боғ манзараси. Қушлар сайроғи авжида. Ихчам сўри ёнига қўлларида китоб ва най қилиб ўралган қоғоз тутган икки талаба келгач, сайраш овози бироз пасаяди.

ШАЙХИМ. Оббо, сезиб қолмишлар!... (Дарахтларга тикиларкан.) Чамаси Ҳирот булбулларин-да энг хушнаволари шул масканда жам бўлишгондек-а?!

КАМОЛ. Ҳа, бул лутфингга шак йўқтур.

ШАЙХИМ (маҳлиё бўлганча). Аслида биз қандоғ мадҳ этмакни бийрондалардин ўргансак дуруст бўлур эркон, а?

КАМОЛ. Мен ўзумга ношайиста тахаллус танлабмен — ани ўзгартирурмен. Минбаъд ашъор битсам, анга ғализ — Келбатий эрмас, Андалиб — яъни Булбул дебон тахаллус битурмен!

ШАЙХИМ. Бисёр хўб қилурсен. Камина-да шундоғ жазм этурмен: эмди Ғарибий эрмас — Ҳиротий тахаллусин олурмен. Зеро, азим Ҳирийда ҳазрат Навоийдек банданавоз бор эркон, шоиру фозиллар асло ғарибу бенаво бўлмаслар.

КАМОЛ. Ори рост. Йўқ эрса, биз киммиз? Шунчаки сабоқни эмди бошлагон толибул илмлар. Ул зоти комил эрса таъмин-эҳтиёжimizi ўз зиммаларига олгонлари устига, боз мударрисимизга учрабон «Салоҳиятли шогирдларни ҳузуримага йиборингиз» деб, тағи рағбат бермушлар ва...

ШАЙХИМ (гапини бўлиб). Эй, қара, ана устознинг ўзлари! **КАМОЛ** (қараб). Ҳа, Вале, ўзлари ёлғуз эмаслар-ку...

ШАЙХИМ. Ҳамроҳлари ила қизгин мусохабададурлар. Фикрларин чалғитмасдин четда турмаганимиз дуруст бўлуғ.

Талабалар кетишади. Навоий билан Бобо Алининг овозлари эшитилади.

БОБО АЛИ (овози). Мана, орадин неча фурсат кечмасун, бул можаро таҳлилига ҳеч қувваи ҳофизам етмайдур!
НАВОИЙ (кираётиб).

**Кимки фалак сори отур тошунни,
Тош ила озурда этур бошунни.**

Сиз шумларнинг ҳар нечук найранг-ғуюрликларин кўруб танг бўлмангиз. Зеро, эл-улус хизмати-чун бел боғламиш кимса шул йўлда ранж-риъзат чекаркан, бунинг неси ажаб?

БОБО АЛИ. Устоз, маъзур тутгайсизким, Сиз фақир арзин бошқа навъ тушунмишсиз. Магарким, Сиз саройга қайтиб, қандоғ бўлмасун бирор лавозимда турсангиз бас, бул мулозимингиз бор вужуди-да эл хизматин адо этғони бўлсун...

НАВОИЙ (юришдан тўхтаб). Ҳм, бизга эмди сиз ҳам шундоғ кенгаш берурсиз. Валекин камина ўзга матлаб йўлинда бел боғлаб, ҳар неча қолгон умрни хома суруб ўтқарурга эзм этгонмиз. Сиз эрса ёшсиз, боз устига хома бирла-да ошнолингиз йўқтур. Бас, шундоғ эркон, сарой вазифангизни сидқи дил ижро этмагингиз фарзу қарз эрур.

БОБО АЛИ (қизгин). Устоз! Камина эл назаридин четда қолгон бир кимса эрдим. Узингизга яқин олуб, тарбият эттингиз ва олий даргоҳдаги мансабга раво кўрдингиз. (Кўлини кўксига кўйиб). Камина Сизнинг қутлуғ қадамингизу муборак нафасингиз етғулик ҳар ерда тамоми бахтиёрлик ва жонсипорлик ила вазифа ўтмагин мумкиндур. Вале, Сизсиз фақирнинг ул ерда қолмоғи ҳеч имконсиздур!

НАВОИЙ. Гап уринг-а! (Кўзадаги сувдан юзини хўлларкан, ҳазилга буриб.) Мавлоно Бобо Али, онглағайсизким, эмди сиз атосига эргашуб юрадургон гўдак ёшунда эрмас, балким ўзунгиз-да неча ўзгаларга раҳнамолик қилатургон даражада-дурсиз!

БОБО АЛИ (илтижо этиб). Устоз, пандларингизга қулоқ осмаётгон бул ношукрни афу этгайсиз. Вале дилхун арзимни Сиздин ўзга тинглағувчи йўқтур. Меним ушбу кунлардаги аҳволим бамисли Ясавай ҳазратлари айтғондек:

**Кўзум намли, дилим ғамли, мен аламли,
Нечук илож айлорумни билмом, дўстлар.
Бул ҳасратда, надоматда ёшум оқуб,
Қаю тараф кеторумни билмом, дўстлар...**

НАВОИЙ (юзини артиб). Ҳм, саройда аҳвол қандоғлигининг бир мунча воқифдурмиз. Аммоким, ҳеч кимса сизга ножоиз гапурмагон ёхуд ҳаққингизга дохил қилмагондур. Бинобарин, сизни саройдин четлатмак ё ҳимоя этмак бобинда-да Султонга арз қилурга асос ҳам йўқтур.

БОБО АЛИ. Дарҳақиқат, ҳозирча шундоғдур. Валекин саройда нохушлик шамоли нанкин кун, балким соат сайин кучаб борур. Маъсума малика вафотидин буён шаҳаншоҳ бағоят тунд ва баджаҳлдурлар. Боз устига хушёридин сархуши кўпрак бўлур. Айни дамлар ул ерда кечатургон мунофиқлик, фитна-фасод мени шундоқ ҳолга солурким, ўзумни бамисли суйи поёнига етуб боратургон ҳовуздаги балиқ аҳволинда сезурмен. Шул важқим, фақирга кўргузгон онча саховатингиз устига тағи бир муруват кўрсатуб, мени қандоғ бўлмасун эшук оғалиқ лавозимидин халос эттурсангиз!..

НАВОИЙ. Хўп, кўрурмиз. Биргина сиз учунмас, улус осойишин кўзлабда саройга борурмиз. (Йўл юришда давом этиб.) Аҳволни шоҳга маълум этуб, тартибу адолатга даъват қилурмиз.

9-кўриниш

Ҳусайний тахта. Қўлида май тўла қадаҳ, мажхул ўлтирибди. Икки ёнида икки ходим уни еллиб турибди. Уртада раққоса ҳазин куйга мос ўйнаётир. Шоҳ гўё қўлида май борлигиниям, ўртада раққоса ўйнаётганиниям сезмаётгандек. Даврадан жой олишган Мажиддин, Морбоз, Соний ва Тарлонбек эса ҳатто нафас олишсаям шохнинг хаёли бўлиниши мумкинлигидан ҳадиксиршиб, мисоли ҳайкалдек тек туришибди. Султонга янги бошланган куй ёқмай, бас ишорасини беради. Раққоса ва созандалар кетишади.

ҲУСАЙНИЙ (ўзига гапиргандек). О-о, кўнгул бир тозвашъор истайдур...

Улфатлар бир-бирларига қарашади. Кейин Тарлонбек туриб шоҳга таъзим этади.

ТАРЛОНБЕК. Олампаҳоҳ! Магар астойдил йиғланса сўкур кўз ҳам ёш тўқур, дерлар. Илло, салтанатимиз доруғаси бўлмуш закий шохимиз шоир, ул кишининг аёну акобирларин ҳар иккисидин бири шоир, хусусан, мўбад султонимизнинг энг яқин сулукбардорлари саналмиш Навоий ҳазратлари шоирдурлар.

СОНИЙ. Ҳақрост — бори айтқонларингиз шоирдурлар!
ТАРЛОНБЕК (салмоқлаб). Аларнинг табаррук нафаслари сингмиш ҳаводин баҳраманд ўлуб... биз ҳам бир ашъор битуб эрдук... Башартики ҳазратим... қулоқ тутмакка истак билдирсалар...

ҲУСАЙНИЙ (қош чмириб). А?
ТАРЛОНБЕК. Эмди шохим... (чайналади.) Бул қулингиз...
ҲУСАЙНИЙ (сал илжайиб). Бизга ашъорингиздин-да бул жабҳага журъатингиз ғалат туюлар. Хўп, қулогимиз сизда бўлсун.

ТАРЛОНБЕК. Қуллуқ, шохим. (Тутила-тутила ўқишга тушади).

**Бул фоний дунёда осмон битта, тенгритаоло битта,
Умнатлар кўп, вале пайғамбар Расулилло битта.**

**Тенгрим берур бировга дунёю зеб ададсиз,
Лек бермас қақа бирга этсун минг тавалло битта.**

**Мўлки Хуросонда юлдуз мисол шуаро бисёр, вале,
Алар ичра шоир Навоий ой янглиғ индалло битта.**

**Ой-юлдузлар айлаб тун бағрини равшану
Лек бори бўлғайлар ниҳон чиқса қуёш иншоолло, битта.**

**Эй султонун знебахш қуёшимиз, боқий яшанг, деб,
Тарлоний қулингиз битмуш ашъор, алҳамдулилло, битта!**

МАЖДИДДИН (шохнинг мийиғида жилмайганини кўриб, Тарлонбекнинг елкасига қоқаркан). Э, офарин, Тарлонбек! Сиз жамийки шуаро мадҳини шул беш байтда жамъ этибсиз — бинобарин бул жабҳада-да камолга етибсиз, офарин!!

МОРБОЗ. Биз сизни шул дамгача шамшири кесир, забардаст саркарда деб билурдик, эмди аён бўлдиким, назмда-да нақ маликушшуаро эркансиз!

СОНИЙ. Ажа-аб!.. Қулогимга бамисли сўфининг азонидек кириб, калимай шаҳодатдек ўрнашмишим, осмон биттаю худой таоло битта, кўп умнатлар аро пайғамбар Расулилло битта. Давлатпаҳоҳ султонимиз азма-да обод Хуросонда юлдузлардек шуаро бисёру вале алар ичра тўлуру ой мисли Навоий ҳазратлари биттадур. Ва ой-юлдузлар тун зулумотин ёритғайлару (таъкидлаб) аммоким хуршидтобон султонимиз шуқуҳ-ла кўриниш берсалар — бори шу он чекинғайлар!..

ҲУСАЙНИЙ (илжайган кўйи). Ҳм, «шоир Тарлоний», магар дурустрак боқсалар, одам бўлатургон кўринурсиз.

ТАРЛОНБЕК (қуллуқлаб). Тенгрим сизнинг муруватингизни дариф тутмаса, иншоолло!

МАЖДИДДИН. Э, иним, модомики ваълинеъматимизнинг

ўзларики «одам бўлурсиз» дебон лутф эттиларми—билинг-ким, бул толе офтобингиз таважжухин нишонасидур!

СОНИЙ. Филхақиқат, рост айтурсиз — айна шундоғ!

МОРБОЗ (бош сараклаб). Афсуским, бу анжуманимизда шеър мувқининг султони ҳозир эрмаслар. Акс ҳолда мўътабар зотнинг ўзлари шоири навбарға қандоғ баҳо бергонларин шоҳиди бўлур эрдук!..

ХУСАЙНИЙ. (май ичаркан, хомуш тортиб, ўзича). Ҳм, Навой... Бир замонлар бўлуб тургон нафис мажлислару қизгин мушоиралари қани онинг?.. Ҳзи камнамо, башарти биз чор-лагудек бўлсак-да, келуб даврани безаб, мажлисни қизитмак ўрниға... нуқул турфа ишлардин арзу шиквалар этур...

СОНИЙ (секин гап кўшиб). Дарвоқе, шоири комилимизнинг янги битиклари-да галатроқдур:

Мени мен истаған ўз сўхбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг сўхбатин кўнглум писанд этмас...

МАЖДИДДИН (жимликни бузиб). Шоҳим, тенгрига шукрим, салтанат тинч, навкарларингиз жанговар, фуқаро эрса итаотдадур. Бас, шундоғ эркон, шоиримуз айтқондек, кангулли-да хуррам этқонға не етсун?!

ТАРЛОНБЕК (жомларға шароб қуяркан).

Эй Навой, бода бирла хуррам эт кўнглунг ўйин,
Не учунким бода киргон уйға қайғу келмади.

Ичишади.

МОРБОЗ (соқолини артиб). Илло, камина шоирлар пешвоси — муҳтарам Навойдин мажлисимизни яшнататургон шул киби байтлари-чун бағоят миннатдормен. Валекин Мир Алишернинг матлуби недур — таасуфким, асти тушунолмасмен.

СОНИЙ (боши билан тасдиқлаб). Ҳа, собиқ амир Алишернинг атери бир қадар жумбоқдур. Ахир доруссалтанатда аввало маликул-олам султонимиз, қолаверса, ул шерзот барчамизға раҳнамо бўлуб, яхши хулқимиз-чун рағбат, аксинча эрса танбеҳ айлаб турмаклари жоиз эрмасму?

Шериклари маъқуллашади.

МАЖДИДДИН (шоҳнинг сукутини бузиб). Шоҳим, магар ижозат берилса, сизни баъзи миш-мишлардин ифшо қилур эрдум.

ХУСАЙНИЙ (елпувчиларға кетиш ишорасини бериб). Қандоғ миш-мишлар?

МАЖДИДДИН. Муборак хотирингизда бордур — бир кун жиянингиз Давлатбекини чорлаб, ўғитлар бергонингиз?

ХУСАЙНИЙ (хушламай). Хўп, не бўлубдур?

МАЖДИДДИН (сирли овозда). Шул воқеа ила боғлуқ — сўзлашға-да тил бормайдур — хунук ҳол содир бўлмишдур... ХУСАЙНИЙ (тоқатсиз). Мухтасар этингиз, не гапдур?!

МАЖДИДДИН. Алишер... дўстунгиз жамоат олдида бир латиға айтмишдур. Эмишим, сиз, мудом маст-сархуш юриши-ла шаъни муборакингизға ношойисталиқ этғувчи жиянингизни хушёр оқиллиққа даъват этиб, башарти бул шевасин тарк этса, бир катта вилоят волийлигин ваъда қилибсиз. Алқисса, Давлатбек нописандлик бирла «Аё, бузруквор, мен бул ода-тим тарк этуб олатургон ҳокимликни не қилай, қачонким, май ичғач ўзумни султон деб билсам» дегон эрмуш...

СОНИЙ (чўчиб). Об-бо! Ким не деса десун, вале Алишердек зотдин бул жумла лозим эрмас эрди. Зеро, жумлаи мўминни кулдирмак — бул тенгри ёдин унутмақдир — бир гуноҳ эрса, тағи ким устидин кулмак — ул айтилгоннинг маъноси бу турур-ким: тоғойиси шоҳ бўлатуруб май ичур, жиянлари эрса май ичғач ўзин шоҳ фараз этур — эл наздида хунук муқоясаким, бунисин юз гуноҳ демак-да камлик қилур!

МОРБОЗ. О, худрой Алишер! Юраги наинким отнинг каласидек онинг — бундоғ калтис гаплар айтур! (Еқа ушлайди.)

МАЖДИДДИН. Олампаҳо! Сиз мудом, хусусан, базму жамшидлар асноси Алишерни йўқлаб, онинг шодиёна дамлар ёнингизда ўрни бўш тургонидин афсусланурсиз. Валекин... дўстунгизнинг садоқат-меҳри сизникича эрмас, ёким сизнинг бирор тадбирингиздин ранжиб, онинг дилидин меҳр-садоқат кўтарилгондур. (Енидан қоғоз олиб). Акс ҳолда ул сизнинг шарафвор базмларингизға келуб турур ва бундоғ мисраларни битмас эрди:

Гарчики, шаҳ баъзи эрур дилрабо,
Вожиб эрур айламак андин ибо.

Маҳрами зимнида эрур хешлар,
Нўши ичинда тикилур решлар.

Гул кўринур, ёнида юз хори бор,
Бор эрса бир айш, минг озори бор.

Қоғозни шоҳға беради. Ноқулай жимлик.

ТАРЛОНБЕК. Шоҳим! Узунгиз шоҳидким, камина ҳазрат Навойини не чоғли эъзоз этурмен — бояғи битмиш фахриям ҳам онга бўлгон чексиз ихлосим ҳосиласи эрди. (Афсусли таъкидлаб.) Аммо кеча ул киши туфайли юз бермиш ҳолдин сизни бохабар этмасам, ҳазратимға бўлгон садоқатимға хаёнат этгон бўлурмен.

ХУСАЙНИЙ (қоғозни ташлаб). Тағи не содир бўлмишдур?! ТАРЛОНБЕК. Кеча оқшом юзбоши Сиртлонбек каминаға учраб, сизға маълум этмакни ўтиндиким, онинг минбаъд ҳазратимға садоқатла хизмат этмағи хавф остинда қолмишдур.

ХУСАЙНИЙ (асабийлашиб). Яккаш «садоқат-садоқат» дебон лоф урғонча равшанрак десангиз-чи — муддаоси недур онинг?!

ТАРЛОНБЕК. Маъқул, шоҳим. Кеча юзбоши ўз навкарлари-ла Миробод қишлоғи нуфусин ҳайдаб келаётгон эркан. Бозор ёнинда — дўстингизға рўбарў келибдур. Ул зот бандилар кимлигини суриштургон эркон, юзбоши аларнинг солиқ тўламақдин бош тортгон осийлар эрканлиги, шул важдин ўзга-ламақ-да ибрат бўлсин-чув аввал сазойи этуб, сўнг зиндонға юборилажагини маълум қилибдур.

Алқисса, Алишер жаноблари халойиқ оллинда бека «Боракалло шижоатингизға, — дебон киноя этмушлар, — аммо-ким сиз туғилгонда исм танлагонлар янглимиш: зеро сизни Сиртлонбек эрмас, балким Мушукбек деб атасалар айна атери аъмолингизға мос тушур эркон» дебдур.

МОРБОЗ (ёқа тутиб). Астағфурилло!..

СОНИЙ. Илоҳо хуружи ногихонийдин ўзунг асрағил, парвардигор!

МОРБОЗ (яниб). Сиртлонбек Алишердин шоҳимиз хизматин адо этмақда бўлгон эътиборли беки халойиқ оллинда нечук бундоғ беобрў этмағи боисин талаб этмабдурму?!

ТАРЛОНБЕК. Талаб этмақдин не нафъ? Алишер жаноблари кимға не демасун — они тергайтургон кимса йўқтур — шул боисдин юзбошиға-да нописандлик бирла жавоб этубдур.

Саҳна қоронғулашиб, от кишнаши, оломон говури эшитилади. Проектор нурида Навой бир ҳамроҳи билан ва (кўринмаётган) от жиловини тутган мулозим билан Сиртлонбек (бир кўлида кам-чи, иккинчисини қилич дастасига қўйган, важоҳатли қиефада) кўринадилар.

НАВОИЙ (бош сараклаб). Сиз бундоғ қарамангиз, бек. Сизни мушукка менгизиб, ўзидин кучли олдида сичқон бўлур, сичқон олдида эрса арслондур, демагим боис шулким, бурноғи йил бир ёв босгонда бир нечалар мудофаяни ташлаб қочишгон ва то ўзумизни ўнглаб олғунға қадар кўп бегуноҳлар ёстуғи қуригон эрди. Кейин маълум бўлдики, ўшал дам сизнинг навкарларингиз энг аввал жуфтақ уришгон ва ўзунгиз, билмам, қай бир сичқон инин макон айладунгиз эркон?!

Бек ноилож ерга қарайди.

Сиз ўшал хиёнатингиз-чун жазо олув ўрниға, тағи кимларнинг раҳнамолиғи ила чорасиз элни банди зиндон этувлик «қасби»ға етишдингиз эркон?!

Нур ўчади. Саҳнада яна шоҳ ва улфатлари.

СОНИЙ (ғазабнок). Бул ҳамоқат! Шоҳим, биз содиқ қулларингиз кафилдурмиким, Сиртлонбек асти саваштин қочатургонлардин эрмасдур?!

МОРБОЗ. Тўғри, онинг номард навкарлари саваштин қочишгон эрди. Вале бекнинг ўзи бизнинг ёнимизда эрди — бизни ёғийдин ҳимоя этиб жонсипорлиқ қилди.

МАЖДИДДИН (салмоқлаб). Хўп... ўтгон ишға саловотдур. Аммо кеча бек хизматда эрди — хоқони мансурнинг фармо-

нин адо этмак йўлинда саъй қилғондур. Алишер эрса айни дам амалдорликни тарк этгон, бинобарин, бул жабҳага бевосита аралашувга ҳақли эмастур — нечук юзбоши бунни эслатмабдур?

ТАРЛОНБЕК (қўл силкиб). Эслатмак кошким самар берса, билъакс, бамисли ўтга ёғ селғондек тағи-да онинг хуружин оширмуш!..

Яна прожектор ёниб, Навоий билан Сиртлонбек намоён бўлишади.

НАВОИЙ (бош чайқаб). Ҳей... Ҳайф сизларга мардоналик, мансабу маош! Айтинг-чи, қачондур эл сизлардин бир неглик-ҳимоят топқонмукин?! Йўқ! Яккаш жабру ситам, бедодлик кўрғондур — қайсиким қиёси чет ёвникидин ортуқ бўлса ортуқ, аммо асло кам эрмас!

СИРТЛОНБЕК (ғижиниб). Тақ-сир!... Сиз баногоҳ йўлуни тўсуб... ҳуда-беҳуда гаплар айтурсиз. Камина неларнидур андеша қилурмен, сиз эрса бунни қўрқоқликқа йўйурсиз. (Таъкидлаб). Аммо хотиринғиз фаромуш этмагайким, сиз бул кунда амир эрмас, шунчаки бир... шоирсиз, холос!

НАВОИЙ (соқол тутганча бош ирғаб). Ҳали меним дегонларимга топқон жавобингиз шул эрса, анда шундан-да хурсанд бўлмагингиз жоиз эркан. Негаким, мабодо шул тоб амир ҳам бўлғонимда, бул бандиларни элтур жойингизга ўзингизни йиборур эрдум!

Саҳна ёришиб, яна шоҳ ва улфатлари кўринишади.

ТАРЛОНБЕК. Оқибат эрса амири собиқ бандиларни дарҳол озод этмакни талаб қилибдур. Атрофдаги халойиқ ҳам шундоқ талаб этғони ва навкарларин мулзам бўлғонин кўрғоч, бек ноилож аларни озод этуб, олингон ўлжаларини-да қайтармакка мажбур бўлубдур.

МАЖДИДДИН (ташвишли). Алишернинг авомни итоатсизликка ундаб, шижоатли бекларнинг нуфузун тушурмаги... яхшиликка олуб келмайтурғон иш бўлубдур!

Шоҳ юзи тиришганча ҳеч кимга қарамасдан ўтиради.

ТАРЛОНБЕК. Давлатпаноҳ! Сўнг юз берғон ҳолни айтурга-да тил бормайдур: халойиқ Навоийни дуолағга ғарқ этиб, бечора қулингиз Сиртлонбекни лаънатларга кўмишлар. Махфийлар хабар беришларича, нуқул «Хайриятким, толеъмизга Навоий ҳазратлари бор — таянчимиз бордур. Илоҳо ул зотнинг умрлари узуну рақибларин ҳоли забун бўлғай!» дебон дув-дув қилмишлар.

МАЖДИДДИН (капалаги учиб). Их! Бул можаро эмди борзор борғон юз-юзлар орқали атроф-вилоятларга-да тарқалур!..

СОНИЙ (безовталаниб). Ва... Алишер дуоға ноилу бизлар... (Бирдан шоҳга ёлвориб). Олампаноҳ! Камина қулингизнинг Сиздин бир ўтунчи бордур, умедворменким, рад этмассуз деб!..

ХУСАЙНИЙ (хушламай). Не эркон ул?

СОНИЙ. Узингиз яхши билурсизким, биз қулларингиз, бамисли тузингизни ялагон итингиз киби, сизга беадад содиқдурмиз. Вале, надоматким, ҳарчанд уриниб-да дўстингизга мақбул келмадик — сиз бизни яқин олғонингиз-чун кек қилиб ул юксақ мансабдин ҳам воз кечди...

Шоҳим, эмди... Алишернинг бул киби хуружлари авж олаберса, оми авом эрса яккаш они дуолаб, бизни лаънатлайверса... Машойихлар худонинг ғазабидин-да бандалар лаънати баъддур, демушлар. Мен кўп хавотирдамен ва то бирор балага дучор бўлмасдин... сиздин илтижо этурмен, ки бирор бўлак лавозим беруб, мени саройдин четлатсангиз!..

МОРБОЗ. Маликул олам, биз сиздин, гар салтанатни тан билсақ, анга бош санаб, заррача бўлсун раъйингиздин айри юрмасмиз, Ваҳоланки, барчамиз жам бўлуб-да сиз-чун ёлғуз Алишерчалик эътиборга молик эмасдурмиз. Тўғри, дўстингиз ҳам сизни ўзидин расман юқори тутур — гар таъбир жоиз ўлса ул зот мансабдор кезлари салтанатни тан санаб, биздин фарқли ўзуну бошу сизни шул бош узра кийилгон тож монанд... (Илтижога ўтиб.) Олампаноҳ! Токим биз саройдамиз, Алишер тинчимас — мен бунга аминмен ва аввало сизнинг осойишингизни деб... бундаги вазифадин кетмакка сиздин изн тилармен!..

МАЖДИДДИН. Шоҳим, мен ҳам ўзумча айни шул ахдга

келиб эрдим. (Маслаҳат охангида.) Сиз муваққат бўлса-да, бизнинг саройдин четланмагимизга ижозат этиб, Алишерни мансаб ила тағи сарафроз этсангиз, Мушоҳадамча, онинг ўзи-да бир ғазал мақтасинда айни шуни шамаъ этур:

Эй Навоий, гар вафосиз чиқти ул Султони...

Топтунг элдинким, тиларсен эмди султондин вафо.

ТАРЛОНБЕК. Башартики шоиримизнинг матлуби мақтадин онгланса, ул зот... айни дамлар шукўхли султонимиздин кўра валиаҳд шаҳзодага кўпрак эътимод билдирур:

Эй Навоий, бул хазон ўлғай баҳор ила бадал,

Келса давлат гулбунни шаҳзодаи соҳиб жамол.

МАЖДИДДИН. Фикримча, Навоий ҳар не ишни сўз ва хома ила адо этмак мумкин, деб ўйлайдур. Вале, ишонч комилким, ўткур қилич ва тадбиркор аёнларсиз бори иш танназулға юз тутажанин доно шоиримиз тезда онглаб олур. (Таъкидлаб.) Қачонким шундай ҳол юз бериб, сиз бул қулларингизни яна саройга чорласангиз, биз «лаббай» дебон тиги ҳузурингизга шошилурмиз ва...

ХУСАЙНИЙ (гапини бўлиб). Бас! Ҳеч кимсага саройдин кетурга ижозат йўқтур ва ортуқ бул хусусда оғуз очилмасун! **МАЖДИДДИН** (шериклари билан кўз уриштириб). Амрингиз вожибдур, шоҳим. Аммо, Алишер жаноблари бундин... **ХУСАЙНИЙ**. Биз Алишерни-да тартибга қақирурмиз.

МАЖДИДДИН (вазминлик билан). Олампаноҳ, сизга бори иш осондур. Валекин бул борада пухта ўйлаб иш қилинмаса — Алишер, хусусан, кечаги воқеа боис авомнинг эътиборин қозонғондур — тўғри тадбир-да эгри шарҳлануб, турфа нохушликлар олуб келмаги мукинмур.

ХУСАЙНИЙ (бироз сукутга кетиб). Не маслаҳат бўлур? **МАЖДИДДИН**. Дўстингизга ўзингиз тақаллуф-ла бир мактуб битиб, салтанатнинг бирор нотинчроқ вилоятига маълум фурсат... волилик тақлиф этсангиз.

СОНИЙ. Айни дамлар Астробод... Бир ўқ ила икки овни урмак-да мумкин бўлур.

ТАРМОНБЕК. Устод шоиримиз-чун ул жойлар пойтахт ғалвалариндин йироқлиги боис хотиржамлик маскани бўлур, айни дамда бул тарафда тартиб ва итоат тикланур — яъниким ўз суянчларидин ажрамиш бевош фуқаро ҳам узун тилларин тишлаб, ақлларин пешлай олур.

СОНИЙ. Аммоким Алишер Ҳирийни кўп севадир. Бундаги «Унсия», «Шифоия», «Халосия» ва ҳақазо «ия-ия» хоналари ҳамда мухлису мусоҳибларин соғинур. Сўнг эрса сизга пайдар-пай мактублар йибориб пойтахтга қайтмаклик илтижосин қилур.

МОРБОЗ (таъкидлаб). Ва фақат андин сўнг Алишер, худройлик бефойда эрконин — яъни салтанатда барчага ўз ҳукмин ўтказғувчи соҳиб тож — ҳукмдор мавжудлигин комил онглаб олур.

ХУСАЙНИЙ (ўрнидан тураркан). Розимен. Фармони олий ва мактуб тайёрлангиз.

МАЖДИДДИН (таъзимлаб). Қуллуқ, шоҳим. Минбаъд биз тамоми эркин ва беҳавотир иш юрита олурмиз.

Шоҳ ҳеч нарса демай кета бошлайди.

СОНИЙ (шериклари билан кўз уриштиракан, эшикдан чиқаётган шоҳга эшиттирмай). Амир Алишер, энди боруб Мозандарон тўқайларинда шерлик қилурсен! Оқ йўл!

Қув куладилар. Шу асно мулозим киради.

Навоий ҳазратлари ташриф буюрдилар!

Шоҳ улфатлари бир дам саросимага тушиб қолишади.

ХУСАЙНИЙ (мулозимга кўза ва жомларни кўрсатиб). Булар олинсин, сўнг кирсин. (Мулозим чиққач, улфатларга.) Тез ана ул эшикдин чиқингиз!

Улфатлар ёв қувғондек, тез чиқишади. Ходим кириб, кўза-жомларни олиб кетади. Кейин Навоий киради.

НАВОИЙ (таъзим этиб). Ассалому алайкум, шохим.
ХУСАЙНИЙ (пешвоз юриб). Ваалайкум ассалом, Алишер.
(Кўришаётиб.) Биз ҳозир ҳазрат Хизрни йўқласак бўлуркан,
келингиз.

НАВОИЙ. Биз ҳам ул ҳазратнинг муридларидин биридур-
миз — йўқловингиз боисин билсак бўлурму?

ХУСАЙНИЙ (Навоийнинг тирсагидан олиб, секин чиқа бош-
ларкан). Сизни базму жамшидларимизга чорласак:

**Гарчандки, шаҳ базми эрур дилрабо,
Вожиб эрур айламак андин ибо,**

дебон келмасиз. Эмди эрса бир мушкилот юз бериб, сулук
маслаҳат-мададингизга мухтож туруб эрдик.

Эшикдан чиқишгач, шохнинг «Дастурхон ва тўшаклар янгилан-
сун» дегани эшитилади. Ходимлар киришиб, уларни алмаштириша-
ди. Сўнг хонани елиб, ҳавосини ҳайдашади, мушк сеппишади ва
чиқишади.

НАВОИЙ (киришаркан, зътироз билдириб). Дўстим, бул ва-
зифани имону садоқат бирла адо этатургон бек-амирлар оз
эрмас. Бизни эмди давлат ишларидин тамом озод этсангиз,
токим Сизга хизматимиз ёлғуз хома ила бўлса.

ХУСАЙНИЙ (унамай). Дўстим, биз Сизнинг не чоғли мухли-
сингиз эркинимиз, ҳаргиз исботга мухтож эмастур. Вале салта-
нат муҳофазаси бизни шул дам аини шундоғ азм этмакка ўн-
дайдир. Олингон муълумотларга инонсак, Астробод ҳокими
амир Мўғулбек исён тайёрламакдадур. Алқисса, ул ерга ўзга
ҳар қандай бек ёхуд шаҳзода бормасин, кўп беҳуда қон тў-
килмаги муқаррардур.

Навоий ўйланиб қолади.

Дўстим, бизни шул мушкилотдин қутқарғайсиз ва бул Сиз-
га бизнинг сўнги топширигимиз бўлур. Ҳарқанча лашкар
бўлса олғайсиз, ишқилиб, ул вилоятда тартиб барқарор бўл-
са бўлғони. Сўнг эрса биз Сизни тағи ўз машғуллингизга
қайтарурмиз.

НАВОИЙ. Начора. Юрт осойишин деб бул вазифани зимма-
га олурмиз. (Таъкидлаб.) Вале, фикримча, нотинчлик нафа-
қат ул ерда, балким бошқа вилоятларда ва ҳатто пойтахтлар-
да юз бермакдадур.

ХУСАЙНИЙ (тасдиқлаб). Рост. Аммо ўзгаларин бартараф
этмакка ўзумизнинг қурбимиз келур, бул тарафдин хотуржам
бўлунгиз.

НАВОИЙ. Дўстум, улуг бобокалонингиз Темурбек ўз тузуқ-
ларинда «Қайсики вилоятда тиланчи ёхуд ўғри чиқибтур, ул
вилоят ҳокими бешафқат жазоладим» демишлар. Сиз ҳам
ўз вилоятларингизни адолат назари ила бир тафтиш эттир-
сангиз, қани жаннатмакон бобонгиз айтмиш жазога ҳокимла-
рингиздин нечаси мустаҳқик бўлур эркан?

ХУСАЙНИЙ (яна юришга бошлаб). Бори айтконларингизни
биз зътибор ила кўруб чиқурмиз, токим Сиз мумкин қадар
тезрак ва хотуржам ўз волийлингизга киришғайсиз, деб.

НАВОИЙ (қоғоз узатиб). Сиз мудом бизнинг янги битикла-
римизни ўқуб, фикират билдирур эрдингиз. Шул боис, ушбу-
ни-да фақир Сизнинг муборак назарингизга ҳавола этмакни
дилга солуб эрдик.

ХУСАЙНИЙ. О, бул биз-чун аини муддаодур. Қани, қутлуғ
хомангиз бу гал неларни битибдур эркан. (Олиб, ўқийди.)

**Манга қилса юз жафо
бир қатла фарёд айламам,
Элга қилса бир жафо,
юз қатла фарёд айларам....**

Бироз жавоб тополмай қолади.

Ҳм, маъқул, дўстим. Бул битигингизни-да биз ёд олурмиз.
Хотирингиз жам бўлғайким... Сизни фарёд айлатадургон ҳол-
ларга имкон қолмас.

Яна юриб чиқишади. Мулозим чой ва мева олиб киради.

Тамом.

Таминишув

Илҳом Ғаниев

Қишлоқ манзаралари



*Қишлоқ. Зардолизору чанг йўл,
Туя ўркач паҳса деворлар.
Аробалар кўкка чўзиб қўл
Тўриқ отлар йўлини пойлар.*

*Далаларга туташган уйлар
Симиради ёбон ҳидини.
Кўкка ернинг хабарин сўйлар
Хумдонларнинг аччиқ тутуни.*

*Ҳўкизини соғинган омов,
Юзларида сепкил-сепкил занг.
Ҳали қошда ўсмаси туриб
Келинларнинг қўли қаварган.*

*Қайлардадир инграйди жувоз
Дехқонга ёғ керак, отга жон.
Боз таралар мунгли бир овоз —
Қишлоқни аллалар тегирмон.*

*Дехқонни қайтармас далалар
Дийдасига қўндирмасдан чанг.
Ғўза билан бўйдош болалар
Жўякларда югурар аранг.*

*Сандалида ўт совиб ўчган,
Этик ечиб келмаган оёқ.
Беланчакмас, кетмонни қучган
Аёл, аёз тиш қайраган чоғ.*

*Ҳаёлдаги Мункар Накирдек
Йўл четида кузги дарахтлар.
Бу заминга нима қилдинг деб
Утгану қайтганни сўроқлар.*

Ароба

*Мункайган чол — ароба отсиз,
Ваъз ўқийди тунлар, сомеъ — ой.
Ерга қапишмабди-ку, эй сиз,
Утган-қайтган, сачратмангиз лой.*

*Итга ўхшар дейсиз узоқдан,
Фақат ҳурмас, шудир тафовут.
У — донишманд чол, сукут сақлар
Атрофида изғиса ҳам ит.*

Раҳмон Ҳожимурод



Қисса

...

Мен Собиқ янги муҳаррирни учратган куним унинг ҳикояси худди шу ерга келганда узилган эди. Мен уни излаб бордим. Ёзаётган қиссамни давом эттириш учун унинг кейинги: шу кундаги тақдирини, деворий газетанинг нима бўлганлигини билишим керак эди. Унинг турар жойини сўраб, суриштириб зўрага топдим. Эшикни лаб лунжи тугмаси узилган, энгдай осилиб кетган, юзи офтоб урган жийданинг пўстидай тиришган, оғзидан қўланса ҳид келаётган кампир очди. Курсдошимнинг илтифотсиз қарши олишини сира кутмагандим. Нима бўлсаям чидашга қарор қилдим. У ҳатто ўтиришга ҳам таклиф қилмасдан менинг атрофимда куймаланиб юрарди. Охири кўзим унинг столидаги бир қоғозга тушди.

— Уқисам майлими?

— А, ҳа, уми, шундай бир... буниям олиб келаверибман.

«Ташкилотимизнинг комсомоллари оғир жудоликка учради. Узоқ тортишувдан, қизгин муҳокамалардан ва қайноқ баҳслардан сўнг «Комсомол ойнаси» деворий газетаси орамиздан дом дараксиз ғойиб бўлинди. Шу муносабат билан деворий газетанинг «оила аъзоларига» кашанг мухбирларига, ишонадиган тоғлари ва ишонмайдиган боғларига, некбин мухлисларига, буқаламун муҳолифларига чуқур ҳамдардлик изҳор этилади.

Газетанинг ўша сони қалбимизда ва дўстларимиз хотирасида абадий сақланади».

Бир группа ўртоқлар.

Дафн маросими газетанинг жасади топилгандан кейин ўтказилади...»

Гапимиз ҳечам қовушавермагач ўртага «энди кетсанг бўлади», деган сукунат тушди. Нима бўлсаям уни қилдай қирқ ёришим керак. Нокамтарлик бўлсада, суҳбатни ўтолдириш учун яқинда чиққан китобимдаги ҳикоя ва қиссалар ҳақида фикрини сўрадим. У менга бир қараб қўйди-да, худди тиланчига садақа бериш учун тешик чўнтагини кавлаётган одамдай анчагача бошини қашиб турди ва охири:

— Мен ёзувчи дегани ёзганларидан юз, минг карра кучли бўлиши керак, деб биламан, — деди у гўё саволинг, китобинг ҳам жавобга арзимаёди дегандай, — биз халқ билан яқинлашимиз керак. Ҳамма вақт, ҳозир ҳам халқ биздан эмас, аксинча биз халқдан узоқдамиз. Иссиқ уйларимизда кўзимизни юмиб хаёл суравериб зерикканимизда мазлум ҳаётдан бир хабар олгимиз келиб қолади ва хабар олаётганимизда нимадир жуда нозиклашиб кетган таъбимизга ўтиришмаса ранжиймизу яна ўзимизни инимизга урамиз.

— Кимларни айтаяпсиз? — англамай сўрадим.

— Ҳаммани!

— А, ҳозир адабиётимизда катта шов-шув бўлаётган ёш авлодми ҳамма?

— Ҳа!

— Нима уларнинг хизматларини инобатга олмайсизми? Улар адабиётимизга ўзига хос овоз билан кучли тўлқин бўлиб кириб келди. Бизнинг адабиёт, шеърят, ҳаёт, кураш, яшаш, халқ ва тарих ҳақидаги қарашларимизни чуқурлаштирди. Онгимизда, тушунчамизда ижобий...

— Ҳа! Шундай! Ҳа! Сизнинг гапингиз фақатгина икковимизнинг ўртамиздагина ҳақ бўлиб чиқади. Улар халқнинг дардини, орзу-армонларини ифодаловчи бутун инсониятнинг ягона адабиётига эмас, балки ўзларига тушунган ва идрок қилган, ўзларининг нуқтаи назаридеги адабиётга хизмат қилмоқдалар Аслида эса ҳамма халқнинг ягона битта-ю битта адабиёти бор. Улар курашни, яшашни, ҳақиқатни моҳирлик билан айтиш, деб билдилар ва шунақа моҳирона китоблар ёздилар. Ҳақиқатни моҳирлик билан айтиб ҳозир хотиржам оёқларини узатиб яшашда мамнун давом этмоқдалар. Халқ ҳақиқатни моҳирлик билан айтадиганларга, ҳақгўйларга мутлақо муҳтож бўлган эмас. Бертольд Брехт эсингиздами. «Ривожланиб бораётган ваҳшийликка қарши курашишнинг битта тарафдори бор: жабрланаётган халқ! Фақат ўшанданига нажот кутиш мумкин. Халққа мурожаат қилиш эҳтиёжи, унинг тилидан гапириш иштиёқи ҳар қачондан кўра ўз-ўзидан ўсиб бормоқда».

— Ахир бизнинг жамиятимизда жабрланаётган халқ йўқ. Бизнинг жамиятимиз энг одил ва адолатли эканлигини бутун дунё тан олмоқда. Хусусан, ҳозир қайта қуриш, ошкоралик, демократия булар қуруқ сўз эмас. Сиз торгина хонангизда қамалиб олиб кўп нарсалардан ўзилиб қолибсиз. Ҳаётимиз тобора фаровонлашиб бормоқда.

* Охири. Боши ўтган сонда.

— Тобора фаровонлашиб бораётган ҳаёт! Бундан бошқа сўзлар билан ҳам халқни алдаб, унинг дарду қайгуларини ғалаба ва муваффақиятлар, деб ёзилган шиорлардан тикилган усти ялтироқ ёпинчиқларининг остига беркитиб «Сизларнинг турмушингиз фақат қувонч ва шодликдан иборат», «Сизларга бошқа мамлакат халқлари ҳавас қилади», деб ўзига шеър ухқоя, очерклар ёзиш билан қайта-қайта таъкидлавириш бу жабр эмасми? Бунинг жабрдан нима фарқи бор? Унинг юрагини очишга йўл қўйиб бердикми? Халқнинг бизга айтадиган дардини, сўзларининг йўлини тоғдай қалин-қалин китоблар билан тўйсин ташладикми? Бугун сиз айтаётган қайта қуриш, ошкоралик бизга ҳамма гапни очиб айтишга имкон берганида биз соддаларнинг айтадиганимиз «китобларнинг тиражи кам» деган икки оғиз сўздан иборат экан-ку, бошқа айтадиган ҳақиқатимиз йўқлиги, ҳеч қачон бўлмаганлиги билиниб қолди-ку. Лоқайдлик ва бепарволик оқибатида биз тил ва қулоқ билан ишлашга ихтисослашганмиз.

— Гапларингизни эшитаётган бўлсам ҳам қўшилишим қийин. Ҳамма нарсанинг аввало ёмон томонини топишга уста экансиз. Ҳамма нарсани алам узайтирган қарич билан ўлчамаслик керак. Келинг бу масалаларни қўятурайлик. Хўш, сизнингча, бизда ҳозир кимни тан олиш керак, — дедим уни чалғитиш ва совутиш учун.

— Инқилобдан кейинги адабиётимизда бошловчи ёзувчи сифатида Қодирий ва Чўлпон бор?

— Қаҳҳор-чи, Ойбек-чи?

— Ойбекни шоир деб биламан. Абдулла Қаҳҳор ўхшатишлар устаси. Унинг ҳикояларини ўқигансиз, Чағиртош ётқизилган йўлдан юргандай тасаввуримнинг товоғни қавариб кетди. Мактаб сифатида эмас, ундан курул сифатида фойдаланиш, ўрганиш керак.

— Уху, — деб юбордим охири чидаёлмай унинг тобора чақнаб бораётган кўзларига лол тикилиб, — Агар Абдулла Қаҳҳорнинг аҳволи шу бўлса бошқалар ҳақида гапирмай қўяқоларсиз?

— Бошқалар семиз-семиз китоблари билан содда китобхонларни бир хил фикрлашдек тузалмас дардга чалинтирган. Биттасининг фикрини билсангиз бўлди яна тўққиз минг тўққиз юз тўқсон тўққизтаси шуни қайтаради. Биламан, таажжубланаяпсиз? Мен бугун 27 ёшдаман ва ҳар бир гапимни комил ишонч билан айтаяпман ва ҳар қандай жойда худди шундай комил ва қодир ишонч билан фикрларимни ҳимоя қила оламан.

— Наҳот бизда умид қиладиган ёзувчилар йўқ бўлса?

— Ҳозиргиларнинг кўпчилигига умид боғланса арзийди. Лекин бу умидни қайси бири оқлай олади. Шунга масалан, сиз кафил бўла оласизми? Барча ишонч ва умидни эса ҳали ёзишни бошламаган, бошлаган бўлсада, ҳали номларини ва ёзганларини яшириб юрган болаларга топширишдан ўзга иложимиз йўқ. Бу ҳар қандай ишонч ва умиддан кучлироқ.

Раҳмон ака?

Мана мен бир неча кунлардан буён Хулио Кортасарнинг «Аксолотль» деган ҳикоясини қайта-қайта, тўхтаб-тўхтаб, бўлиб-бўлиб, тўлиб-тўлиб, тўкилиб-тўкилиб, бўлиниб бўлиниб, сочиб-социб, сочилиб-социлиб, йиғиб-йиғиб, йиғилиб-йиғилиб, ёниб-ёниб, қониб-қониб, қизғониб-қизғониб, тошиб-тошиб, шошиб-шошиб, тўлғониб-тўлғониб, тўлқинлиб-тўлқинлиб, завқлиб-завқлиб, бураб-бураб, буралиб-буралиб, ўраб-ўраб, ўралиб-ўралиб, безиб-безиб, куйиб-куйиб, куйланиб-куйланиб, суйиб-суйиб, суйкалиб-суйкалиб, бўзлаб-бўзлаб, сўзлаб-сўзлаб, сўйланиб-сўйланиб, ғудраб-ғудраб, ғудирлиб-ғудирлиб ўқиб ётибман. Ҳали дунёга келиб аксолотль деган жонзотни ҳеч қачон кўрмаган, бил-

маган бўлсам ҳам ҳикояни ўқиб чиққандан кейин ҳамма нарсани бирдан тушундим. Жуда кўп нарсалар мен учун ойдинлашди. Ва қайта ўқишга киришдим. Атайлаб эмас, балки мен беихтиёр ички ва табиий ташналикнинг кучи билан ўқияпман. Ҳар гал ўқиганимда олдинги ўқиганимдан бутунлай бошқача, яхшироқ тушунаяпман. Ҳар гал ўқиганимдаги таассуротларим бир-бирига нақадар ўхшамагани учун ҳам шу қадар ёзувчининг нима демоқчилигини ва нималарга ишора қилганлигини тўлароқ ва чуқурроқ тушуниб бораётибман.

Яна энг ҳайратингиз томони шундаки, ҳозирги ҳаётимга, яшашимга, ишсизлигимга, деворий газетамга чидғий алоқаси йўқлиги билан ҳам, бу ҳикоя менинг ишсизлигимнинг сабабларини билишимга шунчалар яқиндан ёрдам бермоқда. Бу ҳикоя менга шундай таъсир қилаптики, бу таъсир нури ақлимнинг кўзлари ҳеч қачон кўра олмайдиган жуда кўп ҳақиқатпарастлар бошини уриб олиб ўз-ўзини ҳалок қиладиган энг бақувват устунларни яшириб турган зулматнинг (бу зулмат ифлос ҳаёт салтанати эди) қўйини ёритиб юборди ва менга жуда асқотадиган, билишим деярли мумкин бўлмаган-у, лекин шарт бўлган яшашнинг бешафқат моҳиятини англашимда бебаҳо ҳикмат вазифасини ўтаяпти.

Аксолотлар яшайдиган ҳовузнинг туби нақадар тор ва ифлослигини энди мен ҳам фақатгина ўзим биламан. У ерда (хў у ерда ҳам) ҳаракат учун сал жойингдан қўзғолсанг ўша заҳоти биронтасининг думи ёки бошига нима сабабдан тегиб кетишингни-ю, бундан қайси сабабга кўра қандай норозилик пайдо бўлиб, нима ва неларга асосланиб жанжал чиқишини, жанжал қўзғалишини ва натижада бу жанжаллар зулукдай қуватингни сўриб, ҳолсизлик ва умидсизлик танангни қуритиб, ундан кейин лаънати судҳўр ожизликнинг шўралаган деворига суянишга нимага мажбур бўлаётганингни энди мен ҳам жуда яхши биламан. Шунинг учун ҳам қилт этмай турганимизда, лом-мим демай, овоз чиқармай ва бор йўқлигимизда билдирмай яшаганимизда, наинки вақтнинг, умрнинг, не-не замонларнинг сезилмай ўтиши бугун менга ҳам беш қўлдай аён.

Энди мен ҳам бу жонзотларнинг ифодасиз юзию кўринишидан жонсиздай кўринадиган мунчоқдек тилло ранг кўзларининг кейинчалик қуриши ва тушунишини, таъсир қилишини, уларнинг махлуқ эмаслигига иқрор бўлганимда, нима сабабдан биринчи пайтлари бу кўзларнинг қаърини кўролмаганимнинг сирини англайман.

Уларнинг зиғирча маъно бўлмаган ҳолда, аллақандай ўзга ҳаё, узгача қуриш ва ўзгача тушуниш, ўзгача яшаш йули мавжудлигига ишора қиладиган бизникига ҳалдан зиёд ўхшаш кўзлари мени энди ларзага солади, умрбод қийнайди. Уз баданларига қарам бу онгли мавжудотларнинг, ҳа, бу онгли мавжудотларнинг ИНСОНга ўхшаш сирли англаш лаёқатини ривожланиш яқсон қилиб юбора олмагани туфайли мажбуран бошқа кўринишга ўтишлар натижаси, яъни абадул-абад сув остида (эътибор бераяпсизми, сув остида абадул-абад, майда ташвиш ва икир-чикирлар сувининг остида), худди мана шу (ана шу) шароитда хаёл суриш ва армон чекиш (ишлаш, яшаш, орзу қилиш)га мавҳум этилганидан энди сиз ҳам хабардорсиз ва «ихлос эт, халос эт, халос эт(халос этинглар)» деган унсиз (умрнинг ҳам) илтижоларига юрагингизни ўрташ ва азоблашдан бошқа жавоб топа оласизми?

Юракни ўртайдиган ва азоблайдиган саволлар эса тобора бешафқат.

Ҳикоянинг қаҳрамони, мен, сиз, Хулио Кортасарнинг ўзи ҳам, ҳаммамиз улардан кўрқамиз, чунки улар мутлақо одамга ўхшамайдилар-у, лекин бирорта махлуқ (ҳис қиляапсизми фожиани) билан ўртаимизда бунча-

лик ўхшаш аломатлар кўрмаганимизда ахир! Шунданми, улар бизга ҳар қандай масофадан таъсир эта олади. Биз буни ва уларни тобора яхшироқ тушуна борамиз. Узимиз азоб чекганимиз сайин уларнинг сув қатлари аро унсиз чекаётган уқубати, битмас-туганмас жафоларини ҳис қиламиз.

Олам аксолотлларга бой бўлган пайтларда йўқотилган салтанат билан озодлик арини диққат билан тикилиб танимоқчи бўлганини, бўлаётганини тушунмаяпсизми? Ҳис қилаяпсизми? Бу суюқ жаҳаннамдаги, уларнинг абадий изтиробларидан, ташқи қиёфаларидан, ноилжликдан пайдо бўлган ёки зўравонлик билан яратилган сокинликдан, боя мен айтган хабарни, муждани бизга билдирмасликлари мумкин эмас эди.

Энди ҳаммамиз ҳамма нарсани биламиз эмас, ҳамма нарсани олдиндан билардик. Ҳа, ҳамма нарсани ҳозир сиз айтганларни, одамлар айтаётганларни ва бундан кейинги айтажакларини ҳам олдиндан билардик. Узимизни бир умр ойна ортида эканлигимизни англаб ажабландикми? Англаб ажабланганингиз ростми, Раҳмон ака? «Англаш — уйқудан тургач тириклайин дафн этилганини ҳис қилиш дегани».

Мени тўғри тушунинг, бу ҳикояни қайта-қайта мутола қилар эканман менинг ҳам жисмимга инсоний тафаккуримга аксолотль кўчганлигини, энди онгсиз махлуқлар орасида оқилона яшашга маҳкум этилган аксолотль вужудида тириклайин кўмилганимга ва бундан буён унинг абадий тутқуни эмаслигимга шубҳа қилдим. Мен ҳақман. Мен ҳақимда ҳикоя ёзар деган энг ожиз ва майда таскиндан иборат фикрга келиш учун ҳам арзирли бўлиш керак. Ҳатто шунга арзимасак-чи...

Унинг мана шу фалати таассуротлари мени буткул маҳв этганидан у билан хайрлашиб уйга қайтаётганимда: Кортасар, Аксолотль жаҳаннам каби суюқлик, тор ва ифлос маска... лом-мим демаслик, англаш — уйқудан тургач тириклайин дафн этилганини ҳис қилган одамнинг, халқнинг... абадий тутқунлик... ҳаммаси миямда, хаёлимда чарх уриб айланарди. Анчагача ухлай олмадим. Охири ўрнимдам туриб яқиндагина сотиб олган Хулио Кортасарнинг китоби билан ўша ҳикояни топиб ўқиб чиқдим. Менинг кўзларим ҳикояда, қулғимда эса унинг овози жаранглайди.

Шу ҳолатда ухлаб қолибман. Тушимга Хулио Кортасар кирибди. Бўйлари китобдаги суратидай баланд. Қора плашда, ёқаларининг орқаси ўртасидан кўтарилган, кўзлари катта-катта бўлгани учун юзларининг озгинлиги, жағ суякларини юпқа қорамғиз тери ёпиб турганлигини унча сездирмайди. Бутун кўринишида ўктамлик, яхшилик ёғилиб турибди. Юз ва айниқса кўзларида жафокаш ва заҳматкаш инсонга хос бўлган ҳамма фазилат ва оғриқнинг, муҳаббат ва нафратнинг сўз билан айтиб бўлмайдиган аллақандай тўла ифодаси бор. Унинг кўзларига қараган одам дунёдан, ҳаётдан, яшашдан, ўзидан ва тақдирдан ҳеч қачон нолишга ҳаққи йўқлигини уқиб олади. Унинг кўзларига қараган одам тоза юрагини, эзгу ниятини бемалол кўра олади. Унинг кўзларида жамики инсониятнинг изтироб ва қувончлари, ғаму ташвишлари акс этаётганини пайқайди.

Чорбоғтепада эмишмиз.

— Мен Сизларни Олимдан эшитиб келдим, — дебди.

Жимиб қолганида юз-кўзларида бутун одамзотнинг армону умидлари тош қотиб қолади. Ҳовлимиздаги каравотнинг ёнида аввал тик туриб кейин эса суянчлари-га суяниб гаплашдик. Кеч куз бўлгани учун каравотда тўшак йўқ эди. У рус тилида сўзлар, бизни эса ўзбекча гапиришимизни талаб қиларди. У бизга:

— Битта одам қанча кучли бўлмасин, ҳеч нарса қила

олмайди. Бирлашишимиз керак. Шунчаки ҳамкорлик учун эмас. Бу одамларнинг, халқларнинг қалбини, юрагини бирлаштиришдан иборат бўлмоғи лозим. Бизга бу йўлда адабиёт ҳақиқий кўприк бўлади. Менинг ҳамма жойда дўстларим кўп. Ҳаммамиз ҳам шу ниятдамиз. Лекин бизлар камчилмиз. Сизлар ёзишларинг, ёзганда ҳам ҳеч нарсани яширмай ёзишларинг керак. Чикмайди, чиқармайди деманглар. Мен, дўстларим ёрдам берамиз.

Бу суҳбатда мен, Собик янги муҳаррир, терсоталик мулло Соли Боймирнинг тўнғич ўғли Назар, мерганчалик Абдували, қизилтепалик Азиз бор эдик. Хулио Кортасар берган саволларга бир-биримизга гал бермай жавоб берардик. Биз ҳам уни саволга кўмиб ташлардик. У гапираётганида юзларидан нур ёғиларди, кўзлари эса илоҳий тарзда порларди. Хулио Кортасар Бобурни, Берунийни, Улугбекни ўқиганлигини, Навойни ўқиш учун ҳозир ўзбек тилини ўрганишга киришганини айтди. терсоталик мулло Соли Боймирнинг тўнғич ўғли Назардан «Хайруллонинг тугунини оча олдингми?» деб сўради. Мерганчалик Абдували, қизилтепалик Азиз унга шеърларидан ўқиб берди. Айниқса, Кортасар Собик янги муҳаррир билан Деворий газета хусусида анча гаплашди.

— Токи қашшоқ ва муте халқим бор экан, хамиша айбдорман, — деб суҳбат давомида кўп такрорлади.

Олма дарахтига суяниб суҳбатни давом этказаётганимизда ёмғир томчилагандай бўлди, мен қорайиб бораётган осмонга қараган эдим, юзимга совуқ ёмғир томчиси аралаш юмшоқ, намчил олма барги келиб тушди ва кимдир шарақлаб кулиб юборди.

— Ҳа, бунча. Узингизга ўзингиз ҳа деб Кортасар, Кортасар дейсиз. Карларга қачон ишингиз тушди. Яна китобни юзингизга кўйиб, ухладингизми? Туринг, ишга кеч қоласиз, — деб жавранди хотиним. Унинг гапидаги китоб деган сўз мени сал ҳушимга келтирди ва ёстигимнинг четида ётган китобдаги Хулио Кортасар деган ёзувга хотинимнинг кўзи тушди.

— Ҳўп отлар борда. Кортасар, Нима дегани?

— Мен қайдан билай?

— Уқияпсиз, сотиб олгансиз-ку...

Нари-бери ювиниб чой ичгач, ишхонага жўнадим... «Тавба» дейман ўзимга-ўзим, тушимни эслаб. Гоҳ ажабланиман, гоҳ хурсанд бўламан. Ахир машҳур ёзувчи тушингга кирса, излаб келса ёмонми? Бунинг ҳам хосияти бор. Нималар хусусида гаплашганимизни эслашга тирishaман. Миямда ҳамма катта-кичик ташвишлар ўрнини кўрган тушимнинг таъсири эгаллаган. Деразага қараб уйлаб ўтирувдим, телефон жириглаб қолди. Овозидан дарров танидим. Курсдошим Собик янги муҳаррир, тушимнинг қаҳрамонларидан бири, энди унга фаройиб тушимни айтмоқчи бўлувдим ҳамки, ўзи гап бошлади:

— Раҳмон ака, кеча қарор қилганимдек, ҳозир Хулио ака билан кетяпман.

— Қачон? Қаерга? Қайси Хулио?

— Хулио Кортасар билан кеча бизникида танишдингиз, бирга ўтирдик-ку. Сизлар кетгандан сўнг мен у билан яна суҳбатлашдим. Алло, эшитяпсизми? ва бирга кетишга аҳд қилдим. Ҳозир кетаяпмиз. Сиздан бир илтимос, знамга бир хат ёзувдим, шуни олиб чиқиш ёдимдан кўтарилибди. Илтимос, квартирамга бориб шу хатни знамга жўнатиб юборинг. Кечирасиз биз шошиляпмиз, хайр...

Тут... тут... тут...

Қанча вақт ўтганини билмайман, жойимда қотиб қолдим. Ақлим ҳеч нарсага етмасди. Нима қилишимни, ўзи нима бўлаётганини билмайман. Наҳотки, наҳотки

бари рост бўлса? Охири йўқ туш кўраяпман, деган заиф фикрга осилдим. Баъзан шундай бўлади-ку ахир. Одам туш кўради, туш кўраётганини ўзи сезиб ётаверади. Лекин мен ғайритабиий тушдан қачон уйғонаман. Яна ақл-хушимни йиғишга уриниб, ахир ҳозир ишхонадаман-ку! дейман. Кеча у билан учрашганим, гаплашганим, туш кўрганим боягина унинг овозини телефондан эшитганим аини ҳақиқат-ку! Илтимос ҳам аини ҳақиқат. Ўзимни қўлга олишим керак эди. Бўлим бошлиғига «мазам қочяпти» дедим-да, кўчага чиқдим. Кўча тўла одам. Ҳар кимнинг ўз ташвиши елкасига миниб йўл кўрсатиб боряпти. Ҳар кимнинг ўз борар жойи, ўз мақсади бор. Мен эса ҳозир тўғри уникига бораман ва ҳаммаси ойдаи равшан бўлади, деб ўз-ўзимга таскин бериб кетаяпман. Эшикни тақиллатганимда «бундай бўлиши мумкин эмас» деган савол миямда чарх урарди.

— Бўлиши мумкин, — деб қовоқларини уюб жавоб берди ижарахўр кампир, — кетди, ўша новча билан. Энди қайтиб келмайман, мендан нимаики ўтган бўлса рози бўлинг, деди. Бу қишлоқилар доим шунақа келиш-кетиш олдидан ипакдай бўлиб қолишади. Жойингни берасан, нонингни ейди. Бир кун солади кетади. Яхшиликни билмайди.

Шу гаплари билан кампир кўзимга арвоҳдай кўриниб кетди. Кампирнинг норози нигоҳларига парво қилмасдан унинг шип-шйдам хонасида анча турдим.

— Мана, кетаётганида шунақа бардак қилиб кетишди. Энди буни ким супириб тозалайди. Пушқинми?

Мен унинг китоб ўқийдиган столининг ўёқ буёғини қарадим. Ҳеч қандай хат кўринмади. Эски газеталарни шундай кўтарган ҳам эдимки, бир тутам қоғозлар аллақандай азобдан инграгандай шигиллаб пастга тўкилди. Дарров танидим. Дасхат уники. Қоғозлар анчагина эди. Ҳаммасини олдим ва биринчи сўзини ўқидим. Хат «Эна» деб бошланарди. «Демак, ҳаммаси рост экан-да» дедим ўзимга ўзим. Кейин уёғини яхши эслолмайман. Кампир яна мингирладими? Кўчадан қандай келдим. Бир пайт қарасам эшикнинг олдида хотиним билан юзма-юз турибман. Кечаси алаҳладимми, бақирдимми, уйғониб кетдим. Бошимда хотиним пиқиллаб йиғлаб ўтирибди.

— Кечаси билан роса қўрқитдингиз. Кириб келганингизда ўзим билувдим рангингиздан, бўздай эди. Доктор қақрайми, десам, ўлсин, кўчадаги телефон ишламайди. Роса қўрқдим.

Хотинни ёмон туш кўрибман, деб зўрға юпатдим. Ўзимни унга тетик кўрсатиш учун ўрнимдан турдим. Тонг энди отиб келарди. Ювиндим. Хотин иккаламиз чой ичди. Шунда хотиним сал хотиржам бўлди.

Уйдан чиқдим-да тўғри докторга учрадим. Доктор ҳамма беморларга айтадиган гапини бугуннинг ҳисобидан менга биринчи бўлиб айтди: «Асабларингиз жуда чарчаган, дам олишингиз керак. Ҳеч нарсага ўйламанг. Ҳаммаси ўтиб кетади». Ишхонага бормасдан уйга қайтдим. Столимнинг устидаги унинг хатини кўриб асабим бузилса ҳам ўзимни бепарво хотиржам тутишга ҳаракат қилардим. Менинг хотиржамлигимни кўриб хотинимнинг ҳам кўнгли жойига тушди. Бирдан миямда у ишлаган ташкилотга борсам-чи деган нажоткор фикр ялт этди. Бу фикр бир томондан мени хурсанд қилди. Иккинчи томондан эса бояги хотиржамликни емириб юборди. Ўша нуфузли ташкилотга бориб уни суриштирдим. Гўё ундай одам ҳеч қачон бўлмагандай, ҳеч ким ҳеч нарса деёлмади. Яна ичим зимистону олам бўлди. Хайрият-ей эсимга, у ҳа, деб икки гапининг бирида тилидан қўймайдиган «Олим ака»си тушиб қолди. Бир киши «Ҳа шундай одам бор» деб 528 телефон номерини

айтди. Телефон қилсам «Ҳозир хонада йўқ, лекин ўзи шу ерда» деган жавобни олдим. Кўришим кераклигини айтгандим, анчадан кейин бир йигит чиқиб «Олим акани ким сўради», деди. Мен унинг ёрдамида рухсат қоғози олгандан сўнг шу йигит билан бирга учинчи қаватга чиқиб 54 хонага кирдик. Хонада ҳеч ким йўқ эди. Кутиб туришимни тайинлаб у ҳам чиқиб кетди. Ҳар тугул дилимни қати бўлса-да, мубҳам равшанлик ёритди. Мен Олим акадан у ҳақда кўп нарса билиб оламан, деб умидландим.

Бир пайт мени олиб кирган йигит билан бирга кўзойнаги ўзига ярашган, пешона сочлари ўнг томонга жингалакнамо қайрилган, маъноли боқадиган, юзлари маллага тобе бўлса-да, бурун атрофлари қончиллаб турган ўрта бўйли, тўла, ўрта ёшлардаги одам бир қўлида икки дона сомса ва бир бош узумни кўтарганча кириб келди. Бу ёзувчиларнинг бир йиғилишида Лотин Америкаси адабиёти ҳақида гапириб, «бизда ёзувчилар йўқ» дегани учун аҳли мажлис томондан чапаклар остида залдан чиқариб юборилган, ҳаяжонининг зўридан залдан чиққунча ҳам бир нималар деб ғудраниб кетган Олим эди. Кўриша туриб қўлларининг юмшоқлигидан кўнглининг ҳам юмшоқлигини сездим.

Кейинги пайтда адабий давраларда, расмий, норасмий учрашувларда унинг ҳикоя ва адабий қарашлари ҳақида анчайин ташвишли тортишувлар бўларди. Очиғи, мен унинг ҳикояларини ўқирмасдим. Ўзини эса бор йўғи мажлисда ҳайдалиш чоғида кўргандим. Ҳозир эса у билан юзма-юз турибман.

У кўзойнагини гоҳ чап қўли, гоҳ ўнг қўли билан тез-тез кўзи томонга тортиб қўярди. Унг қўли билан кўзойнагини тузатиб, сўнг кўрсаткич бармоғини сўроқ белгисига ўхшатиб, шундай кўзойнагининг тагидан бошлаб буруннинг устини охирига сидириб тушарди. Кейин бош ва бояги кўрсаткич бармоғини чаппа С қилиб оғзининг икки бурчагига учларини босиб сураётган пайтда оғзини шунга мослаб очарди ва ўнг кафти билан иягининг тагини чапдан ўнгга, ўнгдан чапга қараб қаттиқ ишқарди. Ундан кейин эса бош бармоғини кўрсаткич бармоқнинг устига қаттиқ тираб бурун бечорани пастдан шундай эзиб то кўзойнақнинг остигача сидириб, боргандан кейин ўша бармоғига бир қараб қўярди-да, яна ўша машқни ниҳоятда тез, лекин сал бошқа тарзда ундан ҳам гўзал қилиб такрорларди. Шу тариқа бурун жониворни бошлаб жазосини бераётганда унга ҳамдардлик билдириб бутун юзи бужмайиб кетарди. Мен эътибор қилганим, у бу машқни гўё спортнинг шу туридан чемпионликка даъвогардай ихлос билан берилиб бажарарди.

Олим акага мен курсдошим ҳақида, унинг саргузаштлари, деворий газетаси ҳақида билганимча гапириб бердим. Унинг шу ерда маълум муддат ишлаганини ва шу ташкилотда бошига тушган ажаб савдоларни айтдим. «Сизни мақтагани мақтаган эди», шунга сизни излаб келдим, дедим, Олим акага. У жилмайиб:

— Унақа одам ҳаётда бўлмаган. Сиз айтаётган бола эса менинг яқинда ёзиб тугатган ҳикоямнинг қаҳрамони. Унинг ҳаётини мен бадий қилиб ўзим тўқиганман,— деди.

Мен ҳайратдан ёқамни ушладим. Зўр бериб Олим акага у ҳақида очиқроқ гапириб бердим. Ҳатто «Деворий газета» деган қисса ёзаётганимни ҳам яшириб ўтирмадим.

— Ёзинг. Агар сиз айтаётган бола ҳаётда бор бўлса, демак, жуда яхши. Бизга шундай болалар керак. Жуда кўп керак. Кейин у ўз-ўзига гапирётгандай давом этди,— Мен ҳаммага гапиравериб, гапиравериб касал бўлиб қолгандим. Барибир гапиравердим, охири ҳаммасини касал қилдим...

Суҳбатимиз кутилмаганда яна жумбоқ билан тугади. Ҳеч нарса тушунмадим. Қайтага яна баттар чигаллашди. Кела-келгунча ўзимга минглаб саволлар бераман. Жавоб эса йўқ. Саволлар менга оч бўридай ташланаверади. Тўғри хонамга кириб бордим-да, столнинг устида турган хатни олиб парча-парча қилиб йиртдим. Ва таппа ўзимни тўшакка ташлаб, ҳамма нарсадан бирдан халос бўлиш учун кўзларимни чирт юмдим. Ярим тунда ер тагидан ёруғликка бирдан чиққан одамдек ярқ этиб кўзларим очилиб кетди. Кўзларимни очиб ётавердим. Чироқ ёниқ ҳолида қолган экан. «Агар шу чироқ ўчиқ бўлганда ҳозир уйғониб кетмасмидим», дедим ўзимга ўзим. Туриб чироқни ўчирдим-да яна ётдим. Энди ухлаб бўлармиди. Ётиб-ётиб яна бўлиб ўтган воқеалар ёдимга тушди. Яна юрагимга хижиллик ёриб кирди. Охири бўлмади, ўрнимдан туриб чироқни ёқдим ва ёзув столимга келиб ўтирдим. Утирдиму кўзим қинидан отилиб чиқиб кетаёзди. Мен ёзаётган ярмига бориб қолган «Деворий газета» деган қиссанинг ёнида кечаси мен йиртиб ташлаган хат турарди. Олдинига кўзларимга ишонмадим. Қараб ҳайкалдай қотиб ўтиравердим. Кўзим ўша таниш сўзга тушди: «Эна» Узимга-ўзим «йиртганмидим ёки йиртмаганмидим?» деган бепосани саволни бердим. Одам иложсиз қолган пайтларига ўзини ўзи алдаб илож топади. Кечаги эмас, ҳозир шу тобда кўриб турганини ҳақиқат, деб қабул қилишга мажбур бўлади. Айниқса одам ёлғиз бўлса, бу мажбурилик гуноҳ саналмайди. Мен ҳам ҳозир кўзим кўриб турганини ҳақиқат деб қабул қилдим. «Кеча ҳеч нарсани йиртганим йўқ» дедим. Лекин ичимда нимадир менга қараб биринчи марта бош кўтара бошлади... Кеча йиртгандимку дейин десам, хат столнинг устида бус-бутун ётарди.

Йиртмаганман десам... Хуллас, ўзим билан ўзим итдай олиша бошладим. Ҳаммасини ўйлаб, «бундай бола ҳаётда йўқ» деган сўзлар ёдимга тушиб устимга ваҳима аждардай босиб келаверади. Ваҳимадан халос бўлиш учун ҳар нарсага тайёр эдим. Ўрнимдан турдим-да хатни печкага тиқиб устидан гугуртни урганимни билмай қолдим. Ичимда яна бояги куч жунбушга келди. Нариги хонадан болаларнинг уйқусираган овози эшитилди. Мен ҳам ётдим. Ётдим у худди тикка тургандайман. Ичимдаги нимадир менинг тинчишимга ҳеч йўл қўймайди. Энг азиз нарсага хиёнат қилаётгандайман. Яна саволлар ўртага олиб ғажий бошлади. Ахир хатни унинг уйига, энасига юборишим керак эди-ку, дейман инсофга келиб, бирдан Олим аканинг «унақа бола ҳаётда йўқ» деган гапи бор мулоҳазаларимни чиппакка чиқаради. Ҳаётда йўқ одамнинг уйи, энаси қаердан бўлсин? Лекин курсдошим бор эди-ку? Ҳа, бор эди! У Хулио Кортасар билан кетди. Хулио Кортасар! Бу улуг ёзувчининг оламдан ўтганига тўрт йил бўлаяпти. Унда курсдошим ҳам, йўқ! Ўрнимдан яна туриб кетаман. Кейин ўзимни овута бошлайман. Хат ёниб кетди, яхши бўлди. Лекин ичимда бир нарса тип-тикка, бус-бутун турибди... Не у, нима у?

Саволлар қуршовидан бир бало қилиб чиқдим-да тонг отгач ўзимни кўчанинг бўм бўш бағрига урдим. Бугун шанба эди. Ихтиёримни бутунлай кўчанинг измига бердим. Кўчада кетатуриб билмайман қанча вақт ўтди бир дўстимни учратиб қолдим. Худди жонимни омон сақлаб қоладиган халоскорим шудай унга маҳкам ёпишиб олдим. У ўзининг ҳаёти, ёшлигида нечта қизни яхши кўргани, уйланганидан кейин қиз кўрсам биринчи яхши кўрганининг исмини қўяман, деб ният қилгани-ю, лекин хотини эгизак ўғил туққанини кулиб-кулиб айтиб берди. Алламаҳалгача гаплашиб ўтирдик. Барибир менга печкада ёниб кетган хат тинчлик бермасди. Уйга ҳам боришдан юрагим ўлғудай безиллар эди. У билан хайрлашгач, яна ихтиёримни йўлнинг ихтиёрига топширдим.

Бепарводай оқётган ҳаёт дарёсига безовталаниб қарайман. Бепарводай кўринган бу ҳаётнинг кўксига яралари нақадар кўп (меники камми?). Унинг армонлари худуд билмайди. Чинқириб, чириллаб оқётган бўлсаям унинг чиқармайди. Ахир, ҳар кимнинг ғами ўзига етарди. Бу осмонўпар биноларга мингларча турли тақдирлар, минглаб турли қисматлар тиқиб ташланган. Агар уларнинг ҳар бирининг кўнглига қулоқ солгудай бўлсангиз охлари оламнинг ёқасини чок қилади. Лекин ҳаёт шуниси билан ҳаётки, у ҳар битта тирик жонда айрича, ўзгача кечади. Бировнинг хатоси, бировнинг пушаймони бошқа бировга ҳеч қачон сабоқ бўлолмайди. Отанинг бахти ўғилга, уқанинг омади акага ҳеч қачон татимайди. Шунинг учун ҳам ҳамма ўзича яшагиси, барини ўз бошидан ўзи ўтказгиси, ўз бахти ва бахтсизлиги бўлишини истайди. Ҳаётнинг энгилмас қудрати худди шундадир, балки.

Мана шу минглаб, миллионлаб одамларнинг ичида мен ҳам борман. Лекин менинг борлигим, менинг яшаётганим, айтар сўзим билинадими? Яна қанча одамники, билинади. Қанча одамники буткул билинмайди. Ёхуд билинишга ҳам арзимайди. Ҳар ким алоҳида, ўзича яшайди-ю, тақдирнинг ачигу-чучуқларини пана-панада тотиб кўради-ю нега ҳаммининг: оқулу дононинг, аҳмоқу нодоннинг хулосаси бир хил, пала-партиш, чала-чулпа, маза-матрасиз, чучмал, тузсиз. Нега шундай. Нега одамнинг хотираси бунчалар заифу ғариб: овқат, нозу неъмат, ичимлик ва тўй билан боғлиқ баъзи воқеаларнинг узук-юлуқ парчаларидан бошқа ҳеч нарсани эслолмайди. Нега кечаги пушаймони, кечаги афсуси, бугун янги гумроҳликка кенг йўл очиб беради. Нега одамзот энгил, машаққатсиз яшашни бунчалар хуш кўради. Нега ўлиб тирилик шунга интилади! Ахир гўдакликдан бошлаб мактабда, дорилфунунда, ҳар куни заҳмат-роҳат келтиради, азобларга чидаган бахтга эришадди, деб қулоқларга ботмон-ботмон қуюлса ҳам барибир ҳамма бирдай энгилликка интилади. Яхши ақидалар, эзгуликлар фақат қулоқларнинг бир томонидан кириб иккинчи томонидан оқар сув қувурнинг ичидан оқиб ўтгандай нега иссиз кетади. Нега? Одамзот эшитганини, ўрганганини, ўргатилаётганини эмас, кўз тушганини, кўрганини такрорлашга бениҳоя иштиёқманд бўлишининг сабаби нимада? Бу ўйлар хаёллар билан ўзимни чалғита олаяпманми? Барибир нима бўлганда ҳам уйга қайтиш керак. Юрагим қанчалар безилмасинда хаёлимнинг қайсидир бурчагида хурсанд бўлсам, қайсидир бурчагида пушаймон бўламан. Хатни ўқиб чиқишга нега юрагим бетламаганига эса ўзимам хайронман. Гўё ўзим ҳақидаги энг даҳшатли ҳукмини ўзим ўқиб қўйишдан кўрқаётгандекман.

Кўчада юравериб анча толиққан эканман. Уйга кирдим у ҳеч нарсага қарамай тўғри хонамга бориб каравотга шўнғидим. Ярим кечаси беҳосдан уйғониб кетдим. Қоронғилик томоғимни ғиппа бўғавергач туриб чироқни ёқдим. Ёруғлик хонадаги зулматнигина даф қилишга қурби етди, лекин ичимдагисига даҳл қилолмади. Келгунимча яна нимадир кутилмаган ҳодиса юз берганини сезиб турардим. Ўзимни қўлга олишга тиришаман. Ҳар қандай фалокатни кутиб олиш учун зимдан тайёрланишга чоғланаман. Қанча уринмай столнинг устига кўзларим қадалганда хоинлик устида қўлга тушган сотқиндай чорасиз қотиб қолдим. Столнинг устида яна ўша машъум хат турарди. Ёнида бир парчагина қоғозчада: «Сизни анча кутдик, келмадингиз. Биз болалар билан оймиларникига кетдик. Эртага келамиз», деб хотиним ёзиб кетибди. Яна ўзимни алдай бошладим. Демак хатни печкага тиқиб аччиқ устида ёққанимда хат

ўчиб қолган бўлса, хотиним уйларни йиғиштираётиб одатимни билгани учун печкага қоғоз ташламаганми-кан, деган ўй билан қараса хат турган, хатни олиб столнинг устига қўйиб қўйган деган омонатгина қарорга келдим. Чунки хотиним мендан дакки эшитавериб охири кераксиз қоғозларимни мендан берухсат ташламайдиган, аксинча йиғиб юрадиган бўлганлигини эслаб хатнинг у ёқ бу ёғига қарадим. Ҳатто кўйганининг изиям йўқ. Гард юкмаган. Қанча ўйласам ҳам ўйимга етолмайман. Охири «барига лаънат бўлсин, ҳаммасига мен ёзаётган «Деворий газета айбдор» деб тоқатим тоқ бўлди. Эртага хатниям, бу чала қиссаниям анҳорга оқизаман. Ҳаммаси оқиб кетади. Шунда қутуламан, деб қасам ичдим. Тонггача мижжа қоқмай у ёқдан бу ёққа юриб чиқдим. Яна ҳар хил ваҳималар, ҳар хил таҳликалар мени ҳолдан тойдириб ташлади. Ўзимни буткул хаста сеза бошладим. Охириги нажотим бир яхши тасодиф билан танишиб қолган психология фанлари номзоди, ажойиб врач, психиатор олим Хуршиддан, деб билдим. Ахир ўзингиз ўйланг бунга ким, айниқса бизда ким ҳам ишонади? Ҳар қалай у олим. Психиатор инсон психикасини яхши билади. Мабодо касал бўлгандай бўлсам ўзи даволайди, деб ўзимни ўзим овутиб олдим.

Эрта билан тўғри анҳорга бориб кўприкнинг устида туриб хатниям, чала қиссаниям парча-парча қилиб сувга отдим. Сув бети ҳар хил шаклдаги оппоқ парчаларга тўлиб кетди. То кўзимдан йўқолгунча қараб турдим. Ўзимни тетик тутиб Хуршиднинг олдига равона бўлдим. Хуршид ҳам эндигина ишга келган экан. Қабулида ҳали ҳеч ким йўқ. Мени кўриб қувониб кетди. Хуршиднинг ўзи ҳам ҳикоялар ёзиб турарди.

Сўхбатимиз ҳол-аҳволдан кейин адабиёт, ундаги янгиликлар ҳақида кетди. Кейин мен унга чала қиссам ва хат ҳақида бор гапни очиқ айтиб бердим. «Ақлдан оза-япман шекилли» деб қўшиб қўйдим, сал реалроқ бўлиши учун. У мени олдин қанақадир хорижий аппаратлар билан яхшилаб текшириб кўрди. Турли саволлар берди.

— Раҳмон, Сиз соппа соғсиз! Хотиржам бўлинг. Энди сизга врач сифатида эмас, бир дўст сифатида айтаман. Мана сиз ижодкорсиз. Роҳат-оромингиздан кечиб кечалари сўзларнинг қаршисига қаламингиз билан чиқасиз. Лекин айтинг, қайси одамнинг дил дафтарини, қисмат битикларини йиртиб, ёқиб, оқизиб йўқ қилиб бўлади. Ҳеч кимникини. Ҳар бир одамнинг ҳам ўтда кўймайдиган, сувда чўкмайдиган қалб ёзувлари булади. Бировлар бу ёзувларнинг устига қонини, бировлар эса кўз ёшини тўкиб уни йўқ қилмоқчи бўлади. Афсуски, бу инсонга хос иш эмас. Менинг ҳам шундай дафтарим бор. Мен ҳам бир пайтлар шу дафтардан қутилиш чорасини ахтарганман. Ҳатто Сизга ўхшаб ўзимни жиннигаям чиқарганман. Кейин тушундим. Одам ўзининг қалб дафтарини ўқишдан қўрқмаслиги керак экан. Сизга маслаҳатим ўша йигит ҳақида каттароқ нарса ёзинг. Сизни қийнаётган, сизга тинчлик бермаётган нарса шу. Ўзингиз эса, яна айтмай, соппа соғсиз. Хотиржам бўлинг.

Хуршиднинг олдидан қайта туғилгандай бўлиб чиқдим. Демак, бари рост экан. Шунда бирдан анҳорга оқизиб юборган хатни ва чала қиссани ўйладим. Столимнинг устида турган бўлса-я, деган ғайритабиий умид миямга урилди-да уйга чопдим. Янгилишмаган эканман. Хат столимнинг устида турарди. Анҳор тўғри столимнинг устигача оқиб келгандек. Хат бус-бутун. Хурсанд бўлиб кетдим. Лекин чала қисса йўқ эди. Тўғриси унга ачинмадим ҳам. Энди арзирли бутунлай бошқача янги «Деворий газета» деган қисса ёзаман. Шошиб-шошиб бу пайтлар даҳшатли кўринган, энди эса қадрдон тую-

лаётган «Эна» деган сўз билан бошланувчи хатни ўқишга киришдим.

«Эна!

Ҳозир соат тўртлар. Тонг отишига ҳали анча бор. Бутун оламни қоронғилик босиб ётибди. Мен эса олис сафар олдидан 27 ёшимда умримда биринчи марта Сизга хат ёзяман. Энди ҳеч қачон кўришмаймиз. Шунинг учун Сизга кўнглимда неки бўлса барини тўкиб солмоқчиман.

Эна, ўйлаб кўрдим. Жуда узоқ ўйладим. Бошимга қўйган болишим тошдай ботгунча, жамики тириклик, жамики одам жонзот, жамики орзу-интилиш малол келгунча, зада бўлгунча ўйладим. Ўйладиму нафасимни ичимга ютиб чинқирдим, кучим борича Сизни чақирдим. Сиз узоқларда эдингиз. Эшитмадингиз! Мен чинқираиб Сизни чақиравердим. Эна, бу дунёда Сиздан яқинроқ ва азизроқ ҳеч кимим йўқлигини билдим. Билдиму билганим учун тақдирга шукрона айтдим. Бор ўтган умрим хаёл кўзгусида намоён бўлди. Пушаймон — оғам, ғам — жигарим бўлди.

Буни Сизга шунча йиллар ёзмаган хатларимнинг ўрнини боссин, деб ёзаётганим йўқ. Мен ўзимни боровудимни шу хатга солиб жўнатаётиман. Шу оппоқ икки энлик хат ўртаамиздаги соғинч овозини озгина бўлса-да пасайтирар деган умиддаман.

Едингиздами, Эна!

Менга гўдаклигим ҳақида: «сен менинг меҳримдан узоқроқда катта бўлгансан» дердингиз. Шу сўзларингиз энди-энди, бот-бот ёдимга тушади. Ўзингиз баъзида менга узоқ тикилиб кейин ҳикоя қилиб берганингиздек: менинг туғилишим, Сиз билан ёлғиз қўлли отамнинг уй солиш вақтига тўғри келган. Ушанда отамнинг тоғасининг сиз айтмоқчи нокас хотини «ҳа, деб ўзиникини пеш билиб минғирлайбергани учун момонгнинг қошқовоғини подшо билиб бобонг бизди битта пиликсиз пирмиз билан ажратиб ташловди», деб тутаб кетардингиз. Ҳар ким ўз ўчоғига ўзи ўтин қалагиси, қозонининг бошида ўзи туриб қайнатгиси келади, бировнинг ризқи бировнинг қозонида пишса унча маъза қилмайди, дердингиз.

Акамнинг у пайтда тили чиқиб қолган, мени эса ётқизса овнаб ётадиган пайтларим. Сиз отам билан уй қуришни бошлагансиз. Сиз бечора ҳам лой қилиб ташиб бергансиз, ҳам тепага ғишт отгансиз, ҳам овқатга қарагансиз. Мени бир тоғорага ётқизиб қўйсангиз бўлди: кўйлак иштоним ҳўл бўладими, бошқа бўладими ётаверар эканман: «бор-йўқлигинг ҳам билинмайди» деганларингиз шунчалар ёдимда қолганки, ўзим ўша гўдаклик пайтларимни кино кўргандай аниқ кўраман. Кўз олдимида қурилаётган иморат, озғингина қўллари лой отам, елиб югурган сиз ва тоғорада ўзи билан ўзи овуниб ётган гўдакча. Гапингизга қараганда ширинлигим, ҳамма шароитни тушунгандай индамай кун бўйи тоғорада осмонга қараб ётишим дилинганини ачитган: «О, болам сени кўтариб эркалагим, осмонларга отиб ўйнатгим келарди. Нима қилай ҳали лой опке, ҳали ғишт от, деб отанг зам қиларди. Ғишт тўғри бормаса шу отанг, шунча баджаҳл эканки, дўнгдан тушиб келиб хўбам уриб кетарди. Уям аламига чидаёлмай ҳақини мендан оларди. Қийин эди болам, отанг икковимиз тилимизни чаппа тишламаганимизда шунча бўлмасийдиям-да. Шунга ярашами ўзингиз ювош эдинг. Менинг ювошгина боламо», деб ўтган кунлар ҳаққи меҳрингиз ийиб кетиб суйганларингиз ва қолган буёғи эсимда.

Эсимда, эна!

Эна, эсингиздами?

Отам қўйни-кўнжини тўлдириб бозорлардан келар эди. Ҳаммамиз еттовлон чувиллаб тармашар эдик. Тўн-

ғич ва энг кенжамиз, кейин қизларнинг каттаси, кейин ўғилларнинг кенжаси, битта ёмонингиз ва битта шумроғимиз билан отамнинг бағри тўлиб кетарди. Мен отамни яқинидан жой тополмай чириллаб айланар эдим Олдин-олдин чириллаб, кейин-кейин гириллаб айланадиган бўлдим. Бутунлай эмас, Эна, сал, салгина (бутунлайдан минг чақирим) нарида қарар эдим. Менинг эсимда йўқ, ўшанда кўзларим мўлтилларидами? Бу Сизнинг ҳам ёдингизда йўқ чиқар. Менинг ҳам тегишим ўзимга тегарди. Улжасига эга бўлган мушукдай ўзимни кўчага отардим, кўча-кўйда, бировларнинг дарвозасининг олдида, ўзга гузарларда ўйнаб ўргандим. Кечқурун ётар пайти жўжаларни санагандай санаганингизда биров кам бўларди. Шунда ё Офторобетга, ё Оломонга, ё Қўлтўпга қараб товушингизнинг борича чақирардингиз ёки ўзим кириб келардим.

— Ҳа, кўчабағар. Сенинг уйинг, ота-энанг кўча. Кўчага бор, нимага меникига келдинг,— деб қўлимдан маҳкам ушлаб уст-бошимнинг чангини қоқар эдингиз. Шаҳарга ўқишга кетганимда, ҳамма болалар каникулда «уй-уйига, қапа тўйига» деб туғилган қишлоғига шошиб кетарди. Мени эса уйга сира боргим келмасди. Кейинчалик ўзимча бунинг сабабларини билдим.

Сал каттароқ қийган иштоним белимдан тушиб кетмайдиган бўлганимда не таъбирки менинг ўзимча феъл-ҳўйимга яраша ишим бор: тўртта бир-биридан шор сирларни боқиш менинг зиммамга оқлатилган эди. Буям энди билсам уйнинг ҳавосидан, Сизнинг меҳрингиздан сал узокроқда юришимга сабаб бўлибди. Уйнинг иши олтовлондан ортмасди. Бола бўлиб бирон марта «ота, полон нарсани олиб беринг, эна, менга полон нарса керак» деганмидим. Акам бир нарса деса дарров:

— Силарди едирайма. Ичирайма? Энди битимни сотиб, шунинг пулига сенинг айтганини оппераман,— дердингиз. Акам жанжалдан чарчамасди. Кенжалар ҳам йиғлаб-сиқтабми ишқилиб бир йўли билан айтганини қилдиарди. Менинг ҳам ичимни болаликнинг орзу ҳаваслари тимдаларди. Айтганим билан менинг нолам отамнинг ва Сизнинг қўлогингизга етиши гумон эди. Йиғлаганим билан менинг йиғим уларнинг жанжалларининг олдида урпоқ ҳам бўлмасди. Шунданми, бирдан бир чорам ҳеч нарса демасликни мен ёшимга нисбатан эртароқ тушундим.

Тўполон қилсак отам: «Боланинг ўзи азиз, қилиғи эмас», деб ҳаммамизни қатор қилиб урган вақтларида ҳатто таёқ ҳам кам тегарди. Қозикнинг ўртаси эканлигим менга қўл келганлигидан ичимда қувонар эдим ҳам. Акам ичидегани Сизларга болаликдан айтиб ўрганди. Менинг гапим ҳам қозикнинг ўртаси эди. Бир куни эсингиздами, эна? Кичик синглимнинг боши ёрилгани учун мени роса ургандингиз. Мен олдин нимага таёқ еяётганимни билмабман. Салдан кейин билсам кичик синглимнинг боши ёрилган экан. Ким қандай қилиб ёрганини анча йиллар ўтгандан кейин хангома қилиб ўзингиз гапириб бергандингиз. Ҳаммамиз мириқиб кулгандик. Ушанда катта синглим магазинга кетаётса, кичиги эргашаверган, қол деса қолмаган, тош олиб ўқталсаям эргашибди. Қўрқсин, деб ёнғоқдайгина тошни унга қараб аста отса (қаттиқ отгансан, деб акам катта синглимга қараб ўшқирарди, Сизнинг ҳам сўзингизни «қаттиқ отган денг» деб ўзгартирарди, «хи ишқиб отган» дердингиз давом этиб) тошам подачининг таёғидай келиб бошига тегибди. «Мен мазорам кўриб ўткайим ёрилди. Улайинда, ўлайда. Ким шуйтти десам. Манов бечорани айтса бўладими. Энди молдан кеп турувди хода бора солиб уриб кетибман. Буям мўйинини ичига қисиб, бошини қўлимнан яшириб тураверибди. Мен ураверибман. Гўрсўхта катта синглини ўзи қилганакан. Энам сўраса па-

лончи урди, деб ўргата кичкина синглинг сени айтибди. Менам чиппа-чин ишониб бўйним билан тенг боламни хўшшартириб уриб ўтирибман». Уриб бўлганингиздан кейин мунғайибгина жовдираб турган боши боғлиқ синглимни кўриб мен бошини ёрган бўлсам керак, деб ишонган эдим. Бу воқеа хотирамда шу қадар ўрнашиб қолганки, гўё бир пайтлар ўзим қилган ишим учун кўп йиллар ўтиб ҳозир сизнинг олдингизда мен қилмаганман деб ўзимни оқлаётгандай бўлиб туюлапман.

Ҳамиша шунақа бўларди. Қилмаган айбим учун жазо олардим. Қилганимни эса биров билмай қоларди. Балки шунданми мен сал эсимни таниганимдан кейин ўзим ҳеч нарса айтмай ўргандим.

— Бу ичимдан топ. Ерилиб кетсаям ёрилмайди,— деб мендан ўқинасиз-ку? Шунда, Сиз ҳақсиз эна.

Мен қандай ўсдим. Орзум нима эди. Ким бўлмоқчи эдим. «Шуни катта бўлганини билмаям қопман» деганингиздай. Мен ҳам буларни билмасдим. Саккизинчи синфда ўқиб юрганимда тарих ўқитувчимиз бир куни дарсда: «Бизда революциягача биттаям саводли одам бўлмаган»,— деганида мен «аллатманг малим, менинг катта отам мулла бўлган. Маккага бориб ҳожи бўлиб келган»,— деб сўзини бўлганимда, олдин менга ўхшаб дорилфунунни битириб ке, кейин гапир. Калланг ишлайдими ўзи, муллада савод нима қилади. Бари «оллоҳу акбар»дан бошқасини билмайди— деди. Мен гап қайтардим. Охири: «Маллимга гап қайтардингми, икки дунёдаям одам бўлмайсан сен бола», деб уришиб берганди.

Агар бошим шу пайтгача деворга теккан бўлса худди шу «сен одам бўлмайсан» деган деворга теккан. Агар йўлимни бойлаган бўлса шу сўзлар бойлаган. Агар қоқилиб йиқилган бўлсам шу сўзларга қоқилиб йиқилганман. Бошқа ҳеч бир кучнинг қаршисида ўзимни бунчалар ожиз сезмаганман. Ҳамон шу сўзлар мени энгиб, ўртаб, тобе қилиб келади. Ўзимни гоҳида кучсиз ва мискин сезганимда, хотирамнинг сихига ўтган йилу воқеаларни ширт-ширт ўтказиб узун-узун ўйларимнинг чўғлариди куйдириб-куйдириб, жизғангани чиқариб-чиқариб, мойини чак-чак оқизиб-оқизиб қовураман, қовуриб туриб ўзим ҳам қовураман шунда ҳовурим босилгандай бўлади.

Мен ҳеч кимдан ҳеч нарсани аямадим. Талабаликнинг биринчи йили, илк таътили эди...

Эсингиздами, Эна.

«Эсингдами, курсдош!»

Отимиз Нимажон эди (биз ҳаммани шундай деб чақирардик. Ҳаммага шундай деб мурожаат қилардик) Нимажонни елкаларини учириб, бўйинини олдинга чиқариб, тошқосадай кўзларини тошириб гапирадиган шахрисабзлик курсдош акамиз жорий қилган эди. У шошиб қолганида ёки дили эриб кетганида ҳаммани «Нимажон, нимажон, йўқ. Тўғри айтопсиз. Лекин нимажон» деб у ёғини, ўзининг билганича олиб кетарди. Гапининг охири:

— Тўғри, ўзи шундай бўлиши керак.

— Уставдаям шундай ёзилган.

— Ҳа, қиттиғигача шундай.

билан тугарди. Нима тўғри? Қанақа устав?! Нима деб ёзилган, ҳеч ким билмасди. (Ҳамон билмаймиз. Чунки нимажонлигимизча қолавердик ҳаммамиз.)

Биринчи таътилнинг охириги кунлари, отам тухмат билан қамалган. Уйдагилар қон ютиб, қон тупурар эди. Биламан, сен бундан мутлақо беҳабар эдинг. Шунда сендан «Нимажон, мени Тошкентга келиб кутиб ол» деган телеграмма олдим. Дўстликнинг ҳурмати ҳаққи, мен сен учиб келишингдан бир кун олдин кўзларида аламли ёшлари билан энам ва хомуш синглиму укала-

римнинг мотамсари кузатувида жўнадим. Дўстлик!
Дўст! У! Минг Улар! Мен бу сўзларни бугун юрагим чи-
миллаброқ тилга оламан.

Телеграмма келиш кунинг кўрсатилган эди, холос.
Қолгани йўқ. Мен эрта тонгдан то ярим тунгача мустар
бўлиб сени кутдим. Келавермаганингга қанчалар хаво-
тир чекдим. Ушанда дунёнинг қайсидир қоронғи чекка-
сида азобларга бошини қўйиб кунларини битта-битта-
лаб санаб ўтказётган отам балки ёдимга тушмагандир.
Балки узоқдаги энамнинг оху зорларини эшитмагандир-
ман. Лекин илоё тинчлик бўлсин, деб сендан хавотир
олганим рост. Аммо сен келмадинг. Тайёрларнинг кели-
б кетганини, учиб кетаётганини айтиб турган хабарчи
қизнинг овози қулоғимга елимдай ёпишиб қолганди.
Сени эртасига ҳам, индинига ҳам ярим тунгача ярим
бўлиб кутавердим. Қанча одамлар, қанча илҳақ кутил-
ган дийдорлар, қанча бир-бирларига ўхшаб кетадиган
тақдирларга бепарво кўзларини осмонга тиккан тайёра-
гоҳ. Темирқушларнинг темирхонаси, темирмакони. Те-
мирмаконнинг темир қонунлари, темир одатлари.

Йўқ! Заррача малол келмаган. Қайтага ўртамиздаги
муносабатга, телеграммага ишониб кутаверганман.
Эсингдадир курсдош!

Талабалик! Ётоқхона. Учинчи қават. Қизлар. Севги.
Ҳасратлар. Охлар. Бўсалар. Бўмасалар.

Севгидан иккимизнинг ҳам бирдан омадимиз қоч-
ганди. Сен ўз ўрнингда, мен ўз ўрнимда баландга қараб
ўхлар тортиб ётардик. Кўрган одам булар «ух-ўхлаш»
учун ўқишга кирибди-да, дорди. Бизни ҳеч ким тушун-
майди, деб ўйлардик. Дардимизнинг бирдан бир мал-
ҳами ўқув зали эди. Уша гўшаи мукаррам эди. Ярим ке-
чада, кўплав ярим кечаларини ўтказиб мазаҳўрак бўл-
ганлар ниҳоят тинчий бошлагач, сен билан менинг ҳа-
қиқий ҳаётимизнинг заъфарон юзига қон югурарди.
Чунки улар (мен айтаётган уларнинг бирига ҳозир сен
балки биронтадан нолиб ўтиргандирсан ёки сен ҳам
ҳали-хануз ўша кечаларнинг ёди билан яшаяпсанми?)
ярим кечада жиддий тайёргарлик учун чиқар эдилар.
Уша ўқув залининг эшигининг тутқичи менинг қўлларим
тегавергандан назаримда музга ўхшаб эриб кичириб бор-
рарди. Хонамиз билан ўқув зали орасида зир қатнар-
дим. Ҳар гал бориб келганимда маънос кўзларингга
умидни тўлдириб шундай қарар эдингки, мен яна мил-
лион марта бориб келишга тайёр эдим.

— Андижон осмонида...

— Булутлар...

— Одам кўпми?

— Лиқ... бўм-бўш.

Буни фақат иккимизгина тушунардик. Бу кўприк эди.
Бундан фақат иккимизгина ўтмоқчи эдик. Бу кўприк-
нинг бир томони сенинг, бир томони менинг кўксимда
эди. Бу кўприк орқали бизнинг энг сирли, энг муқаддас
оламимизга борилар эди... Сирли, муқаддас олам...

Ҳар оқшом улар ҳеч бўлмаганда бирров кўриниш
берарди. Уни (балки ҳозир сочларини силаб қучоқлаб
ётгандирсан, балки қучоқлашдан аллақачон безоринг
чиққандир) эшигининг олдидами ёки бирор нарса учун
чиққандами кўриб қолсам, олислардан биз томонга
яқинлашаётган саодат карвонлари ҳақида хабар бериш
учун чопаётган боладай сенга қараб югурардим. Бу
мен учун қанчалар фараҳли эди. Бу фараҳли туйғудан
нақадар сармаст эдим. Эҳтимол, мен ўзим кўнгил қўй-
ган қизни кўрганда ҳеч қачон бунчалар бахтиёр бўлма-
гандирман. Кунларим сен билан унинг орасидаги бир-
бирига мутлақо алоқаси бўлмаган ришталарнинг учини
боғлаш билан буткул банд эди. Менга уставдагидай

«Нимажон, биласан, сендан бошқа яқин дўстим йўқ»,
деганингда, мен минг жоним бўлса барини сенга садқа
қилардим. Уқтин-ўқтин ўқийдиган китобларимдан ҳам
сенга таскин бўладиган сўзларнинг тагига чизсам, кейин
сен дафтарингга шу сўзларни кўчириб қўйсанг (бу даф-
тар унга махсус аталган эди) бу мен учун бахт эди. Ҳа,
мен учун тенгсиз бахт шу эди. Чунки мен болалигимдан
ўзим учун бир нарсага интилишга одатланмай ўрган-
дим. Нима бўлсаям ўша ҳаётим шу билан маъноли эди.

Энди-энди бундай ўйлаб қарасам: ўзим суйган қиз-
нинг олдига боришга вақт тополмаган эканман. Топ-
ганимда унга сенинг ва унинг ўртасидаги илоҳий му-
ҳаббат ҳақида лабларим қувраб роса сайрабман. Мен
нотовон олдин сен билан унинг ўртасидаги муносаба-
тини яхшилаб олсак, кейин навбат, меники ўз-ўзидан я-
ши бўлиб кетади, деб ишонибман. «Ув, бу сенга ариқ-
даги сувми, жонқовул қўшинингнинг томорқаси тўла,
кейин сеникига очиб юборадиган» дейдиган аҳмоқ то-
пилмабдям. Мабодо худо уриб шундай аҳмоқ топил-
гандаям унга ишонадиган аҳмоқ топилармиди?

Нимаики бўлса ҳам сен билан унинг ўртасидаги йўл
сизларни иккаламиз яширинча ардоқлаб юрган сирли ва
муқаддас олам сари бошлади. Сен у билан қўлтиқла-
шиб иккимизнинг ўртамиздаги азиз кўприкдан шодон
ўтиб борар эдинглар. Ҳамма оғзининг таноби қочиб
Висол ва Бахт ҳақидаги ўзларининг қўтлуғ тахминлари-
ни ўша кечаси сизларга изҳор қилдилар. Сўнг сизлар
ўша сирли ва муқаддас оламга қайрилиб кириб кетдинг-
лару ўртамиздаги кўприкнинг сен томони қулаб тушди.
Барибир мен сенинг омадингдан бошим кўкларга етди.
Мен сенинг учун қанчалар қувонмай, бир кун бориб қу-
лаб тушган кўприк қолдирган кўксимдаги жароҳатларни
сенинг Бахтинг билан даволаб бўлмаслигини англаб қол-
дим. Англаб қолдим иккаламизни хотиранинг ўчиб
бўлган гулханидан бошқа ҳеч нарса яқинлаштира олмас-
лигини ҳам тушундим. Мен яна иккаламизнинг ҳеч қач-
он дўст бўлмаганимизни ҳам тушунган эдим. Бизнинг
кўпригимиз нақада омонат экан, курсдош.

Муҳаббатда ёлғиз одам енгиледи, хароб бўлади.

Одам бу самовий майни кўзларини чирт юмиб симир-
ганда, сармастикдан очик кўзлари кўр бўлганида унга
ҳамдам, чинакам ҳамроҳ керак. Бу ҳамроҳ унга бу муш-
кул ва машаққатли сафарда юрагини бир парча нон ка-
би, бир қўлтум сув каби тутиши керак. Акс ҳолда...

Эна! Шуларниям бугун Сизга айтаяпман. Сизга айтма-
сам кимга айтай. Ким ҳам мени эшитарди.

Энди-энди англагандайман.

Энди-энди тушунгандайман.

Тушунганим, англаганим рост бўлсин, Эна.

Қат-қат букилиб, қаттиқ ерга мўъжаз этикларимиз
бўрининг тишидай ботиб, талабалик йилларида пахта
териб юрганимизда, бошқа шаҳарлик курсдошларимиз
термагани учун «нимага термадингиз, Сизлар ҳам мана
буларга ўхшаб бир хил еб-ичаяпсилар, соғ-саломатсиз-
лар, теринглар, теришга ҳаракат қилинглар-да» деб
уларни бир домламиз уришганида, улар битта улкан
оғизга айланиб бутун оламга эшиттириб баралла:

— Улар ўзбек, қишлоқда пахтанинг ичиди катта бўл-
ган. Улар терсин. Улар яхши тера олади. Биз теролмай-
миз. Эгилсак белимиз оғрийди. Ким эккан бўлса ўша-
лар — ўзбеклар теришин, — деб жар солганларида,
инжиқ ҳам севиқли жиянчасини эркалаб кўтаргандай
таги қоп-қора лой ва ярмигача намланиб кетган этакла-
рини елкага ташлаб олган; кечаги пахта кўтаришларидан
ҳозир ҳам беллари зирқираб турган, қўлларини юмшоқ
пахталарнинг тигдай чаноқлари тилавериш, қонатаве-
риш, тупроқ ва лойга тегавериш шу рангга киргазган,
кийган кўйлақларининг ёқалари ёғлаб қўйилгандай қоп-

қора кир, енглариининг учларини ғўзалар ва бошқа қуриган тиканак ўсимликлар тортқилайвериб отнинг ёлидай попуқ қилиб юборган, оёқларига күксидаги дәрдан ҳам оғир этикларни кийган, сочларининг ораси чўлнинг тезоб ва бекорчи шамоллари эрмакка кўтариб учган қуму кўқимлар билан тўлган, киприклари ва юзлари чанг тўзонлардан янада қалинлашган, яна эртадан то кечгача қат-қат букилишга тайёр болалар — бизлар уларга қараб туриб нега бу гаплардан кулмаганимизни, нега кулолмаганимизни, аксинча, бу шаҳарлик оқбадан олифталарга бургутнинг пўлат чангалига тушган жониворга раҳм-шафқатимиз келгандай, негадир ачинганимизни энди-энди тушунгандайман. Аслида шароит ва мажбурликнинг пўлат чангалида биз эмасмидик?

Энди ўйлаб қарасам ўша овоз ер тагига кўмилган миналар сингари, бирдан ваҳшат ва қўрқув солиб бизнинг онгимизда, тушунчамизда портлаган ва қалбимизнинг, шууримизнинг кўпдан буён кўмиб ташланган кўзлариниям, шу билан бирга биз олижаноб, деб билган гоғларимизнинг тагидаги чиркин, ёлгон илдизлариниям очиб ташлаган экан. Зеҳн солиб қарасак, бу томирларнинг учи кўҳна заҳарконга ботиб, бу заҳарли томирлар бизнинг онгимиз, миямиздан то қалбимиз, ғуруримизга қадар заҳарлаб, булғаб ётган экан. Ҳалоллик, поклик, ҳақиқат, адолат, одиллик, тўғрилик ҳақида, ҳожатхонада учратиб қолсаям ваъз ўқийдиган, айниқса, ўзининг шахсий тажрибасидан минглаб ибратли мисоллар келтирадиган ҳурматли домламиз (домла, эсингиздами?) биз терган ярим прицеп оппоқ пахтанинг устига ҳовучли трактор қопқора нам тупроқни тоғ қилгунча озгина қараб туриб кейин тескари ўгирилиб олганлигини, бизга ҳам қараб ҳеч нарса демаганини эмас, деёлмаганини, биз эса кўз ўнгида оталарини фашистлар осаётган қишлоқнинг норасида, кучсиз болаларининг юрагида туғилаётган қасоси кўзларида сим-сим ёшга айланган сўзсиз, ҳаракатсиз туришидан бошқа жасорат кўлидан келмагандек, ўша тобда ҳаракатсиз қотганлигимизни, кўпларимиз бўлса нималигини билмасак-да қараб туришга ортиқ чидаёлмай нарироққа кетганимизнинг сабабини бугун ҳис қилдим, Эна!

Уша оппоқ пахта заҳматкаш халқимизнинг, республикамизнинг Сизнинг, отамнинг, энди чулдирашни ўрганаётган жияну укачаларимнинг юзи, ор-номуси, шоншарафи эди. Биз вояга етганларни биздан катталар (домла, эшитяспизми?) Уз ота-онасининг, халқининг юзига қандай қилиб қора суртишни, лой чаплашни илк бор ошқора намоиш қилган эди. Эна, бу ҳаддан ташқари мусибатли намоиш эди. Бу боши-кети йўқ намоишнинг бир бўлаги эди, холос. Унинг боши ва охирини кўриб илғаб бўлмасди. Бу намоишлар ичра энг маҳдуди, энг қиёмат қоими эди. Катталар бу намоишни бемалол, хотиржам, айна чоғда усталик билан қиёмига етказиб ўтказар эди. Бунда кўриб қўйларинг ҳар бир авлод ўз халқини, ўз ору номусини, ана шундай топтасагина, ана шундай бадном қилишни ўргансагина узоқ ва фаровон ҳаёт кечири олади деган ёвуз ҳикмат бор эди ва бу бешафқат ҳикматни бизга сингирмоқчи бўладилар. Кўпларимизга сингирдилар ҳам.

Нима қилай, Эна! Баъзан ярим кечалари уйғониб кетиб ёлғизлигимни ҳис қиламан. Узимдан ўзим нега мен бундайман, деб сўрайман. Менинг ҳаётимда бир-бирига ўхшаш воқеалар, бир-бирига ўхшаган дўсту рафиқлар нега бунча кўп. Болалигимда бошини ёрмаган синглимнинг ёрилган бошини кўриб, ўзим ёрганга ишонганимдай нега мен одамларга бунча ишониб қоламан. Пародиебоз курсдошим яхши кўрган қизи билан оралари бир муддат бузилиб, буни бир дугонаси айнитаётганини билиб қолиб, ичибди-да бориб яхши кўрган қизи-

нинг дугонасини бир тарсаки туширибди. Қиз бола эмасми: ректорга айтиб сени ўқишдан ҳайдатаман деса ўша заҳотиёқ кайфи учиб кетибди ва ётиб олиб кецирим сўрабди, «сени урмоқчи эмас эдим, ўша ўргатди» деб менинг исмиمنى айтибди. Уша қиз мендан бир умрга хафа бўлиб кетди. Шу йўл билан Пародиебоз ўқишдан ҳайдалишдан қутулиб қолди.

Умрим одамларга эргашиш, нима деса шуларга қўшилиш билан ўтди. Узимча бирор мустақил фикр айтгунимча, ўзимча бирор мустақил иш қилгунимча шунча йил ўтиб кетди.

Ҳатто ичиш ва чекишням ўрганиб олгандим. Бориб-бориб дарсларга ям ичиб борадиган бўлдим. Кўнглим ҳамма ёнган нарсаларнинг кули билан тўлиб кетган эди. Шунинг учун бўлса керак кўп нарсалар мен учун «э, барибир» деган ҳақиқатга айланди. Лекциясини тугатган домлалар кимда савол бор, деса албатта менда савол топиларди:

— Дунёда муҳаббат борми?

— Дунёда ҳақиқат борми?

— Одам нимага ишониб яшаши керак?

Бундай саволларимни кўп домлалар ўзларига ҳақорат деб қабул қилар ва «бундан кейин, йигитча, менинг лекцияларимга кирманг, бизда бундай саволлар кетмайди», дейишарди. Мен эса савол беришда давом этардим. Бу саволлар азбаройи эрмак учун эмас, балки тўлиб кетганимдан ичимдан ўқдай отилиб чиқарди. Чидеёлмаганимдан, бошқа иложим йўқлигидан шу саволларни айттардим. Бу саволлар кимсасиз ғорга айланган кўнглимнинг муножотлари ва мунгларининг сўзга айланган акс-садолари эди. Бир гал илмий коммунизмдан ғўзал бир жувон биринчи лекциясини тугатиб кимда савол бор деганида:

— Сиз дунёда муҳаббат борлигига ишонасизми?— дедим. У менга ҳайрат билан чарақлаган кўзларини ошуфта тикиб бирдан хандон отиб (педагогикага хилоф бўлсаям) кулиб юборди. Кулгилари ўзидай дилбар, ғўзал, шундай сеҳрли эдики, унга қўшилиб бутун курс кулди. Бутун курсга қўшилиб Олам, Муҳаббат, Бахт, Бахтсизлик кулди. Менинг ҳам кўнглимда сўлиш олган чечаклар, баргу хазонлар очилиб сочилиб кулди.

Унинг оқиш юзи, шаҳло кўзлари қайрилган қошлари, иягининг тагидаги бежирим чизикча пешонасига ҳаёт ва тақдир солган бевақт гуллар, вужудидаги аёллик латофати қизғишроқ қалин сочларининг елкаси узра солланиши бари кўз олдимда сокин кўл каби жимирларди. Ҳафтада бир марта лекцияси бор эди. Мен у ҳафтадан бу ҳафтага уйқудан нарвон қўйиб ўтардим. «Сизлар менинг болаларимсиз, Мен онангизман» дейишни жуда ёқтирарди. Биз ҳам уни бутун курс бўлиб яхши кўрардик. Охирги лекциясида охирги марта у яна ўша гапни такрорлади. Охирги марталигидан фойдаланиб кимдир «Отамиз ким, билсак бўладими?» деган қитмир, айни чоғда завқли саволни орқадан ўртага ташлади. Ҳамма кувёв жўраларидай шоду-шодон қийқирдик. (Жа кийкириқ бўлди) У «отангиз» деганида мен секин энг орқа ўринда ўзимни сал орқа олиб кўлимни кўтардим. «Отангиз» деб иккинчи марта такрорлаб бўлганида менга кўзлари тушди. Мен кўлимни имо кўлиб ўзимни кўрсатдим. Имом билан баробар «йўқ» деган заиф товуш эшитилди. Ва у менга бир муддат қараб турди-да, кейин «йўқ» деган сўзнинг устига яна «отангиз» деган чизикни тортди. «Йўқ» сўзи йўқ бўлди. Орага сукут гилдираб кирди-да, гилдираб чиқди. Яна «Отангиз» деган сўзни бу гал шўх такрорлади-да анчадан кейин менга қараб туриб «ўзи билади» деди. Қитмир саволга қитмир жавоб бўлмади. Сўнг у менга қараб хандон отиб кулди. Яна ҳамма қўшилиб кулди. Узи куладиган кун

эди. Ушанд менга ноз билан жажжи муштчасини дўлайтириб қўйганди, ҳеч кимга билдирмасдан. Лекция тугагач у одатига биринчи марта хилоф равишда бизнинг кўзларимизнинг иштирокида чиройли сумкачасини тартибга келтира бошлади. Ҳамма ўрнидан турганча уни кутарди. У кутилмаганда ўзини ўраб олган нигоҳларга мардона нигоҳини қадади ва ўнг қўлини шаҳд билан олдинга чўзди, қўлининг учиде мен турардим «мана бу бола бугун мени кузатиб қўяди», деди амирона. Унинг буйруғида меҳр-муҳуббат, эркалаш, аёлона ноз жам эди. Уша бола уни ўша куни кузатиб қўйганди. Орадан оилар ва йиллар ўтса ҳамки ўша содда ўзи кузатиб қўйган ўқитувчисини кўп эслаб юрадиган бўлди. Уша бола ўша куни кузатиб қўйган ўша ўқитувчисини анча йиллар ўтгандан сўнг севиб қолганига иқрор бўлди. Иқрорлик ўтида куйди-ёнди. «Сиздан яхши философ чиқади, сиз философ бўлишингиз керак», деган эди ўша болага кузатиб қўйилаётган ўша ўқитувчиси. Бу ўша боланинг мусофирчиликдаги ўзи ҳақида биринчи марта эшитган илиқ сўзлар эди.

Эна! Эсингиздан чиқмагандир, Сизга илк марта Сайёра ҳақида сўз очганим. Бу ном билан ҳаётимнинг янги саҳифаси бошланганди. Тушимда сиз мени туш кўриб ётган эмишсиз. Тушингизда сиз оппоқ либосда, тегрангизда оппоқ булутлар айланар эмиш. Олдингизда мен тош қотиб ухлаб ётган эмишман. Сиз мени туртиб уйғотаётган эмишсиз. «Уйғон, уйғонар вақтинг бўлди. Йўлга чиқ. Бугун ҳаётингизда энг азиз одамни учратасан» дебсиз. Мен тушингизда уйғониб ўзимнинг ҳам ўнгимда кўзимни очдим. Қарасам ижарамда ётибман. Ҳаммасини бошидан эшлашга тиришдим. Туш кўрибман. Тушимда Сиз ухлаб ётган ҳолда мени туш кўраётган экансиз. Тушингизда мен тош қотиб ухлаб ётибман. Сиз мени уйғотиб йўлга туш, бугун ҳаётингизда азиз одамнинг учратасан дедингиз ва мен уйғониб кетдим.

Сиз айтган вақт етилган эди.

Мен бу вақтнинг етилиши учун минг йиллар сабр қилгандим. Сайёра билан мен бир-биримизни қайғу изтирблларимиз кўзлари билан таниган эдик. Биз эмас қайғу ҳасратлар, азоблар бир-бири билан йиғлаб кўришганди.

Эна, мен мана шу кунга жуда кечикиб, эҳтимолки асрлар оша ҳориб-толиб, тиришиб етиб келдим. Болалигимдаги жанжалу ғурбатлар, мактабдаги ёмонлиги ёлгон билан баробар таълим тарбия, талабаликдаги саводсиз домлаларнинг лекциясию, саводдиларининг қўрқоклиги, дўстларимнинг лоқайдлиги мени кечиктирди. Лекин мен улардан барибир миннатдорман. Чунки мен шулар туфайли улар босиб ўтмаган, айланиб ўтган йўллари ҳам қийналсам-да, босиб ўтдим. Ҳа, дўстларим мендан анча илгарилаб кетишди. Улар ҳамма нарсада: яшай билишда, ишлашда, манфаат қушини овлашда уста бўлиб илгарилаб кетишди. Улар мендан илгарилаб кетиб жуда кўп нарсани ўрганишди. Мен эса бор йўғи қамалиб чиққан отам ва Сиз билан фахрланишни, ўргандим, холос. Менга буни ҳеч ким чаккамга нуқиб, ўрган, деб ўргатмади. Менга буни ҳаёт деб аталган мўйсафид донишманд ўргатди, Эна!

Мен дунёда Сиздан бошқа яқинроқ ва азизроқ ҳеч кимим йўқ деб айтдим. Ҳа, Эна, сиздан ўзга ғамгузорим йўқ. Осмондаги булутлар каби мен ҳам ҳар хил шамолларнинг измида у ёқдан бу ёққа, бу ёқдан у ёққа сар-сари, сарсон, кезиндим. Шу булутлар кўксини бўшатиш учун, юрагини очиш дарди, армонини айтиш учун ўзини йиғиб йиғилиб, битта вужудга айланиб заминга қанчалар яқин келса, шунчалар қорайиб, шунчалар кучайиб, кучли бўлиб ўзга шамолу ақидаларнинг ҳукмига очиқдан очиқ бўйсунмай, тобора она заминга яқинроқ келди ва бақувват чақмоқли, оловли қўллари билан кўк-

сини пора-пора қилиб, юзларини, сочларини юлиб ичидаги зардобини тўқади, тўкилади.

Мен ҳам шу булутлар каби Сизга яқин келиб тўлиб кетган кўксимни ёрдим. Эсингиздами? Мендан хафа бўлганингиз, «Сен бола бир кун китобдагига ўхшаб, Энажон, деб йиғлайсан» деганингиз.

«Дарё эдим, замонлар зайли билан сой бўлганман», сўзларни эшитиб «Мени ёзибди» деганингизни кўп ўйлардим. Лекин Сизнинг бу сўзларга тааллуқли ҳаётингиз йўқ, бу бошқа бировники, деб юрардим. Бир куни қишлоқдан кетаётиб ўйлаб кетдим.

«У, Чорбоғтепанинг осмонидан ўзга осмонларни кўрмаган, кўролмаган энам. У, Чорбоғтепанинг ҳаётидан ўзга ҳаётни билмаган, тан олмаган армони четга чиқмаган энам. Унинг қонун-қоидаларига бўйсунган, шуни ҳақ, деб билган, шунга ишонган энам, ў. Сиз шу кичкина торгина дунёнинг бағрида дарё эдингиз. Лекин шу тор дунёнинг замонларнинг зуғуми, замонларнинг зайли билан сой бўлган энам. Бахтни, саодатни Чорбоғтепанинг кўзи билан кўрган энам, ў. Ойларни, йилларни, бўйимни, бўйларимни Чорбоғтепанинг қаричи билан ўлчаган энам, ў. Сиз ҳақ экансиз. «Менинг мана бу ерим тўлиб кетган. Фақат мен ёзолмайман. Асли ўзим ёзувчи бўлишим керак» деганларингиз ҳақ, эна. Сизга бўлган меҳр-муҳаббатим бугун менинг ҳақ ва ҳақиқатга, адолатга бўлган муҳаббатимни улғайтирди. Сизга бўлган меҳрим ҳақки, ҳақиқатга бўлган меҳримнинг муғроқ чоғи эканлигини, дунёда онага, туғилган юртга бўлган меҳр-муҳаббат, садоқат одамни энг олий оммол ҳаққа бўлган муҳаббатга етказишини бугун билдим...»

Азим Суюн



Туронюрт

Менга айтнинг, чегара нима?
Мустабидлар топган ўйиндир.
Сузиб борар уфқда кема,
Бутундир Туронюрт, бутундир!

Ота мозий қаърига тортар
Ким ўзбек, ким қозоқ, ё хундир.
Юрагимга бир тош зил ботар,
Бутундир Туронюрт, бутундир!

Хасратимнинг йўқ эрур чеки,
Турон эли битта будундир.
Қондошлар қон тўкишар, лекин
Бутундир Туронюрт, бутундир!

На-да Пишпак, на Бухоро у,
На Хирот, Марв, на Истанбулдир.
Ёлғиз яра, ёлғиз даво у,
Бутундир Туронюрт, бутундир!

Тарвақайлаб ўсган шох-шабба,
Бир дарахтга айланган кундир —
Кўтаргум мен қуёшранг бода,
Бутундир Туронюрт, бутундир!

Адирларни оралаб
кетган ёлғизоёқ йўл
қиз сочига ўхшайди.

Адирларни оралаб
кетган ёлғизоёқ йўл
куз сойига ўхшайди.

Эркин диёр кутгай буларни

Адирларни оралаб
кетган ёлғизоёқ йўл
йўлларимга ўхшайди.

Адирларни оралаб
кетган ёлғизоёқ йўл
йилларимга ўхшайди.

Тунлар кўнглим тусайди,
Кунлар кўнглим тусайди,
Яна бир бор юрсайдим...

Истиффор

Кўзи ўткир, худойим,
Сўзи ўткир, худойим,
Кўндир менинг гунойим,
Истиффор, истиффор.

Йўл қолиб, майса босдим —
Унутдим — жондош дўстим
На эрур унда қасдим?..
Истиффор, истиффор.

Кўрмадим чумолини,
Рисқ-рўзи, омололини,
Сўрмадим аҳволини,
Истиффор, истиффор.

Гоҳо имоним сотдим,
Нафс дея тошдай қотдим,
Учар қушга ўқ отдим,
Истиффор, истиффор.

Англамай сирли тилин,
На тилин, ошиқ дилин,—
Тўсдим оқар сув йўлин,
Истиффор, истиффор.

Тўрт мучал соғ, қаддим тик,
Лекин қурмадим кўприк,
Савоблар... баста эгик,
Истиффор, истиффор.

Йўлда ётса бир бошоқ,
Бошоқ эмас нон-ушоқ,
Кўзга сурмадим, э воҳ,
Истиффор, истиффор.

Бу даврон қандай даврон,
Эл боши хам беомон.
Ким кўтарар?.. алъомон!
Истиффор, истиффор.

Богнинг захар-қиёғи бор,
Булбулнинг зор сиёғи бор.
Кеч бўлса ҳам англаб етдим:
Дўстда ёвнинг қулоғи бор.

Бугун гулгун, гул-гул юзларинг,
Бугун гул-гул, билмам, эртага.
Сочинг сунбул, булбул сўзларинг,
Бугун Гул, кул... билмам, эртага.

Қайдан келдим, қайга кетурман.
Бу дунёда мен нега эга?!
Кел, кел, сўзим бугун айтурман,
Айтурманми?.. билмам, эртага...

Қулхуоллоху аҳад

Бу дунёга келганим,
Келиб энди билганим,
Дилга жойлаб юрганим
Қулхуоллоху аҳад.

Ағёрларга, қирқ ёшим,
Эгилмади бу бошим,
Уларга оғир тошим,
Қулхуоллоху аҳад.

Камгоқ ўзин тоғ айлар,
Янтоқ ўзин бог айлар,
Ёв — сиринг олиб бойлар...
Қулхуоллоху аҳад.

Кенгаш қилган эл — озмас,
Қатта дарё — хайқирмас,
Хикматларга кирдим, бас,
Қулхуоллоху аҳад.

Қондошлардан қочмадим,
Қофирга дил очмадим,
Оқ бўлсам онт ичмадим,
Қулхуоллоху аҳад.

Кўнгли сўқир — ёт менга,
Кўзи сўқир — соф менга,
Тилдошдир — ким пок менга,
Қулхуоллоху аҳад.

Эл билан кечар умрим,
Эр етказди, англадим,
Шундан ёруғ манглайим,
Қулхуоллоху аҳад.

Азим, ўлим бўйнимда,
Чиқармадим ўйимдан,
Муножотим, куйимда
Қулхуоллоху аҳад.

Измида

Боғларни тутган ислар далли сабо измида,
Кўкларда учган қушлар оби-ҳаво измида.

Саҳроларда адашиб қолиб кетган йўловчи
Йироқдан келаётган имдод — садо измида.

Очиқ чеҳрали кундан ёғилган ёғдуларнинг
Умрлари бешафқат тундек қаро измида.

Ошиқ Мажнун ҳолига кулиб қарама, кўнглим,
Унинг изни асрлар маъшук Лайло измида.

Эри бир кун албатта ўз заволин топқуси
Ва лекин давронимда тўғри жазо измида.

«Азим Суюн ёзиғинг қўлимда», — деди кўп кас,
Билмасларки, тақдиринг ёлғиз олло измида.

* * *

Эй, кемада кетаётган йўловчи,
Феълнинг бузуқ, ниятларинг ёмондир.
Кемачининг маржони деб қароқчи
Бўлмоқликка розидирсан, аёндир.
Улдирдинг ҳам, дейлик, ана, даргани,
Маржонли ҳам бўлдинг, дейлик, хўш кейин,
Кўлганингдан келармикин кемани
Манзил сари сурмоқ учқур отдайин.
Қояларга шабкўрдайин урмасдан,
Ботиртириб қолдирмасдан қумларда,
Чақмоқларга йўлиқтириб турмасдан,
Омон олиб ўтармисан тунларда?..
Эй, кемада кетаётган йўловчи,
Йўловчисан, ҳали эмас қароқчи.
Мард бўлгини саволимга жавоб бер,
Мард бўлгини тadbирли бўл, кўкрак кер!

Кўк тукли, кўк ёлли катта Арлони бўри ҳақида баллада

Менинг содиқ йўлбошчим
Бўри
Нимагадир кўринмай қолди.
Бирор Тўнғиз қуритди шўрин,
Ё жар-парга қулаб йўқолди?
Менинг содиқ йўлбошчим
Бўри.

Менинг содиқ йўлбошчим
Бўри.
Шер парчалаб ташладими ё?
Айғир тепиб қақшатдими ё,
Ёки Буқа ўлдирди сузиб?
Менинг содиқ йўлбошчим
Бўри.

Менинг содиқ йўлбошчим
Бўри.

Копқонларга тўла тоғу дашт,
Сени унга туширди, ёҳу.—
Ганимларнинг назарлари паст!
Менинг содиқ йўлбошчим
Бўри.

Менинг содиқ йўлбошчим
Бўри.
Овчи деган зот бор дунёда,
Кўк терингни олдим шилиб?
Милтиқ деган ёт бор дунёда...
Менинг содиқ йўлбошчим
Бўри.

Кўк тукли, Кўк
ёлли Бўрим, йўқ,
Сени ҳалок этажак куч йўқ!
Мен адашиб қолганман сендан,
Сен адашиб қолгансан мендан.
Топишамиз! Буткул кўнглим тўқ!

Кўк тукли, Кўк
ёлли Бўрим, ҳай,
Тўғри йўлга бошлайсан мени,
Эркин диёр бизларни кутгай,
Санжоғимда кўтаргум сени!
Кўк тукли, Кўк
ёлли Бўрим, ҳай!

* * *

Бу дунёнинг жаннати — тоғлар
Мени чорлар бағрига бот-бот.
Қучоғида кезганим чоғлар
Замзамадай суюмли ҳаёт.

Гиёҳ битмас тоши-да гўзал,
Кўз ёш сўрар митти қиёғи.
Ранеларининг олдида ўсал
Мусаввирнинг хил-хил бўёғи.

Ҳаво эмас, оҳу сути бу,
Симираман — дардимга даво.
Зирқиратиб юракни, «оҳ, у...»—
Каклик сайрар — туманлар аро.

Жилғалардан алқордай сакраб,
Тирмашаман қоялар сари.
Тошдан тошга учар ҳақкалаб —
Тоштўрғайлар — тоғ парилари.

Унутаман нимадир андуҳ,
Ҳайқираман, йиғлаб-куламан.
Адо қилар девона бир руҳ,
Бир кун ўлсам... тоғда ўламан.





НИГОХ

Мазмун ВА ЁШЛАР

1. Буюк бобомизнинг 550 йиллик тўйига тайёргарлик Сизни кониктирадими?

2. Дейлик, Сиз сеҳргарсиз. Ушбу улкан тўйга қандай ҳисса қўшган бўлардингиз?

3. Навоий ғазалларидан қайси бирини кўпроқ ёктирасиз? Нима учун? Мазмунини тушунишга қийналмайсизми?

4. Навоий ижодидан алифбомизнинг алмашиши туфайли узоқлашдик деган фикрга қандай қарайсиз? Бу ҳодисанинг ўзбек халқи онгининг ижтимоий-сиёсий, эстетик ривожланишига таъсирини қандай баҳолайсиз?

5. Навоий ҳаёти ва ижодига боғлиқ муаммолар (расми, ҳайкали, макбараси, ўқитилиши, ўрганилиши, нашри ва ҳ.к.) ҳақида Сизнинг фикрингиз?

Дилдор Матёқубова:

1. Бу улкан анжуманга тайёргарлик қай тарзда олиб борилганлиги хусусида сўз бемоҳқа ожизман. Навоий хиёбонида анчадан буён олиб борилган қурилишдан бошқа ўзгаришларни кўрмаймман.

2. Илк бор қўлимга игна олиб кашта сирларини ўрганаётганимда 12 ёшда эдим. Уша дамларда қизлар ранго-ранг ипаклар билан Навоийнинг суратини каштага тикардилар. Мен ҳам шундай кашта тикишни орзу қилардим. Болалик орзумни рўёбга чиқариш учун сеҳргар бўлишим шарт эмас. Бўш вақтим кўпроқ бўлса эди, улуғ бобомизнинг улкан тўйларига ўз қўлларим билан тиккан каштамини совға қилган бўлардим.

3. Навоий ғазалларидан бирини танлаб олиш мен учун мушкулдир. Негаки, Навоийнинг ҳамма ғазали гўзал, ҳамма ғазали мени ҳаяжонга солади. Шоирнинг бир ғазали номини айтишим лозим экан, «Айлағай» радиодиффуз ғазалини тилга оламан.

6. Сизнингча, Навоий ҳаёти ва ижодини ким «кўп ва хўб» ўрганган?

7. Навоий қахрамонлари ўрнида бўлишни хоҳлармидингиз? Ширин (йигитлар учун), Фарҳод (қизлар учун) Сиз учун Идеал бўла оладими?

8. Навоий номини тилга олиб насиҳат қилаётган кексаларни (зиёлилардан ташқари) учратганмисиз?

9. Ўзингизни навоийшунос деб ҳис қилинг-да, орзуларингизни сўзланг?

10. Навоийга боғлиқ кўпчилик учун қизиқарли ҳисобланган «теша тегмаган» гапингиз?

Хурматли муштарий! Мухбиримиз Навоий юбилейи арафасида юқоридаги саволлар билан бир гуруҳ ёшларга мурожаат қилди. Қуйида Тошкент Дорилфунуни талабаларининг ҳамда шоир Абдурахмон Жўраевнинг жавоблари билан танишасиз.

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай,
Онча борким, Қавба вайрон бўлса, обод айлағай.

Бу ғазал ушбу долғали кўнларда янада ўзгачароқ жаринглайди. Чунки бугун биз барчамиз бир парча меҳрга жуда-жуда зормиз.

4. Биз Навоий ижодини ўрганиш ҳақида кўп гапиряпмиз-у, оз иш қияпмиз.

Навоий ижодини ўрганиш дастлаб мактабдан бошланади. Мактабда эса Навоий ижоди мукамал ўтилмайди. Мен Навоий асарларининг асл моҳиятини фақат талаба бўлганимдан сўнггина озроқ кашф қилдим.

5. Навоийнинг қахрамони бўлишни хоҳламаган киши камдан-кам бўлса керак.

Замонамиз йигитлари орасидан Фарҳодни сира ҳам қидирмаган бўлардим. Фарҳоднинг биргина хислатига эга бўлган, яъни мард ва сўзида тура оладиган, душманига бўйин эгмайдиган йигитни учратсам, унинг учун Ширин каби жон беришга тайёрман.

7. Шунча шоир, шунча навийшунос олимлар бўлган бу кунда теша тегмаган гап колармиди? (Ҳазил).

Баҳодир Карим:

Бахтиёр Остонакулов:

1. Тўғриси айтсам, агар шу бугун Ҳазрат Навоий келиб қолганларида эди, биздан қаттиқ хафа бўлардилар. Бошқа ҳарфларда ёзилган ўз газалларини ўқиёлмай...

2. Агар сеҳргарга ҳамма нарса мумкин бўлса, аввало, Ҳазрат Навоийнинг ўзларини таклиф қилган бўлардим... «Навоий боғи» яратиб, унда миллий чойхона, мадраса, ҳар хил мушоиралар ўтказиладиган жой, ўша боғнинг ичида Навоий кутубхонаси қурайдим. Навоийнинг номига қўйилган балет театрининг номини ёки ўзини ўзгартирдим.

3. Менимча, Навоий ёмон газал ёзмаган бўлса керак. Биз озроқ ўқитилгани учун қисман тушунамиз. Бошқалар-чи? Она тилида битилган асарларни тушунмаслик фожиа эмасми?!

4. Ўз фоиз қўшиламан. Алифбомизнинг алмаштилари натижасида кўп нарса йўқотдик.

5. Умуман олганда унчалик яхши эмас. Навоийга ҳайкал қўйиш шарт эмас. Хокидан олиб, Навоий мақбарасини тиклаб, зиёратгоҳ жой қилиш керак. У Навоий боғида ўрнатилса, яхши бўларди.

6. Менимча, ҳозир кўб ва хўб ўрганган ҳеч ким йўқ. Фақат замондошларигина яхши ўрганишган.

7. Тўғриси, бу савол бузуники эмас. Аввало, Фарҳод ёки Ширин бўлмоқ учун муҳит йўқ. Замон бўлак. Ширин Фарҳод учунгина Идеал. Бировнинг муҳаббатини ўзиники бўлишни хоҳлаш яхши нарса бўлмаса керак. Ҳамманинг ўз Ширини бўлиши мумкин.

8. Бундай кишиларни кўп учратганман. Улар ҳаммаси Қуръонни, Исломи яхши билган кишилар эди. Улар Навоийни пир, ҳазрат деб аташган. Биз ҳали Навоийнинг динга боғлиқ томонларини яхши билмаймиз.

9. Аввало, Навоийни яхши билмай туриб, ўзини навоийшунос деб аташ қийин.

10. Биронта «теша тегмаган» гап қолмагани учун, ҳали «теша тегмаган» бир туюқ айтмоқчиман:

Улуғларнинг каломини тинглашиб юзлаб,
Ўз қувончин хазинасин топади юз, лаб.
Эзгуликни, ҳақгўйликни кўради кўлар,
Улуғ Ҳазрат Навоийга ниёҳин юзлаб.

Олим Усмон:

1. Йўқ, қониқарли эмас.

2. Мабодо сеҳргар бўлганимда бутун халқимиз Навоий асарларини ёдлаб олишига имкон яратиб берган бўлардим.

3. Навоийнинг кўплаб газалларини ёқтираман, лекин энг ёққани «Юзундек қамар йўқтур» деб бошланувчи газалидир.

Мазмунини тушунишга, албатта, қийналаман. Буниг учун Шарқ фалсафасини, тасаввуфни яхши билиш керак.

4. Бу жараёни халқимизнинг минг йиллар давомида йўққан маънавий хазинасини, даҳоларимиз меҳнатининг ҳосиласини сувга оқизиш деб биламан.

5. Биз ўзга халқларнинг буюк кишиларига сахийлик билан шунчалар кўп ҳайкаллар ўрнатганмизки, ўз халқимизнинг асл фарзандларига ҳайкал ўрнатгани жой ҳам қолмаган. Тошкентда Навоийнинг биргина ҳайкали бор. У ҳам аҳоли унча гавжум бўлмаган, хилват жойда. Истардимки, Навоий ҳайкалинини шахримизнинг марказига, аҳоли гавжум бўладиган ерга ўрнатилса, одамлар ҳар кун улуғ бобомизга салом бериб ўтса!

Мактабларда Навоий ижодининг ўқитилиши жуда ташвишли аҳволда. Нима учун программага Навоийнинг «Сода шайх» газали киритилган? Бу газални тушуниш учун ўқувчилар тасаввуф фалсафасидан бирмунча хабардор бўлишлари керак-ку!

6. Алибек Рустамов.

7. Ҳа, албатта.

8. Йўқ.

9. Навоий асарларини бирор мафкурага хизмат қилдириш учун эмас, балки ҳақиқий бадиий асар сифатида ўрганиб чиқардим.

1. Махсус кузатганим йўқ.

2. «Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»ни қайта нашр қилган бўлардим.

3. Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас, Мени истар кишининг суҳбатини кўнглим писанд этмас, байти ёқади. Содда, мазмунли. Дил-кўнглининг қоғоздаги сувратига ўхшади.

Тушунарсиз сўзлар, байтлар кўп. Аммо мазмунни ўқишга уриниш газаллардаги сеҳрни кашф этиш учун муҳим калит эканини яхши биламан.

4. Навоий ижодидан, умуман, шарқ шеърятидан зиёли авлод-ижодларимизнинг форс, араб тилларидан хабардор бўлиш удумини унутганимиз учун ҳам узоқлашганмиз. Агар биз шарқ шеърятисидаги муаммо жанридан хабардор бўлсак эди, эски алифбоддаги ҳарфлар санъатининг қадрига етган бўлардик. Эски алифбоддан беҳабар мутахассис ҳарфлар шаклининг ўзи мумтоз адабиётда бадиий образ даражасига етганидан беҳабар қолиши аниқ. Эски алифбо амалда бўлганида халқнинг маданий савияси ҳозиргидан анча тубан бўларди, деган фикр эса мен учун мутлақо ёт.

5. Навоий ҳайкали, унинг ким томонидан яратилиши ва жой танланиши каби муаммолар қайси бир кимсалар учун арзимаган иш. Тан олиш керакки, Алишер Навоий ислон дунёсининг одами. Ислонда эса бутпарастлик номаъқул ҳисобланади.

Мактаб, олий ўқув масканларида Навоийнинг эстетик олами, ижодининг баркамоллиги, газалиёт гулшанидан кўра шахси кўп ўрганилади. Шу ўринда 1925 йили «Ер юзи» журна-лида «Навоий учун» номли мақола эълон қилган адабиётчи Вадуд Маҳмуднинг бир фикрини келтирганим маъқул: «Навоийни танимагон бир ўзбек бўлмаса керак. Эскиларимиз ва эски мактабларимиз газаллари билан, янгиларимиз ва янги мактабларимиз сувратлари ва шахсияти билан танишдирилар».

6. Назаримда, олимларимиз Навоий ижодини у мансуб бўлган фалсафа нуқтаи назаридан «кўп ва хўб» ўрганишга тарадудланаётгандай.

7. Айнан қайси қаҳрамон ўрнида бўлишни йўлаб кўриш керак-ку, аммо ҳаммасидан ҳам ўз ўрни: маъқул.

Менинг минг машаққатлар билан кўнглимда яратган ёлғиз идеалим бор.

8. Тўғриси, турмушда Навоийдай шарқ алломаларидан кўра Владимир Ленин каби «боболаримизни тилга олиб, насиҳат қилувчи улуғлар анчагина. Сиз истаган кексаларни бобо-калон шоиримиз ижодидан тўла баҳраманд бўлган авлод кексайгандан сўнггина учратиш мумкин. Ҳозир афсус...

9. Яхшиси, буни ўзини «ҳақиқий навоийшунос ҳисоблаган» кишига қўйиб берайлик.

10. Алишер Навоийга алоқадор барча масалаларга «теша тегавериб» моматалоқ бўлиб кетган...

Обида Ҳикматова:

1. Йўқ. Тайёргарлик мени қониқтирмайди. Менимча, бу ишга бутун халқ бош қўйиши керак.

2. Агар сеҳргар бўлсам, узоқ ўтмишимизда, инқилобдан олдин анча тараққий қилган навоийхонлик давраларини қайтадан тиклардим. Айниқса, ёшлар ўртасида. Бу жуда керак.

3. «Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирим шод айлагай», «Ердин айру кўнгли», «Кўнглим ўртансун агар, гайрига парво айласа», «Не наво соз айлагай» каби газаллари менга жуда ёқади.

4. Бу жараён ўзбек халқининг маънавий-маданий ривожланишига жуда қатъи салбий таъсир кўрсатди. Қизиқ, биз ҳозир шундай аҳволга тушиб қолганмизки, на бундан 60—70 йил илгариги тарихимизни ўқиб биламиз, на бирор чет тилини биламиз. Ҳаттоки, ҳозирда тилимизда ишлатилаётган айрим ўзбекча сўзларгаям ажабланиб қараймиз. Бу жуда даҳшатли ҳодисадир.

5. Навоийнинг ҳаёти ва ижодига боғлиқ бўлган муаммолар жуда кўп. Мени Навоийнинг суратлари, умуман, қониқтирмай-

ди. Ҳаммасида сохталиклар бор. Уларда Навоийнинг ички дунёси, руҳияти акс этмаган.

Қаровсиз ётган, баъзи жойлари кўчиб кетган, қушларнинг манзили бўлган ҳайкаллари кўрсам ачинаиб кетаман. Ҳайкалларга фақат байрам яқинлашгандагина эътибор берадилар. Уларни доим асраш керак.

Ҳазрат Навоийнинг мақбаралари хусусида тўхталадиган бўлсак, уни зиёрат қилиш ҳар биримиз учун фарздир. Қўшни Афғонистон билан, Ҳирот билан дўстона алоқалар ўрнатсак, яхши бўларди.

Мақтабларда, олий билимгоҳларда Навоий асарларининг ўқитилиши жуда оғир аҳволда. Буни тубдан ўзгартирмасак, ҳали жуда кўп марта уялиб қоламиз. Айниқса, дидактик асарларини қўйи синфларданоқ ўқитиш керак.

6. Албатта, Навоий ижодини танқидчи-адабиётшуносларимиз «кўп ва ҳўп» ўрганишган. Сўнгги йилларда «Ўзбек адабиёти бўстонини» туркумида чиққан Ҳазрат Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» дostonларини олиб кўрайлик. Асардаги ҳамд, наътлар олиб ташланган ва ҳар бир мақолат охирида бериладиган ҳикоятлар «ўта реакцион» ёки «диний бўлганлиги учун берилмади», деган тамға остида тушириб қолдирилган. Бошқа нашрларда ҳам шу ҳолни — «қизиллаштириш»ни учратамиз. Ахир, сизлар бизга тўла матини беринг, ҳурматли таҳрирчилар, яхши-ёмонни ўзимиз ажратамиз.

7. Ҳа, Навоий қаҳрамонлари мен учун ҳар доим ҳаёл бўлиб қолади.

8. Бундай кишиларни кишилогимизда илгарилари учратиш мумкин эди. Улар Пиримиз Ҳазрат Навоий, деб чексиз ҳурмат билан эслар эдилар ва бирор ривоятни айтиб берадилар.

Шокир Али Гиждувоний:

1. Буюк бобомизнинг 550 йиллик тўйига тайёргарлик шахсан мени қониқтирмайди. Масалан, қайси жиҳатдан: Навоийнинг шайх эканлигини 80 фоиз филолог билмаган бир пайтда кишилоқдаги пахтакордан нима гина?

2. Мабодо сеҳрлар бўлсак, Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ва Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти илмий ходимларини Навоий асарларининг рус графикасидаги нашрини ўқитиш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, зиланишга даъват этардим. Бу, албатта, биринчи масала. Иккинчиси, бир тмадаб Ўзбекистон президенти бўлиб олардим-у, Академиклар шаҳарчасини Навоий номи билан атардим. Битта бўйруқ чиқариб Тил ва адабиёт институти Навоий номига ўтказардим.

3. Навоий ғазалларидан мен бир эмас, бир нечасини ёқтираман ва ёд биланман. Булар «Келмади», «Қаро кўзум», «Мени мен истаган ўз сўхбатига аржуманд этмас», «Бўлбўдир» каби ўнлаб ғазаллардир. Маъноларини бир амаллаб билиб оламан. Одамлар инглиз тилини ўрганиб, Шекспирни таржима қилишяпти, Навоий инглиз эмас-ку, ахир!

5. Мени титратадиган шу савол бўлди.
а) Навоийнинг расми тошкентлик бир чолга қараб чизилганлигини мен 8-синфдалиқ пайтгимда, 1980 йилда эшитганим. Наҳотки, Бехзод чизган суврат бирор нусхада сақланмаган бўлса!..

б) Навоийнинг ҳайкалига Ўзбекистон ғамини юклаб кўйдик. Ғам оғирлик қилиб нураб кетмаса деб кўрқаман...

в) Навоийнинг мақбараси Ҳиротда туриб, ўзини Ўзбекистонда улғулаш қандай бўларкин?..

6. Навоий ижодини энг кўп ва ҳўп ўрганган олимлар — Конрад ва Бертельс. Ўзбекистонда Иззат Султон. Ҳозирги олимларга ҳамма нарса етарли, лекин Бертельснинг соқоли, Иззат Султоннинг чидами етишмайди, чоғи.

7. Мана, яқинда 26 ёшга кираман. Ҳали бўйдоқман. Ширин онасидан қинги тутилса, розилиги билан унга уйландим.

8. Бизнинг кишилоқда бир отахон сувчи бўлардилар, раҳматлик. Навоийнинг, аёл кишини ясантирмоқчи бўлсанг, фақат унингдагина ясантир, деган фикрини дастлаб шу кишидан эшитганман.

Чори Аҳмат:

1. Навоий бобомизнинг 550 йиллик тўйига тайёргарликнинг бориши ҳақида бир нарса дейишим қийин. Аммо ёзувчи Мухтор Худойқудовнинг Навоий боғи ва унинг «Пахтакор» метростанциясидан то Ҳадра майдонигача бўлган жойда барпо этилиши ҳақидаги таклифи инobatга олинмаётганлиги афсусланарли. Шу ўринда яқинда «Меҳнат» нашриёти томонидан 1991 йилга бағишланган чикарилган календарь-плакатдаги Навоий сурати ҳам эътирозим бор. Балки бобомизнинг бу кўринишидаги суратларини биринчи бор кўришимиздан бўлса керакки, у тасавури-мизга сингизмаётгандир. Лекин сингишиб кетишига ҳам кўзим етмаяпти. Ҳар қалай ўтирган ҳолда ён томонга қараб тушган суратларини чикаришганда маъқул бўларди.

3. Навоийнинг бир эмас, кўплаб ғазалларини ёқтираман. 5. Расми ҳақидаги фикрларимни юқорида билдирдим. Ҳайкали масаласида эса шу тўй арафасида жуда кўплаб баҳслар бўлаяпти. Ҳўп, майли, ислом динида ҳайкал кўйиш таъқиқланган экан, рамзий бирор нарса ташкил қилаверайлик.

Аммо худди шу заминда бошқа дин вакилларига ҳайкаллар ўрнатиб, пойига эса гуллар қўяверайликми? Бу ерда мантиқ қани?

6. Навоий қаҳрамонларини идеал бўлади, бўлмайди деб ўртага хитой деворини кўймоқчи эмасман. Лекин қизларимизнинг турмушга чиққан хонадонига ораста келин, эрига оқила хотин, болаларига ҳақиқий она бўлишини истаيمان. Узим эса Навоий қаҳрамонларидек бўлсам ҳам, кишиларга озгина бўлсада, фойдам тегса дейман.

7. Бобомизнинг номини тилга олиб насиҳат қилаётган кексаларни кўрмасанман ҳисоб. Чунки мен кўрган кексалар бир кунлик умрларини қандай ўтказишини ўйлаб, социализм, коммунизм деган хомхаёл нарсаларни қўялаб ўтган кишилардир.

Абдурахмон Жўраев:

1. Асло. Қарангки, улуг бобомизнинг ҳайкали олдидаги «Баҳрул нажот» ҳовузи текисланди. Бунинг кимга зарур бўлганлигини ҳануз тушунолмайман. Ҳар ақшанба Навоий бобомни ёд этгани борганимда юрагим эзилади.

Таваллуд кунлари сайиллар ташкил қилиниб, халқимизнинг байрамига айланаб кетишини хоҳлардим. Яна бир гап. Утган йили юбилейга, тўғрироғи, бобомизнинг туғилган кунига бағишланган учрашувга таклиф қилишди. У ерга борганимдан пушаймон едим. Талабаларни мажбурлаб олиб келишди. Бундай зўрма-зўраки кечаларга бобомизнинг руҳи муҳтож эмас.

2. Ушандай хусусиятга эга бўлсам, шоирлар хиббонини олдинчи ҳолатга келтирар эдим. Бобомиз номидаги адабиёт музейининг пештоқидида «ТЮЗ» деган ҳақоратли сўзни олиб ташлардим. Бинони музей ихтиёрига ўтказардим. Ва ҳовлида сўлим маскан яратиб, у ерда Навоий ва Бобур боболаримизнинг хокини кўчириб келтирардим. Кейин гадо бўлиб, дарвешсифат бўлиб юрсам ҳам майли эди.

3. Бундан кўра қирқта парининг ҳузурига кириб, бирини танлаб олишим осонроқ эди. Лекин бобомизнинг ғазаллари... улар уммон. Ундан ҳар бир муҳиб баҳоли қудрат маъно ва мазмун топади. Ҳақиқий дурлари энг тубида. Уларга етиш ҳар кимга ҳам насиб этмавермайди.

Ақлим етганича тушунаман. Энг муҳими, беқиёс даражада роҳатланаман. Уларни мутолаа қилиш, хиргойи қилиш маззада.

4. Бу савол битаётган ярамни тирнайди. Биздан аввалги авлод, тенгдошларим ва биздан кейинги авлод — бошқалар кечирсини — кўрлармиз. Бизнинг ягона имкониятимиз, савоб ишимиз болаларимизни араб имлосига ўргатиш бўлмоғи лозим.

5. Булар ҳаммаси бемор ҳолатда. Уларни соғайтириб, дил қувонадиган даражага етказиш учун гадоликдан яна сеҳргарлигимга қайтишим керак.

6. Бундай инсонлар худого шукрки, талайгина. Барчаси ҳақида тўхталишининг имкони йўқ. Узим яқиндан биладиганларим, барча илм истаганларнинг устози, Ҳамид Сулаймонов

номидаги Қўлёзмалар институтининг директори Азизхон Қаямов ва устоз шоир Эркин Воҳидов.

7. Шубҳасиз. Бунга шеъримдан парча келтириш билан жавоб айласак:

Навоий ижоди гўёки уммон,
Ақл ситдирилмас маънолар дурин.
Менинг хаёлимни банд этар ҳамон,
Буюк идеалнинг фарзанди Ширин.

8. Албатта. Болалигимда Даштмахалла (Оқмозор)даги холамникига ўрик тергани борардик. Ушанда каттам қизиқ-қизиқ эртақлар айтар, овдаги таассуротларини эслар ва Навоий, Машрабнинг газалларидан ўқиб, мазмунини тушунтирардилар. У киши яқинда 94 ёшда оламдан ўтдилар. Илойим жойлари жаннатда бўлсин.

9. Навоийшунос бўлсам, Ҳазратнинг газалларини ёд олиб, ўқи-иб, маъно ва мазмунини тушунтириш билан машғул бўлардим. Бундай дейишимнинг боиси талабаликда икки йилдан ошиқ Навоий ҳақида маъруза тинглаб, ҳар сўзга «ки» қўшимчасини қўшиб айтишдан бошқа нарса ўрганмадик. Бу гапларим ўз эгасини топади. Инсофдан сақланиб қолган бўлса, қариллик таътилига чиқар.

10. Бир кун тушимда Ҳазратни кўрдим. Катта шоирларнинг мен билан гаплашиб, шеърларимни тинглагани вақтлари йўқ, кичиклари ўзим зўрман, ман-ман дейди, дея сўзлаб, ийг-

лаб юбордим. Ушандан кейин бир қанча шеърлар ёздим. Улардан бирини тўлиқ ўқиб берсам:

Турибсиз ўйчану бирам хаёлкаш,
Халқим бирлашдими, сўрайсиз яккаш,
Ҳали бирлашамиз, бошлаймиз наво,
Оқ фотиҳа беринг, бизларга бобо.

Неча йиллар ўтди имло беэга,
Барча имконларни совурдик елга.
Ҳатто қабрлардан келмоқда садо,
Энди йўл кўрсатинг, бизларга бобо.

Андиша қилмоқдир асли одатим,
Осмонда булутмас — менинг ҳасратим.
Юз вафо айладим, тортидим минг жафо,
Оқ фотиҳа беринг, бизларга бобо.

Авлод етишмоқда, ўктам, жангари,
Уларни бағрига чорласин имло.
Ҳали ғам-ташвишдан бўламиз нари,
Бизга йўл кўрсатинг, Навоий бобо.

Муҳаммад Маматвалиев ёзиб олди



НАВОИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Ростдир ул ким, назари тўғридур,
Ким илиги эгридур, ул ўғридир.

* * *

Мулк ила ўзни демагил аржуманд,
Мулки каноат била бўл сарбаланд.

* * *

Кимки улўғроқ анга хизмат керак,
Улки кичикроқ анга шафқат керак.

* * *

Бошни фидо айла ато қошига,
Жисмни қил садқа ано бошига.
Икки жаҳонингга тиларсен фазо —
Ҳосил эт ушбу икисиндин ризо.
Тун-кунунгга айлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин куёш.

* * *

Бир дирам олмоқ чекибон даст ранж,
Яхшироқ андинки, биров берса ганж.

* * *

Кимки фалак сари отар тошини,
Тош ила озурда қилур бошини.

* * *

Сабр била кўп боғлиқ иш очилур,
Ишда ошиққан кўп тойилур.

* * *

Табиатга ҳар неки одат бўлур,
Чу эскирди одат табиат бўлур.

* * *

Халойиққа кўрма қилиб бенаво,
Ўзингга раво кўрмагани раво.

* * *

Ушоқ қанд оқ тузга монанд эрур,
Ва лекин бири туз, бири қанд эрур.

* * *

Хирадманд чин сўздин ўзга демас,
Вале барча чин ҳам деғулик эмас.

* * *

Элга шараф бўлмади жоҳў насаб,
Лек шараф келди ҳаёу адаб.

* * *

Ҳар кишиким тузлик эрур пешаси,
Кажрав эса чарх, не андешаси.

* * *

Ҳар кишининг ким сўзи ёлғон эса,
Айлама бовар нечаким чин деса.

* * *

Ҳар кимсаки айламас ошукмоқни хаёл,
Ёфроқни ипак қилур, чечак баргини бол.

* * *

Қил яхшилигу демакни дохил қилма,
Миннат била яхшилиқни ботил қилма.

* * *

Илми ким воситайи жоҳ этар,
Ўзинию халқни гумроҳ этар.

Саронга чимзади юлдузлар



1964 йилда қардош Тожикистон Ҷумҳурия-
тининг Панжакент туманида туғилган. Тош-
кент Давлат дорилфунунининг журналис-
тика бўлими 5-курс толиби. Шеърлари
«Ешлик»да илк бор эълон қилинмоқда.

• • •
Қачон тугайди бу осуда ҳаёт,
Самарсиз кунларнинг бўм-бўш кўчаси.
Тунларим куш эрур — учар беқанот,
Тонгларим зиёга илҳаҳ ўчади.

Бир ором етаклаб келаркан, ғамгин
Хуштак чалиб ўтар даштнинг шамоли.
Сўзлар чиқиб кетар руҳимни ташлаб,
Шеър эса бокира қизнинг жамоли.

Қуюндек бир жойда айланар йўлим,
Атрофга қарамайман — кўринмайди қиз.
Оловни қаламдек тутуди қўлим,
Бокира бир сўз деб сарғаяр бу юз.

• • •
Мен яна уйимга қайтаман аста
Ҳавонинг намини кўзимга юклаб.
Туманлар оқади шохлардан пастда
Қуёшнинг нурини синдириб, буклаб.

Туманлар ялайди шохни, шаббани,
Тошларга тармашар ҳавонинг тили.
Шамолсиз пастликда чўкиб ётипти
Туманлар — йиқилган юлдузнинг қули.

Қаёққа бораяпман, билмайман, бош — ҳам,
Сезаман: бир ўйчан атроф бор фақат
Мен шу нам ҳаводан кўп миннатдорман —
У қурғоқ ҳаёлим ивитди қат-қат.


• • •
Мана, ажралаяпмиз чимзор йўлакда,
Япроқ қўл силкитишни ўргатар сенга,
Менга жим кузатишни ўргатар дарахт.
Жилмасдан кузатиб тураман узоқ,
Ҳаёлимнинг шохлари ям-яшил, оғир.
Тинимсиз силкиниб кузатар сени
Видо шарпасидек сўлғин япроқлар.

• • •
Мен томир ташляяпман,
Сўзлардан томир
Ернинг бағрига.
Мен томир ташляяпман
Сўздан бир чувуқ
Денгиз қаърига.
Мен томир ташляяпман
Сезаяпман,
Кўраяпман
Юрагимнинг тубини.

• • •
Бу маънони йиғолмас кўзим,
Ҳаёлимга сиғмас бу ҳажм.
Қатор яшил майсами сўзим —
Ё саҳфага ўйилган ажин.

Энди йиғиб сўзимни, кузги
Меваларни отиб қанорга,
Дарё ҳақда куйлайман эзгу
Қадамимни қўйиб баҳорга.

• • •
Ҳаво менга қайтди,
Титраган кўзингни,
Сўзингни олиб.
Ҳаво менга айтди
Битта қолдирмай
Сўзларинг кетмади сингиб, йўқолиб,
Кўзларинг сўлмади титроқда толиб.
Ҳаво менга қайтди,
Сени менга олиб келган шу ҳаво.




НИГОХ

Мухаммад Юсуф



Мухаммад Юсуф асли Андижоннинг Марҳаматидан. Ешиккидан шеърлар машқ қилган. Шеърларини тинглаган адиб Назир Сафаровнинг қўлидан етаклаб Тошкентга олиб келган. Шоир бўласан, деб оқ фотиҳа берган киши Абдулла Орипов бўлади. Гарчи рус тили ва адабиёти олийгоҳини битирган бўлса-да, Гафур Ғулом номидаги нашриётда ўзбек тилидаги шеърини китобларга муҳаррирлик қилмоқда. Шеърларини қўшиқ қилган ёш ижрочилар билан ойначилиги бор. Оилалик. Беш фарзанднинг отаси (Ушунга ижоди хусусидаги мўъжаз тиассурот билан ойнаманинг 40-бетига танишасиз).







АРМОНГА ОШНО УМИД

Туркона ховлилар
Кунга қараган,
аччиқ мевасидан ширин боли кўп,
кўримсиз эшиклар мангу ёпилмас,
терагидан кўра
мажнунтоли кўп...

Шавкат Раҳмон қаламига мансуб ушбу мисралар менга ҳеч тинчлик бермайди. Нахотки, дейман ўз-ўзимга. Бироқ ҳақиқат аччиқ бўлади. Бугун ҳам шундай дейишга оз бўлса-да асосимиз бор. Нима ҳам дердик. Кўнгилга таскин излайман. Бошқа бир шеърӣ китобни кўлга оламан. **Муаллифи — Муҳаммад Юсуф!** Шеърларда кўп бор такрорланган сўзларга эътибор бераман: **Ўзбек, Ваган, Халк, Навоӣ, Амир Темир, Улуғбек, Қодирӣ, Файзулло, Усмон Носир...** Ўзбекнинг қонига сингиб, жонига айланган муқаддас сўзлар, тўғрироғи, ҳаммамизга «Таниш тераклар». Яна ўша тераклар! Фақат энди бу теракларнинг оз-кўплиги хусусида деярли сўзланмайди. Энди шеърларнинг мавзуи — таниш, яни кесилган тераклар. **Кесилган тераклар — шоирнинг Армонлари, Умидлари.** Армон — бу ёш жонига мажнунтолар боис кесилиб кетган юзлаб тераклар. **Умид — бу юзлаб кесилган тераклар ўрнида барк уриб кўқараётган минглаб ниҳоллар.** Шоир шулар ҳақида ёзади. Учрашувларнинг бирида шоирнинг мухлиси гўзал қиз савол бергани ёдимда: Нега бунақа ёзасиз? Шоир саволга савол билан жавоб қайтаради: Сиз нега сочингизни кесгансиз? Қиз ўйланиб, тараддудланиб жавоб беради: Екади. Шоир кулимсирайди: Менга ҳам шундай ёзиш ёкади. Екадим, демак, яратганининг кўнгилга солгани, кўнгил буюргани шу. Шу боис мақсади муштарак шеърларнинг руҳи турлича. Шоир бир шеърда «Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо!» деб фиғон чекса, бошқасида «Бир кун. Бир алвон замон келади» деб ўзини ишонтиради. «Мен дардимни кимга айтаман» деяётган шоир оз ўтмай келажакка — кичкина Мадинага қарата «Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз...!» — дейди. Биз бундай қарама-қаршилиқни юқорида кўнгил буйруғига йўйдик. Бу тўғри. Аммо шу билан чегаралансак, катта хато қилган бўламиз. Бир томонламалиқнинг оқибати ҳаммаша ёмон бўлган. Бизда ҳаммага бир кўз билан қарагин, деб ўргатишади. Майли, баъзилар учун шундоқ бўла қолсин. Лекин шоир учун бунақа ҳуқуқ йўқ. Шоир ҳар доим ҳам кўнгил буюрган шеърни ёзолмайди. У мингта одамга мингта кўз билан қарайди. Тўғрироғи, инсон сифатида бир кўз билан қараса-да, уларни минг

хил тушунади. У ўз халқининг (20 миллион ўзбекнинг) қувонч ва ташвишларига шерик, ўз даврининг муаммоларига жавобгар. У шулар ҳақида ёзишга мажбур. Худди шу ерда худо ато этган истеъдод стихияси жиловланади — шеърга алоҳида кўникма — маҳорат аралашади. Шоир шунинг учун бежиз ёзмаган:

Қулги чакнар юрагин бир ерларида,
У қон йиғлаб турганда ҳам шеърларида.

Кўнгилга бир-икки қарши бориш мумкин, балки. Ахир, қарши борилаверса, қарши борилаверса, охири оқибат у ҳам тошга айланади. Тошга айланган кўнгиллар сероб-ку, хозир! Хайриятки, шоиримиз юраги қаршилиқка чидаш беролмайди, портлаб кетади. «Бул-булга бир гапим бор» деб ўз юрагига «Илтижо» қилади у:

Юрак, ёмон экансан,
Қип-қизил қон экансан,
Қун йўқ экан менга ҳеч
Сенки, омон экансан.

Ва... севги азоблари, ҳижрон қийноқларидан беҳабар «Ухлаётган қиз» ҳақидаги ёлқинли мисралар туғилиб, шундоқ ҳам ёниб турган юракларни бешбаттар ёндиради.

Бирин Хур дейинму, бирин Гулойим,
Суймаганим суйганимдан мулойим,
Бу қандай кўргилуқ экан худойим,
Кўйнимда бир ёр, кўнглимда бир ёр.

Қарангки, олов тафтини олов олади. Ишқ азобида ёниб-ўртанаётган юрак энди ўзига таскин беради: «Ухлаётган қиз» — Муҳаббат ҳаммаша тирик. Шу бас-да.

Оқиб кетди сувларда Тохир,
Зухро йиғлаб қолди қон бағир
Келганда ҳам қиёмат охир,
Меҳр қолур, муҳаббат қолур...

Муҳаммад Юсуфга Ўзбекистон Ленин қомсомоли муқофоти берилган қунлар...

У ва ёш кўшиқчилар—Охун Мадалиев, Муҳриддин Холиқов, Гиёс Бойтоев, Маҳмуджон Азимов иштирокида кўшиқ ва шеър кечаси бўлишини эшитиб, Халқлар Дўстлиги саройига отландик. Белгиланган вақт бўлса ҳамки, на кўшиқчилардан, на шоирдан дарак бор. Кейин кеча уч соатга кечиктирилганлигини эълон қилишди. Кўпчиликнинг тарвузи қўлтигидан тушди. Бироқ шу аснода қимдир шеър айтиб қолди.

Муҳаммадга ишонманглар, Муҳаммадга.

Одамларнинг юзига қулги югурди. Халқ ўзининг сода ва самимий шоири борлигидан мамнун эди. Уч соатдан сўнг маъмурлар айби билан кечиктирилган кеча ажойиб руҳда бўлиб ўтди. Кечага кириш ҳаммага ҳам насиб этмади. (Тарки одат — амри маҳол.) Шоир айтганидай

Диёримнинг байрамлари шўх,
Байрамларда эса билет йўқ...

Бундай байрамлар ҳаммага ҳам насиб этаверсин...

Муҳаммад Вали

Исмоил Тўхтамишев



Тоҳир армони

Тўғри экан устоз айтгани,
Вақт йўқ эди йўлдан қайтгани,
Ёниб борар Тоҳирнинг тани,
Халоскорим, Сардор, кечикдинг.

Қилди яна Юлдуз хиёнат,
Хон дилида йўқдир диёнат,
Бошланади энди қиёмат,
Халоскорим, Сардор, кечикдинг.

Юз очмади ғунча — муҳаббат,
Орзу-армон тош қотди қат-қат,
То бор экан алам, хусумат,
Халоскорим, Сардор, кечикдинг.

— Тоҳир — деди Зухра сўнги дам,
— Зухрам, — деди нолон Тоҳир ҳам,
Аза тутди шу куни олам,
Халоскорим, Сардор, кечикдинг.

Очиқ қолган кўзим юминглар,
Бир зумгина ўйга чўминглар,
Иккимизни бирга кўминглар,
Халоскорим, Сардор, кечикдинг.

Ун саккизда шунча ишқ-ҳавас,
Қиёсласам ёшларга бир пас,
Хижолатдан ёниб кетгум, бас,
Халоскорим, Сардор, кечикдинг...

* * *

Милтигинг ўқланган, доим турар шай,
Нималар бўлмоқда дунёда ўзи?!
Айт, нечун соянгга саждалар қилай?
Сен бўри эмассан, мен эса кўзи.

Бир вақтлар бўларди разил, тўймаслар,
Даврада синмасди уларнинг сўзи.
Букун ўтди бари, ростини айтсам,
Сен бўри эмассан, мен эса кўзи.

Хатонгни айтишига сиғмайдир ҳадди
Кимнинг ёруғ бўлса меҳнатдан юзи.
Дуч келсанг гоҳ нечун эгилсин қаддим?
Сен бўри эмассан, мен эса кўзи.

Муштингни ўқталма бировга, унинг
Сенга боғлиқ эмас ризқи-ю рўзи,
Йўл пойлаб бекорга ўтмасин кунинг,
Сен бўри эмассан, мен эса кўзи.

Балки юрганлар бор остонанг ялаб,
Марҳамат кутгайлар жовдираб кўзи.
Сен тоқай этурсан мутеълик талаб?
Сен бўри эмассан, мен эса кўзи.

* * *

Умр ўтди минг армон билан,
Ҳавоии ишқ, сохта шон билан.
Тўпга қарши жанг қилиб бўлмас
Ўқланган ёй, палахмон билан.

* * *

Ўғрининг термулган кўзи хатолиғ,
Эзгулик ҳақдаги сўзи хатолиғ,
Неча бир дилларни сен хира этдинг,
Дунёга келганинг ўзи хатолиғ.

* * *

Нигоҳим уфққа қадаб яшайман,
Ўтган ҳар онимни мақтаб яшайман.
Келмайсан, биламан, йўлга кўз тикиб
Мудом ўз-ўзимни алдаб яшайман.



Иброҳим Гафуров

Кўнглининг Мозиклиги

Навоий ўз замондошлари ўртасида кўнглининг ўта нозиклиги билан машҳур бўлган. Бу ҳақда унинг ҳамасрлари ва муаррихлар ажиб шаходатлар қолдирганлар. Биз ҳозир кўнгли нозик деганда кўнроқ инжиқ, тез таъсирланадиган одамни тушунамиз. Кўнглининг нозиклиги аслида тенгсиз бойлик. У оламни тушуниш ва ҳис қилиш бойлиги. Кўнглининг нозиклиги ҳеч истисносиз атрофдаги барча нарсалар, барча ҳодисалар ва мавжуд ҳаракатларга бадиий кўз билан, нафосат нигоҳи билан қарашдир. Фақат қараш эмас, балки энг олий савиядаги нафосат назари билан баҳолашдир.

Кўнгли нозик бўлиши одамларнинг яшашлари жуда қийин кечади. У атрофни тушуниб, англаб туради, атроф эса кўпича уни тушунади. Тушунганда нотўғри тушунади. Еки энг ёмони тушунганда, тушуниб, бу нозиклики ерга уриша, унга талафот етказишга, кўпича, унинг устидан қулиш ва масхара-лашга уринишлар ҳам бўлади.

Навоий ўз даврининг ўта фаол кишиси сифатида мана шу каби тушунишлар ва тушунмасликларга тез-тез дуч келган. Бу ҳол унинг барча асарларига ҳам жуда кучли таъсир ўтказган.

Кўнгли ўта нозик одамлар дунё ишларини нозик идрок қилишлари баробарида ўзларига ўзлари яна ўта танқидий қарайдилар. Одамни англашдаги нозиклик ўзини англашнинг нозиклигига айланади. Бу ўз Рухининг барча наст-баланд мақомларини англамоқдир. Навоий ўзининг нималарга қодирлиги ва нималарга қодир эмаслигини теран билади. У ўзини тўхтовсиз танқид қилади, ўзи ҳақида ҳақирларнинг ҳақири даражасига тушиб фикр юритади.

Навоий кўнглининг ўта нозик тарбияланганлиги ва шу билан бирга бу нозиклигининг туғмаллиги ажиб бир тарзда унинг хат-услубига ҳам кучли таъсир кўрсатади. Навоийнинг бадиий услуби тамомила унинг кўнгли нозиклигига қамралгандир. Худо айтган: биз оламни илм бирдан қамраб олдик. Худонинг сўзидаги «қамраш» маъноси менга беҳад ва бепоён бўлиб туюлади. Буни англаш учун назаримда одамнинг тушунчаси ожизлик қилади. Қамраш Худонинг сирини. Биз бу сирга даҳл қилолмаймиш. Лекин Навоий қалбининг нозиклиги унинг бутун бадиий услубини қамради десак, Навоий даҳосининг гўзал ва сирли оламига нечукдир яқинлашгандай бўламиз.

Навоий бадиий услубидаги:

- ўта муболағадорлик
- ўта рангинлик
- ўта ҳаяжон
- ўта такрор
- ўта ўз-ўзини танқид—

шоир қалбининг ўта нозиклигидан туғилади. Навоийни туғма нозик дедик. Бу бизнинг эмас, асрдошларнинг кашфиёти.

Туғма нозиклик ҳазратни бутун умри давомида бир зум тарк этган эмас. Туғилгандан то сўнги дамгача Навоийнинг барча ҳаракатларида шу нозиклик зоҳир. Айтиш мумкинки, нозиклик унинг қадамларини бошқаради.

Навоий «Лисон ут-тайр», «Маҳбуб ул-қулуб» сингари улуг асарларини умрининг охирги йилларида яратди. Навоий бу даврда шоҳу шахзодаларнинг тинимсиз тахт ва тож талашларидан беҳад чарчаган ва Бойқародай маърифатли шоҳ тузган йирик давлатнинг муқаррар инқирозини сеза бошлаган эди. Лекин ижтимоий турмуш довуллари уни қанчалар ҳолдан тойдирмасин ва озурдадил қилмасин, у ўз қалбининг бебаҳо бойлигини андак бўлсин йўқотмаган эди. Кўнглининг нозиклиги ҳамон асарлар яратишга чорлар эди.

Назаримда бу нозиклик болалик чоғларида саргардонликда устод Шарафиддин Али Яздий билан учрашганда, унга тақдирнинг инояти билан рўбарў келганда, шариф зот билан савола-жавоб қилганда ва ниҳоят, унинг муборак дуосини олгандаёқ намоён бўла бошлаган эди. Бу нозиклик жуда эрта ёшларида мактабда сабоқ ўқиб, ҳамсабоқлари «Қаломуллоҳ», «Гулистон», «Бўстон»ни такрорлаб, у эса Шайх Фаридиддин Атторнинг «Мантик ут-тайр» — «Қушлар тили» дostonига ошиқи беқарор бўлган кезларида юзага чиққан эди.

Тақдир пейонага ёзилган бўлади дейдилар. Балки ростдир. Лекин тақдир илк дафъа одамга рўбарў келадиган дам ҳам бўлади. Бу дам толе дамидир. Одам боласи шунда ўз толенани учратганини анласа, сўнг бу толе умр бўйи ва эҳтимол, асрлар бўйи унга ҳамроҳлик қилади.

Навоий болалик фаслида — энди сабогини чиқараётган паллада Атторга ва унинг буюк асарига дуч келгани — толе билан учрашув эди.

Навоий бу учрашувгача қушларга ошиқ ва уларга маҳлиё бўлганмиди-йўқми, буни аниқ айтиш қийин. Лекин у Атторгача ўз гўзал бoғчасидаги неча турфа қушларга эътибор бермаганда, уларнинг не ажиб сайрашларига қулоқ солмаганда, эҳтимолки, унга мактабда сабоқ чоғи «Мантик ут-тайр» ҳам дуч келмасди. У Атторнинг дostonига қушларга ва уларнинг қўшиқларидаги турфа оҳангларга қизиқиш юрдик, бу қизиқишнинг сирли қўллари нима «Қушлар тили»ни тўққани? Қушлар нима деркин? Уларнинг бунчалар анвойи-анвойи сайрашларидан мурод нима? Қушларнинг ерда эмас, қўлда училаридан мақсадлари борми? Ана, кўк кабулар тиниқ Ҳирот осмонида учиб борадур. У шу учиб бораётган маҳалда ўзининг қаерга учиб бораётганлигини биладими? Қаерга нима учун қўшишини олдиндан биладими? Еки шу учганча тўхтамай учиб кетаверадими? Ҳа, ҳа, қуш қаерга боришини биладими?

Алишер Аттор дostonини қўлига олгунча шу саволлар устида ўйлаган. Унинг нозик кўнгли доим қушларга интилаган. У кўп замон тушида анвойи қушларни кўради. Тушларида уларнинг сайрашлари қулоғидан аримасди. Алишер улкан боғнинг гўзал кунжақларида қушларнинг овозларига қулоқ солиб соатлаб жим ўтиришни севарди. Қушларнинг сайрашларини тингламаган ва уларни юрагига сингирмаган одам ҳеч қачон шоир бўлмаган.

Алишер Атторнинг дostonини сабоқ чоғи қўлига олдию сўнг уни қўлидан қўймади. Қушлар билан ошно тутиниб, уларга неча саволлар бериб, жавоб ололмаганлари боиси энди унга аён бўлди. У биринчи мартаба қуш тили, қуш сўзи, қуш нутқи деган иборалар устида диққатини қўйиб ўйлади. Ҳа, ҳа, қушларнинг ўз турфа тиллари, ўз турфа сўз ва нутқлари бўлар экан. Улар бир-бирлари билан баҳслашар ва баҳслари ичида Яратганнинг ҳақиқатини қидираб эканлар. Алишер бобосидан Сулаймон деган набий ва унинг Осаф ибн Бурҳи деган амакисини ҳақида эшитган эди. Қушлар Сулаймон пайгамбарга тобе эканлар ва доим унинг айтганларини адо этар эканлар. Лекин Сулаймон шунча улуглиги билан қушлар нима ҳақда сўйлашганлари, нима истаганларини баён этиб кетмаган экан.

Алишер Атторни ўқиркан, унинг юрагига илоҳий сўзлар қуюлди. У қушларнинг сирли тилига ошно бўлди. Алишер бошқа ҳамма нарсани унутди. Бу китоб унинг табиатини шунчалар чоғ қилиб юбордики, ҳар ерда ундан ўқиган сўзларни ёд айтиб юрадиган бўлди. У қушларнинг сўзлари устида соатлаб ўйлаб ўтира ва бирдан бу сўзлардаги галати маънолар унга очилар, шунда унинг мурғак юраги чексиз нашъаларга тўлиб кетарди.

«Завқ кўп хушҳол этар эрди мени. Шарҳи онинг доа этар эрди мени», деб ёзади Навоий бу ҳақда орадан қарийб эллик йилдан ортиқ вақт ўтгач «Лисон ут-тайр» достониди. Завқ, ростдан ҳам, Алишерни хушҳол этти-ю, лекин кутилмаганда, унинг аҳволида бошқача бир ўзгариш ясади. Алишернинг қушлар ҳикоятлари тузилган дафтарга эътиқод ва муҳаббати ортган сари у эдан, охиною биродарларидан узоқлаша бошлади. Қушлар китоби унинг ёлғиз дўстига айланди: «Ул китоб эрди анису хилватига», деб ёзади Алишер. У кўпчилик ичиди юришдан, галаговур одамлар йиғиладиган жойлардан ва умуман, одамлардан қочиб, хилватни ихтиёр этди. Бора-бора қушлар китобини тўхтовсиз такрорлашлар ишққа айланди. Алишер шайдо бўлди. «Оқибат ишқ айлади шайдо мени», деб ёзди Навоий эллик йил ўтгач. Алишерга Қушлар китобидеги сўзлар ҳаётдан ортиқроқ кўринди. У китобга ва унинг сўзларига том ошуфта бўлди. Атрофдаги барча нарсалар бемаъни бўлиб туюлди. Фақат китоб сўзларининг лаззати ва хаёли билан нафас олди. Шунда ёш Алишерда узлатга чекинши фикри тугилди.

Алишернинг сўзга қизиқиши савдога айланганини атрофдагилар кейин пайқадилар. Ота-онаси бу савдо телбаликка айланмай туриб унинг олдини олишга киришдилар. Қушлар китоби Алишердан яширилди. Ҳатто бу китоб ҳақида сўйлашиши ҳам ман этдилар. Лекин қушлар сўзи савдоси Алишернинг кўнглида анча чуқур илдиз отиб бўлган эди. У анчагача мутлақ хаёл ичиди юрди. Китоб унинг отақини юрагига буткул муҳрланиб қолган эди. «Ондин ўзга сўзга майлим оз эди, Қуш тили билан кўнглим ҳамроз эди», деб ёзади Навоий. Мана шу фавқуллодда ҳамрозлик эллик йилдан ортиқ давом этди. Сабийликда ортиқридан кайфият Навоийни ҳеч қачон тарк этмади. Кўнглининг туғма нозиклиги, орада айтиб ўтай, бу сўзини Алишер талаффуз қилган каби «нозук» деб талаффуз қилсак, сўз эҳтимол, биз кузатган маъно кайфиятини янада равшанроқ ифодалайди, Алишерни Қушлар китоби мутолаасига етаклаб келди. Қушлар китобига шайдоликдан сўнг кўнгли нозуқлигига бошқа бир нозуқлик қўшилди. Кўнглига олий сўзлардан маърифат ва ҳақиқат тарбияси кириб келди. Қушлар китоби кўнглидаги даҳо нуқталарни шиддатли тарзда очиб юборди.

Навоий шеърятнинг тўрт хазинасини яратиб ҳам, достончиликнинг панж ганжини майдонга чиқариб ҳам, ҳеч бир вақт Қушлар китоби ёзишни ёдидан кўтармаган кўринади. Қушлар китоби ёзишни у жуда эрта кўнглига туккан, лекин ўз эътирофига кўра Қуш тили олдида ўзини нотаваон сезган, буни амалга оширишда юзага келадиган душворликларни энгиб ўтишга то эллик саккизга киргунча ҳам ўзида ишонч сезмаган. «Олтимишқа умр қўйғонда қадам, Қуш тилин шарҳ этгали йўндум қалам», деб ёзади Навоий.

«Ҳа, «Лисон ут-тайр» эллик йил Навоийнинг кўнглида ёзилди. Эллик йил у даҳонинг кўнглида тугун бўлиб ётди. Эллик йил оламга шердек наъра торган шоир бу тугунни ечолмади. Роз эшигига яқинлашолмади. Сўнг олтимишга қадам қўйғанда ҳар тун шам ёруғида ўтириб ўз эътирофига қирқ-эллик байтлаб қоғозга туширди. Алишер Қушлар ҳақидаги китобини жуда тез ёзиб тугатди. У нозук кўнглида пишиб етилган, тошқин умрнинг суронли йўлларида ҳаёт синовидан ўтган эди.

Навоий бу асарини ҳам туркий эл қошида тўла жавобгар одам бўлиб ёзди. Ўз эли олдидаги жавобгарлик туйғуси ҳали ҳеч кимда бунчалар қудратли тарзда намоён бўлмаган эди.

Навоий ижодкор сифатида овоз инсон эди. Озодлигининг даражаси жавобгарлигининг ҳам даражаси ва йўналишини белгилайди. Навоий барча асарларини туркий қавм олдида ўта жавобгар инсон каби ёзганлиги кишини ҳайратга солмай иложи йўқ.

Навоий кўнглининг нозуқлиги Қушлар китобининг жуда кўп нуқталарида гўзал бир мақомда муҳрланиб қолган.

Навоий Қушлар ҳақидаги китобининг охирида Қақнус ҳақидаги қадим шарҳ ҳикоятини келтиради. Бу ҳикоятнинг аввалдан маълум қизиқларига Навоий ҳеч қандай ўзгариш киритмайди. Лекин Қақнус ҳикоятини қўтилмаганда ўз ҳаёти ва бу Китобни ёзаётган чоғидаги ўз ҳолатига тамсил қилиб келтирадиги, гўё бу ҳикоят чироғи Навоий ҳаётига бирдан бутунлай ўзгача шуръа ташлагандай бўлиб туюлади. Қақнус учинишга қанот боғлагандан то умрининг охири дамигача хилват бир ерда қуруқ ўтин йиғади. Умри поёнига етгач, у қуруқ шохлардан тўпланган тепа устига чиқади-да, сўнги хуш олғувчи қўшиғини айтади ва сўнг ўт келтириб шохларни ёқади ва ўзини шу

улуғ аланга ичига отади. Гудкан ёниб бўлгач, умр гулханининг кули остидан янги Қақнус бош кўтариб чиқади.

Алишер ўзини шундай умр бўйи қуруқ ўтин йишган ва хирмон ясаган Қақнусга қиёс қилади. Умр хирмонига ўт қўядиган палла келди, дейди у. Бу улуғ гулхан ичидан Алишернинг Қушлар ҳақидаги китоби тугилади. У бениҳоя ҳақирлик билан ўтинларни улуғ Шайхнинг — Атторнинг дарёсидан йишганлигини айтади. Биз юқориди кўнгли ўта нозук одамлар ўзларини олам қошида ўта ҳақир тутишлари ва ўзларига ўта танқидий кўз билан қарашларини эслаган эдик. Мана, Навоий Қушлар китобиди шунча буюк сўзларни ёзиб ва ажиб меъморлик кошонаси қуриб ҳам охирида яна айтади: «Мен бу дарё ичра дурри покни Топмайин йиғдим эса хошоқни Найлайин бу эрди мақдурим менинг...» Навоийни комил жавобгарлик туйғуси билан яшаган инсон дедик. Бу фавқуллодда жавобгарликнинг манбаи ҳам яна бориб ўша кўнгли нозуқлигига етади. Жавобгар одам эса ўз елкасига бошқалар кўтаролмайдиган юкларни қўяди ва бу юкларни тарих қазрларидан, неча-неча қарн-ақрорлар орасидан олиб ўтишликни кўзлайди. Навоий халқ учун ўз уҳдасига қанча улуғ юк олса, унинг ўзига қарши шунча танқидий тус олади. Бу ўз-ўзини танқид гоҳо ўз-ўзидан ўта норозилик тарзида кўзга ташланади, бу айниқса, Қушлар китобининг бошланкишидаги Муножат ботида кескин ифодаланади. Навоий бунда ўзини, ўз ижодини сира аямаган инсон каби кўзга ташланади.

У ўтган бутун умрига назар ташлайди. Назарида умрини ўт-кинчи ҳою-ҳавасга, нафс ва ошиқ-маъшуқлик ўтинларига сарф қилиб елга совуриб юборгандек туюлади. Энди ўзининг аввалги ошиқлигидан ҳам маҳбубнинг жонга ўт солгувчи турли жил-масоз ва афсунгарликларидан нафратланади. Бу маҳбубсиз тирикликни ўлим билан тенг кўрган дамларидан энди уялади. «Олло-олло ўлатурур шармандалиқ Едима келса бу янглиг бандалиқ...»

Юз қаролиғ онча бўлмиш жаҳл аро,
Қим кўзумга қилди оламни қаро.
Қилмадим умрумда бир рақбат намоз,
Сарбасар маҳзун ниёз, эй бениёз.
Ҳаргиз андоқ қўймадим тўфроққа бош,
Қим кераклик бўлмағай бошимга тош.
Бермадим ҳаргиз гадога бир дирам,
То ўзумни кўрмадим соҳиб карам.
Тутмадим отинг қилиб фарзоналик,
Сабҳа элдин осмойин юз доналиқ,
Бир амал ҳаргиз риёсиз қилмадим,
Ризқсиз ҳаргиз ўзумни билмадим...

Умрнинг поёнида ўз-ўзига бунчалар аёвсиз, рўй-хотирсиз сўзларни айтиш учун, билмадим, қим бўлиш керак. Бунинг устига булар шунчаки сўзларгина эмас, Ҳақ олдидаги, халқ олдидаги, келаётган асрлар олдидаги узрхоҳлик ва мабодо, таъбир жойиз бўлса, тавба эди.

Ўз ҳаётидан чиқарилган жуда аччиқ хулоса эди.

Навоий ўзининг Қушлар китобиди ҳақ ва мажозий ҳақиқатни ахтарган қушларини тирикликнинг етти водийсидан олиб ўтди. Қушлар йўқлик — фано водийсига етганда ўзларини танидилар. Ахтарган нарсалари ўзларида мўжассам эканлигини билдилар.

Навоийнинг ўзи ҳам Ҳақ йўлида ана шу етти водийни босиб ўтмадими? Фано водийсига етиб келганлигини аён сезмадими? Ва шу водий ичиди туриб ўзига Фаний тахаллус топмадими?

У «Ҳақиқат сирларини англаб етгани учун ҳам ва алалохир шу етти водийдан аввал гўдаклигида, сўнг эллик йил мобайнида ўз умри баробарида ўтгани учун ҳам бу улуғ китобини умрининг якуни яқинлаганда ёзди.

Навоийнинг улуғ руҳи ҳамиша дарवेशлик ва сўфийликка мойил ва талабгор эди. Лекин у Ҳақиқат сирига етиш учун тарки дунё қилмади.

Балки ҳеч тўхтамай эл-халқ учун тер тўкди.

У Ҳақ Фано қошида қандай жавобгарлик ҳис қилса, Халқ ва Тарих олдида ҳам шундай жавобгарлик сезарди.

Сўз таниганда қуш тилига шайдо бўлган бу мислсиз зот муҳом Қуш тили билан қўшиқ айтди. Бу тилин халқига мерос қолдирди.

Зиёри Иброҳим Убн Аҳмад Баҳматуллоҳи Абобиди

Нақл қилибдурларким, вақтеки Иброҳим Балхдин чиқиб эрди, бир сутэмар ўғли Балхда қолиб эрди. Ақлиға келиб онасидин отасини талаб қилди. Волида ўтган ҳолнинг сўзларини баён қилиб дедиким:

— Отанг йук бўлиб кетган, эшитибманким, Маккада бор эрмиш.

Ўғил деди:

— Мен ҳам Маккага борурман. Отамни ва Маккани зиёрат қилурман. Ва мунодин қилдиким, ҳар кишининг ҳар орзуси бўлса манинг қошумға келсун. Тўрт киши жамъ бўлиб, ўғил қошиға келдилар. Ҳамаси киймак ва ичмақдин ва улоғларни ва ҳар неким йўлнинг лозимлиғидур, тайёр қилиб берди.

Умид улдурким, бу ишларнинг хосиятидин Ҳақ таоло шояд отасиға қовуштурғай.

Ва қачонким Маккага бордилар. Масжиди ҳарамға кириб кўрдиларким, тамоми жандапўшлар ўлтурубдурлар. Сўрдиларким:

— Иброҳим Адҳамни танирмусизлар?

Жандапўшлар дедиларким:

— Ул бизнинг ёримиз ва биродаримиздур. Бизни меҳмон қилмоқ учун таом келтургани боргон деди.

Боргон ерини сўраб-излаб борди, то Батхога келди эрса, отасини кўрдиким, боши яланг ва оёғи яланг ўтин ютуб келадур.

Отаси ҳолин кўриб йиғлади. Ва ўзини танушлук бермади. Ва отасини орқасидин оҳиста юрди. Иброҳим бозорға чиқиб қичқирдиким, «Шитри ат толиб мо ат-толиб», яъни бир ҳалолни бир ҳалолға ким оладур? — деб эрди. Бир нонвой ўтунни олиб, нон берди. Иброҳим нонни олиб асҳоблари қошиға келтуруб, улар олдига қўйди ва ўғли ваҳм-андиша қилдиким, агар ман сенинг ўғлинг десам, кўфуб бир тарафга кетгусидир. Ва волидаси қошиға бордилар ва дедиким:

— Не тadbир бирла отамни қўлимға келтурурман?

Волида деди:

— Тонглағача сабр қилғил, то ҳажни адо қилолинг. Андин кейин бир тариқа бирла учрашурмиз.

Ва Иброҳим асҳоблариға васият қилиб эрдиким, бу кун бу ҳажда кичик ўғлонлар ва хотун кишилар бордур. Зинҳор кузларингизни сақлангизлар ва аларға ҳаргиз қароламанлар.

Асҳоблар ҳамалари қабул қилиб эрдилар. Вақтеки, ҳожилар хонаи муборақни тавоф қилдилар ва Иброҳимнинг ёронлари тавофда эрди. Бир соҳибжамол, хушрўй ўғул ўтру келди. Эрса Иброҳим унга қаролади. Асҳоблар анга кўриб таажжуб қилдилар. Вақтеки тавофдан фориг бўдилар, асҳоблар дедиким:

— Эй Иброҳим, худо сизға раҳм қилсин, бизға амр қилдингизким, хушрўй ўғлонларға ва хотин кишиға қароламан-

гиз ва сиз ўзингиз фалон ерда бир хушрўй ўғилға қароладингиз.

Иброҳим деди:

— Манинг қаралоғанимни сиз кўрдингизму?

Дедилар:

— Кўрдиким, сиз ўшал ўғилға қароладингиз.

Дедилар:

— Ушал кунким мен Балхдин чиқиб бу йўлға кирдим бир ширхўра¹ ўғлимни Балхға ташлаб келиб эрдим. Гумоним улдурки, ўшал ўғил бу бўлғай.

Тонгласи Иброҳимнинг асҳобларидин бири Балхдин келган қофиланинг орасиға кирди. Бир улуғ чодир кўрдиким, ҳама абрушин таноблар бирла биржитиб ўртада бир курсини қўйибдурлар. Устида бир зебо ўғул ўлтирибдур. Қуръон ўқиндур ва йиғлайдур. Ул киши кўриниш тилади.

Ва чодир ичиға кириб ўлтуриб сўрдиким:

— Сиз не ердин келурсиз?

Ўғил деди:

— Мен Балхдин келурман.

Сўрдиким:

— Кимнинг ўғлисиз, отангиз кимдур?

Ўғил икки иликин юзига қўйиб йиғлади. Ва мусхафдин¹ бош кўтариб дедиким:

— Отамни кўрмаб эрдим, магар тунокун бир кишини кўрдим, манга қаролади. Отам ўшал киши ё эмасму, билмадим. Отамнинг оти Иброҳим Адҳамдур. Ва кўрқумким, «ман санинг ўғлингман» десам, мандин қочарким, Балх подшоҳи эрди. Ул биздин қочқон эрди.

Ул киши ўғилни волидасини бошлаб Иброҳим қошиға олиб келди.

Иброҳим ёронлари бирла Рукун Яманийнинг олдида ўлтуруб эрди. Ўғил ва волидаси Иброҳим олдига евуқ келиб эрдилар. Волида айди:

— Эй ўғул, отанг ушбу кишидур. Ушбуни деб ўзини тўхтата олмади. Бесабр ва беқарор бўлиб, ўғил бирла йиғлаб беҳуш бўлиб йиқилдилар.

Ҳама халойиқ тўла йиғлаштилар. Вақтеки ўғил хушиға келди. Иброҳимға салом қилди.

Иброҳим саломига жавоб берди ва келтуруб кучоғига олиб сўрдиким:

— Қайси диндасен?

Ўғил деди:

— Ислом динидаман.

¹ Ширхўра — эмадиган гудак.

² Мусхаф — Қуръон номларидан бири.

Иброҳим «алҳамдиллоҳ» деб шукр қилди. Ва яна сўрди:

— Ҳеч илм ўргандингму?

Ўғил деди:

— Илм ўргандим ва мулло бўлдим.

Иброҳим яна «алҳамдиллоҳ» деб шукр қилди.

Андин кейин Иброҳим кетгали қўпти. Ўғил этакини тутти. Ва онаси фарёд-ийги бошлади. Ва Иброҳим юзини осмон тарафига қилиб деди: худовандо, фарёдимиға етқил. Шу замон ўғул Иброҳимнинг кучоғида жон берди. Асҳоблар айди:

— Эй Иброҳим, бу не воқеа бўлди?

Иброҳим айди:

— Вақтеки ўғлимни кучоғимга олдим ва кўнглимга анинг муҳаббати пайдо бўлди. Ғайбдин нидо келдиким, «Эй Иброҳим, менга дўстлик давосини қилурсан, яна бировни маннинг бирла қўшиб дўст тутиб, анга кўнгил югуртурурсан ва мени дўстлиғимни ўйин ва кулгу билурсан. Еронларингга васият қилурсанким, хотин киши ва ёш ўғлонга қарола-масангиз деб ўзинг ул хотин бирла ўғилга осилурсан». Қачонким, бу нидони эшиттим, дуо қилдимки, худовандо, маннинг фарёдимиға етқил. Агар буларни деб сандин ғофил бўлгон бўлсам ё маннинг жонимни ол, ё анинг жонини олғил. Маннинг бу қилгон дуом ўғил ҳаққига ижобат бўлди.

Агар киши бу сўздин ва бу ҳолдин таажжуб қилса, Ҳазрат Халили раҳмон ўғли Исмоилни қурбон қилди, бу таажжуб эмас¹.

* * *

Нақлдурким, Иброҳим айтур: кечаларда фурсат изладим, то бир соат хонаи Каъбани холи топайлик ва ҳожатимни тилайлик. Кўнглимни равшан қилдим, холи тополмадим. То бир кеча қаттиғ ёмғир ёғди эрса бордим, фурсатни ғанимат билдим, то онча бўлдиким ман қолдим ва хонаи Каъба қолди. Тавоф қилдим. Ва халқани ижобатга илик урдим. Ва гуноҳларимнинг мағфиратиға дуо қилдим. Нидо эшиттимким:

— Эй Иброҳим, гуноҳингни мағфират қилмоқни тиларсен. Ҳама ҳалойиқ мандин ушбу талабни қилурлар, агар ҳамани мағфират қилсам ғаффорлиғим ва ғафурлиғим ва раҳмонлиғим дарёдур. Турибдур, не ерга борур.

Андин кейин дедим:

— Худовандо, маннинг гуноҳимни мағфират қилғил ва нидо эшиттимким:

— Эй, Иброҳим, ҳама оламдин манга сўз айтурсен, лекин ўз сўзингни ўзинг айтурсен. Лойиқ ва сазовор улдурким, сенинг сўзингни ўзгалар айтқайлар.

Ва муножотда айтур эрди: «Илоҳо, ўзинг биласенким, кароматеки, ёдинг ҳузурда манга берибсен рост. Ва фароғат ва ҳаловатеки улуғлиқингни фикр қилурда манга етқурибсен, саккиз беҳишт анинг олдида ҳеч нима эмасдур. Яъни ман бу давлатимни саккиз беҳиштга бермасман».

Ва ақсар бу муножотни айтур эрдиким, «Илоҳо, ман қўлингни гуноҳин ҳорлиғидин чиқариб, тоат ибодатинг азизлиқига етқурибсен». Дедим: оҳки, ҳар кишики сени таниёлмади, ул кишининг холи не кечқай?

Мақоладнавислик

ВАТАН ҚАЙҒУСИ

«Ўзбекистон мустақил бўла оладими?» жорий саволлари журналхонлар муҳокамасида

Ойномамиз ушбу жорий саволга турли касб эгаларининг билдирган фикрларини ўтган йил 9-сонда эълон қилган эди. Шундан сўнг муҳарририятимизга акс-садо сифатида кўплаб хатлар келди. Улардан айримларини ҳукмингизга ҳавола этяпмиз.

Маматали Жўраев

ишчи:

— Ўзбекистон жумҳурияти алоҳида давлат бўлиши мумкинми ва у қандай шаклда бўлиши керак! Дунё сиёсатидаги шарт-шароитлар қандай ва жумҳуриятнинг алоҳида давлат бўлиши учун ташқи хавф йўқми!

Маргарэт Тэтчер хоним айтганидек, икки системада ҳам атом қуролига эгаллик янги жаҳон урушларининг бўлишига барҳам берди. Ҳозирги дунё сиёсатида бир мамлакат иккинчи бир давлатни босиб олиб, мустамлака қилиш усули барҳам топди. Фақат иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган давлатлар бошқасига қарам бўлиши мумкин. Шунинг учун биринчи навбатда жумҳуриятимизни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш керак. Эндилқда капиталистик давлатлар бизнинг мамлакатимизни душман давлат эмас, балки ўзаро фойдали алоқалар қилиши мумкин бўлган давлат сифатида тан олаётганлиги бизнинг мустақил бўлишимизга имкон туғдирмоқда. Бунга бизнинг иқтисодий қўрбимиз [гарчанд бир томонлама ривожланиб қолган бўлсак-да] етарли. Чунки халқимиз харидоргир молларни етиштиряпти. Жумҳуриятимиз иқтисодиётининг кўп соҳали бўлиб ривожланганлиги сабабли дастлабки даврда анча қийинчиликка учраймиз, лекин келажагимиз ўз қўлимизда бўлади. Иттифоқ таркибида қолиб бозор иқтисодиёти асосида яшашимиз ҳам бари бир марказга бўйсунушимизга олиб келадики, иттифоқда биз кўзлаган мақсадимизга эришолмаймиз. Бизга тўла мустақиллик керак. Бу мустақиллик Иттифоқ таркибида бўлиши мумкин эмас. Айни кундаги вазифа серқуёш днёримизда етиштириляётган барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари-

¹ Ҳазрат Халилираҳмон — Иброҳим алайҳис-салом таҳаллуси («Халиллоҳ» ҳам дейдилар).

нинг, хусусан, пахтанинг бошқа ўлкаларга олиб чиқиб кетилишини тўхтатишдан иборат. Ушбу маҳсулот эркин бозорда сотилиб, жумҳуриятимиз учун керакли маҳсулотга айирбошлаш лозим.

Шўрчи

Илҳом ҲАСАНОВ, филология фанлари номзоди:

Агар бизнинг мустақилликка интилишимиз ҳозирги алфозда давом этаркан, мустақил бўлишимиздан бўлолмаслигимиз аниқроқ. Негаки, шу пайтгача мустақилликка доир қабул қилинган баъзи ҳужжатлар Ўзбекистоннинг ўз ташаббусидан кўра «юқори»нинг марҳамати, руҳсати билангина юзага чиқмоқда. Асл мустақиллик ҳеч қачон инъом этилмайди. Инъом этилган мустақиллик — бу тобеликнинг бор-йўғи ўз қиёфасини ўзгартиришидир.

Жумҳуриятимизнинг мустақиллик маромномаси билан танишиб, бу фикрнинг тўғрилигига яна бир қарра имон келтирдим. Мазкур ҳужжат, сарлавҳасидаги «Мустақиллик» сўзини истисно этганда, 70 йил давомида ҳукм суриб келган аянчли аҳволни мустаҳкам қонун асосига қўяди, холос. Тобелик янги — анча замонавий қиёфа касб этади. Ахир, 17-йилда байроғу шиорларни ўзгартириб нимага эришдик! Чоризм истибодоти ўз шаклини бироз ўзгартирди-ю, моҳият эса ўша-ўша ҳолатда сақланмадимми ахир! Демакки, энди дарду ситамлар ажин туширган юзни шунчаки упа-элик суртми билан ўз ҳолига келтириб бўлмайди. Уша сирли, маҳобатли МОҲИЯТ ўзгармас экан, мустақиллик ҳақидаги гап ширин бир чўпчак бўлиб қолаверади.

Ўзбекистон мустақиллик учун зарур бўлган ҳамма унсурларга эга. Бой тарих, муайян жуғрофий макон, ривожланган маданият, беҳисоб ер ости ва ер усти бойликлари, энг муҳими, меҳнаткаш, бағри кенг одамлари — буларнинг бари мустақиллик чегараларини истаганча кенгайтиришга имкон беради. Кўпинча «Ўзбекистон том маънода мустақил бўлолмайди, чунки унинг тўғридан-тўғри чет мамлакатларга чиқиш йўли берк», деган даъволарга дуч келамиз. Кечаги ва бугунги кун — тобелик нуқтаи назардан ёндошганда, бу даъвода жон бор. Аммо мантқиқан олиб қаралганда, жумҳурият мустақил бўларкан, унга чегарадош ўлкалар ўз-ўзидан «чет мамлакат»га айланиб қолади-ку, ахир. Ушанда «берк йўл» муаммоси ҳам ўз-ўзидан ҳал бўлади. Албатта, очилган йўлни биз ўзимиз минг бир истиҳола билан қайта ёпиб олмасак, жумҳуриятнинг мустақил тарақиётига кенг майдон тайёрланган бўлади. Қолаверса, Буюк Ипак йўлининг энг гавжум қисми бўлган, Шарқу Фарбни беминнат боғлаб турган ўлкамиз ўз табиий-жуғрофий хусусиятлари билан бизни дадиллик ва яна бир бор дадиллик кўрсатишга ундайди.

Албатта, сиёсат ширин хаёллар, сароб орзулар асосига қурилмайди, балки мавжуд вазият, ички ва ташқи омиллар ҳисобга олинган тарзда ишлаб чиқилади. Шу жиҳатдан жумҳуриятимизнинг бу яқин орада ярим вассал давлат мақомига эришувини ҳам энг катта ютуқ сифатида баҳолаган бўлардим.

Яқинда Россия империяси ва Бухоро хонлиги ўртасида — ғолибу мағлуб ўртасида тузилган Шартномани ўқиб қолдим. Бу Шартномага кўра мустақил Бухоро хонлиги ярим вассал давлатга айланганди. Эътиборимни тортган нарса шу бўлдики, Шартномада рус фуқароларининг Бухоро ҳудудидан олтин қазиб олишларига руҳсат берилган, аммо топилган олтинлар хонлик хазинасига топширилиши зарур деб белгиланган. Фрунзенинг пойқадами билан Бухоро ана шундай ҳуқуқларидан ҳам маҳрум бўлди. Шу бонс ҳар қанча оғир ботмасин, жумҳуриятимизнинг ярим вассаллигини тўла мустақилликка эришиш йўлидаги дастлабки босқич сифатида орзиқиб кутаман.

Мустақиллик бошқарув марказини бир шаҳардан иккинчисига, жумладан, Москвадан Тошкентга кўчириш билангина рўёбга чиқавермайди. Агар халқ ва инсон манфаатлари эътибордан соқит қилинаркан, бошқарув бир ҳовуч тўралар қўлида қоларкан, бундай «кўчириш»лар фойдадан кўра кўпроқ зарар еткази. Негаки, тўраларнинг миллати ва си-

гинадиган меҳроби бўлмайди. Модомки, биз мустақиллик ҳақида ўйлар эканмиз, инсонга инсон сифатида қарай бошлашимиз, «инсон жамият ва ғоялар учун» эмас, аксинча, «жамият ва ғоялар инсон учун» шиорига амал қилишимиз шарт. Ҳар қандай давлатнинг мустақиллиги унинг ўз фуқароларига ғамхўрлигининг даражаси билан белгиланишини англамоғимиз зарур. Партбюрократик социализм ва казарма социализми ўз фуқароларига ғамхўрлигини «ғўзал» намуналарини бизга мерос қолдирди. «Социализм ғалабаси» деган маъҳум тушунчани қалқон қилиб ўтказилган оммавий компанияларни, беаёв берилган қурбонларни эслатиб ўтирмайман. Кундалик турмушимизда аҳамиятсиздай кўринган, аммо анчадан бери менга тинчлик бермаётган, социалистик жамиятга хос типик бир воқеани ҳикоя қилмоқчиман.

Бухоро вилояти аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш жуда аянчли аҳволда эканлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Яқинда ана шу вилоятнинг бир ноҳиясида паррандачилик фабрикаси қурилади. Аммо олиб келинган жўжалар кўплаб nobud бўла бошлайди. Комиссия устига комиссия келади, текширув устига текширув бўлади. [Бизда одам ўлса бунча текширилмайди, давлат жўжаси ўлса эса...] Хуллас, ҳамма гап сувада эканлиги аниқланади. Шошилич равишда чўчук сув изланади ва... бундай сув топилади ҳам! Чўчук сув дарагини эшитган атроф қишлоқлар аҳолиси идиш кўтариб бу ерга — паррандачилик фабрикасига кела бошлашади. Аммо бу маҳаллий тўраларга ёқмайди, жўжаларга сув қолмайди, деб қўришади шекилли, фабрика ҳудудидан сув олиш таъқиқланади. Одамлар барибир келавергач, улар сонини камайтириш мақсадида сув... сотила бошланади!

Ҳа, ҳа, ишонаверинг, бу ўрта асрларда, феодал хонлик замонларида эмас, бизнинг кунларимизда содир бўлди. Фуқаросининг қадри жўжасининг қадрича бўлмаган жумҳуриятнинг мустақиллиги қулоққа ғалат ҳам масҳараомуз эшитилади.

Мустақилликка эришиш йўлида заҳматкаш халқимиз қадри ҳам ортиб боришига ишонгим келади.

Яна бир гап: Ўзбекистоннинг чинакам мустақиллигини Урта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари мустақиллигининг узвий бир қисми сифатида қарайман. Яқин ўтмишда атайин парчалаб ташланган Туркистон янги асосда бирлашмас экан, ижтимоий-иқтисодий-сиёсий эркинликка эришув мушкул бўлиб қолаверади. Бу жиҳатдан Болтиқбўйи жумҳуриятларининг бир тан-бир диллиги биз учун энг яхши сабақдир.

Самарқанд

Тошпўлат ТУГАЛОВ, СамДД аспиранти:

— Мустақиллик озодлик каби тотлидир. Тўғрироғи, бу сўз бир-бири билан уйғундир. Ўзбекистон мустақил бўла олади. Қачонки у катта оиладан хайр-хушлик билан чиқса. Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсам, ҳозир бўлаётган бу баҳсларни ким инобатга оляпти!

Мен бир нарсага тўла иймон келтиришим мумкин. Ҳозирги раҳбарларимизнинг аксарияти мустақиллик аравасини ортага тортмоқда. Улар ўз манфаатидан юрт, халқ, келажак манфаатини устун қўлмаяптилар. Бунинг икки сабаби бор: биринчидан, уларнинг бир қисми катта куч сарфлаб курси, лавозим эгаллаганлар. Шунинг учун ҳам улар озодлик, соғ фикрлилик ва иймон, эътиқод минтақасида яшамайдилар. Иккинчидан, улар сарф этган хазинани тўлатиши, ҳатто кўпайтириши, бу учун эса ўз мансабларини сунистеъмом қилишлари керак. Ҳўш, биз ўз мустақиллигимизни кимга ишонамиз! Соғлом фикрли раҳнамоларимиз ҳамжиҳат бўлса, ишбилармон кишилар билан бирга, иш фаолиятларини миллий асосга қўйсаларгина жумҳуриятимиз олдинга бориши мумкин.

Ўзбекистон мустақил бўла олади. Фақат уни мустақиллик оролига олиб борадиган мустаҳкам нема, келажакни кўра оладиган дарғалари фидойилиги керак.

**Фаррух ҲАМРОЕВ,
СамДД III курс талабаси:**

— Бу савол бугун барчамизни қийнамоқда. Бу муқаддас кун қачондир келиши керак. Чунки 73 йил алдоқлар ичра яшаган Туркистоннинг келажак йўли фақат сиёсий ва иқтисодий мустақилликдир. Мен бугунги Шўролар иттифоқини сунъийликдан қад кўтарган оилга ўхшатаман, негаки, ҳамма бир-бирига ишончсизлик билан қарайди. Бўлаётган иқтисодий тангликда ҳамма бир-бирини айблайди. Биз марказдан, Москвадан инсоф кутиб чарчадик. Оролни кўтқаришларини сўраб Москва минбарларида кўзёш тўқдик. Шу тошни эритувчи ёшларимизни Оролга оқизганимизда, Оролни аҳволи озроқ бўлса ҳам яхшиланармиди! Дунёдаги энг қоқоқ, энг кичик давлатлар компьютер билан ишлаб, фан ва техника соҳасида ҳаммани лол қолдираётган бир пайтда бизлар бўшаб ётган пештахталаридан бирон-бир егулик қидириб сарсонмиз. Бизни бу боши берк кўчадан фақат иқтисодий ва сиёсий мустақиллик олиб чиқа олиши мумкин.

**Жўлибой ЭЛТАНАЗАРОВ,
аспирант:**

— Туркистоннинг бошидан давлат қуши учганидан буён 130 йилга яқин вақт ўтди. Бу ҳазилакам фурсат эмас. Бу муддат давомида халқнинг бошига не-не кулфатлар ёғилмади. Феодал тузумдан капитализмга ўрлаётган халқ бир сакраб «ривожланган социализм»га ўтказилди, миллий эълоилар қатогон қилинди, «маданий инқилоб»лар халқни бебаҳо ўтмиш меросидан маҳрум қилаёзди: якказироатчилик балоси, гдлянчилик қурбонлари миллилатни маънан қашшоқлаштирди, янги авлоднинг юрагини олиб қўйди, юртин экологик ҳалокат жарига етаклаб келди. Бу гаплар — ҳаммага маълум гаплар ва бу муаммоларни ҳал қилгандагина мустақилликнинг музаффар йўлига чиқиш мумкин. Бунга бир неча ўнлаб йиллар керак.

Ҳеч бир маълум халқ курашсиз ўз мустақиллигига эришган эмас. Бизнинг кунларимизда бу кураш таёқ ва миллик кўтариш, исён қилиш дегани эмас. Бу кураш зўрликсиз, қон тўкишларсиз, сиёсий ва парламент йўли билан олиб бориладик, бу нарса юксак сиёсий маданиятни талаб қилади. Жумҳурият Олий Кенгаши қабул қилган Мустақиллик декларацияси — дебоча, холос.

...Биз ўз йўлимиздан боришимиз керак.

Энг долзарб вазифа — яқин муддатларда халқни тўйдириш. Оч, асабий, зориқан халқ кураш олиб бора олмайди, у кўпроқ зўравон ва таловчи оломонга айланади. Бугун уни кўчага чиқишга чорламаслик керак, балки жумҳуриятдаги барча демократик, тараққийпарвар кучлар диққат-эътиборни энг аввало иқтисодиётни юксалтиришга қаратиши зарур.

Туркистон Иттифоқи (Федерацияси) барпо этилиши зарур. Аммо у Оврўпо иқтисодий ҳамжамияти каби суверен, демократик давлатлар Иттифоқи бўлиши зарур. Агар марказлаштирилган Туркистон давлати тузилса, у яна унитар давлатга айланади, бу эса миллий низоларга олиб келиши мумкин. Бунга келгусида ҳечам йўл қўйиб бўлмайди. Узимизнинг бахт-саодатимиз, келажакимиз учун курашишдан чўчимаслигимиз лозим. Кураш эса фидойиликни талаб қилади!..

Самарқанд

**Асадулла ОРТИҚОВ,
иқтисодчи:**

— Кўплаб кишилар, ҳатто баъзи бир ижодий эълоиларимиз мустақилликни бутунлай чорасиз ва ҳимоясиз қолиш билан тенглаштириб қўймоқдалар.

Биз мустақил бўлмаси деган сўзни бутун дунё билан алоқаларимизни ўзамиз экан-да, шунингдек, минг йиллик тарихий давлатчилигимизни тиклашни умумиттифоқ иқтисодий алоқаларига барҳам бериш керак деб ҳам тушунмаслик керак. Ақинча, биз бошқа мустақил жумҳуриятлар, хусусан Русия,

Литва, Украина билан ҳамкорлик икки томонлама фойдали бўлганлиги учун ҳам янада жипслашамиз.

Иқтисодни оз-мозгина идрок қилаоладиган одам биладики, бир-бири билан чамбарчас иқтисодий алоқалар орқали бирлашиб кетган, бунинг устига «Сен иттифоқдан чиқдинг энди, сен билан барча алоқаларини ўзамиз» деб бўлмаслигини Литва воқеалари тасдиқлади. Бор-йўғи биз Литвага оқайтган нефть қувурларини ёпиб қўйиш билан нимага эришдик! Тўғри, бундан Литва иқтисоди сезиларли даражада зарар кўрди. Аммо бу зарарни пулга чақадиган бўлсак, иттифоқ иқтисоди Литвадан кўра кўпроқ зарар кўрди...

Якнабоғ

**Убайдулла ОМОНОВ,
иқтисодчи:**

— Кўлимда статистика маълумотлари бўлмаганлиги сабабли Ўзбекистон мустақиллиги хусусидаги фикримни умумий ҳолатда ёзишга қарор қилдим:

1. Ўзбекистон жумҳуриятини бозор иқтисодиётига ўтишидан олдин авваламбор жумҳуриятда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қанча қисми ўзимизда қолади ва неча фоизи бошқа жумҳуриятларга, чет мамлакатларга сотилади — шунини аниқ ҳисоблаб чиқиш зарур.

2. Бошқа жумҳуриятлар ҳамда чет мамлакатларга сотиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархи келишилган ҳолда баҳолашиб, даромад халқнинг турмуш даражасини яхшилашда ишлатилиши йўлга қўйилса.

3. Жумҳуриятнинг суғориладиган ерларини мелиоратив ҳолати бугунги кунда оғир аҳволда, ҳосилдорлик анча пасайиб кетганлигини ҳисобга олиб, бюджетдан Ўзбекистон сув хўжалиги вазириликка кўпроқ маблағ ажратиш зарур, чунки, бу тадбир жумҳуриятнинг келажакдаги тақдирини белгилайди.

4. Ўзбекистон жумҳурияти ҳудудида жойлашган енгил саноат, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноати ишнини яхшилаш билан бир қаторда ривожланган мамлакатлар билан келишиб, юқорида кўрсатилган саноат турларига алоқадор қўшма корхоналар қуриш керак. Бу келажакда халқимизни сифатли саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга ҳамда жаҳон бозорига чиқишга замин яратеди.

5. Аҳолини йил мобайнида сабзавот, полиз, мева билан таъминлашни тўғри йўлга қўйиш учун ҳар бир колхоз ва совхозда шу хўжаликларни маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаммини ҳисобга олиб, жамғарма омбуллар қуриш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Аҳоли йил мобайнида сабзавот ва қуруқ мевалар билан таъминланса, шакар, қанд ва қандолат маҳсулотларига нисбатан талаби анча камаяди ва тўлиқ таъминотга эришилади.

6. Жумҳурият аҳолисини ҳозирги кунда ишлаб чиқариш билан банд қисмининг турмуш даражаси ниҳоятда оғирлигини, халқимизнинг кўп болалигини ҳисобга олган ҳолда бозор иқтисодиётига ўтишда озиқ-овқат маҳсулотлари (маҳсулот нархи дунё бозориди белгиланган нархдан паст бўлмаслиги зарур) узоқ муддатли шартномалар асосида сотилиши мақсадга мувофиқ. Жумҳуриятда қолдириладиган қисми, яъни аҳолини таъминлаш учун етарлиси халқимизнинг яшаш шароитини ҳисобга олган ҳолда арзон баҳолашни зарур. Жумҳуриятимизда асосан гўшт маҳсулотларини кўпайтиришга эътибор бериш зарур, қишлоқларимизда фермер хўжаликларини ташкил этиб, ем-хашак базасини колхоз ва совхозлар ҳисобига мустаҳкамлаш зарур деб ўйлайман. Давлат савдосида сотиладиган гўшт ва сут маҳсулотлари шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган харажатлар қанча бўлса, шу баҳода белгиланиши зарур.

7. Ўзбекистон жумҳурияти ҳудудида жойлашган, марказга (Москвага) ҳисобот берадиган ҳамма ташкилотлар Ўзбекистон жумҳурияти ҳисобига ўтиши керак. Ҳамма қазилма бойликлар Ўзбекистон ҳудудидаги жумҳурият аҳолисининг бойлигидир.

Навоий

Маълумки, «Муҳокаматул-луғатайн»нинг ҳамма нашрларида шоир томонидан юзта деб келтирилган феълларнинг сони 98 ёки 99 тадир. Шунинг учун юзинчи феъл қайси сўз эканлиги хусусида турли баҳслар юради. Биз ушбу масалага аниқлик киритиш учун «Муҳокаматул-луғатайн»нинг тўрт нусха — уч нашр ва бир қўлёзмасини ўрганиб чиқдик. Қўлёзма Туркиядаги Фотиҳ кутубхонасида сақланади. Уч нашрдан биринчисини 1940 йилда О. Усмонов ва П. Шамсиев, иккинчисини шоирнинг 15 томлик асарлар тўплами учун П. Шамсиев, учинчисини 1968 йилда, Огоҳ Сирри Левенд нашрга тайёрлаган. Чоғиштирма чоғида юзинчи феъл **чимдиламак** эканлигини Огоҳ Сирри Левенд аниқлагани маълум бўлди¹. Бу сўз шоирнинг Туркиядаги Фотиҳ кутубхонасидаги қўлёзмаси таркибидан топилди. Бундан ташқари, чоғиштириш вақтида феълларнинг орфографиясига айрим аниқлик киритиш имкони туғилди. Чунончи, иккинчи нашрдаги **йигирмак** феъли қўлёзма ва бошқа нашрларда **бикирмак** эканлиги аниқланди. **Қийманмоқ** феъли Туркияда нашр қилинган асарда **қимсанмоқ**, **бўшмоқ** феъли **бўсмоқ**, **қиззанмоқ** сўзи **қингзанмоқ** шаклида берилган.

Юзта сўз ичидagi 1, 3, 5, 7, 8, 13, 15, 28, 35, 36, 47, 48, 50, 51, 55, 61, 62, 63, 64, 73, 76, 77, 78, 82, 83, 84, 85, 86, 88, 90, 91, 94, 95, 96 рақамлардаги феъл маънолари Фитрат томонидан қайд этилган². Қолган сўзларнинг маъноларини аниқлашда «Ўзбек халқ шевалари луғати», «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»дан фойдаландик. Шунга қарамасдан, афсуски, айрим феълларнинг маъноларини аниқлаш имкони бўлмади. Биз уларнинг маъноларини аниқлашда ўқувчиларга мурожаат қилмоқчимиз. Азиз журналхонлар! Бу феъллар қайси шеваларда учрайди ва улар қандай маънони англатади? Шу ҳақда бизга ёзиб юборсаларингиз бобомиз Алишер Навоий 500 йил илгари қайд этган феъл маъноларини тўла аниқлаган бўлардик.

1. **қувармоқ** — турлича тусда кўринмак
2. **куруқшамоқ** —
3. **ушармак** — итармак, илгари томон отмоқ
4. **жижаймоқ** —
5. **ўнгдаймак** — тўғриланмоқ, тўғри келмак
6. **чекримак** —
7. **думсаймоқ** — аччиғидан қовоқ солиб ўтирмақ
8. **умунмоқ** — умидвор қилмоқ
9. **ўсанмоқ** —
10. **игирмак** —
11. **эгармак** — эргашмоқ
12. **ўхранмоқ** —
13. **ториқмоқ** — аччиғланмоқ
14. **алдамоқ** — йўлдан урмақ
15. **арғадамоқ** — алдамоқ
16. **ишанмак** — инонмоқ
17. **игланмак** —
18. **айланмоқ** — сайр қилмоқ
19. **эрикмак** — хафа бўлмоқ
20. **игранмак** —
21. **овунмоқ** — ўзини тинчитмоқ
22. **қистамоқ** — зўр бериб ундамоқ
23. **қийнамоқ** — озор бермоқ
24. **қўзғалмоқ** — ўрнидан силжимоқ
25. **соврулмоқ** — шамолда тозаланмоқ
26. **чайқалмоқ** — тебранмоқ
27. **девдашмоқ** —
28. **қимсанмоқ** — қимирламоқ
29. **қизганмоқ** — рашк қилмоқ
30. **никамак** —
31. **сийланмоқ** — ҳурмат қилинмоқ
32. **танламоқ** — сараламоқ
33. **қимирдамоқ** — қимирламоқ
34. **сирпмак** —
35. **сирмамак** — қопмоқ
36. **каноргамак** — отини аравага қўшмоқ
37. **сиғриқмоқ** —
38. **сиғинмоқ** — сажда қилмоқ

39. **қилимоқ** —
40. **ялиноқ** — ёлвормоқ
41. **мунгланмоқ** —
42. **индамак** — дукут сақламоқ
43. **тергамак** — текширмақ
44. **теврамак** —
45. **кинггаймақ** —
46. **шиғалдамоқ** —
47. **синграмак** — секин йиғламоқ
48. **яшқамоқ** — ёширмақ, кўзнинг ёшдан тўлмоғи
49. **исқармоқ** —
50. **кўнгранмак** — ғазабланиб ўзинча гапирмак
51. **сухранмоқ** — ўзинча гапирмоқ
52. **сийпамоқ** — силамоқ
53. **қораламоқ** — орқасидан бормоқ
54. **сурканмоқ** — суркалмоқ
55. **куймак** — баҳона қилиш
56. **ингранмак** — фиғон қилмоқ
57. **тушалмак** —
58. **мунгаймақ** — маъюсланмоқ
59. **танчқоламоқ** —
60. **танчқоламоқ** —
61. **кўруксамак** — кўрмакни исташ
62. **бушурганмоқ** — қийналмоқ
63. **бухсамоқ** — азоб чекмоқ
64. **киркинмак** — совуқдан ё энгил кўрқувдан секингина титрамак
65. **сукадамак** —
66. **бўсмоқ** —
67. **бурмак** — йўналишини ўзгартирмақ
68. **турмак** — яшамоқ
69. **томшимоқ** — оз-оз ичмоқ
70. **қаҳамоқ** —
71. **сипқормоқ** — охиригача ичмоқ
72. **чичаркамак** —
73. **журканмак** — куймак
74. **ўртанмак** — қийналмоқ
75. **сиғғурмоқ** —
76. **гурпаклашмак** — энгиллашмоқ
77. **чўпрутмоқ** — ёпиштирмақ
78. **жирғамоқ** — кайф-сафо қилмоқ
79. **бичимоқ** —
80. **қингзанмоқ** —
81. **сингурмак** —
82. **кундалатмак** — юмалоқ қилмоқ
83. **кўмурмак** — тиш билан узиб емак
84. **бикирмак** — бикитмак
85. **кўнгурдамак** — қаримоқ, бўшашмоқ
86. **кинаркамак** — отини аробага қўшмоқ
87. **кезармак** —
88. **дўптулмоқ** — тепилмак
89. **чидамоқ** — бардош бермоқ
90. **тузмак** — сабр қилмоқ
91. **қазганмоқ** — фойдаланмоқ
92. **қичиғламоқ** —
93. **гангирамак** —
94. **ёдамоқ** — қучсиз, ҳолсиз қолмоқ
95. **қадамоқ** — изтиробдан қутулғондан кейин дам олмақ
96. **чиқанмоқ** — оёқ ости бўлмоқ
97. **кўндурмак** — рози қилмоқ
98. **сўндурмак** —
99. **суқлатмоқ** —
100. **чимдиламак** — тирноғи билан чимчиламоқ

Эргаш Умаров,
филология фанлари доктори

¹ Огоҳ Сирри Левенд. Алишер Навоий, IV жилд, Анкара, 1968, 193-бет (туркча)
² «Ешлик», № 4, 1990, 39-бет.

Юсуф Самадўғли



Роман

Озарбойжон тилидан Усмон ҚУЧҚОР таржимаси

Кўзимнинг оқу қораси бўлган икки қизимга —
Меҳрибонга ва Ҳумойга.

— Йўл бўлсин, оға?
— Сўнг манзил сари, синглим.
[Бир беморнинг қулоғига чалинган гаплардан]

Дард ҳам оғриқ каби бир келса, ботмонлаб келади. Ҳали юлдузлар жуда сийрак эди, кулранг самода кўким-тир шуъла уйнар, гоҳ сўниб бораётгандек хира тортар, гоҳ пар-пар ёна бошларди. Ҳали шамол эсмас, ҳар замонда қўшалок заранг тепасида қирғоққа урилган тўлқин шовқинига ўхшаш бир сас қўпар, шу атрофда денгиз бор деб ўйларди киши. Аммо бу сас одамни даҳшатга соларди. Кимда-ким бу ерда бўлса, билардики, жуда-жуда узоқларда, қайдадир дунёнинг нариги бошида бир шамол ётоғидан бош кўтармоқда, у Бобо Коҳо¹нинг зулматли оғушида уйрилади, у ердан чиқиб, оғир-

оғир юриб, сурина-сурина залворли лангари билан тупроққа чуқур-чуқур дарзлар солади, тоғ-тошларда шовқин кўтариб, бу балокаш дунёни жангга чорлайди, Кимда-ким бу ерда бўлса, жуда узоқ-узоқларда ҳамлага шайланаётган шамолнинг қарғишини эшитади: Эй, икки оёқли махлуқлар, наслингиз қирилсин сизнинг!

Инсонлар шамолдан безган эди, шамол эса инсонлардан. Қўшалок зарангдан узоқларда, тоғ бағридан бошланган ўрмоннинг сийрак этагида, дарахтлар орасида бир қари бўри қулоқларини динг қйлиб турарди. Бўрининг шалхак бурни ҳид олган эди — темир ва қон ҳидини. Аммо бўри ҳам қўрқув ичида, недандир қаттиқ безовта эди, у икки оёқли махлуқлар қўналга тутган жойга яқин бормаслик лозимлигини яхши биларди. У томондан майин-дағал овозлар эшитилар, кимдир зиндонда болға ураётгандек ё бўлмаса отга тақа қоқаётгандек темир жаранглар, бу қоришиқ сасларда аллақандай ваҳима ва таҳдид бор эди — бўри, айиқ ва ҳатто қушнинг ҳам бугун у томонга яқинлашмагани яхши эди, чунки бугун Бобо Коҳонинг зулматли оғушида қандайдир бошқа бир қор-қол рўй бергулик эди — бутун оламнинг, тошу тупроқларнинг, осмонларнинг, юлдузларнинг ғазабини ўзида жамъ этган шамол дунёнинг икки оёқли махлуқларига: «Боряпман!» — дея таҳдид йўлларди. — Ҳисоб-китоб қилгани боряпман, бу икки оёқли, темир либосли, найза-қалқонли, юзлари ойлаб сув кўрмаган, кир-қасмоқдан қорайиб мис рангига кирган бу икки оёқли шайтонлар нега бунча қутуришганини билмоқ учун боряпман. Уйқусиз кўзларидаги кин ва ғазабнинг сабабидан огоҳ бўлиш, қасмоқ боғланган лаблари орасидан чиқаётган тупуқли сўкишларнинг маъносини англаш, кузак изғиринида елкама-елка таяниб, чодирлар атрофида давра қуриб ўтирган, ҳорғинликдан сув қайнатишга ҳам ҳоли йўқ, гўшти хомлигича еган, сўнгра қонга буланган лабларининг селини юзларига суртган икки оёқли махлуқлар бу балокаш дунёдан не иташларини билмоқ учун боряпман! Қўналганинг ёнгинасига мурдаларни устма-уст қалаштириб ташлаган, чириган жасадаларнинг фунатини илғамай, жангчи биродарларини кўмишга ҳам мадори қолмаган, қуёш шуълаларидан бекинган бу икки оёқли, қанотсиз шабпараклар қачон қондан тўяжакларини билмоқ учун боряпман!.. Аммо ҳали шамол келадиған фурсат олдинда, узоқда эди. Манзил олис, орада тоғлар, даралар, ўрмонлар бор эди. Шамолнинг йўли узун эди. Бўрининг бурун парраклари титрар, жонивор қон ҳидини олган, аммо бу ҳиддан боши айланмоқда?.. Бўри ён-верига аланглаб боққан эди, учлари сарғайган майсалар орасида уймалашаётган қумурсқаларга, бир чаёнинг жасадиға кўзи тушди. Қумурсқалар чаёнинг қорниға ёпирилишганди. Бўри ёқимлироқ бир ҳолни эслашга уринди. Етти кун аввал кўксидан яраланган дуррожни бурдалаб егани ёдига тушди... Воҳ-воҳ, худойим, ўша қушни бўри нақадар лаззат билан, қўрқмасдан, чайир жағларида эзиб-чайнаб, бамайлихотир еган эди-я! Чунки етти кун аввал бу улкан ўрмонда яратганнинг шу бўридан бўлак деярли бирон-бир жонивори қолмаган эди — темир либосли, икки оёқли махлуқлар бу ерларда макон тутганидан сўнг айиқлар, шоқоллар, ёш бўрилар ўрмонни тарк этишганди. Қўналганинг яқинида, ушбу куз оқшоми сарғайиб-сўлаётган ўрмонда фақатгина мана шу қари бўри қолганди, холос. Бугун у ўрмоннинг ягона ҳўжаси. Бобо Коҳодан ёприлиб келаётган таҳдид бўлмасайди — бўри тез-тез олисдаги қатронғига қўрқа-писа қараб кўярди — ортидаги ўрмондан ваҳимали шовқин-суронлар эшитилмасайди — бўри ана шундай узоқ-юлуқ хаёлларга толган эди — балки тангрининг раҳми келиб (билиб бўладими бу дунёнинг ишларини), унга бир дона дуррож инъом этармиди?.. Бўрига ҳафтада бир марта қорин тўйдириш ва жон фароғатидан бўлак нима ҳам керак ўзи!.. Қорин очининг тинчи йўқ. Бу жиҳатдан икки оёқли махлуқларнинг омади келган: оч қолганларида бир-бирларига ширин ҳикоятлар сўйлайдилар. Хусусан, уларнинг подшолари — ориқ, кўримсиз, кўзларидан чаён захри ёғилиб турган, тишлари кемшик бир кимса зарбоф чакмонига ўралиб, чодирдан чиққанида оч сарбозла-

¹ Бобо Коҳо — горнинг номи.

рига шунақанга ажойиб ва ширин каломлар айтадики!.. «Сабр этинг, қорнимиз оч бўлса-да, бошимиз устида оллоҳ бор, амалимиз барҳақ, мана шу сўнги машаққатга ҳам чидаб бер- сак, емагингиз шу қадар мўл бўладики, шу қадар бўкиб ей- сизки, ҳали бандаси бунақасини кўрмаган. Гўштингиз мўл-кўл, либосингиз сийму зар бўлади, дунёнинг энг гўзал аёлларини оёғингиз остига отаман!» Чиндан ҳам, бу икки оёқли махлуқ- ларда сеҳрли бир ҳикмат бор: ширин сўз эшитганда қорин- лари тўяди, очлиқдан ортиқ шикоят қилмай қўядилар. Бир ерга йиғилиб, подшоларини даврага олиб қичқирадилар: офар- ин, офарин! Сўнгра тиз чуқиб яратганга ёлворадилар: худо- йим, сен бизнинг умримиздан кесиб ҳукмдорнинг умрига қўшгайсан!..

Бўри тагин қумурсқалар томонга боқди. Ҳашаротлар се- винчдан кўкнинг еттинчи қаватида, қорин тўйдириш билан машғул эдилар. Бўрининг калласига фавқуллода бир фикр келди: ажаб, чаённинг ўзи ўлганмикан ёки қумурсқалар уни бир ёқлик қилишдимикин?.. Чунки бу замондан ҳар нарсани кутиш мумкин. Бу илқис фикрдан унинг эти жимирлаб кетди, динг қулоқлари осилиб тушди. Бир томондан ўрмондаги шов- қин-сурон. Иккинчи томондан эса бу ғалати қон ҳиди...

Само баттар бўзарган, гўё юлдузларнинг сони ҳам ортган, уларнинг ҳар бири олмадек-олмадек келарди. Қайдандир карвон-карвон, ғалати-ғалати, шакли-шамойили ўтакани ёр- гудек, аждаҳо карвони — чаёнларга ўхшаш булутлар оқиб ке- ларди. Улар юлдузлардан пастроқда, мағриб сари вазимин- вазимин оқиб борарди. Қушлар товуши ҳам тинган. Тун чуқа бошлаган бир пайт. Ҳавода ҳамон темир ва қон ҳиди ан- кирди...

Қўналғада гулханлар ёқа бошладилар. Бир-икки гулхан атрофида от тезаги уюлган эди — қоронғулик чўкқандан сўнг уларни гулханга ташлайдилар. Куз бўлишига қарамай, бу ер- даги ҳар бири отпашшадай келадиған қора чивиндан ҳамма ўлғудай кўрқарди.

Найзали-қалқонли кимсалар қўналғанинг турли томонлари- дан иккибир-учбир бўлиб гулхан сари чиқиб келардилар, улар гулханга яқинлашганда тўхтаб қолишар, олисдаги шовқин- суронга кулоқ тутардилар. Бу найзали-қалқонли кимсалар дунёнинг барча машаққатларига чидаш учун тайёр эдилар — чивинга, отпашшага, илон-чаёнга — ҳаммасига гинг демай кўнардилар. Фақат ўша шамол кўпмаса бўлгани эди. Утган гал, бундан икки йил аввал, худди шу ерга қўналға солиб, юриш тадоригини кўраётганларида Бобо Коҳодан бир шамол куч йиға-йиға чунонам ёприлиб келган эдики, худойим, ўзинг мададкор бўлгайсан, ожиз бандаларингни бу мусибатдан ўзинг асрагайсан, худойим! Офат ёприлиб келган эди ўшан- да — фавқуллода чақнаган чақмоқ каби, ёнартоғ пуркаган ўт каби, орқадан курак ўртасига санчилган найза оғриги каби ёприлиб келган эди, ҳавони аёвсиз қамчилаганича, юган-сув- ликларини чайнаб оғзи кўпикка тўлган отларни кўкларга сап- читганича, зилзилавор суронлар солиб, тупроқдан очган чуқур дарзаларга сарбозларни қурол-яроғи билан кўмиб юборганича, кўкдаги қушларнинг қанотларини синдириб ташлаганича ёприлиб келган эди бу шамол. Ушанда бош мунажжим ҳукм- дорнинг чодирда, туя жунидан тўқилган гилам устига тиз чўкиб, бошини ерга ура-ура қичқирган эди: «Ҳукмдор, амр эт, амр эт, ўрда ортга қайтсин, тангрининг биздан ғазоби кел- ган!» Кўрқувдан кўзлари олайиб кетган, тишлари тақиллаб кетаётган мунажжимни бу қолда кўриб, шохнинг ўзи ҳам ваҳм- га тушган эди. Бунинг устига, чодирнинг шамол ҳаммаларига узоқ дош бера олмаслигидан кўрқиб, жон талвасасида таш- қарига отилган, ташқарига чиққан заҳоти қулаб тушмаслик учун каттакон дарахтни маҳкам қучоқлаб олган эди. Оёқда зўрға турган бир неча сарбоз ҳукмдорни бу вазиятда кўриб, дарҳол уни қуршаб олишган эди. Бундай манзарани кўрган ҳукмдор бақириб юборган эди: «Бу тангрининг ғазоби эмас, шайтоннинг амалидир!» Аммо бу сўзларни на унинг ўзи эшит- ган эди, на уни ўраб турган сарбозлари... Анча фурсат ўтгач, туннинг қоп-қора зулмати қўналғани ўз оғушига олгандан кейин, шамол шаштидан тушиб, Бобо Коҳодаги ётоғига чекин- гандан сўнг подшо шоша-пиша янгидан ёқилган гулханлар шуўласида бир-бирига қалашиб ётган одам ва от жасадларини кўрган эди. Отларнинг ҳам, одамларнинг ҳам оғзидан яшил кўпик оқарди, отларнинг ҳам, одамларнинг ҳам кўзлари очик қолган эди ва бу кўзларнинг ҳар бирида олмадай келадиған юлдуз акси порлаб ёнарди. Кўкда эса биронта ҳам юлдуз

қолмаганди. Мунажжим ерга йиқилиб, ҳукмдорнинг оёқлари- ни қучоқлаб олган, хўнғир-хўнғир йиғлар эди.

Дард ҳам оғриқ каби бир келса, ботмонлаб келади, синг- лим!..

Ҳукмдорнинг чодирдан жуссадор бир сарбоз чиқиб, ке- шикчи¹лардан бирига нимадир деди. Кешикчи ўрнидан туриб, бошқа чодирга кириб кетди. Бир оздан сўнг қўнал- гада, ҳукмдор ғуслга² ҳозирланмоқда, деган овозга тарқал- ди. Хожа Анварни ўрнидан турғиздилар.

Иккита катта-катта гулханга етадиған қилиб ўтин уйиб кў- йилди. Найзали-қалқонли одамлар икки қисмга бўлинди — ҳар бирида ўнтадан киши. Улар қўналғанинг қуйисидан, ғалла ва озиқ-овқат сақланадиған жойдан судрай-судрай иккита жом келтиришиб, гулхан устига ўрнатишди, жомларни йирик темир илгакларидан устунларга илтишди. Сўнгра сув ташиб, жомларни тўлдиришгач, гулханга ўт қўйилди. Куруқ ўтин олов- га маҳтал тургандек ловуллаб кетди, аланга икки баҳайбат аждаҳонинг тили сингари, биланлаганича юқорига ўрлаб, ул- кан жомларнинг остини ялай бошлади... Сув қайнагач, уни мис кўзаларда ҳукмдорнинг чодирга ташиб, у ердаги учинчи жомни ҳам қайноқ сув билан тўлдирадилар. Шундан сўнг чодирда фақат ҳукмдор билан Хожа Анвар қолади. Гарчи ҳукмдорнинг айбидан ҳамма хабардор бўлса ҳам, ғусл маро- симида у чодирда фақат Хожа Анварни олиб қоларди. Хожа Анвар уни чўмилиради, иссиқ сувга киргандан сўнг ҳукмдор ахта жойидан кўзгалган оғриққа чидай олмаганидан инграшга тушади. У Хожа Анвардан бошқа яратганининг бирон-бир бан- даси ўзини бу аҳволда кўришини истамасди. Дард жонидан ўтиб, икки оёғининг орасидан бошланган оғриқ умуртқаси бўйлаб аъзойи баданига ёйилганида ҳукмдор Хожа Анвар олдида кўз ёшлари тўкишдан ҳам имтиноъ қилмасди. Шунда Хожа Анвар ҳукмдорга тасалли бера бошларди... Йиллар бўйи давом этиб келган бу маросим, кекса ва содиқ навкар- нинг тасаллиси ё шу сўзлар билан бошланар, ё шундай тугар- ди: «Одил ҳукмдор, мусулмон оламининг ярми ахтадир, юра- гингни кенг тут. Бу мусибат эмас, улуғ тангри сен билан мен- га бахш этган улкан бахтдир. Дардингни олай, ҳукмдорим, юрагингни кенг тут!» Ҳукмдор томирлари қабириб чиққан, ориқ мушаклари таранг тортилган қўлини иссиқ сувга тиқиб бутти орасига олиб борар, кичрайиб, қўлга базўр илинадиған бўлиб қолган эркаклигини топиб, қаттиқ-қаттиқ сиқарди — бу билан гўё у оғриқни шу ерда тутиб туришни, уни бўғиб ўлди- ришни истарди. Хожа Анвар эса оёқлари остида турган йирик кўзадаги минг хил атирли гиёҳлардан, чечаклардан сарой ҳақими тайёрлаган кўпикли сувни ҳукмдорнинг бошидан ҳо- вуллаб сочар, сўнг бош бармоқлари билан ҳукмдорнинг пўлат- дай таранг мушакларини кучаниб эзар экан, лаззатдан ўзи ҳам «воҳ-ҳей» деб кўярди.

Ким айтса ҳам топиб айтган, оталар сўзи бўлса керак: дард ботмонлаб келади, мисқоллаб чиқади. Ҳа, тўғри, оталар сўзи бу. Абулқосим тўплаган китобда ҳам бор. Хотинимнинг қўли бўшаган заҳоти айтаман унга, ўша китобни келтирсин, яна бир кўрай. Ажойиб гаплар бор унда. Хотиним ҳозир ош- хонада, менга — яъни дерзасига яшил парда тутилган бу кичик хобхонада икки ойдан бери чўзилиб ётган беморга — фарғара учун чўл ялпизи қайнатяпти. Утган куни келган ҳа- кимнинг кўрсатмаси эди. Бемор — оғирми, енгилми, барибир бемор. Оиланинг ҳаловатини бузади, йиллар бўйи вужудга келган, роса маромига тушган турмуш қонун-қоидаларига, донолар айтгани каби, раҳна солади, бола-чақа беморнинг турмуш тарзига мослашишга мажбур бўлади. Аввал болалар тунги соат иккигача магнитафонни тинчитмаган бўлсалар, энди узоғи билан ўн иккида унинг овозини ўчиришга мажбур- дирлар. Кунора юқори қаватдан тушиб, ўртоғига кўнғироқ қиладиған қўшнингнинг ҳам энди қадами тортилган, ҳар замонда бир келади. Келганда ҳам, телефон қилишим жуда зарур бўлиб қолди, йўқса безовта қилмаган бўлур эдим, дея юз марта лаб узрхоҳлик қилади. Унинг зарур гапи ҳам шундан иборат бўладики (мен хобхонадан аниқ эшитиб ётаман), бу

¹ Кешикчи — посбон.

² Ғусл — чўмилиш.

келишган, ёши ўттизларга бориб қолган, уч боланинг онаси, бир эрининг соҳибаси дастакни кўтариб, рақамларни терган захоти сўрайди:

— Уйдамансиз?.. Мен ҳам... Яхши... Завтра как всегда. Хорошмок?

Хотинимга неча марталаб уни йўлатма, устомонлик билан бу уйга қадам босмайдиган қил, деганман. Чунки ишончли жойлардан олган маълумотимга қараганда, бу уч болали онанинг ёшига, мўйловдор ўйнаши бўлиб, қандайдир ёлғирок жойда ишлар экан. Кўшнимиз, Хирдабону, бизникига келганда ҳам ўша ўйнашининг уйдама ёки йўқлигини билиш учун, ҳам эртага қаерда ва қачон учрашишларини келишиб олиш учун кўнғироқ қилади. «Хорошмок» дегани ҳам, аёнки, «хорошо» дегани, Хирдабону бу сўзга «мок» кўшиш билан ўзинча бир нав карашмали ҳазил қилган бўлади. Гўё ҳеч кимнинг ҳеч нарсадан хабари йўқдай. Қинғир ишининг қирқ йилда ҳам қийғи чиқади, деб ўйламайди. Айтмоқчи, бу мақол ҳам Абулқосимнинг китобида бўлса керак. Йўқ, бу гап унда йўқ... Хотинимга эса тушунолмайман. Ҳар гал Хирдабону чиқиб кетгандан сўнг мен асабийликдан ўзимни қўйгани жой тополмай қолганимда, хотиним, ҳой одам, сенга нима? Кўнғироқ қилган мен эмас-ку, ахир, дерди... Сўнг дарҳол гапни бошқа ёққа бурарди (қўйилман хотинларнинг гапни фавуқлода устомонлик билан буриб юбориш қобилиятларига): уйда пишлоқ тугаб қолди, эртага болалар мактабга борса, нима бериб юборишини ҳам билмайман, дерди у. Болалигимда менинг ҳам мактабда пончик еганларим ёдимга тушарди. Болалардан бирини чақириб сўрардим: «Менга қара, мактабларингизда буфет борми?» «Бор». «Хўш, унда пончик сотишмайди?» «Пончик нима?» «Вой?! Хамирдан юмалоқлаб қилинади-ку, ичиди повидлоси ҳам бор. Сотишмайди?» «Йўқ». Шунда маориф мудиридан тортиб мактаб директориғача бирма-бир барчасининг етти пуштини «шод» қилиб чиқардим... Ниҳоят, болалар ухлагач, хотин билан иккимиз ошхонага чиқиб, янги дамланган чойдан ича-ича майда-чуйдалардан лақиллашар, мактабда пончик еган кунларимизни эслаб ўтирардик.

Эвоҳ, менга яна ўз оёқларим билан торгина ошхонамга юриб бориш насиб қилармикини?

Бу тор-танг хобхонада дори-дармон ҳидидан бемор у ёқда турсин, соғлом кишининг ҳам боши айланиб кетарди. Одам ҳам икки ой кўрпа-тўшак қилиб ётадики? Нега ётмас экан, ҳатто ўлиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Шунанга экан фалақининг ишлари. Бундан атиги ўн кун аввал бу лаънати ҳидни ҳайдаш учун деразининг кичик дарчасини очиб кафоя эди. Бергман маъзунят дан қайтиб келгач, бу дарча ҳам гўё бир умрга бекитиб қўйилди. У келиб уйдагиларга «шамоллатиб қўйманг» дейиш билан гўё эшик-деразаларни ёпиш ҳукмини ўқиди. Фақат пиширилаётган овқат ҳади беморнинг кўнглиги беҳузур қилмай, ташқарига чиқиб кетсин деб ҳар замонда ошхона деразасини жиндай очиб қўярдилар. Аммо менга шундай туюлдики, энди деразаларнинг барчасини ланг очиб қўйсалар ҳам, бу ерга метроларда ишлатиладиган кучли ҳавасўргичларни ўрнатсалар ҳам энди бу ҳид чиқиб кетмайди: дори ҳиди хонанинг ҳавосига, деворларига бир умрга сингиб кетган. Уйга ким кириб келса, афтини буриштириб, бошини тебратарди. Тўғри, бегона кимса келганда, даставвал, ўз безовталигини билдирмас, бемордан ҳол сўраб бўлгач, даҳлизга чиқиб, хонадон соҳибасига, соғлом одамни бу хонага киритсанг касал бўлиб қолади, беморнинг тузалиб кетмаётганига сабаб ана шу оғир ҳаво-ку, синглим, нафас олиб бўлмайди-ку ва ҳоказолар дея қайта-қайта таъкидларди. Хонадон соҳибаси ҳам, хобхонада ётган бемор ҳам бундай сўзларга қўниқиб қолишган, бунақа маслаҳатларни камида юз марта эшитган эдилар. Уйга келиб-кетадиганлар бу фикрни турли-туман йўсинларда ифодалардилар. Авваллари ҳеч бўлмаганда тасалли берувчилар бор эди, улар янги дориладан, замонвий даволаш усулларидан гап очинсар, одоб билан беморнинг ёнига ўтириб, ҳатто бир пиёла чой ҳам ичиб, индамай чиқиб кетардилар. Аммо эндиликда бу дори ҳиди ҳамманинг асабига тегарди, баъзиларнинг келганига пушаймон эканини шундоқ юзидан қўриб турардим. Хотиним айтганидек, яхшиямки, улар қўп-қуруқ, сўппайиб келишмайди. Ҳол сўргани келган одам чиқиб кетиши биланоқ у нима келтирибди, дея хотинидан сурштириш беморнинг бир навъ одатига айланиб қол-

ган эди. Жавоблар эса одатда бир хил бўларди: олма, анор, мандарин, айрим ҳолларда эса ярим килоли банкада уйда тайёрланган зўғол ёки малина мураббоси. Аммо бир гал Расул домла, умридан барака топсин, яримта қўйнинг гўштини олиб келган эди. Раҳмат шунақанги меҳмонга, савоб иш деб мана буни айтадилар!..

Мен дастлабки кунданоқ шуни ҳис қилдимки, ҳол сўргани келувчиларнинг аксарияти оддий бир беморнинг кўриш учун эмас, балки фалон домлани кўриш, фало-о-он домлага таскин-тасалли бериш учун келардилар. Каравотнинг ёнида ярим доира шаклида қўйилган курсиларга ўтириб кўнғил сўрар, турли-туман маслаҳатлар бераб, беморнинг руҳи кўтарилсин дея ҳазил-хузул қилар, қизиқ воқеалардан сўзлаб берадилар. Аммо, негадир, келадиганларнинг саховати бир хил эмас эди.

Бундан уч-тўрт кун олдин бир профессор кўргани... иккита лимон келтирибди. Майли, боши омон бўлсин, гап лимонда эмас. У шу қадар узоқ лақиллаб ўтирдик! Бундай кимсаларнинг жағини шифокорлик институтининг талабаларига кўргазма қилиб кўрсатса бўлади, чунки бу жағ, шубҳасиз, жудаям ноёб бўлиб, чиндан ҳам инсоннинг маймундан тарқатганини тасдиқловчи ажойиб, ишончли далилдир. У беморнинг ўзидан ва унинг хотинидан эзмаланиб сўраб, бутун касаллик тарихини ўрганди, қон ва сийдикнинг анализларини, рентгенчиларнинг фикрини, тавсия этилган дорилар номи ва қайси мамлакатда тайёрланишини билимдон ҳақим каби синчиклаб сурштирди, сўнг охирида бошини қашилаб-қашилаб, ўз мулоҳазаларини ҳам айтди. Унинг гапига қараганда, бу касаллик Ер қуррасида асосан Африкада, бушменлар орасида кенг тарқалган бўлиб, мазкур бушменлар Бергман-мергман деган ҳақимни танимасалар-да, шод-хуррам яшар эканлар. Аммо бир нарсага қатъий амал қилиш лозим деди у: ётишдан аввал, даволувчи ҳақим буюргани каби қатиқ эмас, тўлдириб икки қошиқ асал ичиш керак. Асал бўлганда ҳам, албатта Қалбajarнинг фалон кишлоғидаги фалончи кимсаннинг асалидан бўлсин. Хўш, Африкадаги бушменлар бу асални қаердан топадилар, келиб Қалбajarдан олиб кетадиларми, деб бир сурамоқчи бўлдим, бироқ профессорнинг кўнглига тегиб кетмасин деб андиша қилдим. Чунки профессор қалбajarлик, агар хато қилмасам, ўша мўъжизакор асалнинг маскани бўлмиш кишлоқдан эди. Жуда доно, оқилона маслаҳат бердингиз, эртадан бошлабоқ ўша асални топиш ҳаракатига тушман, қатиқни эса илло-билло оғзимга олмайман, дедим.

Фалон домлани кўргани келадиган бундай меҳмонлар оз эмасди. Хусусан, авваллари. Аммо гап шундаки, беморнинг ўзи истайдиган яқин дўстлари, танишлари сўнгги пайтларда камнамо бўлиб қолган эдилар. Кейинги пайтларда телефон кўнғироқлари ҳам камайиб қолган, эндиликда бемор нариги хонада хотинининг кўнғил сўраб телефон қилувчиларга миннатдорлик билдирган овозини аҳён-аҳёнда бир эшитиб қоларди. Сабаби маълум бўлганда ғалати аҳвол рўй берган эди: дўстлари тамаки тутуни каби аста-секин тарқаб кетмоқда эдилар. У ана шундан гина қилиб қолганида, хотини; халойиқнинг ўз ташвиши, минг бир дарди бор, ҳаммиса келишга фучрат топавермайди, қолаверса, сен унақанги жиддий ётганинги йўқ-ку ҳамма бу ерга оқиб келаверса, дер эди...

Бу замонда жиддий касаллик деб нимани айтадилар ўзи!.. Албатта, биринчи навбатда рақни. Ундан кейин инфаркт. Ҳали мен вабо, ўлатларни айтмапман. Бу касалликларнинг башариятга таҳдиди ҳали олдинда. Аммо касалликлар рўйхатида асосий ўринлардан бирини эгаллайдиган яна бир хасталик бор. Қисқаси, унинг тиббий номини ҳали ҳеч ким кашф этгани йўқ. Ҳар бир бемор бу касаллиқни фақат энг яқин маҳрамга айта олади, айтганда ҳам пичирлаб айтади. Баландроқ айтсанг, мияси айниган деб, жиннихонага элтиб тиқишлари ҳеч гап эмас. Бу касалликка чалинганда жуда эҳтиёткор бўлишинг, ўзингни душман ортида иш олиб бораётган жосус каби тутишинг лозим. Бу марҳумларни тушда кўриш касаллигидир. Умр поёнига етиб қолганида, кўққисдан ажал эшиги очилганда одамзот ана шу касалликка чалинади. Ҳар кеча азизлардан бири тушларингга кира бошлайди. Тушингга буving киради: бошида ҳаммашаги қора ипак рўмоли, ҳаммашаги каби йилнинг охириги чоршанба оқшоми. Популки дастурхон ёзилган думалоқ столга тирсақ тираб ўтирган ёшига ўғлон шакарқатлама қилаётган кампирга боқади, кампир ҳам унга тикилади, бироқ ҳеч нима демайди. Хонада лаззатли бир ҳид анқийди, таш-

¹ Маъзунят — отпуска.

қарида ҳазри¹ эсади, стол устидаги сумалак учун ундирилган майса ранг-баранг шамлар шуъласида гўё яшил олов янглиғ ловуллаиди. Нимадир демоқчи бўласан, аммо лабларнинг очилмайди, чунки бу митти, озгин ўғлон ким эканини билмайсан. Уйқудан чўчиб уйғониб, юрагининг гупиллаб уришини тинглаган кўйи қоп-қоронғи шифтга тикилиб ётаркансан, кўққисдан бу озгин ўғлон сенинг ўзинг эканинг ёдинга тушади, сен ва бувингдан бўлак у хонада ҳеч ким бўлиши мумкин эмасди. Қирқ йилдан бери бувимни тушимда кўрмаган эдим, энди нега кўрдим экан, балки яна ўпкамдан қон келар, деб ўйлай бошлайсан... Қаттиқ йўтал тутади, кўксинг портлағудек, юрагинг озингдан чиққудек бўлади, бироқ ўпкамдан қон келмайди. Бувимни туш кўрсан, ишим ўнг келади, шекилли. Бувим, айтганларинг эсингдами? «Болам, нон еганда ҳеч бўлмаса бисмилло дегин». Унутганман, бувижон, анчадан бери «бисмилло»ни тилга олмай қўйганман... Эркак киши йиғламайди деб қайси аҳмоқ айтган! Яхшики, хотиним ухлаб ётибди. На юрагининг гупиллашини эшитади — йўталишга қарши эса унда шартли рефлекс пайдо бўлган, уйғонмайди — на кўз ёшларимни кўради. Кўрса, тагин менга «психсан» дерди... Бу масалада, ростини айтсам, хотиним ҳақ эмас: қирқ ёшдан ўтгач, бу дунёда баъзи нарсаларни аста-секин англаб, идрок этгандан кейин, озгина бўлса-да психлик касалига ким ҳам йўлиқмайди дейсиз?.. Мен фақат бир тоифани — эртага нон топиш қайғусини чекмайдиган боқибегам тоифани тан оламан. Қолганлардан кимни айтсанг айт, секин саволга тутсанг, раҳматлик Зулфиқор амаким айтгани каби, албатта оҳидан тутун чиқади... Мен илгари, илгари деганда икки йил нарини назарда тутяман, тунда кўрган тушларимни хотинимга айта бошласам, у қаттиқ асабийлашарди. Чунки у бир неча бор синиб кўрган эди: мен тушда бирон-бир марҳумни кўрдимми, эртасига албатта бир фалокат содир бўларди. Ё хотиним тикилиш троллейбусда пулини ўғирлатар, ё автобусдан тушаётиб, қайинининг оёғи лат ер, ёхуд қайинисинглимининг уйидаги газ колонкаси портларди. Бир сафар жудаям ғалати бўлди: мен нонушта устида хотинимга тагин Зулфиқор амакимни тушда кўрганимни гапирдим. Роса икки соатдан кейин райондан телефон қилишиб, хотинимнинг холаваччаси машина авариясида ўлганини айтдилар. Шундан бери орадан қанча-қанча вақт ўтди, бироқ мен ҳамон тушларимни хотинимга айтмайман, ҳатто уларни ўзим ҳам тезроқ унутушга ҳаракат қиламан. Чунки, худо ҳаққи, чиндан ҳам бу тушларнинг баъзан ўнг келиши бор. Тўшақда ётиб қолишимдан илгари, охириги кунларни айтяман, мундоқ маънили бир туш кўрмай қўйган эдим. Кўрганда ҳам бетайин нарсаларни: ё ёзда кўчамизда сут сотадиган, ҳар бир маммаси сигирнинг елинидек келадиган Айдани, ёки италян актрисаларидан бирини, ёхуд ўртоқ Фалончиевни кўрадим, Фалончиевни ҳатто тушда кўрганимда ҳам, ўзинг асрагайсан худойим, ўтакам ёрилғудек бўларди. Шарр демасанг хайр келмас. Беморлигимнинг менга бир хайри шу бўлдики, энди мени ўртоқ Фалончиевнинг ҳузурида тез-тез ўтказиладиган мажлисларга қақирмай қўйган эдилар. Дори-дармонларимни ичман-да, тўшагимга чўзиламан. На мени йўқлайдилар, на мен уларга кўнгироқ қиламан. Жон роҳатидан ҳам яхшироқ нарса бормикан дунёда? Раҳматлик Зулфиқор амаким бир пайтлар қишлоқдан ҳар ойда бир маротаба бизникига келганида, чубуғини тутата-тутата менга, ҳой бола, тезроқ пенсияга чиқиш ҳаракатини қил, деб ўғит берарди. Менинг таажжуб билан тикилганимни кўриб, илова қиларди: «Қулоғинг тинч, жонинг роҳатда бўлади. На уларнинг сенга иши бўлади, на сенинг уларга». Зулфиқор амаким вафот этганда менга ишдан рухсат бермадилар. Ҳаво бузилиб турган, совуқ-изгирилли кунлар эди. Мен ҳам, бормаганим бир томондан яхши бўлди, шамоллаб қолишим мумкин эди, деб ўйладим. Қишлоқда мотам маросимида халойиқ чодирда ўтиради, рутубат, шамол, қор-ёмғир уриб туради. Зулфиқор амакимнинг кизига телеграмма қилиб, ҳамдардлик билдирдим, дафн маросимига кетган қариндошларимдан бири орқали юз сўм пул ҳам жўнатдим. Хотиним, меники ўлса, ҳеч вақо бермас эдинг, деб фингшиди. Аввалига индамим. Сўнг ўзимни тутолмай, мен ўлсам, улар ҳам ҳеч нарса бермайдилар, дедим. Шу гапдан сўнг орадан ўн кун ҳам ўтмаган эдики, қишлоқдан фельдшер бўлиб ишлайдиган узоқ бир қариндошим келди. У Зулфиқор отанинг ўлими тафсилотини

гапириб берди, менинг бир оз кайфиятим бузилди, шу кеча ёмон туш кўрдимми ёки фельдшер Маҳмуд айтиб берган воқеа тагин кўз ўнгимдан ўтди, аниги ёдимда йўқ, аммо эрталаб уйғонганимда ҳўшим жойида эмасди.

Қишлоқда халойиқ безовта ётиб, безовта турарди. Бир ҳафтадан бери, осмоннинг таги тешилгандек, тинимсиз шивиллаб ёлғир ёғарди. Каттаю кичик ҳамма Кур¹ муддатидан илгари тошмасайди, деган хавотирда эди. Ёлғир ёғиб турган бўлса-да, ҳавода бир димлик ҳоким, гўё тупроқдан буғ чиқаётгандек эди. Агар ёлғир яна бир-икки кун шу зайлда давом этса, ҳаво ҳам шу димлигича қолса, ҳам Кур тошарди, ҳам тоғдан сел келиши мумкин эди. Боғу бўстонлар, узумзорлар, жамоат неки экиб-тиккан бўлса, барчаси яқсон бўларди. Боғу чорбоғ у ёқда турсин, бу ерларнинг сели халойиқнинг уй-жойини ҳам ювиб кетиши ҳеч гап эмасди. Балки қишлоқ Совети раисининг эшигига бориб, ундан тахта-ёғоч сўраб кўр, дерсиз. Бериб бўпти!..

Шу кеча ҳамма безовта ётди, уйқуси қочиб кетган кишиларнинг кўзи деразада, қулоғи тиқ этган товушда эди. Миш-мишларга қараганда, ҳар уйдан пул йиғиб, қўшни шиа қишлоғининг мулласига, бало-офатни баргараф этсин, дея назр ҳам қилган эмишлар... Маҳмуддан бошқа ҳамма безовта эди. Район марказидан ҳозиргина қайтган Маҳмуд пойабзалини ечиб, боя ўзи тамадди қилган кабобхонадан келтирган боржомдан сүзиб ичарди. Кабобхонада жуда кўп ичиб юборишди. Ичганда ҳам ҳукумат арағидан эмас, балалардан бирини машинада Григор арманиникига жўнатиб, уч-тўрт шиша тут арағи олдиришди. Фельдшер Маҳмуд билан Салим райпо иккаласи уч шиша арақ ичишди. Ҳозир гугурт ёқиб оғзинга тутсам, бўғзимдан олов чикса керак, деб ўйларди Маҳмуд. Иягини муштига қўйганича бурнини торта-торта, шояд бир мўъжиза бўй бериб, Москва меҳмонхоналаридан бирига бориб қолсам, ваннани совун кўпигига тўлдириб, ичига кириб олардим, воҳ-воҳ деб хаёл сурарди у. На ёлғир бўларди у ерда, на туман, на тут арағи. Ҳаммасининг падарига лаънат, ваннадан чиқиб, қалин сочиқ билан яхшилаб артингач, қўлтиқлари остига атир уриб, крахмал ҳиди анқиб турган оппоқ кўрпа-тўшақка қўзилган бўлур эди. Истасанг телефонни кўтар, кўнгироқ қил, сенга янги дамланган чой олиб келишсин, истасанг, бир оз узангач, туриб кийин, ресторанга туш, официантни қақириб музқаймоқ билан коньяк буюр, музқаймоққа қулоқ сол, тинмай сакраётган раққос жамоатни томоша қил. Официант аёл мойил бўлса, «пойдем со мной» де унга. Роза бўлса бўлсин, бўлмаса, жаҳаннамга!.. Коньякни ич, музқаймоқни е! лифтва миниб ўз хонангга чиқ, ёт тўшаққа узала тушиб, Маҳмуд кайф қилганда ҳаммиша ёдига ё Москва, ё Киев тушарди. Чунки қандай лаззатли кунларни бошидан ўтказган бўлса, шу икки шаҳарда ўтказган эди. Қайғусиз, бахтиёр кунлар эди у кунлар. Йил бўйи топган-тутганини бир ойлик маъзунията ана шу шаҳарлардан бирида елга соварарди. Аммо уч-тўрт кун меҳмонхонада ётган, ҳар кеча тушига қишлоғи кира бошларди. Ун кун ўтгач эса, мана шу ёлғир, туман, Григор арманининг аъзойи баданга ўт қўядиган тут арағи кўз олдидан ўтаверарди. Ҳар сафар, нега бу шаҳарларга ёлғиз келаман, нега тенг-тўшларимдан бирини кўндириб, олиб келмайман, дея афсус қиларди... Ҳар қалай, бир амаллаб маъзуниятини ўтказиб, қишлоғига қайтиб келарди. Бироқ икки кун ўтгач тагин Москва, Киев меҳмонхоналарини соғина бошларди. Шунда асабийлашар, олдига келган беморларни чала-чулпа кўриб жўнатиб юборар, йиллар бўйи кўникиб қолган ҳаёт тарзига гўё янгидан мослашиш лозим эди. Ун-ўн беш кун ўтгач, одатдаги Маҳмудга айланарди-қоларди. Кимнинг қорни санчиб, кимнинг боши оғриб қолса, туннинг қайси маҳал эканидан қатъи назар, Маҳмуд дори-дармонини сумкасига солиб йўлга тушарди... Мана ҳозир ичидаги алангани сўндириш учун боржом шисшаларини кетма-кет очганича Москвани: кўпикли ваннани орзу қилаётган бўлса-да, ёзда у ёққа борса тагин зеркишини, ёлғиз келгани учун яна ўзини сўкишини, кечалари ётганда тушда ё жиззали нон егани, ё қайдадир қишлоқларнинг бирида, қора уйда ярим тун маҳали бир чўпон оғайини билан дунёнинг ўтган-кетганидан суҳбатлашиб ётгани тушларига киришини,

¹ Кур — дарёнинг номи

¹ Шикаста — Шарқона ҳазин куй ва қўшиқларнинг бир тури

¹ Ҳазри — шимолдан эсувчи шамол

эрталаб уйғониб тушида еган қўй пишлогининг таъмини ҳис этишини билиб турарди...

Маҳмуд соатига қаради, икки-уч минут кам ўн эди. Эрина-эрина туриб телевизорни қўйди. Бу рангли телевизордан қишлоқда атиги уч кишида бор эди, бири раисда, иккинчиси қишлоқ Советининг котибида — қўрмағур ёшгина қиз эди, солланиб юришлари одамнинг жонини оларди — яна бири эса Маҳмудда. Боқу узоқ бўлгани учун рангли у қадар тиниқ кўринмас, гоҳ сариғи кўпайиб кетар, гоҳ қизили камайиб қоларди. Шунинг учун ҳам жамоат яхши рангли кўрсатувлар берилганда телевизорни Тбилисига бураб қўярди. Маҳмуд ҳам, бирон зарур иши чиқиб қолмаса, ҳар оқшом «Время»ни кўрарди. «Время»ни Боқу ҳам кўрсатарди. Тбилиси ҳам. Маҳмуд овоза бўлиб юрмаслик учун бир йўла канални Тбилисига ўтказди. Экранда диктор пайдо бўлиши билан Маҳмуд банд овозда деди: қўрмағур тагин қизил кўйлак кийиб олибди, офарин, буйингдан аканг айлансин, офатижон! Қони жумбушга келганда, кайфи банд бўлганда унинг банд-банд гапирадиган одати бор эди. Бўйдоқликнинг шу жиҳати яхши: уйда ўтир, телевизор қўй, истасанг шикаста хиргойи қил, истасанг девоналар каби ўз-ўзинг билан бақириб гаплаш, кимнинг, нима иши бор?! Бирон-бир мўмин бандаси, ҳой Маҳмуд, нега бунақа қилясан, демайди. Маҳмуд кўрсатувларни ўн-ўн беш минут диққат билан томоша қилди, Магнитогорск металлургия қанақади «почин»га қўшилиб, плани бир юз нечадир фоиз қилди бажарганликларини билиб олди. Сўнг кўрсатувларнинг давомини кўрар экан, «почин» нима экани, озарбойжончада буни нима дейишларини роса ўйлади, аммо топа олмади. Эртага мактабнинг рус тили ўқитувчисидан сўрайман, дея кўнглига тугиб қўйди. «Время» халқаро воқеаларни бера бошлаганда тагин бир стакан боржомни бўшатди. Унинг диққати бутунлай бўлинди. Яна дунёнинг ҳар қаеридан отишма. Кўпинча занжирларни, арабларни кўрсатишарди. Ҳар қайсинининг қўлида бир автомат. Маҳмуд яна ўзини тутта олмай, бор овозда деди: тавба, бу хумпарлар бундай зўр автоматларни қаердан топишадди, ажабо, бу Америка дегани қанақа айёр ҳукумат-а, нақадар кўп курол-яроғи бор! Падарига ланнат бунақа замоннинг!.. «Время»нинг охирида Будапештда бўлиб ўтган халқаро мода фестивали кўрсатилди. Зўр-зўр маникенич қизлар экранда пайдо бўлишганда Маҳмуд жилмайиб хуштак чалган кўйи «Аршин мол олон»дан бир қўшиқни русча хиргойи қила бошлади: «Ах ты, моя дорогая, ах ты, моя золотая!» Сўнг шуни бошқа сўзларга алмаштириб қуйлади: «Григор арман, отанг ўлсин, Григор арман, отанг ўлсин!..» Чунки тут арагининг алагаси тагин ичидан юқорига кўтарилиб, халқумларини куйдириб юбораётган эди. Маҳмуд, агар боржом бўлмаганида, эрталабгача тирик қолмаган бўлур эдим, деб ўйлади. Тагин ичиде ўзини койиди: ахир шу заҳри қотилни ичма, ичганда ҳам мундоқ одамга ўхшаб юз грамм, нари борса икки юз грамм ич деб неча марта айтишди! Аммо боя кабохонада еган чўпон қовурдоғини, саримсоқли қатиқни хотирлаганда англадики, бунақанги ўтиришларда юз-икки юз грамм билан иш битмайди. Кабоблаз Халил тоғага раҳмат, ҳақиқий эркак-да ўзиям!.. «Время» охираб, энди спорт олами янгиликларни кўрсатила бошланди, Маҳмуд бориб телевизорни ўчирди. Шу сабилни харид қилаётганида уста: эҳтиёт бўл, кўп ишлаتما, бу қурғурни вақти-вақти билан кўради, отлиққа ҳам йўқ ўзи, деган эди. Маҳмуд телевизор устидеги мовут ёпқични олиб экранни артди, сўнг пастга эгилиб, бандпошна туфлиларини жуфтлади ва ҳафсала билан каравотнинг тагига тиқиб қўйди. Бир-икки марта керишди, тагин бир стакан муздай боржом ичиб, кекириш учун роса уринди, бироқ ичидан ҳеч вақо чиқмаган, тагин банд овозда: яхшиси, ётаман, ухласам балки очиларман, деди. Қайишини ечмоқчи бўлган эди, шу пайт дарвоза қаттиқ тақиллаб қолди ва ташқаридан овоз келди:

— Маҳмуд дўхтир, ҳой Маҳмуд дўхтир!

У боланинг овозини таниди, бу — Зулфиқор амакининг невараси — Мошу эди. Маҳмуд шаҳд билан деразанинг бир тавқасини очиб, бошини чиқарди.

— Ҳа, Мошу, сенмисан?

Дераза олдида бир шарпа пайдо бўлди.

— Ҳа, мен.

— Тинчликми ўзи?

— Зулфиқор бувамининг мазаси қочиб қолди, тез Маҳмуд дўхтирни олиб келинглар, деяпти.

— Нима қипти, тагин юрагим?

— Йўқ, ранг-рўйи оппоқ. Шу кечадан ўтмайман, дейди. Тушида у Урядникни кўрган эмиш.

Маҳмуд кулди.

— Қанақа урядник, ҳой бола, эсинг жойидами ўзи, балки прокурорни айтгандир?

— Йўқ, оға, негандир аҳволи жуда оғир. Бўла қол, жон оға, тезроқ борайлик, — Мошунинг овози титраб чиқди. — Темир тоторнинг қайиғи билан келдик. Бизни Қоятегида кутиб турибди.

— Ҳозир, укажон, ҳозир, бормасдан бўладими ахир! — Аммо ҳар эҳтимолга қарши сўради: — Кур тошиб кетмаганми? Темирнинг қайси қайиғи билан келдингизлар?

— Моторлиси билан.

— Ҳа, унда кутиб тур, мен... ҳозир.

Маҳмуд шоша-пиша йўл тадоригини кўрди, солдатча этигу пахтали камзулини кийиб, ёқасини тугмалади, бошига қулоқчин бостириб олди. Сумкасини кўтариб уйдан чиққач, Мошуга деди:

— Мени шунақанги шошириб қўйдингки, сени уйга ҳам таклиф этмабман, ёмғирда ивиб кетгандирсан.

— Нима қипти, оға, ёмғирни энди кўрибмизми!

Қишлоқ уйқуда эди. Кўкдан қуйилаётган ёмғир оғушида у ер-бу ерда шуълалар ялтираб кўринар, гоҳ-гоҳ итлар ҳуриб қўярди. Асфальт йўлдан чиқиб, колхоз идораси ёнидан сўлга бурилдилар, суюқ балчиқ кечиб Кур томон юридилар. Шалоп-шалоп, шалоп-шалоп... Балчиқдан йўсин ҳиди анқирди. Маҳмуд деди:

— Ҳой Мошу, сел келишидан худо сақласин. Оқиб кетамиз-а!

— Келмай бўпти! Ҳавони кўрмайсанми! Осмонга ҳар кунни битта космонавт учаверганидан кейин яна нима бўлсин?!

Мошу ўн олти-ўн етти ёшларда бўлиб, бу йил ўнинчини битираётган эди. Аммо ёшидан фарқли ўлароқ, катталар билан кўп ўтириб тургани учун, ўзини туттиши, гап-сўзлари бошқача, анча ёшга бориб қолган кишилар каби салмоқлаб гапирар эди. Маҳмуднинг эшитишига қараганда, баъзан ароқ-пароқ ҳам ичар экан. «Даврнинг боласида, — деб ўйлади у, — бир томондан шуниси ҳам маъқул. Ҳозирги замонда лақма бўлганинг — адо бўлганинг».

— Сенинг Зулфиқор буванг кейинги пайтлар жа инжиқ бўлиб қолди. Илгари дўхтир-пўхтир деб ўтирмасдиём?! — Авваллари темирдан бақувват эди. Бир қўли билан камаримдан ушлаб, мени азот бошига кўтарарди. Кейинги икки ойда тамома бўлди. — Мошунинг овози яна титради. — Билмайман шўрликка нима қилди?

Маҳмуд йўталиб, ютинди, бўғзи жуда тахир эди.

— Неча ёшга кирган ўзи? — деб сўради у эснаб.

— Ойимнинг айтишича, тўқсонларни уриб қўйган.

— Бўпти-да. Нима, дунёга устун бўлармиди?

— Худо ҳақи, Маҳмуд дўхтир, бунақа дема... Уни жудаям яхши кўраман. — Мошу зулмат оғушида ўзи билан ёнма-ён кетаётган Маҳмудга қаради.

— Мен ёмон кўраманми? — деди Маҳмуд. — Қани энди унақанги мард кишилар? Дунёнинг хайру баракати ўшалар билан эмасми? Мен уни нақ минг йил яшасин дейман. Эҳтимол ҳозир у шунчаки шайтонлик қилаётган чиқар? Ҳали унинг юраги худди пўлатдай мустаҳкам.

Маҳмуд ёлгон айтди. Мошуга анчайин далда бермоқчи бўлди. Утган сафар у Зулфиқор амакини кўргани борганида шох-томирини топа олмаган, ўшандаёқ кўнгли ниманидир сезган эди. Мошу бу далладан қувониб кетди.

— Мен ҳам шуни айтаман-да! Буважон, сенга ҳеч нарса бўлгани йўқ, агар истасанг, Тбилисига олиб бориб академикларга кўрсатайлик, дейман. У бўлса, йўқ, тушимга урядник кирди, ҳойнаҳой, ўлсам керак, дейди.

— Ҳой тентак, қанақа урядникни айтяпсан?

— Мен қаердан билай. Бува менга мундоқ юрагини очмасал!

— Буванг кирди-чиқди бўлиб қолгандир, шарманда бўп қолмайлик тагин? — дея ташвишланиб сўради Маҳмуд. Мошу бошини сарак-сарак қилди:

— Йўқ, оға. Ақли-ҳуши жойида. Гап-сўзлари, ўзини туттиши худди аввалгидек, — Маҳмудга қараб, овозини пасайтириб сў-

ради:— Дўхтир, одам жинни бўлса тишлайди дейишади, шу ростми?

— Албатта-да! Тишлаш ҳам гапми! Бўғзинга ёпишиб, кекирдагини узиб олади.

— Э, йўқ. Бувам туппа-тузук чой ичди, бир бурда нон ҳам еди. Ойим унинг оёқларини ювди. Жинни бўлганга ўхшамайдими у.

— Айтяпман-ку ахир, айёрлик қияпти деб! Сизларга эркалик қилади-да. Ҳеч ташвиш тортма. Битта игна уришим билан отдай бўп кетади. Бунақасини энди қўрибманми?!

Иккаласи ҳам жим қолишди. Маҳмуд, сумкамда камфара бормикан ё йўқ, деб ўйлади. Йўқ бўлса ҳам, новокомоид билан димедрол кифоя. Утган сафар фақат новокомоид билан туриб кетган эди, шекилли. Йўқ, венасига димедрол ҳам урган эдим... Улар кенг йўлакдан ҳар қадамда гоят эҳтиёткорлик билан пастга эниб, Курнинг соҳилига — Қоятеги деб аталадиган жойга етиб бордилар. Қайиқда шуъла кўринди. Маҳмуд Темир тотор темирйўлчиларнинг қўшқуз фонусини кўтариб олганлигини англади, ҳа, унинг бу борадаги пишиқлигига гап йўқ эди. Маҳмуд Курнинг ушбу заиф шуъла ёритиб турган қисмини аниқ-равшан кўрди: тўлқинлар мағзава сингари кўпикланиб ётарди. Демак, кейинги икки-уч кун ичида сув юқори кўтарилган, бу кўпик эса қоялардаги муддатидан илгари эриган қорнинг тоза, юмшоқ суви бўлиб, бу сувнинг бўтана сувларга қоршуву оқибатида кўпик пайдо бўлган эди. Кучли сел мут-тасил каттакон дарахтларни илдиз-пилдизи билан кўпориб, оқизиб келар, шарр демасанг, хайр бўлмас, деганларидек, мабодо бундай дарахтлардан бири қайиққа илашиб қолгудек бўлса, бу совуқда, қаттиқ ёмғир остида нариги қирғоққа чиқиб олиш гумон эди. Жуда эҳтиёт бўлиб сузиш лозим. Маҳмуд бундай ишларда Темирнинг тажрибаси зўрлигини яхши биларди, аммо кошки энди у ичиб олганга бўлса!

— Саломатмисан, Темир! — Маҳмуд жала остида бир сакраб қайиққа чиқиб олди. Қайиқ қаттиқ чайқалиб кетди. Брезент ёмғирпўш кийган Темир унинг тирсагидан тутиб қолди. Мошу эса, Маҳмуддан фарқли ўлароқ, қайиққа бамайлихотир чиқиб олди. Жўнжикиб кетаётган Маҳмуднинг овози бўғилиб чиқди:

— Темир, бугун ҳам роса тарангмисан?

— Йўқ.

— Наҳотки?

— Йўқ.

— Бизни тезроқ нарёққа ўтказиб қўй. Зулфиқор отанинг аҳволи чатоқ эмиш.

— Биламан, — Темирнинг кайфияти бузуқлиги, лақиллашгудек ҳоли йўқлиги кўриниб турарди. Буларга орқа ўгириб олганича осма моторнинг қаериндир кавлаштирарди.

— Зорманданг ишламаяпти шекилли, биродар? — Маҳмуд қайиқнинг олд томонига ўтириб, чуқур хўрсинди ва оёқларини чўзди. Мошу ҳамон тик турарди. — Утирсанг-чи, болакай. Бунинг мотори ҳам ўзига ўхшайди... Нималар қиялсан ўзи, ҳой Темир!

— Сенга нима?

— И-е! Бу нима деганинг? Кайф-сафо қилгани эмас, бемор кўргани боряпман, биродар!

Темир ортига қарамасдан:

— Биламан, — деди, — кайф-сафо қилгани бормаяпсан. Лекин кайф-сафо қилиб келяпсан.

— Қаердан билдинг?

— Улибдими Темир Григор армани қилган тут арагининг ҳидини билмай! — дея мароқ билан кулди у.

— Вой пандавақи-ей! Худо ҳақи, тоторларнинг ҳаммаси шпийн бўлади! — Маҳмуд тиззасига муштлади. — Шундай ёғин-сочинда бунинг бурни тозининг тумшугидай мунча тез ҳид олмаса, ҳой Мошу!.. Темир, эртага эрталаб мен эсон-омон уйимга элтиб қўйсанг, сени бурнингдан чиққунча зиёфат қилиш менинг бўйнимда.

Темир моторнинг чилвирини тортди, бироқ мотор ишламади: қайиқда бадбўй ермойининг ҳиди анқиди. Темир жаҳл билан сувга тупурди.

— Биродар, менга сенинг зиёфатинг керак эмас. Пойлунинг буфетига олиб кирсанг бўлгани! — Темир бурнини арта-арта чилвирини тағин ўрай бошлади.

— Йўқ, худо ҳақи зиёфат қиламан! Дод-войинга қарамай сени Халил тоғанинг кабобхонасига судраб бораман. Бўкканингча едириб-ичираман. Харажати менинг бўйнимда.

Темир моторнинг чилвирини тағин жаҳл билан ўзи томон тортди, мотор бир-икки пақ-пақ қилди, бироқ барибир ўт олмади. Маҳмуд асабийлаша бошлади.

— Ҳой Темир, ярим дунёни тўрт юз йил зир титратган сиз тоторлар эмасми, ахир? Наҳотки энди битта моторнинг уддасидан чиқолмасанг?

— Ҳозир тузукроқ бир мотор сотадиларми? Вашу матлар! Қолаверса, Маҳмуд, билиб қўйки, сен айтаётган гаплар учун одамларнинг бошига не-не кунлар тушмаган!

— Вой-бў-ў! — Маҳмуд кўл силтади. — Тавба, келиб-келиб бу менга сиёсий сабоқ бермоқчи! Менинг айтганларим барча тарих китобларида бор, нега энди кекирдагини чўзасан, а, слушай?

— Айтдим-қўйдим-да. Оллоҳдан баракат, прокурордан ҳаракат.

— Бу нима деганинг?

— Янги песня. Темир тотор ўйлаб топган, — дея у учинчи марта чилвирни тортган эди, мотор шарақ-шарақ қилиб ўт олмади. Паррак сачратган томчилар Маҳмуд билан Мошунинг юзига питра каби урилиб, қаттиқ оғритди. Сўнгра Темир рулни атайин илқис сўлга бурган эди, қайиқ турган ерида шиддат билан гир айланди. Маҳмуднинг ўнга оғиб, Мошунинг устига йиқилмоғи билан бақириб юбормоғи бир бўлди:

— Секинроқ, уйинг куйгур, бизни чўктириб юборасан-ку!

— Қўрқма, Темир тотор бор жойда ҳали биронта мусулмон чўккани йўқ. — У рулни ўнглаб олди, қайиқни Курнинг ўртасига олиб чиқиб, оқимга қарши ҳайдай кетди.

— Йигирма минутда, самий-самий больше ярим соатда етиб борамиз, иншоолох. Ҳа-а, вашу матлар! — У газ берди, қайиқнинг тезлиги ошди. Совуқ шамолдан Маҳмуднинг гардани гўё музлаб қолгандек бўлди, у шошиб телпагининг қўлоқларини туширар экан, бир қор-қол рўй бермай манзилга етиб олсайди, деб ўйлади: бундай об-ҳавода, туннинг бу маҳалида Курдан ўтиш ҳар қандай марднинг ҳам қўлидан келавермасди. Унинг кўнглидан «таваккали худо» деган фикр кечди.

Мошу пинакка кета бошлаган эди. Темир тоторнинг оёқлари остидаги фонус ёруғида Маҳмуд Мошунинг қошлари уюлиб, кўзлари юмилиб-юмилиб кетаётганини кўрди.

— Бугун телевизор кўрдиларингми? — Бу савол Мошудан кўра кўпроқ Темирга тааллуқли эди. Қайиқ изга тушиб олгандан сўнг Темир тезликни пасайтириб, рулни тирсақлари билан тутиб турганича боядан бери зўғол ёғочидан ясалган муштунини чизимча билан тозалаб келарди. Чизимчани охириги марта муштунинг тешигига солиб тортди, сўнг бир-икки пуфлади, ниҳоят, одатдаги бамайлихотирлиги билан доим чекадиган «Аврора»дан биттасини муштукка жойлади. Ёмғирпўшнинг чўнтагидан тўппончадай келадиган қўлбола ўтолдириг чиқарди. Уни худди тўппонча каби, тепкисини босиб ёқди. Муштунини ютоқиб-ютоқиб тортар экан, Маҳмудга, Мошуну-ку билмайман, аммо мен телевизор кўрмайман, қарасам бошим оғрийдими, деди.

— Эҳ, Темир, дунё жуда алғов-далғов бўлиб кетди. Ҳамма жойда уруш боряпти.

— Менга нима?

— Ҳой жинни, одамзот қирилиб кетаяпти, ахир!

— Биз қирилмаяпмиз-ку! — Сигаретдан сўнг Темирнинг овози бўғиқроқ чиқа бошлаган эди.

— Нима, бизнинг ҳам қирилишимизни истайсанми? — Маҳмуд кулди.

— Мен унақанги қирғинларни жуда кўп кўрганман, биродар. Худо ҳеч кимнинг бошига солмасин, вой-вой-вой!

Маҳмуд унинг сўзлаш оҳангидан тушундики, бир гапга тушиб кетса — тинмайди, ростки, урушдан сўз очганига пушаймон бўлди. Темир камида минг марта такрор-такрор айтиб берган воқеаларни яна бошидан бошлайди, урушдан қайтиб келганида хотини Тамаранинг ёнида ёшгина рус йигитини кўрганини ёниб-қуйиб сўзлайди, сўнг дунёдаги барча аёлларнинг ораси қолмай, синглиси қолмай сука бошлайди, охирида эса «вой, вашу матлар, нашу матлар» дея тиззаларини муштлашга тушади... Аммо бу гал ундай бўлмади. Темир ўз бошига тушган бу мусибатни ҳамisha ҳам сўзлайвермас, тўғрироғи, хушёр пайтларида бу воқеадан оғиз ҳам очмасди, урушдан, аскарликдан сўз-сўхбат очилиб қолса, бир чеккада индамай тураверарди. Аммо станциянинг буфетига ширин винодан бир-икки стакан ичиб олиши биланоқ, таниш одам тополмаса,

йўловчилардан дуч келган бирига елимдай ёпишиб оларди. Сўзлаб-сўзлаб юрагини бўшатар экан, ҳар замонда кўзларидан мўлдир-мўлдир ёш оқарди. Нима ҳам қилсин шўрлик! У чеккан мусибат бошқанин бошига тушса, худо ҳаққи, жинни бўлиб қолар эди... Яхшиямки, у чидаган... Маҳмуд унинг бундай маст бўлиб юрганларини озмунча кўрмаган эди. Кўпинча бозор кунлари, вокзал тирбанд бўладиган пайтларда Темир ўзи яшайдиган юнон қишлоғидан станцияга тушиб келарди. Вокзалда уни ҳатто рельслар орасида изғиб юрадиган кўрти итлар ҳам танирди. Ёз пайтлари, эғнида қип-қизил сатин кўйлак, белида таранг тортилган ингичка чарм қайиш, оёқларида ялтираб турган қўнжли ботинка, сочларини ҳафсала билан ялтиллаган, озода, атир ҳидларига бурканган ҳолда станциянинг пашшалар ғужғон ўйнаган, ҳавоси оғир буфетига кириб келарди. Карим буфетчи жуда қаттиқ ҳазиллар қиларди. У Темирни кўриши биланоқ, тотор тилида Темирнинг ўзидан ўрганган баъзи сўзларни айтди, одатда, сўқинарди. Аммо бу сўзларга буфетда Темирдан бошқа ҳеч ким тушунмасди. Темир кулар, қонсиз юпка лаблари орасидан кўринган қийишқ, сарғайиб кетган тишлари кулдон ичида ётган сигарет қолдиқларига ўхшарди. Кичик, қийғоч кўзлари сузилиб, юзидаги ажинлар орасида йитиб кетарди. Темир Карим буфетчига, сен ўзи тотор бўлиб туғилишинг керак эди, худо ҳаққи, бу тилни мендан яхши биласан, дерди. Энг охирида унинг ўзи ҳам «вашу матлар!» деб кўярди. Бу — навбат винога келди, куй, дегани эди... Карим, бир неча йилки, Темирдан пул олмасди. Темир дунёнинг Сибирь деган жойларида узоқ тентираб, ўзига ҳеч ердан паноҳ топа олмай, ниҳоят, келиб-келиб Кур қиргоғидаги бу қадим юнон қишлоғида бир умрлик маскан тутганидан кейин (авваллари бу ерларда бир-икки йил тентираб юриб, сўнг, тангрим мадад берса, эҳтимол, отабобларимнинг юртига қайтиб кетарман, деган фикрда юрди, бироқ қайтиб кетмади, ойлар, йиллар ўтди, Темирнинг наздида бу дунёни дун ўзгарди, аммо Тамара билан солдат ўзгармай қолди) ва кунларнинг бирида бошига тушган мусибатларни ҳали қорин боғлаб оғирлашиб қолмаган, думбулгина бир йигитча бўлган Каримга илк бор гапириб берганида, Каримнинг унга раҳми келган эди, унинг бу тараҳхуми станция буфетининг чор атрофида, рельслар орасида, ахлат уюмлари ёнида изғиб юрган итларга қилинадиган раҳмга ўхшарди. Темирнинг бошидан кечирганларини у ўша кунни ишдан сўнг онасига сўзлаб берганида, онаси, болам, у Темирми, бошқами, ҳар қалай оллонинг бир етим бандаси экан, кўлингдан келганича яхшилик қил унга, савоб бўлади, деган эди. Эртаси кун Карим ҳам Темирга, ҳой биродар, энди сендан пул олади-кан тентак йўқ, хурмачан тулғунича ич, боридан е, менга сенинг сариқ чақанг ҳам керак эмас, деган эди. «Одам одамга қайси кунда ярайди, ахир?» Бу гапдан Темирнинг кўнгли файзиёб бўлиб, гўё кўксига мадда боғлаб ётган бир нарса ёрилгандек, томирларида қон ҳам тиниқ тортиб қолгандек бўлди: у шоша-пиша ташқарига қўшдек отилиб чиқиб, буфетнинг ортидаги хилват жойда роса йиғлаган, кейинроқ ўзи айтгани каби, камида икки челек қўш ёш тўккан эди. Чунки бу балокаш дунёнинг на ёруғ кунларига, на зулматига умиди қолмаган бир бонда учун оллонинг бундан ҳам ортиқ инояти бўладими?

— Ҳой Темир, ичмасанг, мундоқ чехранг ҳам очилмайди. Башарангга қараб, Ҳазрат Аббос ҳаққи, менинг йиғлагим келарди! — Маҳмуд афтидан, Темирни ҳол-жонига қўймай, жажли чиқаётганиданми, уйқуси келаётганиданми, ҳар қалай, Темирнинг асабларига тегишни, бақиртиришни истарди. — Одам деганнинг мундоқ чехраси очилиб юради. Сен эса кундузи бир одам бўласан, кечқурун бошқа одам. Сени кундузи кўрган киши, бу одам пайғамбар бўлса керак, деб ўйлайди.

— На мен пайғамбар бўла оламан, на сен. Иккимиз ҳам безбет махлуқлармиз. — Темир сигаретни ютоқиб тортар экан, бир-икки марта бўғилиб-бўғилиб йўталгач, давом этди:

— Ҳой Маҳмуд, — негадир у овозини баландлатди. — Сен дунёнинг ҳамма жойида одамзот бир-бирини қириб ётибди, дейсан. Мен эса, қирса жаҳаннамга, дейман. Ўрни айтмоқчиманки, бу дунёнинг дарду ғами менга қолибдими? Хўш?.. Азизим, менинг фаҳмим етган нарса шуки, охир-оқибат Темирнинг ҳам бошига етишди, эртами-кечми, ҳамма бир-бирини қириб битиради. Сабабини айтмайми? Одам аввало одам бўлиши керак. Бизнинг эса ҳаммамиз — каттадан то кичик — барчамиз одамгарчиликдан чиқиб кетдик. Айтмоқчиманки, ҳамма ваҳшийлашиб кетди.

Мошу хушёр тортиди, кўзларини очиб, пиқ-пиқ кулди.

— Кулма, Мошу, кулма. Темир тоторга нима бўпти, Темир тоторнинг ҳам калласи бор.

— Бор, биродар, бор! — Маҳмуд Мошунинг биқинига туртиб қўйди. — Нега бўлмасин экан, каллан нақ отнинг калласидай келади. Аммо шу вино сенинг миянгни суюлтириб юбормас, уйингни куйдирмас деб кўрқаман. — Маҳмуд Мошуга қўшилиб қаҳ-қаҳ уриб кулди. У амин эдики, энди бу сўзлардан кейин Темир қуюшқондан чиқади, ҳамшағидек ё русчалаб, ё тоторчалаб, албатта, болохонадор қилиб сўқина бошлайди. Мошу ҳам, Маҳмуд ҳам бунақанги сўқилларни камида минг маротаба эшитган эдилар. Аммо бу гал Темир на қуюшқондан чиқди, на сўқинди. Лом-мим демади. Бир оз сукутга кетгач, яна тилга кириб:

— Э-воҳ, Маҳмуд! — деди. — Уқимишли одамсан, офарин сенга, эл-юрт орасида фельдшер деган от чиқаргансан, худо ҳаққи, райкўмчаллик обрўйинг бор... Кимнинг боши ёстиққа етса, сени чақиради. Аммо сафсатабозсан. Биласанми нега? — Темирнинг овози тагин пасайиб, мотор шовқинида қарийб эшитилмай қолди.

— Хўш, нега? — бу гал Маҳмуд жаҳлдан ўзини зўрға бошиб қолди.

— Чунки дард кўрмагансан!

— Вой! Буни қаранглар! — Маҳмуд ўгирилиб Мошуга боқди. — Биродарлар, мен беш-олти ёшларимда ота-онасиз қолганман. Онам ёдимга тушса, ҳали-ҳали жигар-бағрим ўт олиб ёнади. Хўш, бу дард бўлмай нима?

— Кейинчи?

— Кейин нима бўларди? Гапини қаранглар? Нима, менинг қариндош-уруғим йўқ деб ўйлайсанми? Холам асраб олди мени, едириб-ичирди, кийинтирди. Ғури нурга тўлсин... Ҳозиргача ким бировга қанақа ёмонлик қилибман, биродар? — Маҳмуд ранжиган, овозида зарда бор эди.

Темир кулиб:

— Яна гапимга тушунмадинг! Уй, уй-уй! — деди. — Мен бошқа нарсани айтяпман, Маҳмуд. Одам борки, бу дунёга дард билан келади, одам борки, туғилганидан бошлаб ҳеч қачон ўзига сув юқтирмайди. Сен кейинги тоифадансан.

— Хўш, нима бўпти? Келиб-келиб занжилар бир-бирини қириб ётгани учун йиғлашим керакми? Бугун телевизорда кўрсатишди, ё тавба!

— Ҳа, кўрдингми! — Темир бош тебрлатди. — Мен ҳам шуни айтяпман-да! Қоралар қораларни қирмоқда, оқлар оқларни. Чунки, оғайни, мен айтган ўша гап: одамлар одамгарчиликдан чиқишди, ваҳшийлашиб кетишди!

Маҳмуднинг бошига оғриқ кирди. У суҳбатнинг бу томонга бурилиб кетишини кутмаган эди. Темирнинг мантиқига ҳам кўника олмас, Темир гоҳ нағалга урарди, гоҳ пошнага. Бунинг устига Темирнинг «дард кўрмагансан» деганига бир оз асаби бўзилган эди. Бу замонда ҳеч кимсага «дард кўрмагансан» деб бўладими, бу ғирт тўхмат-ку, ахир, ҳар бир одамнинг елкаси тоғдай дарди бор, кимдир бу юкка чидаб беради. Темир айтганидек, «сув юқтирмайди», кимдир эса бу юкдан эгилиб қолади, тўрт оёқлаб увлай-увлай тоғ-тошларга бош олиб кетади. Маҳмуд уруш йилларида колхоз омборчиси Мусо Қайчилининг ҳалойиққа улашган кунжараларини хотирлади, болақайлар, қизалоқлар бир-бир кўз ўнгидан ўта бошлади, қора ўйларда, чироқнинг хира ёруғида қатор ўтириб, катта-кичик барчаннинг кунжара егани эсга тушди. Бу дард бўлмай нима, ахир? Нимадир демоқчи бўлди, аммо тилининг учидан турган бу гапни айтмади, негадир шаҳарда бемор ётган қариндоши ёдига тушди. Тун зулматими, ёки мотор шовқиними сабаб бўлиб, беморнинг чуқур ботган кўзлари, айнан кунжара рангидаси чехраси шундоқ қаршисига келди-турди: гўё нигоҳлари олдидан тутилган ой турар, бу ой қора булутлар ортида сўниб бораётгандек эди. Бу не ҳол бўлди? Нега Темир тоторнинг икки оғиз гапи уни мутаассир қилиб, жажлини чиқарди, бунинг устига бошига ҳам оғриқ солди, нега — ҳарчанд уринса-да, бунинг боисини англаб олмади... Ва қўққисдан Маҳмуднинг миясига бир фикр келди: одамларни бир-бирига боғлаган нарса — дарддир. На ой шуъласи, на ҳаво, на тупроқ, йўқ, буларнинг ҳеч бири эмас — дард, фақат дард, холос. Дард шундай узун бир арқонки, у дунёнинг белини камар каби тортиб турибди, ҳамма ана шу камарга ёпишиб, бир-бирига жипшлаша боради...

Мошу уларни мурсога келтирди, Маҳмуднинг ҳам, Темир-

нинг ҳам жим қолганини кўриб, тагин бояги суҳбатга қайтди.

— Ҳаммасига сабаб шуки, — деди у, — бизнинг мамлакатнинг барча тинчликсеварлик ташаббусларини империалистлар рад этяптилар. — Унинг овозида диктор овозига ўхшаш кескин бир оҳанг бор эди. Даставвал Маҳмудга гўё қайиқда телевизор тилга киргандек туюлди. Сўнг нимадир ёдига тушиб, бақириб юборди:

— Ана, топдим! Худо ҳаққи, топдим, ҳой Темир! «Почин» — ташаббус дегани. — Мошу томонга бурлиди. — Офарин сенга, Мошу полвон! Магнитогорск металлургияга ҳам офарин! — Маҳмуд ҳамма нарсани унутди.

Шу маҳал бир ҳодиса рўй бердики, уларнинг ҳеч бири нима бўлаётганини англаёлмай қолишди: қайиқ кўкқисдан чапга ёнбошлаб қолди, ичи йўловчиларнинг тиззаси қадар кўпикли сув билан тўлди, айна пайтада кучли гувиллаш бошланди, фақатда турган шомол улкан дарра каби бошлари устида шувиллаб, Маҳмуднинг қулоқчинини юлқиб олиб, сувга отди: одамнинг суяк-суягидан ўтиб кетадиган изгирин учаласини ҳам музлатиб қўйди, учаласининг ҳам тишлари тақиллаб, суяклари қақшай бошлади. Сўнг ҳаммаёқ тинчиб қолди, тўғрироғи, бўрон бошланмай туриб тинди. Чунки шу дақиқадаёқ қайиқ ўнланди, атрофдаги ҳамма нарса ўз маромига тушди. Мотор тариллаб ишлар, Темир тоторнинг қайиғи манзил сари сузиб борарди.

— Тавба, бу қандай бало бўлди? — Маҳмуд оёқлари остига, қайиқдаги сувга тикилди. Темир тоторнинг фонуси сув ичидан ишдан чиққан, ўчиб қолган эди.

Мошу Маҳмуднинг пинжиган кириб кетди.

— Нақ бошимизнинг устидан самолёт учиб ўтгандай бўлди. — Мошунинг овози титраб зўра чиқди.

Маҳмуднинг бош оғриғи юрагига кўчиб ўтди: у лабларини базўр очиб, фақат шу жумлани айта олди:

— Узинг асрагайсан, худойим...

Сўнг учаласи ҳам булутлар орасида сузиб бораётган ойга боқишди. Сўл қирғоқда, тепаликлар остида қадимий қабристоннинг қабртошлари қорайиб кўринарди.

Ниҳоят, Темир ҳам тилга кирди.

— Узинг асрагайсан, худойим, — деди у ва юм-юм йиғлади.

Бу рутубатли, ёмғирли ва безовта ҳавода учаласи ҳам ёлғиз бир нарсадан беҳабар эди. Унғ қирғоқда тизилиб турган қорли тоғларнинг энг тепасида, чўнғ қояларининг муз боғлаб ётган тошлари орасида бир қоҳо¹ бор эдики, кимгадир, қаердадир бу қоҳонинг номи аён эди. Бобо Қоҳо эди бу ёрнинг номи.

Мошунинг онаси, Зулфиқор амакининг ўртанча қизи Салотин ҳовлидан келаётган аралаш-қуралаш овозларни эшитиб, кўнглида «шуқр» деб қўйди: чунки анчадан бери Мошудан ташвишда эди, бундай ҳавода яратганининг бир дайди ва бенаво бандасига — Темир тоторга ёш болани ишонганидан, бунинг устига, нариги қирғоқда жўнатганидан юраги нотинч эди. Аёл, Мошу кетгандан бери, деразадан ҳовлига, ҳовлидан ташқарига, дарвоза ортида қишлоқнинг сийрак чироқлари шуъласида бўзариб ётган лой-балчиқли йўлга қайта-қайта тикилган, баланд тоғлар томондан тўп-тўп бўлиб оқиб келаётган булутлар орасида сузиб юрган ой шуъласида қорайиб кўринаётган олис ўрмонларга такрор-такрор боққан ва ҳар сафар, қошки Темирнинг кайфи бўлмаса эди — илоё бу зорманда ароқни, винони чиқарганини ер ютсин — болани эсон-омон уйга қайтариб олиб келса эди, дея кўнглида неча бор худога, барча азиз-авлиёларга илтижолар қилган эди. Мошу кетгандан кейин Салотин отасининг қистови билан чиргани зинапоялардан пастга тушиб, товуқ катаги билан ёнма-ён, ҳавоси ҳийла оғир хонадан қадимий мис самоварни инқиллаб-синқиллаб юқорига олиб чиқди, сўнгра яна иккинчи қаватдан пастга тушиб, селподан олган қоғоз халталаридан бирини кўмирга тўлдириб чиқди ва ойнаванд айвонда чой қайнатди. Зулфиқор отанинг бир одати бор эди: уйига қай маҳал бўлмасин бирор кимса келиб қолса, аччиқ чой қўйиб бермасдан чиқариб юбормас эди. Келадиган киши ҳўрматли одам, дўхтир ё фельдшер бўлса-ку, айтмай қўя қолайлик.

— Шуқр, келишди! — деди Салотин юзини дераза ойнасига босиб. Рутубатли ҳаво шишани музга айлантириб қўйган эди. Ташқарига синчиклаб боқар экан, Мошу, Маҳмуд ва Темир

тоторнинг қорасини кўрди — учаласи ҳовлидаги тутнинг остида нималарнидир гаплашар эдилар.

— Ҳой тентаклар, лақиллашиб ўтирадиган пайтми ҳозир! — Бир хаёли ойнани тақиллатмоқчи бўлди, аммо пастдагилар бунга эшитмаслигини англаб, бу фикридан қайтди. Ортга юриб кўрпани йиғиғача тортиб ётган, оғир-оғир нафас олаётган Зулфиқор отага тикилди: унинг юзлари сўлиб қолган, ёноқлари сарғайган, киприклари пир-пир титрарди.

— Вой, уларга нима бўлди, нега кишиямаяпти экан? — Салотин безовта бўла бошлади.

Зулфиқор ота кўзларини очиб:

— Келишдимми? — деб сўради.

— Ҳа.

— Самовар нима бўлди?

— Нима бўларди, анчадан бери шақиллаб ётибди.

Темир тотор ичкари кириши билан брезент ёмғирпўшини бир чеккага улоқтирди, Салотин билан бош силкиб саломлашди, сўнг бурнини бир-икки тортиб, эшик олдида тиз чўкди. Мошу ҳали ташқарида, дарвозани бекитиш билан оввора эди. Маҳмуд овозини баралла қўйиб:

— Ҳа, Зулфиқор амаки, қачон бу шайтонлигингни ташлайсан?! — дея қаравотга яқинлашди, кўрпа остидан Зулфиқор амакининг ориқ қўлини топиб, томирини ушлаб кўрди: унинг томир уриши яхши эди, ҳатто дастлаб Маҳмуд, чол чиндан ҳам шайтонлик қиялпти, деб ўйлади... Аммо беморнинг сарғайган пешонасига, кўзлари атрофидаги кўкитири доғларга қараб бу фикридан қайтди. — Салотин, анави чамадонни менга узатиб юбор! — Салотин Темирнинг биқинидаги чамадонни Маҳмуднинг ёнига олиб борганида Зулфиқор ота кўзини очди, Маҳмудга қаттиқ тикилиб деди:

— Охири кетар бўлдим, Маҳмуд... Бу дард аввалги дардлардан эмас, дардингни олай.

— Қўйсангиз-чи, ҳой ада, арвоқлар ҳаққи, кўнглимизни бузманг, гуноҳ бўлади. Нима бўпти сизга? — Салотин жаҳл билан тўнғиллади, бу билан гўё у Мошунинг Маҳмудга жўнатгандан бери юрагида йиғилиб ётган хирсу ҳиккасини бирийла тўкиб солди.

Зулфиқор ота яна Маҳмудга тикилди: унинг оппоқ, ўсиқ қошлари қаншарига уюлди, оқарган кўзлари Маҳмудга боқса-да, гўё ҳеч нарсани кўрмасди.

— Худо ҳаққи, бу Салотин мени ўлдирди... Худди итдай қопади мени, — деди у.

Салотин йиғлагудек бўлди.

— Вой, дада, дардингизни олай, мен ахир сизга нима қилдим?

Маҳмуд Салотинга қараб, жим бўл, аҳмоқлик қилма, кекса киши билан баҳслашмайдилар, деган маънода кўз қисди.

— Зулфиқор амаки, — деди Маҳмуд, — сен ҳеч нарсадан безовта бўлма. Юрагингга қойил, худди мотордай ишлаб турибди. Иссиқ жоннинг иситмаси бўлади-да, ахир!..

— Йўқ, болам, Сарича ўғли Мухаммад изимдан тушди.

— У ким бўлади? — ташвишланиб сўради Маҳмуд.

— Пайконлининг урядниги.

Бу сафар Салотин шундай бақириб бердики, Маҳмуднинг қулоқлари жаранглаб кетди.

— Вой жаҳаннамда қуйиб кул бўлгур! Вой қора тупроқда суякларни ириб-чириб кетгур! Падарига минг лаънат ўшанинг, буни жинни қилиб қўйди у!

Маҳмуд ғалати бўлиб кетди, аниқроғи, Салотиннинг гапларидан ҳеч нарса тушунмади, кўркувга тушди, гўё бу гапларни қаравот қуйсига суяиб, отасига ғазаб билан боқаётган Салотин эмас, бошқа биров айтгандек туюлди унга. Чунки, Маҳмуднинг назарида, одамларнинг бу оҳангда гапириши сира мумкин эмасди. Урядник ким бўлди экан!.. Маҳмуд ўгирилиб, боядан бери ит каби ғужанак бўлиб, эшик олдида ўтирган Темир тоторга, гўё ундан нажот тилагандек, таажжуб билан боқди, Боши осилиб қолган Темир мудрар, ҳозир дунёни сув босса, унинг тўпигига чиқмас эди. Мошу ҳам ҳовлидаги ишини битириб юқорига чиққан, бир бурчақда ўтириб, чойшаб билан оёқларини артарди. Маҳмуд чамадонини очиб, ичидан ялтироқ кути олди, ампулалардан бирини синдириб, шприцга дори тортди, сўнг уни ёруққа тутиб, аста-секин ҳавосини чиқарди.

— Салотин, — деди у, — ҳадеб вайсайверма. Кел, менга ёрдам қил.

Зулфиқор ота сўради:

¹ Қоҳо — гор, мағора.

— Нима уряпсан, дардингни олай?
— Кардиаминус жартес!
— Яхши дорими ўзи, бизникими ёки четники? — дея Салотин Маҳмуддан сўради. Кейинги беш-олти йил ичида Салотин ҳам отасининг касалига, ҳам ўз дардига (унинг оёқлари шишар, тез-тез нафаси сиқарди) фақат четнинг дорисини даво деб биларди. Зиғирдай бош оғриқ дорисини кўрганда ҳам дарҳол қаерники эканлигини суриштирарди.

Зулфиқор ота пихиллаб, ориқ томоғидаги лиқилдоғини ўйната-ўйната кула бошлади. Чунки у ҳам, Маҳмуд каби, «жар-тес»нинг маъносини биларди, бу сўз армани тилида «йиқилди», «ўлди» деган маънони билдирарди.

— Дардингни олай, — деди Зулфиқор ота ўзини кулгидан тия олмай, — ўша жартесингдан биттасини Салотингаям ур! Ҳо-ҳо-ҳо...

Маҳмуд Зулфиқор отанинг бу ҳазилига тушуниб, қаҳ-қаҳ урди. Салотин таажжуб билан гоҳ отасига, гоҳ Маҳмудга қаради, елкаларини қисганича ўгирилиб, ўғли Мошуга боқди. Мошу ҳам гап нима ҳақида кетаётганини тушуниб, жилмайиб турарди, онаси ўзига қараганини кўриб, деди:

— Бу... дорининг оти-да, ойи! Нима, сен дўхтирмасанки, мунча суриштирасан?

— Сўрасам нима қипти, ҳой хумпар? Вақтида ўқиган бўлсайдим, энди кулгига қолиб ўтирмасдим! — дея Салотин ҳам жилмайди, лекин ҳеч нарсанинг фарқига бормади, чунки гапирса тагин кулги бўлишини биларди, қисқаси, азалдан бу уйнинг таомиллари ичида шундай бир қоида бор эдики, Салотин ҳамшиша ана шу қоидага амал қиларди, яъни бу уйда ҳазилдан, кулгидан ҳеч ким хафа бўлмаас аслини олганда, бу уйнинг бут-омонлигини, хайр-баракатини сақлаб келаётган омиллардан бири ҳам ана шу ҳазил-ҳузул, яхши, ширин сўз эди.

Маҳмуд игна урганидан сўнг Зулфиқор отанинг кўлини оҳиста кўрпанинг устига қўйди, ҳар эҳтимолга қарши иссиғи борми-йўқ деган фикрда қафтнинг орқасини чолнинг пешонасига босди. Бироқ чолнинг пешонасидаги совуқлик, тўғрироғи, қўлларига чилпа ёпишган муз унинг юрагини гаш қилди. «Бу тагин нимаси?» — дея кўнглидан ўтказди ва негадир боя бу ерга келаётганларидека қайқанда рўй берган воқеани эслади: гўё Зулфиқор отанинг пешонасидаги совуқлик ҳалиги кўққисдан турган шамолнинг совуқлигига ўхшарди. Зулфиқор ота тагин кўзларини очиб, бир-икки марта ютинди, чуқур кўзлари тагин ичкари ботди, ҳалқуми қалқиб тушди.

— Ҳой Салотин, — деди у — анави етим қани, Темир тоторни айтяпман?

Салотин қўли билан Темир тотор тиз чўккан томонни кўрсатиб:

— Ана у, — деди, — маза қилиб ухлаяпти!
— Уни пастга олиб туш, жой солиб бер. Егулик бирор нарса ҳам бер, қорни очдир. Олдига битта ароқ ҳам очиб қўй.
— Маст бўлиб олиб, яна дарахтга тармашсин дейсизми?
— Йўқ, бундай қилмайди. Бемаҳалда қаёққа ҳам борарди? Гум-гурс йиқилиб ётади... Қайтишда ароқдан бизга ҳам олиб кел, дўхтир билан юзта-юзта қилайлик.

Салотиннинг кўзларида тагин ғазаб қақнади:
— Вой!? Ҳозиргина игна урмадимиз сизга?
Маҳмуд деворга тираб қўйилган курсилардан бирини тортиб ўтирди. Қўлини юқори кўтариб, Салотиннинг галини бўлди:

— Бўлади, юз грамм мумкин. Сен одамни бутунлай чалажонга чиқариб қўйма. Бор, ароқни олиб кел.

Салотин Темир тоторнинг ёнига бориб, унинг қўлидан тутганича силкита бошлади:

— Темир, ҳой Темир!
Темир чўчиб кўзларини очди. Унинг кўзлари қизариб кетган эди.

— Ҳа?!

— Ҳой етим, тур, пастга тушамиз. Сенга ароқ бераман. Темир тотор «ё оллоҳ» деб ўрнидан турди, бир муддат уйқусираган қўйи ҳайрон бўлиб, хонанинг уёқ-бу ёғига кўз югуртирди: гўё у бу кенг, устунлик хонани, шифтдаги оқ патронга ўтказилган электр чироқни, деразадан анча нарида эшик билан юзма-юз қўйилган никелли каравотни, ҳатто бу каравотда кўрпага уралганича узаниб ётган Зулфиқор отани, қолаверса, Маҳмудни, Салотин ва Мошунини илк бор кўраётгандек эди. Темир тотор Салотиннинг оғзидан чиққан «ароқ»

сўзини яхши эшитмади, деб ўйлади Маҳмуд, чунки унинг чарчоқ ва уйқусизликдан сиқилган, пастки лаби осилиб тушган озида бирон-бир ўзгариш содир бўлмади; зеро, Темир тотор Темир тотор эмас эдики, ароқ сўзини эшитганда қирғий каби жавлон урмасал.. Хуллас, зўра оёққа қалққан Темир тотор бу хонага келганидан бери илк бор тилга кирди:

— Хайрли тун, Зулфиқор амаки!
Зулфиқор ота ўрнига Салотин жавоб қилди:
— Хайр, хайр, ҳой Темир, юра қол, пастга тушайлик, жой қилиб бераман, дамингни ол!

Улар чиқиб кетгандан сўнг — Темир зинапоялардан йўтала-йўтала тушиб борарди — Зулфиқор ота Маҳмудга деди:

— Дардингни олай, Маҳмуд, сени кейинги пайтлар кўп безовта қиляпман. На илож, қариликнинг куни курсин... Оллоҳ одамзотга битта жон берар экан, минг бир дард... Аммо, ҳудо ҳаққи, рост айтяпман, бу дард аввалгиларидан эмас. — Қария зўрага гапирар, нафаси бўғзига тикилиб қолар, асабий одамлар каби сўзларни зарб билан айтарди. Ёстиқ устида Зулфиқор отанинг боши тухумдай кичрайиб қолган эди.

— Ҳой амаки, арвоҳлар ҳаққи, сенга ҳеч нима бўлгани йўқ. Худо хоҳласа, эрталаб туриб олиб мен билан ароқ ҳам ичасан ҳали! — Маҳмуд чиндан ҳам ана шу фикрда эди, чунки Зулфиқор отанинг кўренишида ташвиш тортгулик бирон ўзгариш йўқ эди. Маҳмудни эсанкиратиб қўйган нарса фақат чолнинг пешонасидаги совуқлик эди. Унинг ўнг қўлидаги бармоқлардан ҳамон совуқлик кетмаган, гўё қўлини муздек сувга ботириб олгандек эди.

— Ноҳақ... Ноҳақ ўлдирдим Сарича ўғли Муҳаммадни. Маҳмуд ўтирган ерида қоматини ростлади, бошини норозилик билан тебратиб қўйган Мошуга қараб, шайтоннинг аъмолига лаънат ўқиди, ниҳоят, бу урядник воқеасини Зулфиқор отадан сўрашга қарор қилди.

— Кимни ўлдиргансан, амаки, қачон ўлдиргансан?! — деди асабийлик билан у.

— Йигирма биринчи йилда, дардингни олай. Пайконлиннинг урядниги Сарича ўғли Муҳаммадни.

— Амаки, ҳозир жамоат ҳар кун бир-бирини ўлдиради, тагин ҳеч нарса кўрмагандек қолпоғини дол қўйиб юради. У воқеа қайдан ҳам сенинг ёдингга тушди, ҳе, саломат бўлгансан!.. — Маҳмуд ўрнидан туриб, гиламда деворга елка бериб ўтирган Мошу томон юрди, сизм тагин ортига қайтди. — Урядникми, приставми, бошқами, китоблардан ўқиганми, уларни ўлдирганлар, итдай қириб ташлаганлар. Хўш, нима қипти?

— Полномочний, Бокудан келган эди, ўша буюрди, мен ўлдирдим.

— Тем бөөе!.. — Ҳозир менга прокурор, бор, фалончини ўлдир деса, мен ўлдирмайманми? Ҳукумат одамнинг галини икки қилиб бўларканми, ўзинг дунё кўрган одамсан-ку ахир! — Маҳмуд суҳбатни чалқаштирмоқчи, ҳазилга буриб юбормоқчи бўлди, аммо ўзига тикилган бир жуфт кўздаги, ўсиқ, уйилган қошлар остидан боқаётган хира, нурсиз нигоҳлардаги қўрқув ва талвасасини, муҳими, умидсизлигини кўрганда, балки чиндан ҳам бу дард аввалгиларидан эмасдир, деган фикрга борди. Бу дунёда ғалати, ақлга сиғмайдиган ҳодисалар озми, ахир?.. Узинг асрагайсан, худойим! Бу қандай бемаъни суҳбат бўлди! Йигирма биринчи йилда ажали етган бир банданинг бугунги оқшомга, бу уйга, бу шуълага нима дахли бор, тавба? Чол шу аҳволда кетаверса, ҳам ўзи жинни бўлади, ҳам уйдагиларнинг ўтакасини ёради.

Уйқудорни берсаммикан, эрталабгача хуррак отиб ухлар эди? Аммо бу фикрдан воз кечди. Чунки Зулфиқор ота кейинги беш-ўн кун ичида хийла заифлашиб қолган, бу аҳволда унақа дорилар ё хастанинг кўнглини беҳузур қилиши, ё бошини айлантириши мумкин эди.

Маҳмуд деди:
— Зулфиқор амаки, сен бемалол ухла. Туннинг савобидан кундузнинг гуноҳи яхши, дейдилар. Эрталаб роса эзмалашамиз, ўша урядник воқеасини айтиб берасан, биз Мошу билан эшитиб ўтирамиз.

— Қонли чаноқнинг этагида тутиб олдим уни... — Зулфиқор ота кўзларини юмди, уйқуга кетганга ўхшаса-да, галини узмай давом эттирди. — Шўрлик мени кўриши биланоқ тиз чўқди, ҳой Зулфиқор, ўлдирма мени, болаларимга жавр бўла-

¹ Конли чаноқ — жой номи.

ди, деди... Юз-кўзларини тук босиб кетган, занжидай қоп-қора киши эди, раҳматлик, кўрсанг, олабўжимми бу деб кўрқиб кетардинг... Ҳой Мухаммад, Боқудан полномочний келган... Салоҳов Одил Қамбарович. Унинг айтишича, сен халққа кўп азоб берган эммансан, синфий душман экансан, мен сенинг жасадингни элтиб унинг оёқлари остига ташламасам, ўзимни сургун қилади. Сибирнинг музларида, бир шахтада чириб ўлиб кетаман дедим... Улдирма, деб ёлворди у тагин. Йўқ, дедим. Улдирма, деди яна илжиб қилиб. Ёнида бир ясси тош тургандек эди, бошини ўша тошга қўйиб йиғлади. — Зулфиқор амаки кўзларини очиб Маҳмудга тикилди ва сўради: — Маҳмуд, умрингда ҳеч йиғлаган одамни кўрганмисан, болам?

Маҳмуд тагин суҳбатни чалғитмоқчи, ўртадаги тарангликни юмшатмоқчи бўлиб, ҳазил қилди:

— Нега кўрмаган эканман, Темир тотор икки стакан вино ичиб олгач, Тамарани эслаб йиғлагани-йиғлагани-ку!

Зулфиқор ота:

— Уйи куйсин Темирнинг, — деди. — Мен унақа йиғлашни айтмаяпман, болам. Мен бошқача йиғлашдан гапиряпман... — Чол яна кўзларини юмди, унинг киприклари деворга ўришиб турган, кучли чироқ шуъласидан чўчиётган капалак қанотлари янглиғ титраб эди. Чол анчагача жим ётди. Маҳмуд қўлларини кўкрагига чалиштириб эснади, ҳар ҳолда, ҳам толиққан, ҳам алламаҳал бўлиб қолган, уйқу босиб келмоқда эди. Мошу уни олиб келиш учун боргандаёқ, ҳозир бориб хастага уқол ураман ёки дармондори бераман-да, қўшни хонадаги Салотин солган тўшақда эрталабгача маза қилиб ухлайман, деб ўйлаган эди. Бундай ҳавода ётишдан яхшироқ нима бор, йўлда этини увиштириб, суюқларини қақшатиб юборган рутубат ҳамон аззойи баданидан тарқамган эди. Бу Салотин деганлари қаерларда экан ароқ-пароқ олиб келса, ичиб, ҳам бир оз кишишган, ҳам бу қариянинг сафсаталарини унутган бўлур эди... Маҳмуд Зулфиқор отага тагин синчилаб тикилди... Йўқ, ростдан ҳам аҳволи унчалик оғирга ўхшамайди, томир ўриши яхши, қон босими ҳам жойида, на юзида иситма бор, на бош оғриғидан шикоят қилади. Афтидан, босинқираб, тушида ўша урядник-пуряднигини кўриб, иштонини ҳўл қилиб қўйган бўлса керак. Э-воҳ, лаънати кексалик!.. На мундоқ одамдай яшагани кўяди, на бу дунёнинг аччиқ-ширинидан бериёўла жонингни қўтқариб кетишинг учун осон ўлим беради. Вақт-соати етганда одам омонатини осонгина топширгани яхши. Бу дунёда узоқ яшаб, ушланиб қолганларнинг қисмати бир хил: қора тўпроқ бағрига боришдан аввал беҳисоб азоб-азиятлар чекадилар, ўтган йилларини бир-бир эслайдилар, ана шунда уларнинг хотираларидан бир чирмовуқ ўсиб чиқиб, бу чирмовиқ уларнинг юракларини, мияларини аста-секин емира бошлайди... Маҳмуд, Зулфиқор ота ухлаб қолди, деб ўйлади. Чунки наст овозда уни бир-икки қақриб кўрган эди, қария жавоб бермади. Аммо Зулфиқор ота ухламаган эди. У ушбу балокаш дунёнинг икки ҳақиқати ўртасидаги вақт сарҳадидан нариги томонга — Қонли чаноқнинг тош-тўпроқли этагига юксақда савлат тўкиб турган чўнг қояларнинг олачалпоқ сояларига қорли тоғлар бошидан эсган муз нафасли бир шамолнинг шундоқ қаншарига сакраб ўтган эди. Ул манзилда ёшгани бир йигит қўлбола папиросини қалин, ҳабаша лаблари орасига маҳкам сиқиб, кетма-кет ютоқиб тутун сўрганича, чап қўлида бешотарни ҳозирлаб турарди: қора ўсиқ қошлари остидаги ўткир нигоҳи атрофдаги тошлар, қоялар орасидан кимнингдир шарпасини ахтарарди. Милтиқли киши бу ерга, осмоннинг еттинчи қаватига кўтарилишдан олдин бир неча кеча қора уйда, чироқ ёруғида ўтириб олиб, қўлбола папиросини тутата-тутата жуда кўп нарсаларни чамалаб кўрган, ҳаммасини қайта-қайта тарозига солган, уйига сиймай ташқарига чиққан, сукутга чўмган самонинг қоқ ўртасидаги ой шуълалар сепиб ётган Кур дарёсининг шошқин сувларига термулган, атроф-жавонидидаги сеҳрли шитирлашларга қулоқ солган, ниҳоят, ёлланган милтиғининг тепкисини ўрнатиб, ёпинчиққа ўранганича сахар-мардонлаб, ҳали қушлар ҳам уйғонмаган бир маҳалда Қонли чаноқ сари ўрлаб кетган сўқмоқдан йўлга тушган эди. Энди бу милтиқли киши у ердан сўппайиб қуруқ қайтиши мумкин эмасди, дунё тўнтарилса ҳам, қорли тоғлар, муз боғлаб ётган қоялар унинг устига ағдарилса ҳам, милтиқнинг тепкиси албатта босилиши, бу тоғлар, дараларга ваҳима

солиши муҳаққақ эди. Бошқа наҳот йўқ, одам пешанасига ёзилганини кўради. Ҳар кимнинг бу дунёда ўз қисмати бор. Тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди.

«Товариш Салоҳов, бюджет сделано!»

Сўнгра Сарича ўғли Мухаммаднинг жасадини чалқанча қилиб отга ўнгарганида, тоғлар томондан кучли, гувиллаган бир шамол эса бошлаганида у милтиғини елкасига осар экан, кўзларини қисиб атрофга узоқ термулган эди: отилган бир жуфт ўқ овози ва унинг ортидан Сарича ўғли Мухаммаднинг йўлбарсдек ўкириб йиқилганини айтмаганда, бу жойларга дунё яралгандан бери биронта инс-жинсининг қадами тегмаган деб ўйлаш мумкин эди. Силласа қуриб, қон ҳиди олганидан сувлиғини чайнай-чайнай оғзи кўпикка тўлган отга қарагани ҳам мажоли қолмай, девона каби фарёд солган эди:

— Куйдим, кул бўлдим, эй тоғлар!..

Салотин қайтиб келди, Мошу ойнаванд айвонда ойисининг қадам товушларини эшитиб, кўзларини ишқалай-ишқалай ўр-нидан турди ва бориб эшикни очди. Салотин ҳансираганича бир оз гандираклаб ичкари кирди: қўлидаги каттакон патнисда бир шиса ароқ, яхна товуқ, буклаб пиширилган қатлама, ҳар хил кўкатлар бор эди. Ароқни кўриб Маҳмуднинг кўкси бир қалқиб тушди, кўнгли ағдарилиб келди, аммо бу ҳол жуда тез ўтиб кетди: Халил кабобпазнинг дим кабобхонасида Салим билан ичишган тут ароғини, сўнг кўп ичиб қўйганидан уйда ўтиргани жой томолмай қолганларини эслади ва ҳозир ичмасам бўлармиди, деган фикр кўнглидан кечди. Аммо шу заҳотиёқ бу фикрнинг ўрнини бошқа бир фикр, Маҳмуднинг ўз таъбири билан айтганда, мантиқсиз ва фавқулодда бир фикр эгаллаб олди: йўқ, албатта ичиши керак, ҳеч бўлмаганда юз грамм отмаса, чарчоғи чиқмайди.

Зулфиқор ота пичир-пичирларини эшитиб кўзини очди ва қизидан сўради:

— Темир нима бўлди?

Салотин патнисда келтирган нарсаларини Мошу ёрдамида қаравотнинг бош томонидаги стол устига териб чиқди, сўнг боягидек ҳансираганича:

— Илоё ўлсин, — деб кулди, — атиги бир бурда нон еб, ароқнинг ярмини бўшатди. Тамаранинг, ота-онасининг гўрига гишт қалаб, сўкина-сўкина йиқилиб қолди.

Маҳмуд сўради:

— Йиғламадимми?

— Йў-ў-ў!.. Бирпасда кайфи ошиб қолди... Аммо, Маҳмуд дўхтир! — Салотин орқага чекинди, кучли чироқ шуъласида томирчалари реша-реша қизарган кўзларини унга тикди. — Юраги шу қадар юмшоқ, шу қадар мулоимки... Кошки дунёда шунақа одамлар кўп бўлса. Худо ҳаққи, ўшанда ёмонликдан асар ҳам қолмасди.

— Унда ҳаммамиз пианистага айланиб, Темир каби буфетдан чиқмаслигимиз керак экан-да! — деди Маҳмуд.

Маҳмудга Зулфиқор ота жавоб қилди:

— Худо ҳаққи, бу замонда пианисталикдан яхшироқ нарса йўқ. — Қизининг ўзига бир оз таажжуб билан терсайиб қараганини кўриб деди: — Хўш, нима, ёлғон айтяпманми?.. Эшаклик яхшими ёки пианисталик?

Салотин жағини ушлаб, бош тебратганича:

— Бас, ҳой ади, бас, — деди, — муросага келиб турганимизда бизни шарманда қилманг!

Маҳмуд Зулфиқор ота қизишиб, қизига оғирроқ гап қилиб юборишига йўл қўймаслик лозимлигини англади, акс ҳолда бирон жанжал қилиб, ота-болани тинчитиш учун ўртага тушишга тўғри келарди. Шунинг учун дарҳол суҳбатга аралашиб:

— Ҳой, тўхтанлар! — дея шоша-пиша стаканларга ароқ қуйди, ўзига кўпроқ сузди, дарҳол товўқни парчалаб, қатламани ҳам иккига бўлди. — Қани, Салотин, менга ёрдамлашиб юбор-чи! — дея қаравотга яқинлашди. Салотин билан биргалашиб Зулфиқор отанинг ёстиғини кўтардилар, сўнг Маҳмуд қўлларини Зулфиқор отанинг қўлтиғидан ўтказиб, уни кўтарди ва ёстиққа ёнбошлатиб қўйди. Столдан қадаҳни олиб Зулфиқор отага узатди.

— Қани, манавини отиб юбор-чи!

— Маҳмуд дўхтир, дардингни олай, чолни хароб қиласанку! — деди ташвишланиб Салотин.

Бу сафар Зулфиқор ота Маҳмуднинг оғзини очирмади:

— Аҳмоқона гапларни қўй, ҳой қизим! — унинг овозидаги тетиклик Маҳмудга ёқиб тушди. — Ичаман, худди Темирдай

¹ Епинчиқ — кавказликлар киядиган енгиз мовут чакмон.

ичаман! — дея кўзларини юмди, сўнг ароқни қўлтиллаб охириги томчисигача ичди. Салотин узатган юмшоқ товуқ гўштини оғзига солди ва лаззат билан чайнаб экан, кўшиб қўйди: — Воҳ-ҳей, ҳа номарднинг чиқарган ароғи!

Маҳмуд ўйлаганининг акси ўлароқ (боя ароқни стаканларга қўйганида кўнгли ағдарилиб келган эди) ароқ бўғзидан осонгина ўтиб кетди — на юраги ағдарилди, на афти буришди. Аммо, ҳар эҳтимолга қарши, дарҳол қатлама орасига кўкатлардан босиб оғзига тикди, бирпасдан сўнг ичган ароғининг ҳавоси миясига кўтарилди, чаккаларидоғи оғриқ тарқадди ва у аста-секин увишиб қолган оёқлари ёйилиб, аъзойи баданининг қизиб бораётганини ҳис этди. Бу ҳарорат таъсирида овозини баралла қўйиб, негадир ўз-ўзидан севиниб хитоб қилди:

— Қурбонинг бўлай, Зулфиқор амаки!

— Худо сақласин, болам, — деб жавоб берди у. — Ё сенинг дори-дармонинг мени тирилтирди, ё бу ароқ... Худо ҳаққи, рост айтяпман.

Маҳмуд Зулфиқор отанинг ранг-рўйига разм солди: ростдан ҳам чолнинг чеҳраси анча очилган, тирик юзларига қон югурган эди, билинар-билимас бу нашъа унинг кўзларига ҳам ёйилган, бу кўзларда энди на кўрқув бор эди, на боя Маҳмудни қаттиқ ваҳимага солган умидсизлик. Эндилликда бу кўзлар — ҳали ажали етмаган қариянинг одатий кўзларига айланиб қолган эди. Маҳмуднинг кўнглидан: «Берган кўнингга шукр, афтидан, бу сафар ҳам хатардан ўтиб олди», деган фикр кечди. Салотин ҳам отасининг ўзига келганини кўриб, бир бурчакда чордона кўрганча Маҳмудга кечинатдорчилик билан тикилар, гўё Маҳмуднинг кўнглидан кечаётган фикрларни уқиб тургандек, раҳимлик аломати ила бош силкиб қўярди.

Маҳмуд тагин ўзига ярим стакан ароқ сузди, товуқнинг сонини олдига тортиб, қўлларини бир-бирига ишқалаганича, бу сафар шошмасдан, кўнгли ағдарилиб келишидан ташвиш тортмай, эмин-эркин қадаҳни кўтарди, ароқни қўлтиллаб ичиб бўлгач, иштаҳа билан товуқ ейишга тушди. Оғзидаги лўқмани чайнаб экан:

— Салотин, — деди, — Мошунинг номига қасам ичаманки, мен ҳам қайта тирилдим. Сизнинг хонадонингизнинг хайру баракати, худо ҳаққи, бутунлай бошқача. Чунки бунда ҳамма нарса ҳалол...

Маҳмуд қирқ беш йиллик умрида, ақлини танигандан бери неча бор синанган эдики, ҳамиша бирон-бир воқеа рўй берганида, тўғрироғи, инсонни безовта қиладиган, уни жаҳл отига миндирадиган ҳодисалар содир бўлганида, бу воқеа-ҳодисалар, шубҳасиз, осудалик билан якун топар эди. Аммо бу осудалик ҳамиша шодлик, бахтиёрлик дегани эмас эди, албатта. Бу осудалик, унинг фикрича, ниманингдир интиҳоси, ниманингдир ҳудуди эди. Дунёда ҳар нарсанинг интиҳоси, ҳудуди бўлгани кўпи, одамзотга бундай безовталик, таҳлика солиб келган воқеа-ҳодисаларнинг ҳам оқибат-натигада бир интиҳоси, ҳудуди бўлар экан. Кур тошишдан илгари бутун жамоат, каттаю кичик—ҳамма (буни Маҳмуд жуда кўп кўрган эди) безовта ётиб, безовта турарди. Жамоат, барча нарса ўз жойида, худонинг бу балоси қишлоқни ер юзидан ювиб ташла-мабдими, балки бу тошқин энг сўнгги тошқиндир, бундан бошқасини кўриш бизга насиб этмагандир, деган ваҳима билан боғу чорвоққа кўрқа-писа тикилар, аммо яна ҳамма нарса ўз маромига тушарди: Кур ўз соҳилларидан тошиб чиқар, қирғоққа яқин ҳовлиларнинг деворларини, экин-тикин, боғу боғчасини ювиб кетар, шу билан ҳаммаси тугарди. Маҳмуд оллоҳ бандаларига юборган азоб-азиятларнинг ҳам бир ҳудуди борлигини, чумоли изидай узундан-узоқ жумланинг ҳам охирига нуқта қўйилгани каби, бу азоб-азиятларга, дунёнинг кўпдан-кўп ҳодисотларига охир-оқибат нуқта қўйилишини, ҳаммаси ё у ёқлик, ё бу ёқлик бўлишини биларди. Агар дунёда ҳудуд деган нарса бўлмаганида, эҳтимол, арзу заминда на ўт битарди, на дарахт, на бирон-бир ҳашарот ашарди, на инсон. Чунки ҳудуд деган нарса бўлмаса, хилқатдаги барча маҳлуқотнинг яралган заҳотиёқ юраги ёрилиб, ҳалок бўларди.

Шукрларким, бугун ҳам ёмон бўлмади, ҳаммаси осудалик билан тугади. Аксинча бўлганида, агар Маҳмуд туннинг ушбу маҳалида бундай ҳавода бу ерга келиб, Зулфиқор амакининг дардига бирон чора топа олмаганида, эҳтимол, на ушбу кеча тинч-осуда ухлай олар, на қолган кечалардан роҳат-фароғат топа оларди.

Зулфиқор ота ётган хона билан ёнма-ён меҳмонхонада, йиғма диван устига Маҳмуд учун жой ҳозирлашди... Маҳмуд

бу хонада юз марталаб меҳмон бўлган эди. Бундан беш-ўн йил илгари район марказидан, Бокунинг ўзидан келишган Зулфиқор отанинг мўътабар меҳмонлари билан ўтиришлар, Зулфиқор отанинг ўзи айтганидек, «базми жамшид»лар шу хонада ташкил қилинар — ҳовлида гулхан ёқилиб, ҳозиргина сўйилган кўчор гўшtidан кабоб пиширилар, зўғол ароғи, тут ароғи иккибир, учбир қилиб дастурхона тортилар, ёғи оқиб, жизиллаб турган кабоблар сихи билан олиб келинар, хонанинг ўртасида, каттакон гилам узра қўйилган кенг столнинг усти, декчадан тошган сут каби, ноз-неъматлардан ошиб-тошиб кетарди, кетма-кет қадаҳ сўзлари айтилар, ҳазил-хўзуллар янграр, ниҳоят, меҳмонлар аъзойи баданини ёндириб юбораётган ароқнинг ҳоврини туширадиган гўжга навбат етганида, пастда кабоб тайёрлаш учун куйганиб юрган Темир тоторни чақириб, столнинг бир четига ўтқазардилар-да, ароқ ичирардилар. Маҳмонлардан бири чунтагини қовлаб, ё йигирма бешталик, ё элликталик чиқариб Темирга берар, у эса болаликдан эслаб қолган тоторча кўшиқлардан бирини чинқироқ овозда, кучанганидан кўзлари ёшланиб, айта бошларди. Темир тоторнинг оғзидан чиқаётган кулгили сўзлар дастурхон атрофида ўтирганларни шу ҳолга солардики, баланд, қалдироқли кулгу садоларидан хонанинг деворлари қулаб тушмасайди, деб ўйларди киши... Бу хонанинг барча жихозлари, гиламу устунлари, каттакон деварларидоғи қизил пардалари, қисқаси, ҳамма-ҳаммаси узоқ йиллардан бери аввалги ҳолича қолган эди. Фақат диванинг устида деворга илинган Сталиннинг суврати йўқ эди. Салотиннинг Маҳмудга айтишича, бундан уч-тўрт йил илгари, кунларнинг бирида Зулфиқор ота ярим тунда бу хонага кириб чироқни ёққан, сувратга бир оз тикилиб турган, сўнг жимгина, ҳеч кимга ҳеч нарса демая, сувратни девордан кўчириб олган, қуйидаги қоронғи хоналардан бирига олиб тушиб, бир бурчакка юзини деворга қаратиб қўйган экан. Эндилликда ўша суврат ўрнида Зулфиқор отанинг кўкраги орденлар билан тўла ҳарбий гимнастёркада тушган суврати осилиб турарди.

Ана шунақа гаплар, қурбони бўлавер шайтонга штон тиккан бўлмай дунёнинг!

Маҳмуднинг суяклари қизий бошлади. Заҳарни заҳар кесарди, дейдилар: у ҳам бу намхуш ҳавонинг суяк-суягидан ўтиб кетган, аъзойи баданини увиштириб қўйган рутубатини Салотин келтирган ароқ билан қувиб юборган эди. У ўнг қўлини боши остига букиб қўйганича шифтга тикилиб ётарди, ташқаридан тушаётган тунд ёғду шифтни ёғиш арафасидаги бўзимтир самога ўхшатиб қўйган эди. Маҳмуд ҳозир бу уйда ҳамма — Салотин, Мошу, Зулфиқор ота ширин ухлаб ётганини биларди... Чунки вақт алламаҳал бўлиб қолган, бутун жамоат уйқуга кетган бир пайт эди: бу ернинг жамоати минг, миллион йиллардан бери ўрганиб, одатланиб қолган: кун ботиб, қушлар саси тиниши биланоқ ҳамма кўрпа-тўшагига кириб, калима ўгирганича кўзларини юмар, минглаб дафъа кўз очиб кўргани саҳарга етиш, янги тонгни қаршилаш умидида уйқуга кетар эди. Маҳмуд жилмайди: одамзоднинг тунда кўрган тушларидан бутун бошли китоб ёзма бўлади!.. Аммо Зулфиқор амакининг алаҳсирашга ўхшаган тушларидан худо сақласин. Маҳмуднинг бунақа нарсаларга тоби йўқ, ҳамиша бунақа нарсалардан гап очилса, унинг асаблари ўйнай бошлар, шу қадар жаҳли чиқиб кетардики, ўзини қўйгани жой тополмай қоларди. Улик ҳам тушга кирадимми, ҳой яхшилар?! Урядник воқеасини негадир у сира унута олмас, боядан бери бу воқеа уни ҳол-жонига қўймасди. Салотин ўзи келтирган ноз-неъматларнинг қолган-қутганини йиғиштириб, пастга олиб кетганидан сўнг Зулфиқор ота Маҳмудга батафсил гапириб берган ўша урядник воқеасининг ваҳимасими, азобими — буни Маҳмуднинг ўзи ҳам билмасди — ҳеч миясидан чиқиб кетмас, ўша манзара кўз ўнгига қайта-қайта жонланар эди. Ҳар ҳолда, бу ғалати бир воқеа, кжрафтор бир тарих эди. Зулфиқор ота зўғол ароғидан ярим стакан отиб олиб, бир оз ўзига келган бўлса-да, нимадандир изтиробга тушиб, думалоқ, қип-қизариб кетган кўзларини Маҳмудга тикканича, майин, узук-юлуқ овозда ўша олис ўтмишда қолиб кетган воқеани иккинчилими ёки учинчи марта қайта сўзлай бошлагани Маҳмуднинг ёдига тушди. Бу воқеани такор-такор эшитар экан, Маҳмуднинг асаблари чатнаб кетган, Салотинга қўшилиб урядникнинг гўрига гишт қалаган, ниҳоят, у «Вот тебе, на!» дея Зулфиқор отанинг сўзини бўлиб, ўша урядник дегани кимга нима ёмонлик қилган эдики, шўрликни сўраб-суриштирмасдан отиб ташладинг, деб сўраган эди. Зулфиқор ота бир оз сукутга кетиб, пешанасини тириш-

тирганича Маҳмудга мот-мааттал тикилиб қолган, сўнг чийилдоқ бир овозда: «Товариш Салахов, будет сделано!» — деган, маъносини ҳеч ким тушунмайдиган бу ғалати сўзларни айтиб бўлиши биланоқ қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборган эди.

Вой сенинг фалонингнией, шайтонга иштон тиккан бунақанги дунё!.. Маҳмуд кўзларини юмди, у девор ортиндан сўнги марта эшитган сас — Зулфиқор отанинг тортган охи бўлди. Амаки уйкусида шунақанги бир оҳ урдикки, Маҳмуднинг аъзойи баданига қайтадан титроқ кирди, бир хаёли туриб бемордан хабар олмоқчи бўлди, бироқ қаттиқ толиққанидан кўзларини оча билмади...

Зулфиқор ота иккинчи марта оҳ чекканида Маҳмуд ҳеч нарсани эшитмай кўйган эди... Зулфиқор ота кўзларини очди, юзтубан ётган ҳолда кўрпа остидан қоринни қашиди, аммо худди шу дақиқада бир сас эшитилдики, бу сасдан у на титради, на кўркувга тушди. Уриндан туриб ўтирди, Зулфиқор ота ётган хонанинг энсиз деразаси ортиндан келган овоз унга ҳам бир қадар таниш, ҳам бегона эди. Ким бўлдикиан бу келган?.. У чидаб туролмади, каравотдан туриб ковушларини кийди, оқ кўйлак-иштонда аста-секин дераза олдига бориб, ташқарига қаради. Ҳовлидаги тутнинг остида бир шарпа кўрди, аммо бу шарпанинг кимлигини фарқлай олмади. Кўк гўмбазининг қоқ ўртасидаги ой худди қуёш каби порлар, ҳавода булутдан асар ҳам йўқ, бироқ шарпанинг юзи кўринмасди. Чол аввал каравотнинг ёнида — ерда ётган Салотинни турғизмоқчи бўлди, аммо негадир бу фикридан воз кечди, юрагининг зарбларини тинглаган кўйи кутилмаган бир ҳаракат билан шоша-пиша деразани ланг очиб, бошини ташқарига чиқарди ва ўз овозининг ўқтам-лигидан ўзи ҳам таажжубга туриб, шарпадан сўради:

— Кимсан, ҳой одам?

— Менман, Зулфиқор, Сарича ўғли Муҳаммадман.

Агар Зулфиқор отадан, умрининг қайси пайтида, қайси дақиқаларида чин маънода бахтиёр бўлгансан, азоб-азиятлардан, дард-ғамлардан, афсус-надоматлардан мутлақ халос бўлиб, ўзининг қачон аршу аълода ҳис этгансан, деб сўрасалар, у ҳеч иккиланмай, уйлаб ўтирмай, ҳозир, манави деразани очиб, ким келганини сўраган дақиқаларимда, Сарича ўғли Муҳаммаднинг овозини эшитган дақиқаларимда, деб жавоб берган бўлур эди. Гўё Зулфиқор отага дунёни бахш этгандай бўлдилар, гўё Зулфиқор отанинг қўлидан дунёни олдилар: тоғлар, даралар, ўрмонлар, йўрғакда эшитгани қуёш шуъласи янглиғ илиқ алла, бола-чақа меҳри, хонадонга, эл-юртга боғлаб турган ришта — ҳамма-ҳаммаси Сарича ўғли Муҳаммаднинг отини тилга олган заҳоти, унинг овозини эшитган заҳоти Зулфиқор отанинг қўлидан кетди ва айни замонда олинган нарсаларнинг ҳаммаси ҳозиргача у туймаган, идорак этмаган янгича бир юрак зарблари каби, томирларида гүпурган янги қон каби қайта уйғонди. Берган кунингга шукур, ё тангрим!

— Боряпман, дардингни олай, боряпман! — Зулфиқор ота қарийб бақириб юборди. Бироқ уйда ҳеч ким уйғонмади, ҳатто эгасининг йўталига-да хуриб берадиган ҳволидаги ит ҳам дамини чиқармади, фақат кўк гўмбазининг қоқ ўртасида қуёш каби порлаётган ой нурлари кучайиб борарди. Бу шуъла Зулфиқор отанинг кўзларини тўлдириб, ичига оқди, юрагининг музларни эритиб юборди. — Ҳозир, дардингни олай, боряпман, — дея Зулфиқор ота йиғлади, ёмон йиғлади. Шошганича ортига қайтиб, юзтубан ётган қизи Салотинга боқди, аммо бу аёл кимлигини била олмади, хонага назар солди, каравотга тикилди, ҳарчанд уринса-да қаерда турганини англай билмади. Шу аллозда, оёқларида қовуш, эгнида оппоқ кўйлак-иштон, эшикни очиб, зинапоя сари юрди, ҳовлига туриб, тут даррахти остига келди, аммо Сарича ўғли Муҳаммад у ерда йўқ эди.

— Мен бундаман, Зулфиқор, бу ёққа туш!

— Боряпман, дардингни олай, — Зулфиқор амаки дарвозани очиб, ҳовлидан чиқди. Курнинг соҳилига етганда тўхтаб қолди.

Сарича ўғли Муҳаммад кўйида, ой шуъласи кумуш рангга бўяган чўнг тошлар орасида турарди. Курнинг қовжираб, қопқора арқонларга ўхшаб қолган ўт-ўланлари, йўсинлари тошлару қоялар устида уюлиб ётарди.

Зулфиқор ота сўради:

— Ие, Курнинг суви қани, ахир?

Сарича ўғли Муҳаммад кулди:

— Қанақа сув, барақа топкур, сув қолибдими энди?.. Тез бўл, пайсаллама, манзилимиз жуда олис.

— Боряпман, дардингни олай, боряпман, — дея Зулфиқор

ота қаққонлик билан, худди зинапоялардан тушаётган каби, тошлар, қоялар орасидан кўйига эниб, Сарича ўғли Муҳаммаднинг ёнига, Курнинг қуриб қолган ўзанига тушди, Сарича ўғли Муҳаммад билан юзма-юз туриб, диққат билан унга тикилди, аммо тагин унинг юзини тузукроқ кўра олмади, нигоҳлари унинг қорнига бориб тўхтади. Қонли чаноқда у бешотарини Сарича ўғли Муҳаммаднинг қорнига бўшатган эди: энди ўша ерда ўпқондай бир тешик бўлиб, унинг ичи тупроққа тўлиб қолган эди. Зулфиқор амаки хўрсиниб, ҳазин-ҳазин сўради:

— Оғрийдими?

— Энди оғриғи қолибдими?— дея Сарича ўғли Муҳаммад кўллари чўзиб, Зулфиқор отанинг билагидан ушлади:

— Улимнинг муборак, Зулфиқор ота.

— Улим барҳақ, Сарича ўғли Муҳаммад.

— Кетдикми?

— Кетдик.

Икки шарпа қўлни қўлга бериб, тошлар устидан Курнинг қуриб тарам-тарам ёрилиб ётган ўзани бўйлаб шимол томондаги олис тоғлар сари юриб кетди. Улардан бир оз олдинда икки қизалоқ — иккаласининг ҳам елкаларига ёйилиб ётган оппоқ сочлари ҳарир парда каби елланар, иккаласи ҳам этаги узун кўйлак кийиб олган, иккаласининг ҳам товонлари тарам-тарам ёрилиб кетган эди — худди Зулфиқор билан Сарича ўғли Муҳаммад каби қўлни қўлга бериб, ўша томонга борар эдилар.

— Сеникиларми, ҳой Муҳаммад, — дея сўради Зулфиқор ота.

— Ҳа.

— Ахир...

— Сен мени отганингдан икки ой кейин улар ҳам хазон бўлдилар.

— Куйдим, кул бўлдим, эй тоғлар!

— Бирининг оти — Қаранфил, иккинчиси — Ёсуман. — Зулфиқор ота Сарича ўғли Муҳаммаднинг қўлини қаттиқ-қаттиқ сиқиб кўйди.

Сўнгра Курнинг қуриб қолган ўзанидан бораётган бу икки шарпа юксак бир қоянинг бошида турган учинчи шарпани кўрди. Қоя бошида турган темир дубулғали сарбознинг кураги ўртасига найза санчилган, жароҳатидан оққан қон атрофдаги тошларнинг устига ёйилиб кетган эди. Сарбоз уларни кўриб, сўради:

— Йўл бўлсин, биродарлар?

Сарича ўғли Муҳаммад жавоб берди:

— Бобо Коҳо сари, биродар.

Сарбоз кўз очиб юмгунча пастга туриб келди.

— Улимнигиз муборак.

— Улим барҳақ.

Олдинда Қаранфил билан Ёсуман, орқада Зулфиқор ота, Сарича ўғли Муҳаммад ва юришлардан олиб келгани — бир тарсоқ қиз туфайли ўз туғишган акаси курагига санчган найзадан халок бўлган сарбоз аста-секин бир-бирларига лом-мим демай Бобо Коҳо сари чиқиб борардилар.

Ой кўк гўмбазининг қоқ ўртасида порлаб турар, Курнинг қуриб қолган ўзанида тошлар ой шуъласидан ўт олиб, ёниб ётарди...

* * *

Тонгда Зулфиқор отанинг жасадини Курнинг соҳилидан, у осуда, қайғусиз кунларида бемалол, қалаёнини тута-тутата, хиргойи қилганича, баъзан соатлаб дарёни томоша қилиб ўтирадиган ясси тошнинг ёнидан топдилар. Бу хабарни Маҳмудга ҳаммадан эрта уйғонган Темир тотор етказди: Темир тонг қоронғусида туриб, эснай-эснай, кериша-кериша, томирлари шишиб, лўқиллаб кетаётган чаккаларини уқалаганича — ўтган кунги тут ароғидан бери боши зилдай оғир эди — ҳам совуқ сувда яхшилаб ювиниб ўзига келиш, ҳам қайиғига бир назар ташлаш учун Кур соҳилига тушгани, чунки бир пиёла чой ичиб олган, йўлга тушиши, Маҳмудни уйига элтиб қўйиши лозим эди. Узоқда оппоқ кўйлак-иштонда нам, лой тупроқ устида юзтубан ётган кимсани кўрган заҳоти Темир тотор бу шўрлик банда Зулфиқор ота эканлигини англади. Темир мушукнинг биғиллашига ўхшаш бир нидо чекиб, икки қўлини тиззаларига урдию дарҳол ортига қайтди, югурганича ҳовлига кириб келди, кўз очиб-юмгунча зинапоялардан кўтарилди, мурдадек қотиб ётган Салотинни уйғотмасдан, Маҳмуд ётган хонага отилиб кирди. Маҳмуд қандай туриб, қандай кийингани-

ни, Темир тотор билан қандай уйдан чиқиб, Кур соҳилига қандай етиб борганини ўзи ҳам билмайди. Эгилиб, юзтубан ётган жасадни ўнглади, биллагига ёпишиб, томирини ушлаб кўрди, ақлдан озиб қолган киши сингари бошини тебрата-тебрата Зулфиқор амакининг очиқ қолган кўзларига тикилди. Темир тотор букилиб, кўлларини тиззасига тираган кўйи, жағлари титраб, Маҳмудга сабрсизлик билан боқар, гўё ундан фағуллодда бир мўъжиза кутарди. Маҳмуд эса кўрқувга тушган, тепа сочи тикка бўлиб кетган, пешонасини совуқ тер босган эди. У дарҳол кўллари билан Зулфиқор отанинг кўзларини бекитди, худо ҳақи, шундай қилмаганида, эҳтимол, чиндан ҳам ақлдан озиб қолармиди: Маҳмуд бу кўзларда ҳар бири олмадек келадиган юлдуз кўрган, улар худди муз парчаси каби ялтирар эди. Маҳмуднинг бўғиздан хирилдоқ бир товуш чиқди:

— Е раббим, ўзинг мададкор бўл!

— Маҳмуд, балки ҳали жон бермагандир?

— Бас қил, ҳой! — Маҳмуднинг товуши баттар хириллаб чиқди. — Жон берган, аллақачон тамом бўлган. Тахтадай қотиб қолибди... Жойинг жаннатда бўлсин, Зулфиқор амаки!

Орадан бир оз ўтгач, Салотиннинг уйқули, бўғиқ овози оламни тутди:

— Етим қолган бошим, во-о-ой!..

...Бу ерда, Кур соҳилидаги ушбу қадимий қишлоқда навбатдаги мотам маросими ана шундай бошланди. Зудлик билан район марказига қўнғироқ қилиб, бу хабарни масъул ўртоқларга етказсин дея Мошунин почтага жўнатдилар. Ҳазили йўқ, бу музофотнинг, бу юрtnнинг кекса большевикларидан бири, эҳтимол, охиргиси қазо қилган эди ва бунини керакли ўртоқлар албатта билиши лозим эди. Салотиннинг қистови билан Темир тотор қўшни шиа қишлоғига мулла олиб келгани кетди: муллани келган-кетган кўрмаслиги учун пастдаги хоналарнинг бирига жойлаштиришни, у ўша хилватда паст овозда қуръону ёсин ўқишини Маҳмуд билан келишиб олдилар. Чунки Зулфиқор ота кекса большевик саналса-да, ёшлигида атрофдаги масжидларни бекитиб қўйиш билан ном чиқарган бўлса-да, ҳамшиша гапини оллоҳ билан бошлаб, оллоҳ билан тугатар эди. Бу хабар жуда тез тарқалди, Зулфиқор отанинг жасадини Кур соҳилидан уйга олиб келгунга қадар ҳовли қишлоқнинг катта-кичик одамларига тўлиб кетди: Салотинга, Мошуга, ҳатто Маҳмуднинг ўзига ҳам ҳамдардлик билдирдилар, таскин-тасалли бердилар, неки айтиш лозим бўлса, ҳаммасини айтдилар. Келди-кетди сийрақлашгач, жасадни Берзин қишлоғидаги ягона масжидда ювиб келтириб, Маҳмуд тунаб қолган меҳмонхонадаги каттакон стол устига юзини қиблага қаратиб ётқизганларидан кейин, бу маросим иштирокчиларидан уч киши — Маҳмуд, Темир ва Мошу секин уйнинг орқа томонидаги хилватга, қалин дарахтлар орасига ўтишди. Маҳмуд негадир асабийлашиб Мошуга деди:

— Бор, анави ароқлардан биттасини олиб кел, аммо эҳтиёт бўл, ҳеч ким кўрмасин.

Мошу бориб бир ароқ ўрнига иккитасини, кечадан қолган яхна товуқ ва пишлоқ, кўкатлар ўралган кичкина тугунча кўтариб келди. Шимининг киссасидан иккита стакан ҳам чиқарди.

Маҳмуд бошини кўтарди, сув олиб, куртак ёза бошлаган улкан дарахтларнинг шоҳлари орасидан кўкка боқди: кўрғошин тусли само бор залвори билан унинг елкаларидан босган каби умуртқалари зирқираб, боши енгилгина айлана бошлади. «Ё қудратингдан, буниси тагин нима бўлди?» — деб ўйлади у. Маҳмуд ҳамон ўзига кела олмаган эди: боя Зулфиқор отанинг кўзларидаги юлдузни аниқ-равшан кўрган, бунга шак-шубҳа йўқ эди. Ҳўш, бунини кимга айтсин, қандай қилиб айтсин? Ҳой бола, отингни дўхтир дейдилар, бор мияннга бир дуо ёздириб ол, дея биринчи бўлиб Темир тотор масҳара қилмайдими уни? Астафурulloҳ, бошим қотиб қолди!..

— Ҳой Темир, қуй!

— Ҳозир, дардингни олай, ҳозир! — Темир шу қадар юмшаган, шу қадар сомеъ бўлиб қолган эдики, гўё бир имо қилинса, дум чиқариб ликилатишга ҳам тайёр эди.

Темир икки стаканга ярим қилиб ароқ қўйди, ўзи учун бир бурда нон синдириб олди. Ҳар иккиси — Маҳмуд ҳам, Темир ҳам стаканларни бир кўтаришда бўшатдилар, Мошу бир чеккада уларга тикилиб ўтирарди.

— Худо раҳмат қилсин амакини! — деди Маҳмуд.

Темир ҳам унга қўшилди:

— Ғури нурга тўлсин... Ҳей аттанг...

Мошу сассиз-садосиз йиғлади. Маҳмуд қошларини чимириб унга таънаомуз боқди ва бош тебратиб:

— Ҳой бола, қўй энди... — деди. — Кап-катта йигитсан, эркак киши ҳам йиғлайдими? — Аммо унинг ўзи ҳам қалқиб кетди, томоғига тикилган фарёдни зўрға ичига ютди.

Темир оғзидаги луқмани тиши тўкилиб бўлган кексалар каби зўрға чайнар экан, Маҳмудга боқиб:

— Тушим ўнг чиқди, Маҳмуд! — деди.

— Қанақа туш тагин?.. Қўй, тинчгина ўтирайлик, худо хайрингни берсин! — деди. У «туш» сўзидан бир умр безиллаб қолган эди.

— Ҳа, бўпти! — Темир тотор бош силкиди, аммо жим бўлмади, ароқнинг таъсириданми, ё кечаси ўзи тунаган хонанинг бир кунжигга бекиниб олиб, юраги бўшагунча йиғлаганиданми, қизарган кўзларини Маҳмудга тикиб давом этди. — Бу кеча, илоё охири бахайр бўлсин, алғов-далғов тушлар кўриб чиқдим... Тушим ўнг чиқар экан-да.

Маҳмуд тагин унга терс-терс боқиб:

— Ҳўш, нотавон, сен ҳам тушингда урядникни кўрдингми? — деди.

— Йўқ, бўрини кўрдим.

Маҳмуд кўз қири билан Мошунинг жилмайганини кўрди, ўзининг ҳам оғзининг таноби қочди.

— Ҳўш, сени едимиз бўри?

Темир тотор бу гапга парво қилмай, стаканларга янгидан ароқ сузиб, биттасини Маҳмудга узатди. Маҳмуд, афтини буриштирса-да, ароқни олди. Ичишди.

— Қарасам, ҳой Маҳмуд, ўзимизнинг Қораёзиқ каби бир ўрмонда эмишман. Худо ҳаққи, рост. Қарасам, бир қўтир бўри, киноларда кўрсатадиган қалқонлар бор-ку, ўшалардан бирининг устига ўтириб олиб, мен томонга боқар эмиш, кўзларида эса, ўлай агар, катта-катта юлдузлар ёнар эмиш...

Маҳмуд чўнқайиб ўтириб, тирсақларини тиззаларига қўйганича бошини чангаллади, бироқ ҳеч нарса демади.

Зулфиқор отанинг уйидан тагин йиғи-сиги эшитилди. Мошу қайрилиб, кўрқа-писа йиғи келаётган томонга боқди. Маҳмуд бошини кўтарди.

— Темир, у ароқниям оч!.. Қуй, ҳой етим, қуй, ичайлик, зора дардимиз сал енгиллашса...

Давоми келгуси сонда



Абдулла Қўшбоқ



Деразангни

чегтдим

ярим тун

Кундан кунга иқтидорим борар очилиб,
Кундан кунга юрагимда жасорат ўсар.
Киприklarим жамиятнинг шаънини ўйлаб,
Йиғи деган бузғунчининг йўлини тўсар.

Лоқайдликни енгмоқликка бўлар сафарбар
Идрокимнинг пароканда, тарқоқ кучлари.
Ўқтин-ўқтин аллақандай зарарли сўзни
Ушлаб қолар ҳукуматга содиқ тишларим.

Куч топарман йиқилмаслик учун пойига
Не ғамзалар қилса ҳамки сулув — онгсиз қиз.
Жим термулиб, ҳилпираган дуррачасининг
Байроқларга ўхшашини этажакман ҳис.

Интизомга ўргатаман хаёлларимни,
Кескир-кескир фикрлардан ясайман ханжар.
Баъзан эса ғалабаси учун ғоянинг
Кўз олдимни туман қилиб, юрагим санчар.

Қанча-қанча алам тўла сўзларни айтдим,
Ғазабимни вужудига санчдим ботириб.
Бу оламнинг ташвишидан безган одамдай
Кўзларини лўқ қилганча ётар ботириб.

Зўрсан десам, олар ўзин тушунмаганга,
Мард эдинг-ку десам, ҳорғин хўрсиниб кўяр.
Ҳар не ғаддор офатларни кўрар худодан,
Қисматининг қаролигин эртакка йўяр.

Айтдим: ҳеч бир қабоҳат ҳам жазосиз қолмас,
Айтдим, охир ҳақиқатнинг барҳақлигидан.
Чидолмадим,
Қўрқоқсан деб бўғилдим, эвоҳ,
У заррача уялмади кўрқоқлигидан.

Энди унга гул ҳақида сўйлайвераман,
Ғамларимни тўкиб-сочиб юрак қаъридан
То кўзида кўрингунча томчигина ёш,
То ўкириб тургунича ётган еридан.

* * *

Сулувнинг сочлари-ей,
Толим-толим.
Шу сочларни силашга
Йўқдир ҳолим.

Сиз сочларга боғланманг,
Золим эрур,
Абдулла бу савдода
Олим эрур.

Умрим энди сулувга
Тароғ бўлди.
Шу соч кўксим тилишга
Яроғ бўлди.

Яроғ дилим қонига
Бўялади.
Сулув эса бир четда...
Уялади.

* * *

Шовуллайти теракзор,
Қуюлади дилга мунг.
Қулоғингга ненидир
Пичирлайди маъюс тун.

Тинглаб туннинг сўзини
Титрар вужуд мажолсиз.
Ў, бундаин қайгудан
Улиш мумкин ажалсиз.

Оёқ боссанг, пойингда
Чирик хазон синадир.
Ё қулайди оймомо,
Ё юрагинг тинадир.

Шовуллайти теракзор,
Ит ҳуради олисда.
Бир теракка босиб юз
Хўрсинасан оҳиста.

Ёш қалқийди кўзингда,
Шамол увлар қутуриб,
Тишингни тишингга бос,
Юбормагин ўкириб.

* * *
Тонгларда зирқирар борлигим,
Қийнайди шомларнинг ўтинчи.
Нима бор яна бу оламда,
Ҳаммаси ўткинчи, ўткинчи.

Кўксимда сўнги бир макон бор,
Сен ҳамон шу ёруғ жойдасан.
Қайдасан, эй нури порлогим,
Қайдасан, қайдасан, қайдасан?

Муҳаббат — қўл етмас осмоним,
Умидим — йиқилган қушим бор.
Шу қийин кунда ҳам ўлмаган
Биргина жони тош тушим бор.

Тушимда йиғлайсан тинимсиз,
Тушимда дардингни айтасан.
Қайдасан, эй умри нотинчим,
Қайдасан, қайдасан, қайдасан?

Кўкларда йиғлар-да оймомо
Шуъладан кўшиқлар тўқийди.
Шу кўшиқ бир жаллод булбулдай
Бағримни чўқийди, чўқийди.

Эҳтимол олис бир юлдузда,
Эҳтимол бағри қон ойдасан.
Қайдасан, бардоши қаҳқорим,
Қайдасан, қайдасан, қайдасан?

Бахт недур? Кўз ёшлар селида
Умрнинг ювилган ғубори.
Мен сени чорлайман шифобахш
Нурлардан элчилар юбориб.

Бу нурлар синади аёвсиз,
Сен синиқ камалак, ёйдасан.
Қайдасан, тутилган офтобим,
Қайдасан, қайдасан, қайдасан?

Машрабнинг либоси елкамда,
Дунёни Машрабдай кезарман.
Сен борсан қайдадир, йироқда,
Тонгларнинг тотини сезарман.

Қайдасан, қайдасан, қайдасан...

Тун қиссаси

Чўпонларнинг найида
Ғамлар бордир.
Утовларда бир хира
Шамлар бордир.

Шам ёнида болалар —
Кўзи чақин.
Ит ҳуради, демакким,
Бўри яқин.

Идрокимни қоплайди
Оғриқ, ғубор.
Мендай саёқ йўлчига
Бунда не бор?

Менинг борар манзилим
Туманлидир.
Қорақош қиз ўтовда
Гумонлидир.

Чўпон шамга термулиб
Уйга толар
Умри наҳот қўзию
Қўйда қолар.

Қўй хуркади чортоқда,
Қўзи шошар.
Ит қувади. Адирдан
Бўри қочар.

Чўпон ўтов ва қизни
Қўриб ухлар.
Ёнбошини кесакка
Бериб ухлар.

Тонгда саёқ йўловчи
Дайдиб кетар.
Қизга пинҳон гапини
Айтиб кетар.

* * *
Чертдим деразангни ярим тун пайти
Келган шарпа каби осмон тоқидан.
Сен эса чойшабни юзингга босиб
Тушлар кўрмоқдасан ўтмиш ҳақида.

Такрор чертажакман оҳиста, ҳолсиз,
Тизгинсиз бир титроқ қуршар танимни.
Сен-ей, оқ чойшабни қуршаган олов,
Нега эшитмайсан чорлаганимни.

Бу тушлар қанақа туш бўлди, фалак,
Наҳот чиқиб кетдим сенинг ёдиндан?
Дераза ёнида жон бермоқликдан
Ўзга қисмат йўқми тақдир хатида.

Дераза ёнида бу не кўргулик,
Нафас олмоқ қийин, қарамоқ оғир.
Шунча интилганим чиқдим и йўққа,
Шунча кўрганларим каммиди, ахир?

Чертман,
Тилимда ёнган исмингни
Улуғ оят каби айтиб ҳар сафар.
Сен эса чулғониб кокилларингга
Жонсиз ётибсанми...
Бахтдан беҳабар.

Сақини, дунёни ширин

Расул Жумаев



СУЯГИ ҚОТМАГАН ҚОТИЛЛАР

**Болаликдан маълум ҳар одам
Бола бошдан деган гап тўғри,
Мабодо мен шоир бўлмасам,
Бўлар эдим безори, ўғри.**

Ҳар тонг рўзнома харид қилиш учун туғруқхона эшиги ёнидан ўтар эканман, чақалоқнинг «инга-инга»си парйшон хаёлларимни тўзғитиб юборади. У ким? Кимнинг орзиқиб қутган зуррёди? Кимнинг жигаргўшаси? Қайси хонадоннинг чироғи? Кимнинг суянар тоғи? У қанча умр куради? Ким бўлиб етишади? Олимми, чўпонми, шоирми ё гадо? Балки йиллар ўтиб, бир кун у президент бўлар? Балки қиморбоз? Ким бўлмасин, ҳар холда, ҳали унвону ёрликларга, мартаба ёки тахаллусга эга бўлмаган бир инсон дунёга келди!

Инсон дунёга келса қувонамиз: «Униб-ўссин, олим, баҳодир бўлсин» деб ниёт қиламиз. Асло «улгайғач, қотил ва ё жиноятчи бўлсин, демаймиз. Ҳамма ҳам ўзи қўрмаган саодатни зур-

рёди кўришни, ушалмаган орзу-хавасларига фарзанди ети-шишини истайди. Фарзандини суйиб, не-не умидлар билан қатта қилади. Ғўдақлигидан оқдан қорани, яхшидан ёмонни фарқлашни ўргатади. Тўғри тарбия бериб, ўқитади. Агар, худо кўрсатмасин, унинг дилбанди 14 ёшидаёқ... қотиллик қилса-чи?

Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, бўлмасин ҳам. Истагимиз шу. Бирок, ҳақиқатдан қочиб бўлмайди-да: жумҳуриятимизда ўтган йилнинг дастлабки тўрт ойида 27 киши вояга етмаган ўсмирлар томонидан ўлдирилди, 48 киши эса тан жароҳати олди. Умуман, 1508 та жиноят содир қилинди, бошқача айтганда, олдинги йилнинг шу даврига нисбатан кўрсаткич 35,7 фоиз кўп, демакдир. Бу ҳали милиция ходимлари томонидан ҳисобга олинганлари, холос. Кўзни шамғалат қилиб йўл тўсаётганлар, автобус, троллейбусларда чўнтак кесаётганлар қанча-қанчалаб... Кейинги беш йиллик маълумотларига назар ташласак, ҳуқуқни муҳофаза қилиш маҳкамалари томонидан қайд қилинган 426143 та жиноятнинг деярли бешдан бир қисмини ўсмирлар содир қилганлигининг гувоҳи бўламиз. Фактлардан кўришиб турибдики, вояга етмаган ўсмирлар жиноятчилиги айни кунда камдан-кам учрайдиган фавқулодда ҳодиса эмас, балки яшаётган жамиятимизнинг қайсидир бўғини дарз кетганлиги, эскириб-бўшаганлигидан далолат беради. Бу жиноятчиликнинг йилдан-йилга ўсиб бораётганлиги ҳар бир кишини ташвишга солиши табиий. Аввалги йилга нисбатан олганда жиноятчилик Самарқанд вилоятида 91,6 фоиз, Сирдарё вилоятида 64,3 фоиз, Қашқадарё вилоятида 63,3 фоиз, пойтахтимизда 65,7 фоиз ошган. Нега?

Киши қачонки кун кечириши кийинлашиб, яшашнинг бирон-бир чорасини топмай қолганда жиноятга қўл уради. Тўғри, турмуш кийинлашиб кетди. Иқтисодий муаммолар тобора юзага қалқиб чиқмоқда, озиқ-овқат, саноат маҳсулотларининг тақчиллиги сезиляпти, шунинг натижасида бир томонда танқислик, бошқа томонда меҳнатсиз даромад топувчилар сони ошиб борапти. Лекин ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотмаган, бошларига оила тебратиш ёки мустақил ҳаёт кечириш масъулияти тушмаган ўсмирларимизнинг жиноятга қўл уришига, бадбинлик кўчасига қириб кетишига нима мажбур қилапти? Агар жараён шу зайдда давом этса, йил охиригача 4509 та жиноят содир бўлар экан. Ахир, вояга етмаган 4509 жиноятчининг ҳам ота-онаси бор-ку? Айб улардами? Ва ёки оврўпача умумлаштирилган боғча тарбияси, ёхуд мактабдами? Жамият ёхуд шу жамият зарраларини ташкил этувчи сизу биздами? Иқтисодий танглик ёки ҳаётдаги фавқулодда ўзгаришлардами?

Лукмони ҳаким уч кунлик ғўдақнинг отасига ўғилчасини тарбияга топширишга уч кун кечикканини айтгани ҳақидаги ривоятни ҳар биримиз биламиз. Келинг, биз ҳам аввал жиноятчининг дастлабки тарбияловчилари аҳолини ўрганишдан бошлаб саволларимизга жавоб қидирайлик. Токи ўғли қотиллик қилиб қора курсига ўтирганида, уларни билиб-билмай жиноятчини тарбиялаган дея айбламаймиз. Зеро, жумҳуриятимиз аҳолисининг 59,3 фоизини қишлоқликлар ташкил қилади. Қишлоқда боғчалар йўқлиги, бўлганида ҳам барчага жой етишмаслиги маълум. ҚМЖда кичкинтойларнинг атиги 24, Хоразм вилоятида 28,8 фоизи болалар боғчаларида тарбияланаяпти. Шу сабаб аксарият болалар ота-она қабатида. Энди ўзингиз бир ўйлаб кўринг, ота-она эрта баҳордан то кеч қузгача, бўёғи субҳи содидан шомгача даладан бери келмайди. Ўзбекчилик — уйи тўла бола. Улар ейиши-ичиши керак, на қишги-ёзги кийимлари бор, қолаверса, ўзбекнинг нимаси кўп, тўйи-маъракаси кўп. Тўйи-маъракасиз эса унга ҳаётнинг қизғини йўқ. Пахта иши маълум — салга қоса оқармайди. Шунинг учун қўлидан иш келадиганини далага олиб чиқади. Хўш, бола тарбияси-чи, у билан ким шугулланади? Бувиси, бобоси бор кичкинтойларга яхши, йўқлари эса эшикка осилган қатта қулфнинг «тарбия»сини ёки энди «й»дан «р»ни фарқлаб айта бошлаган «қатта одам»нинг ўғитини олади. «Қатта одам», яъни қулфнинг измида қолганларнинг қаттаси нимани хоҳласа, бу «қичкина жамият»да ўша нарса бўлади. Оқибатда қаровсизлик бошланиб, у салбий оқибатлар сари ўсиб боради. Қўлидан иш келадиганини эса «меҳнат тарбиялайди». Ота-онанинг тинмай эгاتларга етаклайверишидан у ҳаётнинг мазмунини пул топиш деб тушунади. Унинг онгига «иш, бу — пул», «кўп пул топиш — яхши ҳаёт кечириш» деган тушунча муҳрланади. Мурғак қалбда бунга иштиёқ уйғонади. Лекин ёш иштиёқманднинг иродаси кийинчиликларга чидамайди, ақсинча

оғир меҳнатдан юраги эрта безиллаб қолади. Меҳнатнинг энгил томонларини кидира бошлайди, бу ўз-ўзидан маълумки, жиноятчиликка олиб келади.

Хўш, нима қилиш керак? Нима қилсак биз болаларни бундай ноқобил тарбия муҳитидан олиб чиқамиз? Менимча, боғчаларни, уларда ишловчи малакали тарбиячиларни кўпайтириш лозим. Бугунги кунда жумҳуриятимизда кичкинтойларнинг атиги 35,8 фоизи болалар боғчалари ва яслиларга қатнашади. Демак, 64,2 фоиз кичкинтойларни боғча ва яслилар билан таъминлаш учун ҳозирги мавжуд бинолардан деярли икки марта кўп янгиларини тиклаш керак.

Бу борада Исроил давлатидан ибрат олса арзийди. Бу юрда энг кўп маблағ муҳофафадан сўнг таълим-тарбияга ажратилади. Чунки у ерда энг кадрли бойлик — одам ва унинг маърифати ҳамда инсонийлигидир. Бизнинг жумҳуриятимизда эса бир бузоқни вояга етказиш учун 2000 сўм, болани боғчада тарбиялаш учун 400 сўм сарф қилинади. Бу фактдан сўнг Лениннинг «Таълим-тарбияга сарф этилган капитал энг кўп фойда келтирувчи капиталдир», деган сўзларини эсласак, жумҳуриятимизнинг бугуни ва эртаси ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўламиз. Юқоридаги фактларнинг ўзидан келажак маънавиятимизда, тафаккуримизда нималар алоҳида ўрин олишини зукко ўқувчимиз англаб етди. Айнан ана шу тарзда жамият ҳаётини ташкил этиш ёшларимизни маънавий баркамолликка интилишдан кўра бойлик орттиришга хавасманд қилмаяптимики? Инсон кадрни шу аросат ичра йўқолиб кетмаяптимики?

Майли, бузоқ тарбиясига бола тарбиясига қараганда беш баробар кўп маблағ ажратилсин, чунки бизга гўшт ҳам керак. Негаки, бола гўшт эмаса кўшинининг товуғини ўғирлаши мумкин. Аммо, бу ерда яна бир «нотенглик» бор. Икки минг сўм маблағ билан жумҳуриятдаги барча бузоқлар таъминланади, тўрт юз сўм эса фақат боғчадаги болаларга. Боғчага бормайдиганлар-чи? Улар ҳам ўғай эмас, шу жамиятнинг болалари-ку! Уларнинг айби нимада? Ота-онаси оддий ишчи ё хизматчи эканлигидами? Еки боғчада хола-аммаси йўқлигидами? Бизнингча, фарзандлари боғчага жойлашолмаган ота-оналар маошига кўшимча қилиб боғча хақи тўланса адолатли бўлар эди. Фарғоналиклар боғча иморатлари қурилишини кутиб ўтирмасдан болалар сони ошиб бораётганлигини ҳисобга олиб, 308 та уй боғчалари очилди. Ҳам уй бекалари ишлик бўлди, ҳам 3200 бола боғча тарбиясига олинди. Албатта ҳозирча маҳсус иморатлар, зарур асбоб-ускуналар, озик-овқат маҳсулотлари етишмаслиги каби камчиликлар мавжуд, лекин йўқдан кўра борлиги яхши эмасми? Қолаверса, бу камчиликлар жумҳуриятимиздаги аксарият болалар боғчаларига хос бўлган хусусиятдир. Ҳозирги кунда жумҳуриятимиздаги боғчаларнинг ҳар учдан бири замон талабига жавоб бермайди. Боғчаларинда болалар организми кўп талаб қиладиган ҳўл мева, сабзавот, гўшт маҳсулотлари етишмайди. Қишлоқ боғчалари айрим пайтлар ҳатто егулик бўлмаганлиги учун бир неча кунга ёпиб қўйилади. Бунга қишлоқликлар аллақачон ўрганиб кетишган.

Жумҳуриятимизда бир боланинг боғчада уч маҳал овқатланиши учун 67-77 тийин ажратилади. Мутахассислар фикрича, бир боланинг бир кунда уч маҳал овқатланиши учун айна кунда бир ярим сўм сарф қилиниши керак. Кўриниб турибдики, болалар муассасалари учун ажратилаётган маблағлар нормасини ҳам қайта кўриб чиқиш лозим.

Боғча тарбияси ҳақида гапиряпмиз-у, аммо тарбиянинг шу йўсинда қўйилишининг ўзи тўғримики? Айниқса, қадимдан ўзига хос маданиятга, урф-одатларга эга бўлган осийликлар юртида. Оврўпача умумлаштирилган боғча, яслилар тарбияси бизнинг миллий ахлоқ-одоб доиралари билан сиғишармики?

Бунинг устига аксарият боғча, яслиларда ўн-йигирма болага ҳали тарбия нелигини билмайдиган, ўзи тарбияга муҳтож бўлган қизлар мураббий бўлиши тўғримики?

Эски вақтларда бизда боланинг етти отаси бўлган, яъни ога-ини қариндошидан тортиб кўни-қўшиниларигача болани тергашга ҳуқуқи бўлган. Эндиликда эса...

Тўғри, бола тарбияси жуда мураккаб, бутун бир омма иштирок этадиган узок муддатли оғир жараён. У нафақат ота-она ёки боғча мураббийсидан, балки барча жамият аъзосидан, яъни ҳар биримиздан ўта хушёрлик ва юксак онглилини талаб этади. Бу ҳаёт қонуни, бугун бепарво бўлсак, эрта бизни жазолайди. Ҳар бир жамият аъзоси шу жамиятда яшашни билиши, ўзлигини англамоғи лозим. Чунки бошқалар ҳаёти унинг фаолияти билан, у истайдими, йўқми бевосита боғлиқ. Жамиятдаги бошқа кишилар ҳам «менлардан иборат эканлиги, боланинг жамиятга илк қадами боғчалардаёқ уқтирилмоғи лозим. Маънавий тарбия топган, ўзлигини англаган одам бошқалар ҳаётига раҳна солмайди. Яқинда Тошкент шаҳридаги Ҳамза ноҳиясига қарашли болалар боғчаларидан бирида бўлдим. Унинг шахримиздаги болалар боғчаларидан ажралиб турадиган афзаллик ё нуқулдайлик томони йўқ, бошқалари каби оддий: бино, ўйингоҳ, ошхона, хордик олиш хоналари, ўйинчоқ ва жиҳозлар ҳаммаси бор. Менинг эътиборимни тортган нарса — ҳар бир болага кийим учун ажратилган шкафчалар бўлди. Шкафчаларнинг «гаройиб»лиги шундаки, ҳар биттасининг эшигига соҳибнинг катта сурати ёпиштирилибди. Балки «манга бу мен» деган ўзликни англаш тушунчаси худди шундан бошланар?

Мақтабда ўқиб юрган кезларим синфимизнинг «Наштар» деган деворий газетаси бўлар, у ҳаммамизнинг диққат марказимизда турарди. Синф раҳбаримиз ҳар ойда икки марта «Тарбиявий соат» дarsi ўтиб, унда ҳар биримизга «Синфдошларингдан сенга ким кўпроқ ёқади? Ким сенга ёрдам беради? Ким сенга ёқмайди? Ким сенга нисбатан маданиятсизларча муносабатда бўлади?» каби савол варақалари тарқатарди. Жорий саволлар умумий натижаси «Наштар»нинг «Мен ким? Уртоқларим мени қандай баҳолайди?» деган бурчагида рақамлар билан изоҳланарди. Масала: мени етти киши ёқтиради, қолганлари аксинча. Биз 23 ўқувчи эдик. Ҳаммамиз «Наштар»нинг келгуси сонини сабрсизлик билан кутардик. Энди билсам, ҳали ҳаётий тажриба билан ҳимояланганга ўсимирга ўзликни англаш нечоғли керак экан. Биз «Наштар»да ўзимизни кўрардик, ўзимиз ҳақимизда тасаввурга эга бўлардик. Агар бизни ёқтирмовчилар кўп бўлса, ўйлаиб қолардик. Одам бўлиш қанчалар кийин эканлигини ўшанда биринчи бор ҳис қилганман. Ахир, 23 кишининг кўнглини олиш, 23 киши ташвиши билан яшаш қанчалар кийин. Лекин бу иш қанчалик кийин бўлмасин, шунчалар завқли эди, чунки 15 ёшли грек ёзувчиси Платон ёганидек: «Атрофингизга бокнинг, ширинсухан одамлар, гўзал табиат, яшаш қандай яхши!» Энди билсам, биз ўшандай турткилар сабаб инсонийлик, унинг кадр-қиммати, унга мустақил ёндашиш, ҳаётнинг мазмунини бир қадар тушуна бошлаган эканмиз.

Амриколик руҳшунос Арнольд Гезелл тадқиқотларига кўра ўсмирнинг энг шаклландиган даври II ёшдан 16 ёшгачадир. Ўсмирда салбий, номақбул иллатлар пайдо бўлиши II ёшдан бошланар экан, 12 ёшдан у оила муҳитидан, тенгдошлари қарашларидан мустақил равишда ажралиб чиқа бошлайди. 13-15 ёшли ўсмирларда ғайриоддийлик, енгилтаклик, кино ва бадий китоб қаҳрамонларига ўхшашига интилувчанлик, ҳар бир нарсага кизикувчанлик каби ҳислатларни кузатиш мумкин. Шунинг учун ҳам бу даврда у ўзидан катталар нима деса ўшанга ишониб, унга эргашиб кетаверади. Немис руҳшуноси Шар-

Танишинг: Расул Жумаев.

Расул Жумаев 1966 йили Қўшрабoт туманига қарашли Жанбўлоқ қишлоғида туғилган. 1984—86 йилларда совет армияси сафида аскарлик бурчини ўтаган. Айни чоғда Тошкент Давлат доирлфунунининг журналистика шўбасида таҳсил олиш билан бирга ойномамизнинг мақоланавислик бўлимида

хизмат қилмоқда. Жумҳурият матбуотида унинг шеър ва ҳикоялари чоп этилган. «Сўзги қотмаган қотиллар» мақоласида у шу кунларда авж олиб кетаётган ёшлар жиноятчилиги, қотилликларни маънан бузилишлари ҳақида кўйинчаклик билан фикр юртади, бу фожевани келтириб чиқараётган омил-

ларни тадқиқ этишга ҳаракат қилади. «Яхшиликка далолат қилувчилар» — сиз азиз муҳлислар билан ҳамфикр бўлишни хоҳлаб, маънавиятимизни тўзатишда кўмак кутади. Зора, мақолани ўқигач, унга муносабат билдирасиз, дилнингиздаги фикрларни биз билан ўртоқлашасиз деб умид қиламиз.

лотта Бюлер фикрича, ички безовталик, юраги тошиш, сиқилиш каби хислатлар ўғил болаларда 14-16 ёшида, қизларда 11-13 ёшида ўсиш даври ҳисобланади. Бу ўсишларнинг ёмон йўлга кириб кетишининг энг хавфли давридир. Агар ҳуқуқбузарлик маълумотларига назар солсак, аввалги йили вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг деярли 75 фоизини 14 ёшдан 17 ёшгача бўлган ўсирилар қилишган. Унинг асосий қисми эса мактаб ўқувчиларидир.

Кейинги йилларда мактабларимизда ўқувчилар тарбиясига бўлган эътибор анча сусайди. Бир пайтлар баъзи юкори синф ўқувчилари яширинча тамаки чекишган бўлса, эндиликда кўпгина мактаб ҳовлиларида ошқора, оммавий, ҳатто қизларгача чекаётганлигининг гувоҳимиз. Буни гарчи ўқитувчилар кўрса ҳам кўрмаганликка олишади. «Бўйи ўзинг тенги, гап уқтирсанг қайтариб ёқанга ёпиштирувчи болаларга қандай оқил бўласан?» дейишади. Утган йили тартиббузарлик устида улашиб вояга етмаган ёшлар билан ишлаш инспекциясига 61946 нафар ўсмир олиб келинган. Шунинг 62 фоизини мактаб ўқувчилари ташкил қилади. Айниқса, ахлоқи, ҳаё-ибосию ифати билан мактанишни хоҳлаганимиз — қизларимизнинг ҳуқуқбузарлиги кишини ҳайратлантиради. Уларнинг жинояти олдинги йилга нисбатан 4,5 барабар ошди, яъни 1034 тадан 4744 тага кўпайди. Қизларимиз жиноятчи номини олдибими, демак, миллий маданиятимизга янгитдан назар солишимизга тўғри келади. Ақсига олиб ўқувчиларни бадий маданиятнинг энг яхши намуналари билан таништирадиган, уларда юксак гоъвий ва ахлоқий фазилатларни шакллантирадиган адабиёт, санъат ва тарбия дарслари соатлари қисқариб кетди. Маърифатли, онгли инсон бўлиб камолга етишиши учун кенжа авлодга китоб ўқишга ҳавас, эҳтиёж тўғрисида уйғотишимиз керак. Ахир, бусиз келажак ҳақида қандай сўз юритиш мумкин? Ақс ҳолда биз нима мақсадда ва нима учун яшайпмиз? Кишилар ҳаётининг бир бўлагига айланган овозгар, ойна жажох орқали янги чиқарилган китоб, унинг маърифати ва аҳамияти ҳақида гапириниши нутсак унутамиз-у, киритилган ҳар бир тўп ҳақида шарҳлашни унутмаймиз. Шунинг учун ҳам кейинги 20 йил ичда ўсириларнинг китоб ўқиш даражаси икки барабар қисқариб кетди. Аҳвол шу тарзда давом этаверса маънавий кўрлик натижасида ўсириларимизнинг ахлоқсизлиги, шафқатсизлиги, жиноятлар қилиши кўпайса кўпайди, асло қамаймайди. Шуни дадиллик билан айтиш мумкин: ўсирилар томонидан қилинаётган жиноятларнинг асосий қисми маънавий кўрлик оқибатида содир этиляпти.

Мактаб ўқувчилари тарбияси оғирлашаётганлигининг яна бир сабаби — бизда ўзига ҳос, ҳақиқий зиёли педагоглар жуда кам. Бунинг устига ўқитувчиларимизнинг кўпчилиги қисминин аёллар ташкил қилади. Тажрибадан бизга маълумки, одатда тарбияси оғир болалар аёл кишидан ҳайқмайдилар. Тарбия эса муаммолигича қолаверади.

Бизда «уят ўлимдан каттик» деган гап бор. Лекин Оврўпа маданияти ҳаётимизга кириб келиши билан бундай нақллар аста-секинлик билан ўз таъсир кучини йўқотиб борапти. Эски замонларда кишиларни ҳар хил номқабул ишлардан жамият қонунаридан кўра кўпроқ шарият қондалари сақлаб турган. Чунки шарият қондалари кишилар ҳаётига яқин туради. Масалан, ўрта Осиёда энг кўп қўлланиладиган Ҳожа Бурхониддин Марғинийнинг қаламига мансуб «Ал-Ҳидоя» мажмуасида мусулмон қондалик ҳаётида рўй берадиган ҳар бир қилмиш шарҳлаб берилади. Қайси бири тўғрию қайси нотўғри эканлиги уқтирилади. Гуноҳни ювиш тадбирлари ҳам кўрсатилади. Шунинг учун кишилар унга қаттиқ риоя қилишган. Айни пайтда ҳам Куръони карим, Ҳадиси шариф, Қайковуснинг «Кобуснома», Фихҳга оид (шарият қондалари) асарлар мажмуаси алоҳида дарс сифатида мактаб ўқув планларига киритилиши даркор. Балки ушбу китоблардан фойдаланиб умумий дарслик чоп этиш лозимдир, балки ҳар бирини алоҳида ўрганиш керакдир, бу олимларимизнинг эътиборига ҳавола. Муҳими, бизга тарбия берадиган дарслик лозим.

Албатта, мен вояга етмаганлар жиноятчилиги ўсиб бораётганлигининг бирдан-бир сабаби тарбиямиздаги номуқаммалликдан деган ҳулосадан йироқман. Бу «ўсиш»нинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ва қонуний сабаблари бор. Фақат мени ташвишлантираётган нарсаси утган беш йилда қилинган 22176 та ўғирлик, талончилик, қотиллик, безорилик ва бошқа жиноятлар илгари судланмаган, ҳатто иқтисодий муҳтож бўлмаган ота-онаси бор ўсирилар томонидан содир этилганлигидир.

Бошқача қилиб айтганда, орамизда, сизу менинг воқифлигимизда 22176 та жиноятчи туғилди. Биз уларни кўриб, билиб шу кўчага кириб кетишига муҳит яратдик, йўл қўйдик. Ваҳоланки, биз уларни шу кўча бошида тургандаёқ қайтарсак бўлар эди.

«Сизларнинг қай бирингиз бирор жиноят ёки гуноҳ иш қилаётган одамни кўрсангиз, уни аввало қўл билан қайтаринг. Бунга имкони бўлмаса, тил билан қайтаринг. Бунга ҳам қодир бўлмасангиз, дилингизда нафратлашиб туринг. Лекин бу учинчиси одамнинг имони заифлигига далолатдир», дейилади Ҳадиси шарифда. Ва, яна «Сизларнинг ҳар бирингиз бамисоли чўпондирсизлар ва ўз қўл остиларингиздагиларга масъулдирсизлар. Подшоҳ ўз фуқароларига, эр ўз аҳлу аёлига, хотин эрининг уйига, ходим ўз хожаси молига, фарзанд ўз отаси мулкига масъулдир. Демак, ҳар бирларингиз масъулдирсизлар», дейди яна Расуллоллох.

Демак, биз ҳам токи жамиятимизда юкорида айтилган ярамасликлар бор экан, кейингиларнинг олдини олишга, кўриб туриб йўл қўймайлик ҳар бирининг масъулдирсизлиги. Чунки бу ишни фақат ҳуқуқ ходимларигагина юклаб қўйсақ, у ярадек газаклаб кетаверади.

Амрико руҳшунноси Гарри Салливаннинг кузатишларига қараганда, балоғат ёшига етаётган айрим йигит ва қизларда жинсий яқинлик эҳтиёжи ўта кучли бўлади ва бу ўсириларнинг бутун ақлу хушини ўғирлаб қўяди. Агар бирон бир чора бўлмаса, эҳтиёж қондирилмаса, у асабийлашиб жиноятлар қилиши, ҳатто ўз ўзини ўлдириш жожеасига етиб бориши мумкин. Бундай ҳодисалар бизда ҳам тез-тез такрорланиб туради. Бирок, бизда кўпинча ўз-ўзини ўлдириш, зўрлаш ва шу эҳтиёж таъсирида қилинаётган ўсирилар жиноятчилигига бошқача кўз билан қаралади. Дейлик, бирор ўсирида шу эҳтиёжнинг ривожланиши натижасида у асабийлашиб бир кишини урди ёки безорилик қилди. Ҳуқуқ химоячилари дарҳол иккиси ўртасида олдин тафовут бор-йўқлиги, олдин қимдан ўтганлигини сўраб-суриштириб қимдидир айблашга ва шу билан тезроқ ишни якунлашга интилишади. Ваҳоланки, бу ерда айб табиий эҳтиёжда бўлган. Шунинг учун бўлса керак, эски пайтларда бизда қизларни 11-13 ёшдан турмушга чиқаришган, ўғил болаларни эса 12-16 ёшдан бошлаб уйлантиришган. Албатта, мен ҳали оила нимагини билмаган йигитчаларни 14 ёшдан уйлантириб қўйиш керак деган фикрда эмасман. Шусиз ҳам 1989 йилда оилавий ажралишлар жумҳуриятимизда 24114 тани ташкил қилди. Бирок оилавий ажралишлар оқибатида келиб чиқаётган ўсирилар жиноятчилиги салмоғи билан уйлантиришни маълум ёшгача чегаралаб қўйиш натижасида қилинаётган жиноятлар салмоғи деярли тенгдир. Афсуски, бизда масалага бу томондан ёндашилмайди.

Кўчаларда, бозорларда, истироҳат боғию трамвайларда, ҳатто маданият ўчоғи бўлмиш илм масканию дам олиш муассасаларида ҳар икки гапнинг бирига уятсиз сўзларни тиркаб, маҳаллий шевада гапирётган ўсириларга тез-тез дуч келасиз. Хижолат чекасиз. Бирор нарсаси дейишга журъат қилмайсиз. Чунки улар уятли сўзларсиз гапирувчилар устидан «интеллигент» дея масхаралаб кулишади. Бизда зиёлига бўлган муносабат шу даражага «ўсиб» етди. Олмониялик профессор Г. Шнейдер олиб борган тадқиқотларида мамлакатдаги жиноятларнинг асосий қисми маълум оқимлар ва гуруҳлар ичда ўсиб етилишини таъкидлаб ўтади. Бизда ҳам жиноятчилар бўлиб етишувчи бундай гуруҳлар жуда кўп лекин улар Олмониядаги каби рўйхатга олинмайди. Бундай гуруҳларни жумҳуриятимизнинг деярли барча шаҳарларида, ноҳия марказларида учратиш мумкин. Уларнинг ўзагини кўпинча ҳеч ерда ишламайдиган бекорчилар ва билим юрти талабалари ташкил этади. Аксарият гуруҳ бошлиқлари камалиб чиққанлар бўлади. Камалиб чиққанлар суд ҳукм моддасига қараб гуруҳда ўзига ҳос ҳурмат ва диққат-эътиборга лойиқ бўлади. Айниқса, қотиллик қилиб камалиб чиққанлар фикри гуруҳда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Тошқент шаҳрининг кўпчилик маҳаллаларида шундай ва шунга ўхшаш майда гуруҳларга дуч келиш мумкин. Улар асосан майда безорилик билан шугулланишади. Бемаҳалда юрувчилар йўлини тўсишади ёки автобусларда уч-тўртта бўлиб чўнтак кесишади. Бу гуруҳларга ҳар қим ҳам қабул қилинавермайди, «интеллигент»ларни эса хушлашмайди. Лекин шу нарсани сездимки, маҳалладаги кўпгина кичкинтойлар шу гуруҳга қўшилишни ўзи учун фахр деб билади ва «интеллигент»ликдан воз кечишади. Айнан ана шу гуруҳларда янги-янги жиноятчилар бўлиб етиляпти. Бундай гуруҳлар

қандай пайдо бўляпти? Бундай гуруҳлар пайдо бўлишига жамиятимизда қандай эҳтиёж бор?

Бунинг турли хил сабаблари бор. Бундай гуруҳларнинг пайдо бўлаётганлигининг биринчи сабаби жумҳуриятимизда энг долзарб бўлиб турган ишсизлик муаммосидир. Шунинг учун ҳам бу гуруҳларда камалиб чиққанлар фаолияти сезиларли даражада. Лекин бу гуруҳларга мактаб ўқувчилари, билим юрти талабалари нима учун қўшилиб кетаяпти?

Яқинда шаҳар ичида қатнайдиغان 34-автобусда бир жанжал ва янгиликнинг гувоҳи бўлдим. Янгилик шундан иборатки, шаҳар ижроия кўмитаси қарори билан эндиликда 7 ёшдан бошлаб болалар шаҳар ичида қатнайдиغان автобус, троллейбус, трамвайларга йўл кираси тўлаши керак экан. Жанжалнинг сабаби ҳам шунда эди. 7-9 ёшлар атрофидаги боланинг онаси автобусдан пастга тортса, бир кўлидан паттачи аёл юқорига тортади, бола эса нима қиларини билмай нуқул йиғлайди. Содир бўлаётган ҳодиса кулгили ҳам аянчли эди. У шунинг учун ҳам кулгули эдики, бола йиғларди, бекатдаги ва автобусдаги одамларнинг ярмидан кўпи куларди. У шунинг учун ҳам аянчли эдики, бола йиғларди, бекатдаги ва автобусдаги одамларнинг ярмидан кўпи куларди.

Ҳа, биз шундай — ўз фожеамизни ўзимиз яратамиз ва ўзимиз куламиз. «Ҳамма яхши нарсалар болаларга!» деймиз-у, катталарни абгор қилаётган қонуларимиз билан ҳатто болаларни ҳам сиқиб қўямиз. Ахир, ҳали дунё нелигини англаб етмаган у болакайда нима айб?? Ишлаб пул тополмаслигимиз? Кишлоқлик тенгқурининг пахта ичида юрганлиги етмаётганмиди? Ойиси шунча одамлар олдида паттачи аёлга 10 тийин узатмаган бўлса унда нима айб? Ҳа, биз болаларни ёшлигиданок аросатга соламиз. Бир кўлидан ота-она, бир кўлидан «паттачи аёл»ли жамият торткилайди. У эса... Йўқ, янглишдингиз, йиғламайди. Тўғри, бир-икки, ошиб борса уч марта изза бўлади, сўнгра бу муаммони ўзи ечади. Қандай қилиб? Махалладаги гуруҳга қўшилади ёки ойнаи жаҳон унга Оврўпа фильмлари орқали ёрдамга келади. Бу ҳисса ўз навбатида уни видеобар, видеосалонларга етказилади. Ҳа, биз болаларни мумкин: «Видео унинг чўнтагини қоклайди», деб, йўқ, яна янглишдингиз, видео унинг чўнтагини «тажриба» билан тўлдиради. Давлатнинг барча видеокурималари келтираётган фойда бу «тажриба»нинг ўрнини қоплармикин? Жиноятчиликнинг тобора шадқатсиз, аёвсиз тус олиб бораётганлиги ҳам худди ана шу видеокурималарнинг «соф фойда» сидир. Айтайлик, жиноятчилик илгари кишиларни дўк-пўписа билан кўрқитиб, майиб қилиб, мақсадлари сари интилишса, эндиликда совуқ қуролларни ишлатиш билан муомала қилишяпти. Замонавий

қуролланиш ва муомалада бўлишни қонун ҳимоячилари жиноятчилардан ўрганса бўларди. Негаки, ҳар йили минглаб жиноятлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш маҳкамаларининг замонавий техника ускуналари билан таъминланмаганлиги баҳонасида очилмай қоляптики, бу жиноятчиларга қўл келяпти.

Ушбу мақолани тайёрлаб журналга тушираётганимда циркчилик бир гуруҳ йигитлардан ойнома номига хат келди. «...Бизнинг кичкина қишлоғимизнинг ўзида яқин уч йилда иккита қотиллик юз берди. Кечagina биз билан чақнақлашиб юрган тенгқуримиз Алишержонни шу йил (1990) 8 август кунини ўлдириб кетишди. Ҳали ҳаётга тўймаган кўзлар бевақт юмилса алам қилар экан. Ҳамқишлоғимиз Ярашев Жаъмуродни эса кечаси ўз уйининг ёнида уриб ўлдиришган. Тўртта боласи билан хотини бўзлаб қолаверди. Ички ишларимиз ходимлари бу қотилликнинг илдизини ҳанузгача топгани йўқ, топиш учун заррача ҳаракат қилмаяптилар. Шундай ҳақаларда ич-ичингдан чуқур хўрсиниқ чиқади-ю, инсон тақдирига бепарволик, эътиборсизликдан эзилб кетасан. Наҳотки жиноятчилар қамоққа олинмай ялло қилиб юриши замон талабига жавоб берса», деб ёзишди хат муаллифлари Сандов Ботир, Қурбон Дониёр, Жовлиев Ботир ва бошқалар. Шунингдек, шу кишлоқлик Б. Хўжамуродов ҳам бизга хат йўллаб, унда марҳум укаси Алишержоннинг қотиллари ҳақида ёзади. У ноҳия ички ишлар ходимларининг фаолиятдан норозилигини билдиради ва «биз қидирган ҳақиқат қонун ҳимоячилари томонидан юзага чиқмаса кимга мурожаат қилишимиз мумкин?» деб сўрайди.

Бир нарсга дейишга қийналасан киши. Ҳақиқатан ҳам ҳуқуқимиз ҳимоячиларининг ўзлари жиноятлар илдизига етолмай (балки бепарво) бармоқ тишлаб қолганда оддий фуқаро нима қилсин? Шунинг учун ҳам жиноятчилар авлоди янги сафлар ҳисобига бойиб борапти.

Оилада чақалоқ туғилди. Бу унинг отаси, онаси, оғайни-қариндошлари, яқинлари қалбида ёруғлик туғдиради. Шу ёруғлик абадий қоладими? Бу чақалоқдан кўра кўпроқ ота-она, уни қуршаб турган муҳит, жамият, қолаверса, сиз азиз ўқувчи ва менга боғлиқдир. Ҳаёт шу каби иплар билан чамбарчас боғланганки, бу бир парча этнинг яхши инсон бўлиши учун ҳар биримиз қайғуришимиз, унга нисбатан бепарво бўлмаслигимиз лозим. Ким бўлмайлик, бу ҳаётнинг МЕҲМОНИ сифатида унга тўғри йўл кўрсатайлик, яратган муҳитимиз, ижтимоий қонуларимиз уни ҳар қадамда жиноят сари етакламасин. Зеро, пайғамбаримиз айтганидек, «Яхшиликка далолат қилувчи билан уни бажарувчининг савоби тенгдир».



ОҚИВАТСИЗЛИК ОҚИВАТЛАРИ

Вояга етмаганлар жиноятчилиги камайиш ўрнига аксинча йил сайин ортиб бораётгани факт. Улар содир қилаётган жиноий ҳатти-ҳаракатлар баъзан катта ёшдаги шахслар томонидан ўсмирларнинг гўрлиги ёки шўхлигининг кўриниши деб баҳоланади (ўқув муассасаларида, дўконлардаги кичик ўғирликлар, безорилик ҳаракатларини содир этиш, кичик ёшдаги болаларнинг пулини олиб қўйиш ва бошқалар). Кўп ҳолларда бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига хабар берилмайди. Бу эса ҳақиқий аҳволни билишни ва олдини олиш чораларини қўллашни анча қийинлаштиради.

Шу йилнинг 10 сентябрь кунини кундузи вояга етмаган Гречушкин Эдуард Викторович (17 ёшли, ҳеч қаерда ишламайди) бир гуруҳ ўртоқлари билан бир фуқаро уйига ўғирликка тушишган. Уларни бу йўлга 30 яшар Қобилов ундаган. Улар уй эгасига тегишли бўлган 30303 сўмлик маблағни ўмарилган. Ҳали 18 га тўлмаган, оила ташиши бошига тушмаган болага шунча пулнинг нима кераги бор? Юқоридаги саволларни қайта-қайта ўзимизга берганимиз билан бирон нарсга ўзгарармиди? Қайтанга ундан ҳам оғир жиноятлар кун сайин кўпроқ содир қилинмоқда.

Давлат мулкига кўз олайтиришга ҳирс қўя бошлаган ёш

авлодни қайси йўл билан тартибга солиб бўлади. Эндигина 17 ёшга кирган болакай иккинчи марта қора қурсига ўтиришини ўйлаб кўринг-а. Шу йилнинг 1 октябридан 2 октябрга ўтар кечаси илгари ҳам судланган бўлишига қарамасдан вояга етмаган Содиқов Бахтиёр (Тошкент шаҳрининг С. Раҳимов райониди яшовчи) яна ўғирлик содир қилган. У вояга етмаган шериги билан давлатнинг 368 сўмлик маҳсулотини дўкондан ярим тунда ўмариб кетаётган пайтда қўлга тушган. Унинг «орзу»лари рўёбга чиқмади. Қўлга қиритган тақчил нарсаларини (тамаки) 3-4 баравар нарх билан сотиб, фойда қўрмоқчи бўлган. Бу эса яна ҳам оғир жиноятларни келтириб чиқаришга, қанчалаб одамларнинг ёстиғини қуритишга замин яратиш эмасми? Бундай кўплаб жиноятларни фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимларига олдини оладилар десак янглишамиз. Ота-она, жамоатчилик назорати қаёқда қолди? Жиноят содир қилган болалар ўқиётган мактаб, улар ишлаётган ташкилот ходимлари ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаяпмиз», деб даъво қилишни билишадими-ку.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг тузлишига назар ташласак, у ҳолда одам ўлдириш жиноятлари 50,2 фоизга (жумҳуриятимиз бўйича эса 28,6 фоизга); қасддан оғир тан

жароҳати етказиш — 30,8 (мос равишда 45,4) фоизга; номусга тегиш 12,2 (16,7) фоизга; босқинчилик жиноятлари — 46,2 (23,6) фоизга; талончилик жиноятлари 28,9 (32,7) фоизга; фуқароларнинг шахсий мулкани ўғирлаш жиноятлари 20,0 (25,6) фоизга, жамоат ва давлат мулкани ўғирлаш 28,3 (29,3) фоизга ўсганлигини кўрамыз. Умуман, ушбу кўрсаткичлар 1990 йилда олдинги йилларга нисбатан бир мунча юқоридир.

Буларнинг барчаси ўз навбатида мамлакатимизда кримноген вазиятнинг кескинлашиб кетганлигидан далолат беради. Бу ерда фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг олиб бораётган ишлари билан қаноатланмасдан, балки бутун жамоатчиликнинг диққат-эътиборини шунга қаратиш зарур. Акс ҳолда вазият яна кескинлашиб кетади. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг даражаси, тузилиши ва ўсишига таъсир этувчи омиллар менимча қуйидагилардан иборат:

1. Вояга етмаганлар ўртасида уларнинг турар жойларида, ўқиш ва иш жойларида тарбия ишларини ташкил қилиш даражасининг қоқоқлиги; (мамлакатимиз бўйича 1989 йилги вояга етмаганлар жиноятчилиги маълумотларига кўра умумий жиноятлар сони 138562 тани ташкил қилган бўлиб, шулардан 50725 тасини мактаб ўқувчилари, 63696 тасини ҳунар-техника билим юрталари, 15409 тасини техникумларнинг талабалари содир қилганлар.)

2. Ижроия қўмиталари қошида ташкил этилган вояга етмаган шахслар ишлари билан шуғулланувчи (йиғинмалар ва ички ишлар бўлимлари қошидаги вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи текширувчилар фаолияти ҳозирги давр талабларига умуман жавоб беролмаслиги;

3. Катталар жиноятчилигининг вояга етмаган шахслар жиноятчилигига бевосита таъсир кўрсатишининг олдини олиш борасида ҳеч қандай тадбир-чоралар кўрилмаётганлиги;

4. Усмирлар ва болаларнинг қонун билан қўриқланадиган илм олиш, дам олиш, меҳнат қилиш, уй-жой билан таъминланиш, даволаниш ва бошқа ҳуқуқларнинг тез-тез бузилиб туриши, яъни уларнинг ижтимоий томондан ҳимояланишидаги чуқур нотекисликнинг давом қилаётганлиги;

5. Кейинги пайтда аҳолининг маънавий савиясини ошириш учун хизмат кўрсатиш «шиори» остида ташкил этилаётган видеосалонларда ҳаёсизлик ва фаҳмсизликни, ваҳшийлик ва жирканчликни тарғиб қилувчи видеоленталарни намойиш қилиш устидан қаттиқ назорат ўрнатилмаганлиги (расмий ҳужжатда таъкидланишича, Тошкент шаҳрида уч ўсмир 9 ёшдаги болани кўз кўриб қулоқ эшитмаган қийноқлар билан азоблаб ўлдирган. Қотилларнинг энг каттаси 13 ёшда. Аниқланишича, улар муштумзўрлик, қотилликнинг турли усулларини намойиш этувчи даҳшатли видеофильмларни сурункали томоша қилишган. Яқун топган оқибатга қаранг).

6. Овозгар ва ойнаи жаҳонда берилаётган кўрсатувларда, шунингдек, оммавий-бадий саҳифаларда беҳаёлик ва шармсизликни тарғиб қилувчи чиқишларга кундан-кунга оммавий тус берилаётганлиги;

7. Жойларда вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик чуқур таҳлил қилинмаслиги, жиноятлар содир қилинаётган вазиятларни ўрганишга бепарволик билан қарашлар давом этаётганлиги.

Умуман, юқоридаги айтганлардан шундай хулосага келишимиз мумкинки, вояга етмаганлар жиноятчилигининг даражаси, унга таъсир этувчи омилларни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш, уларнинг шахс сифатида шаклланишида муҳим ўрин эгалловчи тарбия жараёнидаги камчиликлар, узоқ давр мобайнида йиғилиб келаётган, ҳал қилиниши жуда оғир кечаётган иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ўсмирлар томонидан содир қилинаётган жиноятларнинг камайишига катта тўсқинлик қиляпти.

Юқорида кўрсатиб ўтилган, вояга етмаганлар жиноятчилигининг ўсиши ва кримноген вазиятнинг янада кескинлашиб кетишига ва бошқа жиноий оқибатларга олиб келувчи омилларни бартараф қилиш учун кескин кураш олиб бориш жамиятимиз ҳар бир аъзосининг авлодлар олдидаги, келажакимиз олдидаги ҳам қарзи, ҳам фарзидир.

Илгизар СОБИРОВ,
Ўзбекистон ССЖ ФА Фалсафа ва ҳуқуқ
институтининг илмий ходими.

Назари

Ўктам Мирзаёв

1956 йилда Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида туғилган. ТошДД жур-настика куллиётини битирган. Ҳозир «Гулистон» журналида масъул котиб бўлиб ишлайди. «Огоҳ кўнгли» номли ilk шеърый тўплами нашр этилиш ара-фасида.



Мени кутган деғазалар оғини

Ун сакиз йил дема, юз саксон йил йлса, улдурур
Хусн шоҳи, ул балоларким кўзу қошиндадир.

Мир Алишер Навоий

Кўз-қошидин жонима ёғди балолар, найлайин,
Кўзина жондин, лабина лабдин мухаммас бойлайин.

Тор-мор этса кўнглини киприги лашкарлари,
Бир қадам узлат, беҳишт, қай бирини сайлайин?

Мен киму Мажнун ким ишқ дайрининг саҳросида,
Ҳажрида ашқлар тўкиб, ўксук кўнгулни намлайин.

Ул моҳ эрур кўк тоқиди, тубандаги оҳман ўзим,
Оҳ, десам офтоб куяр, баҳри муҳитни айтмайин.

Эй, Навоий, байт аро байтлар келар жон оғзидан,
Байтларимдан бўйнига шода маржон тайлайин.

Ун саккиз ёшинда ул қатлим сўрар васли учун,
Ўктамо, очғил дилинг, бир ўқ нишони айлайин.

* * *

Мени кутган деразалар очилди,
Эпкиндан энтикар ҳарир пардалар.
Баҳорда гулларнинг сири сочилди.
Мен пайдо бўлман тош кўчаларда
Эртадан кечгача дайдиб юргани.
Ва кўргани ул деразада
Сири фош гулларнинг титраб турганин...

Битиклар

* * *

Тушунмасанг,
Кўрмасанг,
Ҳис қилолмасанг
Гуноҳи не япроқнинг?..

* * *

Мен дарахтман —
Тўлғонаман зирқироқ дарддан.
Суюк ёриб чиқар куртагим —
Барқ уради сўнг илиқ тафтдан
Кўксимдаги мунис ўртоғим...

* * *

Соғиндим сизларни, сўзларим,
Соғиндим сизларни, оҳанглар.
Қалбим, бир куй чалиб берсанг-чи,
Энтикиб тингласин райҳонлар.

Кўнгил билан суҳбат

— Кўнгил, яшашга кўнгил
шамолларга,
тўзонларга,
чақмоқларга,
Дарахтлардай бепарво туриб —
шамоллар,
тўзонлар,
чақмоқлар,
букса-да қаддин,
Томирлари турар гупуриб.

Изланаётган сўз

Бир сўз дегим келади қониб,
Мен шу ёнар сўзни излайман,
Қалбим қонар, сўзни излайман.
Вақтнинг панжалари эса
Бўғ-зим-да!

Ҳолат

Ипақлар сийрилар қиз бармоғидан,
Буралиб кўнади қийиқчасига.
Қатимлар эшилар қалб арқоғидан,
Айланар бағирнинг бир парчасига.
Хаёллар тасвири қийиққа инар,
Кўчада бир товуш... ўхшар исмига...
Ойнага талпинар, нигоҳи синар.
Суюнар дераза кесакисига...

Оғриқ

Ўттиз иккида ёшим,
кўксимда кўрғошин —
Ким отди, ким отди?

Ухла болам, сенга нима зарур,
мени-ку оғриқ уйғотди.
Пирпиратиб киприқларингни
дардмандим бўласан,
мунгларга тўласан,
жилмайсам, куласан.
Оҳ, ночор дардмандим,
Сенга нима зарур,
ухлагин.
Балки фазогир бўларсан тушингда,
Ахир ойни, юлдузларни кўргинг келар-ку,
Сайру сайҳатни сен ҳам кўрсайсан.
Поездлар елади, қишлоқ буржидан,
сен пахта чангаллаб, қўлинг силтайсан.
Ухла болам, ухла, тушлар кўр тиниқ.

Ўттиз иккида ёшим,
кўксимда кўрғошин —
Ким отди, ким отди?

* * *

Сабрли бўл, ўғлим, сабрли,
сабрнинг остида олтин гуллайди.
Бобомнинг ўғити, бобомнинг сўзи
Кулоғимда ҳамон гувиллайди.

Оҳ, жабр, оҳ, жабр...
Сабримнинг остида олтин гуллади.
Шайдо бўлиб турсам, уни ҳам
Савдогар ўзимга пуллади.

Палто

Палтога кўп бўлди-да жабр,
Саксон учдан бери кияман,
Менда бору унда йўқ сабр.
Увланган, эшилиб кетган,
Чўнтаклари тешилиб кетган.
Чимчилайди изғирин безбет,
Лағнат дейман, жунжикади эт.
Токайгача бўғзимда бу сўз
Кун кўради кечаю кундуз.
Шартта бўғиб, чўнтакка солдим,
Покладим-да дилни шу сўздан
Нашриётга илдам йўл олдим...
— Алангали саломлар биздан.
— Салом, салом,— дилкаш ноширлар.
Суҳбатидан жон олар ором.
Чой қуяди, тўрга ўтқазар,
Эт ўлдириш бошланар зимдан;
— Насиб, бўлса, кеп қолди тўқсон,
— Тўқсон, тўқсон, борсан ё йўқсан,
Шивирлайман ўзим, ўзимга.
Сўнг қайтаман палтони сўкиб,
Ахир кимнинг олай бўғзидан,
Бари дилкаш, бариси дўсттан.
Изғириндан жунжикади эт,
Қаҳратон ҳам заптига опти,
чўнтагимга қўл тикаман... эҳ,
...Сўз тушиб қопти...

Адабий танқид

Талабдорлик ишқини юз минг мисра

Алишер Навоий ўз ақлу заковатини жуда ёшлигидан бошлаб жонажон халқининг маънавий-маданий равнақига хизмат қилдирган буюк сиймодир. Ўз халқининг — «эгнида ширдоғу, бошида қаллоқли ўзбек»нинг маънавий оламини бадиий ижод орқали бойитишни ўзининг юксак бурчи деб билган шоир, ҳатто халқ бошига бало, офат тушадиган бўлса, доимо у менга келсин дейди:

Агарчи саъб балодур вале будур тилагим,
Ким бу бало манга бўлғай ҳамиша то бўлғай.

Алишер Навоий халқининг дилини равшанлаштириш, ҳаёт гўзалликларини турли назм бўёқлари билан кўришига муяссар қилишдек улугвор машаққатли ишга бел боғлайди. «Турк алфозига дағи мулоҳазани лозим кўрилди — оламе назарға келди, ўн саккиз минг оламдин ортиқ, анда зеб ва зийнат; ва сипехре табъга маълум бўлди; тўққуз фалакдин ортуқ, анда фазл ва рифъат; махзана учради, дурлари кавокиб гавҳарларидин рахшандароқ; ва гулшана йўлуқти, гуллари сипехр ахтаридин дурахшандароқ; ҳарими атрофи эл аёғи етмакдин масун ва ажноси ғаройиби ғайр илги тегмакдин маъмун».

Улуғ шоирнинг бу сўзлари унинг ўз ижодидида — тўртта ғазаллар девони, «Хамса»си ҳамда бошқа жамъи 25 та асардан иборат ўзбекча (туркча) ёзилган мероси мисолида яққол кўринади.

Алишер Навоийнинг қалам аҳлидан ва ўзидан ҳам ягона талаби: «сўзни кўнгилда пишқармагунча тилга келтурмас»ликдир:

Донау дур сўзини афсона бил,
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил.

Мазкур байтдан ҳам яна бир бор кўринадики, поэтик ижодда шоир сўз қўллашининг ўта устаси — етук санъаткор бўлган.

Маълумки, Алишер Навоий 8—9 ёшларидан бошлаб етук ғазаллар ижод қила бошлаган. Бироқ назмий ижоди шарқ адабиётидаги девон тузишининг анъанаси ва маълум талабларига тўла мос келган бўлса ҳам ёш шоир ўз ғазалларини девон сифатида тўплашни йўламай, ҳар кун и янги мавзуда «абётлар» битганини

Ҳар кун яна бир ишқ иладур афсона,
Ҳар тун яна бир шамъгадур парвона.
Иш анга жунун, манзил анга майхона
Девон ясамоқни не билур девона —

тарзида айтган эди.

Алишер Навоий ҳар бир байтини фарзанд деб билади.
Дастлаб, 1484 йилда

Шеър ҳам чун кишигадур фарзанд,
Кўнглига қуту бағрига пайванд,

деса, 1485 йилда ҳатто шеърни ташкил қилувчи ҳар бир сўз туғишган, ўз боласига ўхшаш эканлигини таъкидлайди.

Ки сўз зодаи табъи фарзанд эрур,
Чу фарзанд эрур, жонга пайванд эрур.

Шоир бу фикрларини 1499 йилда эса хулосалаб:

Жаҳонда кимга бўлса мунча фарзанд,
Ки бўлғай барча руҳафзоу дилбанд —

дейди. Ҳақиқатан ҳам, шоирнинг ўз «фарзанд»лари воситасида мана асрлар давомида «руҳафзоу (руҳлантирувчи) дилбанд (фарзанд)» бўлиб келаётгани шубҳасиздир.

Алишер Навоий девон тузишига фақат ўрта ёшарлик даврида киришади:

Навоий ғамга қолди ўз каломи жонфизосидин,
Анингдек ким, етар булбулға меҳнат ўз навосидин...

* * *

Ранж кўрмай киши топарму фароғ,
Кўнгли ўртамайин ёнарму чароғ.

* * *

Тухм ерга кириб чечак бўлди,
Кўрт жондин кечиб ипак бўлди.

Шоир адабий фаолиятига танқидий қараб, ўз-ўзига савол беради:

Лола тухмича ғайратинг йўқму?
Пилла қуртича ҳимматинг йўқму?

Зўр ихлос ва қунт билан «абёт»ини девон қилишига киришганини маълум қилади:

Ҳукм мазмунига қалам чектим,
Сафҳи тартибига рақам чектим.

Мана шундай заҳматлардан сўнг «Чор девон» ёки «Хазойин ул-маоний» девонлари тартиб топган эди. Алишер Навоий ўз девонларини шоҳнинг қасри, ўзини эса мана шу олий қасрни безовчи меъмор, балки мардикор деб билади:

Ғарз ул эрдиким, бу қасри олий,
Ки ҳаргиз бўлмағай, ёраб, заволи...
Ани шаҳ иҳтимоми қилди маъмур,
Мени меъмор фарз эт, балки муздур.

Ҳар бир меъмор, уста ўзи барпо этадиган олий қасрлар пештоқиға, албатта, исмини ёзиб қўяди. Мазкур «шоҳ қаср» айвони пештоқида ҳам Алишер Навоийнинг исми ўчмас нурли зарлар билан битилажигини шоир қуйидагича ифодалайди:

Китоб ўлғай бу қасри чархи кирдор,
Бу исм айвонида бўлғай намудор...
Бу шоҳ айвони умрининг бикоси,
Матин ўлсун, нечукким чарх асоси.

Қадар девонидин ҳар лаҳза комин,
Қазо дилхоҳидек еткурсун, омин!

Алишер Навоий девонидаги ғазалларнинг турли вақт ва ҳолатларда ёзилганлиги ҳамда барча байтларининг умумий ҳажми ҳақида қуйидагича маълумот беради: «Яна дақойиқшиор муҳаққиқлар хизматида ва ҳақойиқдисор му-

даққиқлар ҳазратида арзим улдурким, бу паришон абётим, шаҳ қилгондек тартиб топти, бу зобита қайдига кирмастин ва робита силкига тортилмасдин бурун, бу жиҳатдинким, агар баъзиси васатисинда айтилгон бўлса, баъзи сиғарисинда айтилиб эрди ва баъзи фикрий бўлса... бадиҳа ва баъзи соғ эрканда бўлса, баъзи усруклукда ва баъзи хушмандликда бўлса, баъзи девоналикда воқиғ бўлб эрди. Арлариди, шоядки, фоҳиш тафовит бўлғай деб жамъ қилмоғида далирлик қилинмас эрди, аммо халойиқ аросида минг байт, икки минг байт ортуғроқ ўксукроқ ким ўзлари жамъ қилиб эрдилар бағоят машҳур бўлб эрди. Буларнинг тартибига ҳукм бўлгондин сўнгра баъзи абётеким, хомроқ ва баъзи ғазалиётеким, нотамодроқ эрди, китобат шуюидин ва шуҳрат вуқуъидин ўзгалар орасидин хориж қилмоқлик мутаазир, балки муҳол кўрунди. Ушбу мулоҳазалар «Хазойин ул-маоний» девонига шоирнинг барча ғазаллари киритилмаган, деган фикрни тасдиқлайди.

Алишер Навоий ғазал шайдоларига мурожаат қилиб, ўз девониди содда байтлар ҳам борлиги учун айбламасликни, «гул аросинда бир тикан» ва «яхшилар ичинда бир ёмон», албатта, бўлишларини айтади:

Шукр, ўлса, хумор ҳам бўлур бу давронда,
Айб айлама, содда байт бу девонда.

Юз гул аросинда бир тикан бўлса, не тонг,
Юз яхши ичинда бир ёмон бўлса, не тонг.

Ва, ниҳоят, Алишер Навоий 1499 йилда ёзган олтинчи маснавийети — «Лисон ут-тайр» («Қуш тили»)да барча асарларининг мисралар миқдори ҳақида ҳам маълумот берган:

Назму насрим котиби тахминшунос,
Езса юз минг байт этар эрди қиёс.

Шунга кўра, Алишер Навоийнинг бутун ижоди икки юз минг мисрадан зиёд деган хулосага келиши мумкин. Лекин ашорининг форс-тожик тилида ёзган ғазаллари ва маснавийлари сони ҳам шу ҳисобга кирган-кирмагани бизга маълум эмас.

Баҳром Бафоев,
филология фанлари доктори
Аҳмадҷон Қаримов,
филология фанлари номзоди



Нажмиддин
Комилов

«Соқиё, талх ўлди айшим хажр бедоди била»

Афтидан, бу Алишер Навоийнинг ўз ҳаёти билан боғлиқ воқеаларни акс эттирувчи ғазаллардан бири. Чунки унда яқин кишисидан ажралиб, шодлиги ғамга мубаддал бўлган, қаттиқ қайғу чеккан одамнинг ҳасрат-ўкинчлари, бевафо ва бебақо дунё, унинг нотанги ишларидан норози қалбнинг нидоси ифодаланган. Классик шоирлар ўз андуҳлари, шахсий кечинмаларини ҳам анъанавий образларда, умумий тарзда баён қилишни маъқул кўрганлар, лекин шундай бўлишига қарамай, ушбу шеърда анъанавий ифода-истиоралар замирида самийни инсоний дард, мотамзада юракнинг фиғон-ҳасрати, нохуш кайфиятини ҳис этамиз. Бироқ ғазал гарчи андуҳли оҳангда бошланиб, унда навоёна ўртаниш — ёнишлар гўлгуласи авж пардада кўкка ўрлаган бўлса-да, асар мақтаъга келиб умумий умидворлик, илоҳий ишққа дахлдорлик туйғуси қалбга сингади.

Шоир ғазални жудолик дардидан бетоқат дилнинг ғалаёнини тасвирлаш билан бошлайди:

Соқиё, талх ўлди айшим хажр бедоди била,
Тут ачиг майким, ичай Мирзо чучук ёди била.

Агар «Мирзо чучук ёди» деган маълумот бўлмаганида, байтни одатдаги ошиқона мазмунли шеърлар қаторида таҳлил қилган бўлардик, яъни ошиқнинг ҳижрондаги изтироблари сифатида талқин этардик. Албатта бу ерда ҳам айрилиқ ҳақида гап боради, аммо бу бошқа хилдаги айрилиқ. Шоир сўфиёна ишқи

илоҳий ёхуд севгилисидан ажралган одам кечинмасини эмас, балки меҳр қўйган, азиз тутган одамни йўқотган кишининг ҳолатини қаламга олади. Хўш, Мирзо деб Навоий кимни назарда тутган? Е у Мирзо Чучук лақабли одаммикин? «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Ғаройиб ус-сиғар» девонларининг 1988 йилги нашрида ҳақиқатан ҳам бу Мирзо Чучук тарзида ёзилиб, номлар кўрсаткичида тарихий шахслар қаторида зикр этилган. Лекин бу одам ким, у қайси тоифадан, нима билан шуғулланган, Навоийга қандай алоқаси борлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмаган. Шоир ҳаётига оид тадқиқотларда ҳам бундай маълумот йўқ, унинг бошқа асарларида эса бу номни учратмадик. Фикримизча, бу байтда Навоий Мирзо Чучук лақабли одамни эмас, Мирзо исмли шахсни назарда тутиб, унинг бевақт вафотидан гоят қайғураётганини изҳор этган. Яъни «Мирзо Чучук ёди билан» деб эмас, балки «Мирзонинг чучук ёди билан» тарзида ўқишимиз керак. Байтдаги «талх» (аччиқ) ва «чучук» сўзларининг бир-бирига зид қўйилиши ҳам шунга ишора: Мирзонинг ширин ёди билан аччиқ май ичай. Бу одам Самарқандда яшаган ва Навоийнинг меҳру муҳаббатини қозонган, ёшлигида вафот этган истеъдодли шоир Мирзобек бўлиши ҳам, жувонмарг Мўмин Мирзо бўлиши ҳам мумкин. Аммо ғазал «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Ғаройиб ус-сиғар» девонларида киритилганидан у самарқандлик Мирзобек Вафойи хотирасига бағишланган деган тахминимиз тўғрироқ бўлиб чиқади. Энди байтнинг мазмунини келтирамиз: «Эй соқиё, айрилиқнинг зулмидан ҳаётим майи, яъни турмушим аччиқ бўлди, сен ҳам менга аччиқ май тут, токи Мирзонинг ширин ёди билан ичайин». Май бу ерда шароб ҳам, руҳий сархушлик тимсоли илоҳий таърифат нури ҳам эмас. Бу инсоний кайфиятнинг, руҳий изтиробларнинг йиғма ифодаси — ғаму ҳасрат рамзи. Шундай қилиб, май фақат шодлик ва сурур, дилхушлик ифодасигина эмас, мотамзадалик, андуҳнинг ҳам ифодасидир. Фарқ шундаки, «айшининг талх» ўлишини ифодаловчи май «аччиқ май»дир. Иккинчи байт:

Сипқориб жоми сипеҳр, ақдоҳин айлай рез-рез,
Неча чеккайман забунлуғ чарх бедоди била.

«Сипеҳр» — осмон, фалак; «ақдоҳ» — қадаҳлар. Шоир бу сўзлар воситасида ажойиб истиорали тасвир яратган: осмон жомиди май ичиб, унинг қадаҳларини майда-майда қилиб ташлайман, дейди у. Қадимгиларнинг тасаввурида осмон етти қаватдан иборат, Навоий ана шу қаватларнинг ҳар бирини бир қадаҳ деб олади ва шўришу ошўбим шунчалик зўрки, осмон жомини сипқориб, қаватлари — қадаҳларини чил-чил қилиб синдириб ташлайман, дейди у. Чунки чархи фалак — осмоннинг зўрки ҳадидан ошган, қачонгача ундан алам, хорлик чекиш мумкин? «Хажр бедоди» ни шоир «чарх бедоди» би-

лан боғлайди, зеро дўстни дўстандан жудо этган, бир дам шодликни раво кўрмайдиган ғаддор душман шу забун (наст) ва ситамгар чарх-да! Бу ўринда шундай савол туғиладики, Навоийнинг фалакка қарши бош кўтариши, исёни унинг тасаввуфий этиқодига зид эмасми? Ахир осмону фалакни ҳам оллоҳ яратган-ку. Буни англаш учун «тақдир» истилоҳининг маъносини билишимиз лозим. Тақдир ёки тақдир азал — бу киши ҳаёти, фаолиятининг худо томонидан олдидан белгиланиши демак. Бу тушунча тасаввуфда кенгроқ маънода талқин қилинади: Мутлақ руҳ томонидан яратилган моддий дунё ўзи мустақил ҳаракат қила бошлайди, одам фарзанди ана шу моддий дунедан жабр кўради. Мутлақиятнинг ўзидан эмас. Демак, Навоий осмонга қарши ғазабкор норозилик изҳор этганда, тангрига қарши эмас, балки ҳамма вақт инсонга ўз муродо бўйича яшашга имкон бермайдиган чархи фалакка қарши чиққан бўлади.

Зухд кўнгулм кўзгусин қилмиш муқаддар, эй ҳариф,
Синдирурмен тавба пири ишқ иршоди била.

«Зухд» — парҳез, тийиниш, узлат. «Ҳариф» — суҳбатдош, дўст. «Иршод» — тўғри йўл кўрсатиш, ҳидоят. «Муқаддар» — ғуборли, қора, ғамгин. Байтнинг маъноси бу турур: «Зухд, яъни зоҳидона тавба-тазарруф кўнгулнинг кўзгусини ғуборлик қилибди, эй дўст, бундай тавбами ишқ пирининг раҳнамолигида синдириб ташлайман». Шоир қуруқ, сохта зоҳидлик билан илоҳий ишқ майдан баҳрамандликни қарама-қарши қўяди, чунки зоҳидлар фақат тавба билан чегараланар, илоҳиётни дарқ этишининг орфона даззатидан беҳабар эдилар. Ҳақиқий сўфийнинг кўнгул кўзгуси илоҳиёт нури билан сайқал топади, зоҳидлик тавбаси, яъни илоҳиёт майдан тавба қилиш аксинча кўнгулни хиралаштиради. Тавба тасаввуфда ҳам бор, аммо унда бу тушунча тариқат йўлига киришнинг биринчи босқичи, ҳаром-ҳалолдан тийинишни англатади. Зоҳид тавбаси, шундай қилиб, тараққий топмаган, намойишкорона тавбадир. Осмон қадаҳларини «синдириш» билан зухд тавбасини «синдириш» орасида алоқа борми? Агар зоҳидлик билан осмон, яъни дунё ва дунёпарастликни алоқадор деб ҳисобласак, унда осмон қадаҳини синдириш билан зухд тавбасини синдириш ҳам алоқадор бўлиб чиқади.

Бевафолик гар бўлурким қилди ул шўх, эй кўнгул,
Сирфа қилмас ошнолиғ одам авлоди била.

Бу байтнинг маъноси «сирфа» сўзининг («Ғаройиб ус-сиғар» девонининг 1959 йилги ва «Бадоеъ ул-бидоя»нинг 1988 йилги нашрида мазкур сўз шу кўринишда чоп этилган) маъносини аңдаш орқали билиб олинади. Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғатида «сирфа» — жабр, зулм, жафо деб тушунтирилган ва ушбу байт жисол қилиб келтирилган. «Фарҳанги забони тожик» луғатида мазкур сўз йўқ, балки «сирф» сўзи борким, унинг маъноси холис, соф, фақат, ҳечдир. «Ғиёс ул-луғат»да ҳам сирф (сирфа сўзи йўқ) сўзи шу хилда изоҳланган. Қани, зулм, жабр маъносини қўйиб кўрайлик-чи: «Эй кўнгул бевафолик агар ул шўх қилган даражада бўлса, зулм (жабр) қилмас ошнолик одам авлоди била». Кўриниб турибдики, маъно чиқмади; зулмнинг ошнолик қилиш ёки қилмаслиги мантиқсизлик. Энди «холис», «соф», «ҳеч» сўзларини қўлаймиз: «Бевафолик агар ул шўх қилганчалик бўлса, холис (соф) қилмас ошнолик одам авлоди била» ёки: «Бевафолик агар ўша шўх қилганчалик бўлса, ҳеч қилмас ошнолик одам авлоди била». Бу жумлаларда ҳам аниқ маъно йўқ, байт китобхон учун жумбоқ бўлиб тураверади. «Ғиёс ул-луғат»да мазкур сўзнинг «сарф» ва «сарфа» шакллари ҳам келтирилиб изоҳланган. Сарф — олтин ва қумушни саралаш, харажат қилиш, сарфлаш, шунингдек, буга, ҳийла ва ҳодиса, замоннинг айланиши, умуман айланиш ва бирор нарсанинг тўғрилиши. Сарфа — ёрۇқ юлдуз, у Ой манзилларидан ўн иккинчисининг номидир, бахиллик, хасисликни билдиради: ҳийла, макр, зиёдалик рамзи. Бу маъноларнинг қайси бири Навоий байтига мос келади? Агар феъл сўзни олдидан бўлсақ, сарфлаш, харажат қилиш, агар равишнинг олдидан бўлсақ, сира, ҳеч, агар от сўз керак бўлса, юлдуз, фалак маъносидан олишимиз мумкин. Сарфлаш маъносидан: «Ул шўхнинг бевафолига — жабру ситами шунақа бўлса, у одам авлоди билан ошнолик қилмайди, яъни одам авлодига ошно-

лигини сарфламайди». Бунда «ул шўх» — пари, руҳ, умуман реал бўлмаган хилқат сифатида англашилади. Сира маъносидан: «Агар ул шўхнинг бевафолиги шунақа бўлса, у одам авлоди билан сира ҳам ошнолик қилмайди». Юлдуз маъносидан: «Бевафолик агар ул шўх қилганчалик бўлса, Сарфа, яъни юлдуз одам авлоди билан ошнолик қилмайди». «Сарфа» сўзининг яна тежаш, фойда маънолари ҳам бор: «Агар бевафолик ул шўх қилганчалик бўлса, одам авлодига ошноликни тежамайди» ёки: «Бевафолик агар шу бўлса, яъни ул шўх қилганчалик бўлса, одам авлоди билан ошнолик фойда қилмайди». Кейинги талқинда маъно борга ўхшайди, дарҳақиқат, маҳбубанинг бевафолигини кўрган лирик қаҳрамон «Одам боласи билан ошнолик қилишнинг фойдаси йўқ экан», деган хулосага келиб, ҳафсаласи пир бўлиши мумкин. Шунинг учун «Ғаройиб ус-сиғар»нинг янги нашрида «сирфа» сўзининг «сарфа» деб тузатилганини маъқуллаш лозим.

Навоий ўлимни айрилиқ деб, ошиққа зулм деб олар экан, уни бевафолик ҳам деб атайди, Ошиқни доғда қолдириб, ташлаб кетиш... Чархнинг, замонанинг бевафолиги, ситамидан бир нишона бу. Шу нуқтада «сарфа» сўзининг замон айланиши, юлдуз (чархи фалак тимсоли), ҳийла, макр, хасислик маънолари ҳам туташади. Фалак одам авлоди билан ошнолик қилмайди ва ҳоказо.

Ваҳки синди нахли уммедим, хушо ул боғбон,
Ким эрур хушҳол бир навраста шамшоди била.

Маъноси: «Умидим ниҳоли синди, эвоҳ нобуд бўлди. Кўқарган шамшоди билан хушҳолу хурсанд юрган боғбонга ҳавасим келади, қандай яхши!» Аламли ўкинч ва дард бор бу мисраларда — нахли уммедини йўқотган одамнинг ичидан отилиб чиққан ўкирик ва бошқаларга нигоҳ ташлаб таскин топиши. Унинг ниҳоли синган, умидлари чилпарчин, аммо бошқа боғбонларнинг ниҳоли кўқарган, улар шод. Бу ҳасад эмас, бу умидли нигоҳ, ҳаёт абдиётини ҳис этиш. Байтдаги «синди» сўзи олдин ўқиганимиз «рез-рез», «синдирурман» сўзларини эсга солади. Синиш — ўлим, синиш — исён, руҳий zilzila. Фалак зулми, ажал шамоли унинг умид ниҳолини синдириди, у бўлса бир ғазабга келиб, осмон қабатларини синдиришга чоғланади, бир аччиқ-аччиқ ҳасрат майини сипқоради, бир «навраста шамшоди»дан хушҳол боғбонларга қараб таскин топади. Шоир аламзада одамнинг руҳиятидаги ўзгаришларни бир нечта шеърый байтда ана шундай теранлик билан чизади. Кейинги байтларда таскин оҳанги, ноилжлик, ночорлик давом эттирилган, Масалан, олтинчи байт:

Чун ҳудо Лайли қулоқин ёлқитур, Мажнун, не суд
Тоғни гар келтурур афғонга фарёди била.

Яъни: «Эй Мажнун, фарёдинг билан тоғни фиғонга келтиришингдан нима фойда. Лайлининг қулоғига тўякашларнинг хиргойиси ёқмаяпти-ку. Шоир ўзининг оҳу нолаасидан пушаймон, чунки бўзлаб дод солишлар, фалакнинг гирибонидан олиш ҳеч бир нафъ келтирмайди, ҳеч ким уни эшитмайди. Ҳатто Лайли ҳам Мажнуннинг фарёдларидан тўйган». Навоий инсоннинг тақдир қаршида оғизлигини таъкидламоқчи. Укириklar беҳудда, ундан кўра муаззам, беҳудуд Ишқ саҳросига қадам қўй, ўзингни шу билан овут — нажот шунда, деб уқтиради у:

Эй Навоий, ишқ саҳросида худ қўйдинг қадам,
То нечук лошқайсан ул поёни йўқ водий била.

Ишқ водийси — илоҳий даргоҳ, бир-биридан ажралган дўстларнинг васлга эришадиган, дийдор кўришадиган жойи. Инсон руҳи ўз маҳрамини излаб топади. Навоий ва унинг замондошларининг ишонч-имони шундай эди. Шу сабабли шоир ишқ водийсига кирдингми, имилама, олдидан интил, дейди. Яъни: «Эй Навоий, ишқ саҳросига қадам қўйганиндан кейин, энди нега бўшашсан («лошқайсан») — қадимги туркий сўз бўлиб, бўшашмоқ, имилламоқ маъноларини билдиради» поёни йўқ бу водийда». Ҳазал Навоийга ҳос ана шундай мантиқий яқун — шоирона, руҳбахш оҳанг билан ниҳоясига етган.

Ботирхон
Акрам



АТОРУД

равон айлаган ҚАЛАМ

Мусулмон Шарқининг сўз соҳирлари сафида фахрли макомни эгаллаган Алишер Навоий санъаткор масъулиятини қанчалар қадрласа, шеър яратиш дарди ва сурурини шунчалар эркин, шавқу рағбат оғушида кечиради:

**Агар хоса маъни, гар ийҳом эрур,
Онинг кунда юз байти ҳалвом эрур...**

Бу мисралар замирига яширинган сир «хоса маъни», «ийҳом» сўзларида мужассамланган нуқтадонликдир. Демак, «хоса маъни», «ийҳом» усулларини ўқиб-ўрганиш ҳам доҳий санъаткорнинг сўз дунёси ҳақида маълум даражада аниқ тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Шунинг учун ушбу камёб икки санъат усулларида шаклланган баъзи шохбайтларга разм солиб, уларнинг маъзини чақиб кўрайлик.

**Бош кўяй дедим аёғи туфроғига, деди: кўй.
Бўса истаб лаъли рангин сўрсам эрди, деди: ол.**

Бу байтда бири-бири билан маъною баҳо талашадиган икки мустақил лавҳа-образ мавжуд, улар «кўй», «ол» сўзлари англатган тажнисли-омоним (жами тўрт қиррадаги) маънолар заминига қурилган нозикхаёл нуқтадонликдан иборат. Уларни алоҳида-алоҳида шарҳлаб, талқин қилиб бермагунча, «ийҳом»нинг моҳиятини, демакки, байтнинг бутун нафосатию жозибасини англаб, ўқиб олиш имконсиз.

Биринчи мисранинг икки ўзаро муқобил маъноси: 1. Ошиқ муҳаббат қисмати буюрган ранжу ситамлар ва лазиз хаёллар, барча умидворликлару маҳрумиятларга рози бўлиб, мислсиз синовларга дош бериб, маҳбуба оёқларининг гарди—туфроғига бошини кўяр даражага бориб етса (бу хоксор насбани бахту шараф деб билса) ҳам, у шўху бепарво мудом писанд қилмайди, ошиқнинг илтижоларини бедардларча рад этади. Демак, маҳбубанинг ё ўзга бир кишига кўнгли бор ёки ушшоқ аҳволини билмаслик, раҳм-шафқат шевасидан узоқлик бу малакнинг касби-одати; 2. Йўқ, ошиқнинг бахтига маҳбуба бағритош гўзаллар тоифасидан эмас,

аксинча, у муҳаббат дарди нима эканини ошиқдан кам билмайди ва ҳажрнинг тўзимсиз синовлари давомида ўз шайдоси — ошиқ йигит муҳаббатни қисмат буйруғи, илоҳий эътиқод деб билишини, поклиги ва фидойилиги билан меҳру вафонинг мужассам тимсоли бўлиб қолишини намоён этади. Демак, унинг муҳаббатига муносиб жавоб қилса, ҳижрон захмларига висол ризолиги — марҳамати, илтифоти билан малҳам бўлса арзийди...

Энди иккинчи мисранинг яна-да ўзгача зиддиятли маънолари: 1. Ҳажрнинг тўзимсиз қийноқлари аро дилдаги умид чироғини сўндирмаган ҳаётбахш туйғу — висол хаёли, унинг ғойиб ва бебаҳо мукофоти — биринчи мастона, жонсўз бўса... истагига шайдои ошиқ ноилу сазовор бўлса-да, бунинг ошкор айтишга Навоий тасаввуридаги йигитларга хос ҳаё кучиданми ё бошқа андиша биланми, журъат қилолмасдан гўё қаландарона паришонхотирлик, йўқ, орифона тағофилга солиш билан: «Ҳа... лаълингнинг ранги қандай?» — дея ғалат савол беради маҳбубага. Маҳбуба, табиийки, ошиқнинг бу саросима ичидagi саволининг маъносини атайин билмаганга, олади ва унга (эҳтимол, севмагани учун) бедардларча жавоб қилади: «Наҳотки, шуни билмасанг? Лабимнинг ранги қизил-кун»; 2. Сен дард аҳлига хос фазлу камолинг билан муҳаббатдек бебаҳо бахтнинг биринчи неъматини, закоти — покиза бўса илтифотига чиндан мушарраф бўлмоқ учун ушшоқ аҳли тақдир насибаси деб билган йўлнинг барча синов манзилларини ўтдинг. Сенинг қомил инсон, қомил ошиқлигинг шундаки, ўзинг муносиб бўлган висол истагини айтишга ибто қиласан, зеро, чин муҳаббат пардали-пинҳонийлиги билан қадрли ва жозиб. Сенинг рамзий саволидан мендаги висол иштиёқи пурзиед бўлди: муҳаббатимиз ҳаққи-ҳурмати сен истаган ўша кўнгли ва жон туҳфасини нисор этишга розиман...

Шу тариқа, ийҳом санъати билан оролантирилган мазкур шохбайтда истанг — зоҳирий-ошкор, истанг — ботиний-пинҳоний маъно қирралари бир-биридан нафис сўз-фасоҳати намуналари сифатида тақдим этилади. Зотан, ийҳом санъатининг жозибаси сир — унинг тансиқ ва камёблигиди.

Мана, Навоий қўллаган бошқа бир нозик шеъринг усул — «хоса маъни» мисоли:

**Қадинг ҳажрида юз девор уза қўйдум чу заъфимдин,
Чекилди бир алиф ҳар қатра ашқимдин нишон анда.**

Кўнглидаги хос-маҳрум туйғулар — соғинчу армон, аламу илинж, умиду илтижо, туғёну сабр, шикастлиги фидойилик каби турфа руҳий ҳолатлар мужассам бўлган бу байтни ўқиб беихтиёр ҳайратланамиз. Неча ойлар, эҳтимол, неча йиллардан буён ҳажр кўйининг нажотсиз манзилларида дарбадар кезган, эҳтимолки, Мажнун каби биебонларни кезиб, тинка-мадори қуриган бечора ошиқ, ниҳоят, бемажолликдан маҳбуба кучасидаги деворга «юз кўйиб», кўз ёшлари тўкила-тўкила силжиб-бурилиб боради (унинг «заъф»лигига қарамай, бир нуқтада тўхтаб қолишига дарднок аҳволи имкон бермайди); шу изтироб ичиде деворда кўзи ёшларининг «ҳар қатра»сидан маҳбубанинг адл қомаги-суврати чизилгандай бир неча «нишон» пайдо бўлади. Бу ғаройиб манзарани шоир ташбеҳи мусалсал (силсилали ташбеҳ) усулида «чекилди бир алиф» деб таърифлайди. Бундай нисбат-муқоясанинг фавқуллодда латиф ва нозиклигидан ҳам кўра, бизни ошиқнинг мислсиз саботу иродаси замиридаги фожеъ маъно кўпроқ ҳаяжонга солади, хаёлга толдиради: «наинки ошиқ учун бу ёруғ жаҳонда маҳбуба қомагининг ҳижрон ёшлари воситасида чекилган акси — паришон суврат-чизикдан бошқа нажот қолмаган бўлса!?

«Хоса маъни» санъатининг бундай тансиқ намуналари улғу шоир ижодини урганишга бўлган руҳий-эстетик эҳтиёж нима сабабдан эканлигини яхшироқ англаб олишимизга, ҳарқалай, ёрдам бергусинди.

Навоий, аввало, доҳий сўз санъаткори, қолаверса, шеърят, бадияят илмининг устод назариятчиси сифатида «сўз гуҳари», «сўз лавҳи», «сўз буржи», «сўз баҳри», «назм дури», «назм дилпазир», «килки сунъ», «килки нуқтапош», «нуқта», «нуқтадонлик», «таъби мавзун», «таъби баланд», «хуштабъ», «таъби поку хотира соф», «зехни солим», «тархи тоза ва беандоз», «фасоҳат мулки», «арш лавҳи», «гуҳари маъни» каби сўз санъати қонунларига оид махсус ибора ва таъбирларни гоҳ

бевосита, гоҳи (аксарият ҳолларда) билвосита — ошиқона ё орифона байтлар қатида беради ва айрича таъкидлаб ўтадики, бу бежиз эмас.

Диққатга сазовор бир мисол:

**Сарвини нетсун Навоий бор эканда қоматинг,
Бўлса мавзун, боқмағай таъбъ аҳли номавзун сари.**

Зоҳиран, айниқса, ушшоқ аҳли учун биринчи мисраининг маъноси муҳимроқ туюлиши мумкин. Лекин ботинан иккинчи мисра замиридаги фикр эътиборли ва ибратомиздир. Негаки, унда кўпчилиққа сабоқ бўларли, маълум даражада маърифат берувчи икки муқобил тушунча ифодаланган: нима мавзуну, нима номавзун (сўзма-сўз олганда: вазнга мос, ўз мезъери, мезонига эга; кенг маънода: комил, уйғун, мутаносиб, бутун, нафис ва аксинча) эканини «таъби аҳли»гина яхши ажратиши, тўғри ва холис баҳолаши мумкин. Акс ҳолда, бу нафақат дидсизлик, бепарқлик, ҳиссиз-дардсизлик каби нохуш ҳолларга, балки лоқайдлик, ношукрлик, андишасизлик, жоҳиллик каби хатарли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Юқоридаги мисралар мазмунига, руҳига яқин ва ҳамонанг бўлган бошқа бир байтга разм солайлик:

**Ойни ёруғ, чарҳни демак баланд,
Таъби баланд элга эмас дипписанд.**

Аввало, бу мисралар муайян мантиқий фикр — силлогизм усулида (янги кечинма-образдан холи), шунингдек, шеър санъатининг бирламчи талаблари — бадий-образлилик, ўзига хослик, рангинлик, бетакорлик ҳақидаги ҳақиқатдан огоҳ этувчи ҳикматомуз мулоҳаза тарзида шаклланганлигини унутмаслик керак. Бунда Навоий танлаган ташбеҳ нисбатлар қанчалик оддий бўлса, шунчалик аниқ, фаол эстетик вазифани ўтайди. Ой — ёруғ, чарҳ — баланд қабилдаги, оламга ўзгача нигоҳ ташлашдан холи, образли тафаккур иқтидоридан маҳрум ҳунарманд назмгўйларнинг шеърятдан узоқ, қофияланган тавсифномалари бадий маданият манфаатларига, шеърят ривожига зарар етказувчи офат эканлиги Навоийни қанчалик ташвишга солган бўлса, то ҳануз адабиёт аҳлини безовта қилади. Фақат иккинчи мисрада ифодаланган ҳаққоний, ибратли фикр — «таъби баланд эл» — ҳақиқий шеър муҳибларининг холис ҳукмигана Навоийни умидвор қилганидек, бизга ҳам таскин бериши мумкин...

Соҳир санъаткорнинг «нуқта», «нуқтапош», «маъни», «ҳақиқат», «суврат», «сийрат», «зоҳир», «ботин» каби ташбеҳлари шоир шахсан тадқиқ қилган бадийат қонунлари, ўзи яратган, тартиб берган образлар, уларнинг хос аломатлари ҳақида бир қадар аниқ тасаввур ҳосил қилишга кўмаклашади.

**Нуқта сув янглиғ эритур тошни,
Топса ҳақиқат ўтидан чошни.**

Аввало, байтдаги «нуқта», «ҳақиқат» сўзларининг мантиқий-бадий ўрни, ўзаро нисбати ҳақида. «Нуқта» асли «маъни»нинг хос ва нафис ҳолда кўриниши, унинг «нуқтадон» шакли эса нозикхаёл, нозикфаҳм каби маъноларга тўғри келади. Бироқ «ҳақиқат» ташбеҳини турлича талқин қилиш мумкин: 1. тўғрилик, ростлик, ҳаққонийлик маъносига; 2. ҳақ йўлида сайр қилувчининг (тасаввуф фалсафасида) охириги манзилини, тангрига етишиш босқичини ўтиши — фанонинг баъога айланиши маъносини билдиради; («нуқта» кўрсатиши мумкин бўлган мўъжиза юз бериши учун «ҳақиқат» асос қилиб олинади. У ҳатто эримайдиган жисм — «тошни эритиш» кудрати тимсолига айланади). Шу тариха, «ҳақиқат» сўзи қутилимаганда кенг рамзий маъно («чошни» — баҳра демакдир) қасб этади: ҳаётда ҳам, шеърятда ҳам сўзнинг кучи-фасоҳати, маъно салмоғи, бадий қиммати унинг ёлғонга қарши турган ҳақиқатни қай даражада бутун, ёрқин акс эттириши билан белгиланади. Шу маънода Навоий сўзлари мудом долзарблигини сақлаб қолади.

Агар юқоридаги байтда рост сўзнинг мўъжизакор кучи «сув — тош» нисбатлари орқали бадий тадқиқ этилса, куйидаги шоҳбайтда, аксинча, қалам рамзи ҳақиқат сабоғи учун номарғуб маъно қасб этади — ёлғон сўзни ҳам, ёлғон сўзлашувчини ҳам омонсиз фош қилиш воситасига айланади:

**То қалам урди қарога, ёзмади бир ҳарф рост,
Ким худо қилғай онинг юзин қаро, илгин қалам.**

Қачон ва қаерда носоғлом, нопок муҳит, адолатсиз замон, норасо, нобол тузим-тартибот қарор топса, ёлғон бамисоли шумғиядай болалайди (асл деҳқон шумғия тушган ердан яхшилик кутмайди, уни дарҳол шудгорлаб, офат илдини қуёшда куйдиради, кечикиб бўлса-да, тозаланган заминга уруғ қадайди). Улуғ Навоий бугун бизга номаълум, ҳар ҳолда, аламоқ бир сабаб билан «қалам», «ёзмоқ», «ҳарф» ташбеҳлари орқали ёлғон сўз балосини фақат худонинг ўзи дафъ қилмаса, бу инсон кўрби етадиган иш эмас, дея ортик куюниб сўзлаётган бўлса не ажаб! «Қалам қаро уриб» (кораснѣх рангда) битилган саҳифанинг қайсидир қаллоб (мантиқан ёлғончи котиби, мунши ёки шоир) юзига, қаламнинг қаттиқлиги ва эгилмас хусусияти ҳаракатсиз қотган (шол бўлган, демак, ёзишдан ҳам бир умр маҳрум) қўлга нисбат берилдики, бунинг натижасида мазмунан ҳаққоний, ибратомуз, бадийат эътибори билан бетакорро, муҳтасар лирик лавҳа шаклланади. Муҳими, буюк ҳақиқатпарвар шоирнинг шунчалар аёвсиз ҳукми замирида қаламнинг қутлуғ ишига илоҳий маъно берадиган, бадий сўз шаънини эл орасида эъзозлайдиган сеҳрли куч-ҳар доим «рост ёзиш» гоъси зуҳур этади («қалам» ва «қаро» сўзларининг маъно қирралари таъжис санъатининг камёб намунасидир).

Навоийнинг шеърят, бадийат қонунларига дохил фикрларининг комил ва солимлиги шундаки, улар ҳатто турли даврлар, адабий оқим ва йўналишлар, мактаб ва услублар учун хизмат қилиш қимматига эгадир. Мана, ҳозиргача қимматини йўқотмаган адабий-танқидий фикр ифодаланган бир байт:

**Мадрх услуби эди беравнак,
Бал чиқиб эрди ародин мутлақ.**

Ушбу мисраларни ўқиб аввал ҳам шеърятда «мадрх услуби» баравж даврлар бўлганига, фақат улуғ, вали шоирлар, шеърятни тақдир иши деб билган, тамаъдан, шухратдан узоқ ҳақиқий истеъодларнинг салобати, таъсири натижасида (бу ўринда маърифатли ҳукмдорларнинг хизмати ҳам унутмаслик керак) бундай ўзлиги, киёфаси бўлмаган истиқболсиз услуб вақти келиб «орадан чиқиши»га ажабланмайсиз (масалан, «Мажолис ун-нафоис» таъкирасини ўқиб Навоийнинг «мадрх услуби»га муносабатини билиб олиш мумкин). «Бобурнома» муаллифи — улуғ шоир, гоъят талабчан мунаққид Бобур ҳам истеъодсиз, мадрдох шоирлар устидан одил ҳукм чиқаради: уларнинг шеър «ёзганидан ёзмагани яхшироқ». Навоий ва Бобурдан аввал ҳам, улардан кейин ҳам «мадрх услуби» — баландпарвоз тавсифий шеърлар «беравнак» бўлишдан кўра кўпроқ равнақ топган, адабий урф тусини олган замонлар бўлдики, бунга тарихда мисоллар кўп (Чўлпоннинг, бирёқламалигидан қатъи назар, классик шеърятимиз услуби ҳақида: «Бир хил, бир хил, бир хил...» дея куйиб-ёниб сўзлашида маълум асос йўқ эмас).

Буюк сўз санъаткори аввал «Хилолия» қасидасида бадий ижоднинг мўъжизакор, сирли-сеҳрли яратиш дақиқаларини шеърят илоҳаси — Аторуд сайёрасининг инсон — ижодкорга буюк эҳсонига деб атайди. Кейинроқ, «Ҳайрат ул-аброр» достонида Аторудни боз тилга олади. Соҳир шоир шеър ижоднинг фақат даҳолар кеचериши мумкин бўлган фавкулдада шавку рағбатли, эркин-ғаройиб жараёнларида «сўз баҳрининг жавоҳирларидан», «сўз мулкининг мислсиз ва чексиз имкониятларидан қанчалар ҳайратланса, ижодий ишга шунчалик масъулият ҳисси билан ёндошади.

Мана, Навоий сўзнинг бадий куйини қандай тасаввур этади: «Чарх томига нардобон (I) ясамоқ... Қилибон анкабут (ўргимчак) ипини камаңда, Айламак аждаҳо анигъ била банд». Навоийнинг шеър илоҳ фазосини тасаввур қилиб кўринг: бадий ижодга, хусусан, шеърятга қўл урмак баайни самоват томига монанд нарвон тайёрлашу кўёш шамига муносиб шамдон ясамоқ билан баробар! Бугина эмас. Гўёки ўргимчак тўридан сиртмоқ ҳозирлаб, афсоналардаги даҳшатли маҳлуқ — аждаҳо банди этиш деган сўз!.. Навоийнинг ижодий хаёлот дунёсига хос бадий нисбат-

лар ҳақиқатда ҳайратбахш, сирли-жозибдир. Мана, яна бир байт:

**Заррада меҳрини ниҳон айлай,
Баҳрга қатрани макон айлай.**

Тўғри, заррада қуёш, томчи-қатрада олам, уммон акс этиши-дек мўъжизали жараёнларни кўп бора эшитганимиз учунми, бундан ортиқ ҳайратга тушмаслигимиз мумкин. Лекин Навоий мана шу азалий ғаройиботдан ижодий фойдаланади, янги лавҳа-образ яратади. Бу гал ўша мўъжиз ҳодисани ўз шеърятига татбиқ қилади; шоир ижодий зарурат, бадийи мантиқ эҳтиёжи туйғули оламнинг биз тасаввур қилган энг улкан жисми — Қуёшни энг кичик унсур — зарра қатига, уммонни эса қатра ичига жойлай олишдек иқтидорга эга бўлиши мумкин. Шеърят илоҳаси Навоий қалами чизган мўъжизакор лавҳалардан ҳайратга тушиб, шундай сирли нидо қилгандай бўлади:

**Сўзунг бир авж уза чекти аламини,
Ким сурдунг арш лавҳига қаламини.
Агарчи ахтаредур ҳар сўзунг пок —
Ким эврүлур онинг бошига афлок...**

Навоий анъанавий фахрия усулидан фойдаланиб, Аторуд тилидан қалам қудратига шундай қиммат беради: сўзинг шеърят мулкида ўз байроғини шундай юксаклик нуқтасига ўрнатибдики, сенга фақат арши аъло — фазовий кенгликлар лавҳасида (!) қалам суриш мартабаси мушарраф бўлибди. Шу боисдан ҳам ҳар бир пок сўзинг самоватнинг битта дури — юлдузига тенг, шундан фалакнинг иши — ташвиши ҳам ўша ҳар бир мўъжиз инжу — юлдуз бошидан айланиб-эврилишдан иборатдир...

Улуғ санъаткор сўзинг бадийи-образли имкониятларига қанчалик баланд қимматда, ҳаёлий кенгликда баҳо беради! Навоий шеърятдаги сўзинг турли маъно, мантиқ ва бадийи ифода қирраларига бирдан-бир аниқ, муносиб, мутаносиб нисбат-ташбеҳ излайди; моддий ва руҳий оламнинг моҳият ва сабабияти, сир-синоати, ғаройиб ва мўъжизаларини мумкин қадар жонли, рангин, бутун ва ёрқин гавдалантириш мақсадида Шарқда анъана бўлган табият ва самоват рамзий-мажозийлигининг янги, номаълум қирраларини кашф этади. Чунончи, куйидаги мисраларда денгиз садафи, унинг ичидаги гавҳар донаси, моддий дунёнинг тўрт унсори, етти осмон, юлдузлар, уларнинг таянч нуқталари — «бурж»лари шеърят тимсолга айланади:

**Сўз гуҳариға эрур онча шараф,
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.
Тўрт садаф гавҳарининг дуржи-ул.
Етти фалак ахтарининг буржи-ул...**

Дунёда қимматбаҳо тошлар ва маъданларнинг ҳадди-ҳисоби йўқ. Уларга оддий фуқародан тортиб султонгача лойиқ даражада баланд баҳо қўядилар (бусиз азиз, севимли кишининг меҳрини, илтифотини қозониш қийинлиги сир эмас). Лекин жавоҳиротнинг ҳақиқий баҳосини халқ беради (биргина мисол: «олтин олма, олқиш ол»). Халқ имон-этиқодли, ҳалол-пок, маънавий баркамол, қалби саховатли одамнинг қадриятини, бундай азиз умр баҳосини ҳар қандай ҳазина-дафинадан ортиқ деб билади. Сўз санъати, шеърят, ана шу халқона мезон билан ҳар қандай моддий бойликни маънавий, руҳий қадрият тарзида баҳолайди. Юқоридаги икки мисрада ана шу чин инсоний нуқтан назарга муносиб шеърят сайқал берилади — «сўз гуҳари» шунчалар юксак «шараф» аршида турадики, энг тоза дур ҳам унга садаф бўла олмайди (гавҳар денгиз чиғаноғи бағрида шаклланиб, етилгани ҳолда, ўша чиғаноқ-садаф қадрланмайди). Учинчи мисранинг маъно кўлами кенг ва теранг: қадимги Шарқдан Юнонга, ундан яна Араб ва Ажамга ўтган «тўрт унсур» фалсафаси орқали Навоий тасарруфиди «сўз гуҳари» борлиқдаги мавжудотларнинг зоти-моҳиятини, турфа аломатларини, ҳаракат-ҳолатларини ўз бағрида — «дуржи»да жамул-жам этган мўъжиз бир қудрат манбаига айланади. Тўртинчи мисранинг нуқтадонлик қирралари бундан-да ортиқ бўлса борки, кам эмас: бадийи сўзинг

кучи етти само юлдузларининг (уларнинг ҳисоби қанча!).. ҳар бири учун таянч нуқта — «бурж» вазифасини ўташга, яъни юлдузларнинг ҳаракат сирларини билиш, кашф этишга ҳам қодирдир...

Навоийнинг ўй-хаёл фазосига, ундаги сўзнинг мақоми ва баҳосига тасанно дейми бўладими?!

Дарҳақиқат, Навоий инкишоф этган шеърят олами, унинг нури «бурж»лари — юксак чўққилари, Навоий ҳаёллари, об-разларининг фазоси, маъно теранликлари, бадийи нозикликлари бу қадим дунёнинг анча-мунча улуғ шоирига мушарраф бўлмаган. Бу даъвонинг муболағаси йўқ, аксинча, далил-асослари етарли.

Мана шоир фахрия оҳангидаги байтларидан бирида ҳақли равишда нималар дейди:

**Навоий, сеҳр эмас, гўё Каломуллоҳ асосидур,
Бу мўъжизларки, зоҳир бўлди килки нуқтапошимда.**

Муршид-устози Жомий каби Қуръони Каримнинг тафсирини яратибга жазм қилган Навоий ўз асарларининг мислсиз жозибаси сири қандайдир ғойиб аломатлардан узоқ эканини яхши билган. Шунинг учун «килки нуқтапоши» — қаламининг қудратидан ортиқ ажабланмайди ҳам. Фақат бундай руҳий қониқчи ҳисси, ҳақли фахрия туйғуси муносиб ва мўътабар далил билан асосланиши керак. Сўз қадрини, шеърят санъат масъулиятини чуқур идрок этган, ўз даврида дини исломнинг устунларидан бири даражасига кўтарилган (расмий равишда «Низомиддин» унвонига сазовор бўлган) улуғ шоир ва ориф «мўъжизлар зоҳир бўлган» қалам учун ёлғиз муқаддас китоб — «Каломуллоҳ» асосли нисбат, ишончли киёс — шаҳодат бўлиши мумкин деб ҳисоблайди. Бугина эмас. Шоирнинг бошқа пурмаъно мисралари сингари бу шоҳбайт ҳам ўз руҳида яна-да теранроқ нуқтадонликни зуҳур этган бўлса не ажаб!

Навоий қалами яратган мўъжизаларнинг боиси — сабабияти шундаки, у ўз асарлари учун Қуръон сўзларини ҳам руҳий-фалсафий, ҳам бадийи-мантиқий асос деб билади...

Модомики, шундай талқин ҳам жойиз экан, мазкур терма байтни ийҳом санъати билан музайян этилган деб ҳисоблаш мумкин...

Баҳоли имкон юртдан мушоҳада ва мубоҳасаларимизни яна бир маҳсус шоҳбайт (фақат бу гал шеърятга хос истилоҳлар ошиқона оҳанг касб этади) талқини билан ниҳоялаймиз:

**Чун Навоий назмининг ҳар ҳарфидур шарҳи ғаминг,
Деса бўлурким эрур ҳар байти бир байтул-ҳазан.**

Не ажабки, Навоийнинг қаҳрамони — ошиқ тақдири азал — муҳаббат қисмати хоҳиши билан шоирга айланган. Илло, ошиқлик бу валисийрат покдомон зот наздида нафақат ишқ васлнинг барча фароғату мукофотларидан, дунёвий неъмату қадриятлардан, балки руҳий, ҳатто илоҳий эътиқоду эътиқодлардан ўзимни мутлақо фориф тутмоқлик демакдир («Ошиқ ўлғон кечти нангу номдин, Миллату имону дини исломдин»). Бас, ҳақиқий муҳаббат (Навоий шахсан ҳаёт маслаги деб билган «ишқи ҳақиқат»)ни, унинг асли фожеъ моҳиятини англаб етган кишигина шоирга айланиши, унинг ҳар бир ўтли-ҳароратли сўзи олий қадр, эъзоз топиши керак («Дегонимни улуска марғуб эт, ёзганимни кўнгулга маҳбуб эт»). Навоий қалами яратган илоҳий назмининг сирли-сеҳрли қудрати ҳам шундаки, унда асли комил ва солим инсонлар (шу жумладан, чин фидойи ошиқлар)нинг ғофилу бедард кимсалар ҳеч қачон фаҳмлай олмайдиган исёнкор дард-ҳасратларини, руҳни поклантирувчи ёруғ ғам-ғуссаларини шарҳлаб беришга даъват этилган. Зотан, «ҳар ҳарфидур шарҳи ғаминг», «эрур ҳар байти байтул-ҳазан» (байтул-ҳазан — ғам гўшаси, дард уйи демакдир) каби теран дарднок размий ибораларнинг руҳи — моҳиятини Навоийнинг мисоли йўқ сабру саботли ҳаёти, хос эътиқоду хос ўзлиги, беназир шеърят даҳоси билан муштарак маънода тушунмоқ керак.



Афтондил Эркин

КОЛИПДАГИ ФАН

Алишер Навоий ижоди беқиёс уммон. Шу боис бу уммон узра вақти-вақти билан бўронлар бўлиб туради. Сўнги олтамиш-етмиш йил ичида эса унда фақат сиёсат бўрони эсди...

Ҳа, совет навоийшунослиги 60 йилдан кўпроқ тарихга эга. Ана шу давр мобайнида мамлакатимиз тарихида юз берган салбий ҳодисалар адабиётшунослигимизнинг бу тармоғига ҳам ўзининг соясини ташлаб ўтди, ҳукмрон мафкура навоийшунослики катта сиёсатимизнинг «парракча ва винтчасига» (В. И. Ленин) айланганди. Сиёсат ва мафкура олимларга Навоий ҳаёти ва ижодини ўзи қандай кўришини истаса, шунга лойиқ дастур-қолипларни берди. Бу қолиплар Навоий ижодига нисбатан қандай татбиқ қилинганлигини, шоир мероси уларга қандай мослаштирилганлигини баъзи мисоллар орқали кўриб чиқайлик.

Биз бугунги турмушимизни кўларга кўтариб, мўтасил мадҳ этдик. Бизнинг тузумдан зўрроқ тузум дунёда йўқ деб келдик. Бундай фикр болаларга мактаб партасиданоқ сингдирила бошланди. Масалан, 8-синфлар учун ёзилган «Ўзбек адабиёти тарихи» китобининг «Навоий ғазаллари» қисмида «Сода шайх» ва «Меҳрибоне топмадим» ғазаллари таҳлил этилган. Ваҳоланки, улар Навоий ғазалларининг энг саралари эмас. Хўш, улар дарсликка нега киритилган? Мана, дарсликда «Меҳрибоне топмадим» ғазали ҳақида нима дейилади: «Навоийнинг кўп ғазалларида яшаган муҳитидан шикоятланиш, нолиш ўз ифодасини топган. Бу табиий. Алишер Навоий ҳаётнинг гўзал, инсоннинг бахт-саодатли бўлишини, халқнинг осойишта ва фаровон ҳаёт кечиршини орзу қилар эди. Навоийнинг орзу-истаклари реал ҳаёт билан, муҳит билан тўқнаш келар эди (мақоладаги ҳамма таъжидлар бизники — А. Э.) У ўз истақларига тамомила тескари манзарани, турли-туман иллатларни: шоҳларнинг зулми ва амалдорларнинг зўравонлигини, жоҳилларнинг ноз-неъмат ичиди, маърифат аҳлининг хор-зорликда яшаётганини кўради. Узи ҳам шу иллатлардан жабр-ситам, қайғу-алам чекади... Унинг лирик рубобидан шикоят, ғазаб ва нафрат, ҳасрат ва надомат оҳанглари эшитилиб, бу оҳанглар ғазабкор ва исёнкор шеърларида баралла янрайди» (74-бет). Тўғри, бу фикрларда жон бор. Лекин улар фақат Навоий муҳитига эмас, балки умуман кишилик жамиятига нисбатан қаратилган. Шунинг унутмаслик керакки, Навоий бугун яшаганида ҳам худди шундай руҳдаги шеърлар яратаверган бўларди. Китобда келтирилган «амалдорларнинг зўравонлиги», «маърифат аҳлининг хор-зорликда яшаётгани» бугунги кунга келиб йўқолиб кетдики? Кишилик жамияти вужудга келибдики, одамлар орасида зиддият бор, бундан кейин ҳам бўлаверди. Навоий ҳам кишилик жамиятига хос иллатдан нолимоқда. Биз эса адолатсизлик ўтмишига, жумладан Навоий муҳитигагина хос деб шоир қарашлари микёсини торайтирганмиз, холос.

Дарсликда, бизнингча, Навоийнинг бошқа, бадиий юксак ғазалини келтириш лозим эди. Уқувчида ўзбекнинг томиридаги қонидек азиз, ёд бўлиб кетган «Келмади» радибли

ғазали таҳлил қилиб берилса, унинг маънавияти қанчалик бойиқан бўларди! Бунинг ўрнига «Навоий яшаган муҳитининг аламли, қайғули манзарасини тасвирлайди» деган гапга мос келганлиги учун «Меҳрибоне...» ғазали олинган қўйилган.

Совет олимлари томонидан коммунистик жамият ҳақида ўтмишда ҳам мутафаккирлар фикр юритганлар дея уларнинг ижодидан бу фикрни тасдиқловчи намуналар изланди. (Хайлий тенглик асосидаги жамият борасида асар ёзган Томас Моорнинг «Утопия» асарининг номидан олиниб, бундай тузум утопик жамият деб аталади). Утопия — хайли биз ҳақиқатга айлангандир, дейилди. Навоий асарларидан ҳам социал-утопик қарашлар қидирилди. Бу иш Е. Э. Бертельснинг «Навоий ва Жомий» асаридан бошланади. Олим Низомий «Искандарнома»си сўнгидаги Искандарнинг шимол мамлакатига келиб қолиши лавҳасидан келиб чиқиб фикр юритди. Асарда Искандар шоҳу гадоси, бою камбағали бўлмаган, қисқаси, тенглик асосидаги тузум ҳукм сурган мамлакатга келади, сўнг асар яқун топади. Е. Э. Бертельс «Искандарнома»даги бу лавҳани социал утопия деб баҳолаб, нима учун бундай лавҳа «Садди Искандарий»да йўқ деб савол қўяди. Ва бунинг сабабларини Навоий Низомий давридан бошқача шароитда яшаган, шоҳ саройига яқин бўлганлиги туфайли утопик жамият ҳақидаги фикрини очиқ айта олмаган, деб изоҳлайди. Воҳид Зоҳидов ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди ва Навоий атайлаб бу лавҳани ташлаб кетган, оддий ташлаб кетса, сабабларини кўрсатарди дейди. («Улуғ шоир ижодининг қалби». Тошкент. 1970. 438-бет). Шарқшунос И. Брагинский ўша лавҳани шу мавзудаги ўз асарига киритган Жомийга баҳо бериб, бундай шаҳар ҳақидаги лавҳани ижобий жиҳат сифатида таъжидлайди. Шундай лавҳани киритиш Жомийнинг халқпарварлигидан далолат, дейди.

Биз ҳам бу дostonларда утопик жамиятга оид қарашларнинг берилишини ижобий жиҳат деб қараймиз. Лекин бундай лавҳанинг «Садди Искандарий»да йўқлиги нима учун олимларни таажжубга солганлиги галатидир. Ҳеч ким социал-утопик жамият лавҳасини Искандар мавзуда асар ёзган ҳамма адаблар келтириши шартмиди, деб савол бермаган. Чунки коммунизм сари шаҳдам қадамлар билан олға кетаётган биз — совет кишиларига бундай жамиятнинг эртаклиги аён бўлган, олимларнинг муносабатларидаги камчилик ҳам аён бўлиб қолди. Навоийшунос Абдуқодир Ҳайитметов «Истиғно водийси» (ЎзАС, 1989, 7-сон) мақоласида Навоий утопик қарашларини «Лисон ут-тайр»даги истиғно водийси тилга олинган лавҳада ифодалаган, дейди. Мен ҳам аввалда А. Ҳайитметов фикрига қўшилиб юрдим. Бироқ бундай лавҳани шоир келтириши шартмиди, деган саволни қўйгач, масала ойдинлашди. Олим айтган истиғно водийси тасаввуф фалсафаси билан боғланган, холос. Навоийнинг утопик қарашлари эса жамият билан эмас, балки яқна шахс билан алоқадор.

Илмда ўтмишдаги фалсафаларни замонавийлаштириш, маданият арбобларини замондошимиздек қилиб тасвирлаш кузатилади. Бунда ўтмиш фалсафаси ва ижодкоридан аслида мавжуд жиҳат эмас, биз кўришни истаган хусусиятлар қидирилади, йўқ бўлса тиркалади.

Масалан, шундай ҳолни Навоийнинг тасаввуф фалсафасига қарашлари талқинида кузатиш мумкин. Навоийнинг фалсафий қарашларини ўрганган В. Зоҳидовнинг биз номини қайд этган китобидида шу хусусият кучли ифодаланган. Навоий баъзида, ҳатто динга қарши сифатида кўрсатилган. Дейлик, тасаввуф таълимотининг намоянаси сифатида Навоий жаннат, ундаги ҳурлардан кўра ёрни — худони устун қўяди:

Зоҳид, сенга ҳуру, манга жонона керак,
Жаннат сенга бўлсун, менга майхона керак.

Лекин бундаги ёрни олим фақат инсон деб таърифлайди. У ёзади: «Навоий нариги дунёни, унинг жаннат ва жаҳаннамани истеҳзо билан тилга олади ва ҳатто рад этишга қадар етиб келади» (243-бет). Қарабсизки, Навоий ёрни — худони эмас, аксинча, ердаги маъшуксини, яъни одамни жаннатдан устун қўйиб, унга истеҳзо билан қараган атеистга айланади. Олим талқинида, бизга «Навоийнинг кўпгина дин намояндаларига қанчалик ғазаб билан қараганлиги маълум» (?) (369-бет) қабилидаги сохта гап пайдо бўлади. Тасаввуф фалсафасидан келиб чиқиб амалга оширилиши лозим бўлган

таҳлиллар давримизга мослаб, динга қарши бориш назаридан амалга оширилади.

Тасаввуфни, Навоий тасаввуфини замонасозлаштириши, айниқса, унинг «Лисон ут-тайр» асарини таҳлил этишида кўрилади. Навоий таъсирланган, оллоҳга бўлган муҳаббатга бағишланган Аттормнинг «Мантиқ ут-тайр» асаридан Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достонининг устуңлигини кўрсатишга интилиш Атторм фалсафасини ҳатто ҳақорат қилишга олиб келган. Бу ҳақда В. Раҳмонов «Атторм ва Навоий» («УЗАС», 1990 й., 9 февраль) номли мақолаида ўринли фикрлар билдирди. Бу икки шоир фалсафий қарашлари бир хиллигини исботлаб берди. Эҳтимола, В. Зоҳидовнинг талқинларини давр билан изоҳлаш мумкин, лекин бугунги янгилаштириш даврида Олим Жўраев аввалгилардан ўтиб тушадиган фикр айтди. У «Мажозий-дидактик талқинлар» (Тошкент, 1989 й.) номли тўпламида қуйидагича ёзади: «Аттормнинг «Мантиқ ут-тайр» достонини Навоий ҳеч қачон унута олмади. Чунки бу достон ёшлигида унга қаттиқ салбий таъсир ўтказган, уни кишилардан четлаштишга, ёлғизлик ва хаёлпарастликка судраган эди. Хўлоса шундаки, бу асар фақат Навоийнинггина эмас, юзлаб ва минглаб ёшларнинг ҳаётини издан чиқариши аниқ эди. Навоий умр бўйи «Мантиқ ут-тайр» таъсирига зид иш олиб борди. Ҳаётининг сўнги йилларида ушбу асарнинг салбий таъсиринга қарши эҳтиёткорлик билан, гоҳда усталик билан зарба бериш режаларини кўнглига тузиб юрди. «Мантиқ ут-тайр»даги захарли гоҳларни бартараф этувчи «Лисон ут-тайр»ни яратиб, бу асарни «Мантиқ ут-тайр»нинг таржимаси деб атади» (362-бет). Ҳа, бундан орттириб ёлғон айтиш қийин.

Анчайин тадқиқотларда Навоий шайх, зоҳидларни қоралаган, уларнинг риёкорлигини фош этган қабилидаги фикрлар учиради. Аслида, Навоий дин арбобларини ёппасига қораламаган. Балки динни бойиш, манфаат воситаси қилиб олган дин вакилларини танқид қилган. Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг 38-фаслини «риёий шайхлар зикри»га бағишлайди ва бунда риёкор шайхларни ёмонлайди, бироқ ҳамма шайхлар тўғрисида салбий фикр билдирмайди. Бўлмаса, Навоий «Насоий ул-муҳаббат» асарида 750 шайх ҳақида маълумот бериб, уларга эҳтиром кўрсатиб ўтирмасди.

Бизнингча, Навоий фикрларини замонасозлаштириш 30-йиллардаги қатағонлар билан боғланган кўрилади. Масалан, 1919 йили Тошкентда нашр қилинган «Инсоният ҳақида Навоийнинг фикри» китобчасида бу масала тўғри талқин этилган, шоирнинг фикрлари бузилмаган. Асарда Навоий таърифидаги таъмағир дин вакилларига зид ўлароқ, маърифат тарқатган буюк шайхларга муносабат билдирилади: «Шайхлик, эшонлик масаласига келганда яна бизнинг фикримиз очикдир: шайхлар, эшонларимиз ҳикмат ва ахлоқ олимлари эсалар Абдурахмон Жомий, Жунайд Бағдодий, Абдулқодир Бедил, Жалолиддин Румий... буюк устозлардек китоблар ёзсалар, нутқлар сўйласалар, халқ ора чиқиб дарслар берсалар биз ҳам ададдан бурун унларга ҳурмат қиламиз, унларнинг қўлларини ўпамиз». (15-бет).

Қаранг, Навоийнинг фикрларидан келиб чиқиб, ўша йилларда шайхларга қандай ҳурмат билан қаралмоқда.

Навоий фикрларини замонасозлаштириш унинг шахсини бузиб талқин этилишига олиб келди. Масалан, О. Жўраевнинг биз номини келтирган китобида «Фарҳод ва Ширин» достони ҳақида қуйидагича фикрлар берилган: «Шоир ўз қаҳрамонини тилидан, биринчидан — биргина ҳақиқий ҳаёт борки, у ҳам бўлса шу дунёдаги ҳаётдир: иккинчидан — Фарҳод на у дунёнинг азобидан кўрқади ва на унинг лаззатларидан умидвор бўлади. Натижа: одам ўлиб тупроққа қорингандан кейин, унинг қанақа нариги дунёси бўлсин?!» (359-бет). Утмиш ижодкорлари қаторида Навоийдан ҳам давримизга ҳос жиҳатлар излаб, топиб бўлингач, энди унинг бизнинг давр кишиларидек зўр бўлиб кетмаслиги чоралари кўрилади. Чунки ҳозиргача биз мамлакатимизда яшаётган фуқаролардан зўрроқ кишилар дунёда бўлмаган, деб сафсата сотиб келдик. Шунинг учун Навоийни замонасозлаштириб, тез-тез чекланган шахс, деб таъкидлаб турилди.

Навоийнинг фалсафий қарашларини замонасозлаштирган В. Зоҳидов энди Навоий мансуб фалсафа тармоғи — нақшбандийлик мазҳаби асосчиси Баҳоваддин Нақшбандда ҳам ижобий жиҳатлар бўлса-да, «унинг дунёқарашини мисти-

цизмдан, замона зулмининг панжасида чекилган қаттиқ руҳий кечинмаларнинг ҳам меваси бўлган мистик, умидсизлик ва платончилик моментларидан, ислончиликдан тамомла озода эди, деган натижа келиб чиқмаслиги керак» (ўша асар, 340-бет) дейди. Бу фикрни покларнинг даврида чиққан, лекин барибир ҳамма фалсафалар чекланган деган руҳда ёзилган «Ислон справочниги» (1989 йил) давом эттиради: «Сўфийлик ўз моҳият эътибори билан реакцион таълимдир. У кишиларни эҳтимой фойдали меҳнатдан, умуман жамият ҳаётидан четга тортади. Актив фаолиятни сўндирди» («Сўфийлик» мақолаи, 248-бет).

Навоийнинг фалсафий, ижтимоий қарашларини чекланган деб уқтириш мактаб партаида бошланади. 8-синф дарслигида шундай дейилган:

«Шоҳки иш адл ила бунёд этар,
Адл бузуқ мулкни обод этар.

Шоир подшонинг адолатли бўлиши мумкин эмаслигини, унинг эксплуататор синфнинг вакили ва ҳомийси эканини тушуниб етмади» (82-бет). Яна: «Навоий эксплуатацияга асосланган тузумни йўқ қилмай туриб, адолат ўрнатиши мумкин эмаслигини тушунмади. Чунки эксплуатацияга асосланган тузумни революция йўли билан емириб ташлаш гоҳсининг тугиллиши учун XV асрда шароит мавжуд эмас эди». (88-бет). Бундай гаплар бугунги ўқувчию ўқитувчиларнинг кўнглига ҳам теги.

Утмиш фалсафий меросининг даврга мослаштирилган кўрилиши адабиёт ва санъатнинг вульгарлашувига замин яратди. Шуниси ғалатики, мана шунақа қолиплар билан ёндашиш кўпроқ Шарқ халқлари адабиётшунослигида кўрилади. Рус адабиётшунослиги, жумладан, совет пушкиншунослиги шунчалик сиёсат билан боғланиб, қолиплар ичида қолиб кетмаган.

Кўпинча, бизда иккилобдан олдинги ва чет эллардаги навоийшунослик танқид қилинади. Совет навоийшунослигидаги камчиликлар эса етарлича кўрсатилмайди.

* * *

Бундай қолипларга, олимларнинг уларга мос талқинларига яна мисоллар келтириш мумкин. Лекин гап бу қолиплардагина ва олимларда ҳам эмас, балки ўтмиш адабиётини ана шундай биқиқликда ўрганашга мажбур қилган сиёсатимиздадир. Бу турғунлик сиёсати анча олимларни хароб қилди, уларнинг меҳнатини бефойда йўналишга солиб юборди. Биз ана шу сиёсатнинг навоийшуносликни қай даражада бузишга олиб келганлиги тўғрисида тасаввур бермоқчи бўлдик, холос.

Сафар Қурбон



ЎЗБЕКИСТОН ЁДИ
ИЖОДКОРЛАРИ
VI КЎРИК-КЕНГАШИ

Ҳажвиялар

СЎНГИ ЧОРА

— Бу қандай гап? Масъулият деган нарсани биласизми ўзи? Кеча уч соат, ҳатто навбатчилигингизни унутиб санқимаганингизда балки ўша бемор шу аҳволга тушмасмиди? Қолаверса, тиббий тадбирга ажратилган спиртдан бир грамм ҳам қолмапти-я! Ичгансиз!— Бош ҳақим Арслоновга бош бармоғини найзадай ўқталди.— Утган навбатчилигингизда кўричакни анчайин санчиқ, ўтиб кетади, деб... Улишига оз қолди бола бечоранинг. Ундан олдингисидачи? Э-э, айтаверсам, адоғи йўқ. Бўладиган гап шу — бунақаларга бизнинг ораимизда ўрин йўқ! Қани, кимда ким...

Арслонов бунчаликка борар деб ўйламаган эди. Зўр бўлса, одатдагидек койир, жуда нари борса, ҳайфсан беришар, жуда қаттиқ олишса, амалимни пасайтиришар, деб ўйлаган эди, лекин ишдан бўшатиб юборишлари мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Нима қилсин энди?

У атрофдагиларга ялинганнамо жовдираб қаради. Уларнинг лоқайд ва бепарво эканликларини кўриб, бемаҳал ажали етганини сезган бемордек юзини бекитганча — ҳаммани ҳайратга солиб — пиқ-пиқ йиғлашга тушди. Ҳадеганда кўзларидан ёш чиқмагач, тупуги билан яширинча кўзларини намлади.

Тиббиётда номаълум касалликка дуч келгандек ҳанг-манг бўлиб қолди. Унинг юракларни эзиб юборадиган йиғисидан ўтирганлар саросимага тушиб, уни юпатишга шошилишди.

— Кўйинг йиғламанг, йиғлаш хотинларнинг иши,— дерди ҳамма унинг атрофида гирдикапалак бўлиб. Арслонов уларнинг раҳми келаётганини сезгани сари баттар «ўпкасини босолмасди».

— Уртоқлар,— деди касабаташкилот раиси ирғиб ўрнидан тураркан ҳаяжон билан.— Арслоновни ичувчиликда, ўз ишига совуқонликда айбляпмиз. Аммо, нима учун бу одам ичади, нега у ўз ишидан хурсанд эмас? Бунга бирор киши қизиқиб кўрганми? Ҳеч ким! Ўз ишига совуқон қараган деб Арслоновни эмас, бизни айтса бўлади!

— Тўғри ўртоқлар! Биз айбдормиз!— дея ўрнидан турди фирқа ташкилоти котиби,— Арслонов жарроҳ, даволовчи эмас! У жарроҳликни севади, шунинг учун ҳам шу касбга ўқиган. Иш бошлашда икки-уч операцияси муваффақиятсиз чиққани учун айрим ғаламис кишилар, жарроҳликка ноқобил деб севган касбидан четлаштирган. Муваффақият қурбонсиз бўлмайди, деган гап бор-ку! Аста-аста қўли тўғри бўлиб кетарди. Мана оқибати! Шундай бўлгач, ким ҳам алаmidан ичмайди?!

Оғир операция бошланаётгандек ҳамма жим бўлиб қолди. Арслоновнинг пиқ-пиқ йиғлаши бош врачнинг ҳам юрагини пахтадек юмшатиб юборганди. У жазо ва шафқат

ўртасида иккиланаётган эди. Жазо берай деса ҳамкасблари бешафқат раҳбар дейишлари мумкин, шафқат қилай деса тайинсиз дейишдан чўчиб турар эди. Бундай қалтис вазиятда янги кашф этилган перипаратдек муҳим гап зарур эди. Бу гап усталик билан қилинган операция сингари унинг беқарорлигини ва Арслоновнинг ишдан олиш ҳақидаги ўз таклифини ўтирганлар кўнглидан чиқариб юбориши лозим эди.

Ниҳоят, бош врач ўрнидан туриб юзига сохта, ним табассум олди.

— Уртоқ Арслонов!— деди у анальгин ўрнига сурги бериб ўзини оқлаётган ҳамширадек.— Мажлис бўлгач, кимнидир танқид қилиш керакми, керак! Бўлмаса мажлиснинг қадри қоладими? Кўйинг, сизга йиғи ярашмас экан! Мен ҳам бироз қизишиб кетибман!— Бош врач ўйга ботганча чаккасини қашлади.— Бўлмаса бундай қилсак, ўзларингиз парткомнинг гапларини эшитдингизлар, ҳамманинг ҳам кўнглида шу гап бўлса керак, менимча... Хўш... Арслоновни хирургияга ўтказсак, балки масъулиятни ҳис этиб бу одатларини ташлар-а? Ҳай, ана боринг, партком айтгандек, операция қилишга ҳам рухсат берамиз. Балки қўли тўғри бўлиб кетар...

Ҳамма бир овоздан бош ҳақимнинг гапини маъқуллашга тушди.

Бош ҳақимнинг гаплари Арслоновнинг яраланган юрагига ҳам мўмиёдек ёқаётган эди. Атрофдаги ҳамкасбларининг меҳр-шафқат билан порлаётган нигоҳлари ўзига қадалганини кўриб, қалбидан отилиб чиққан ҳаяжонни босолмадида, бор овозда ўкраб юборди. Энди унинг кўзларидан ҳақиқий ёшлар селдек қуйиларди. Буни кўрган ҳамкасблари ҳам ўзларини тўтолмадилар. Арслоновга қўшилиб улар ҳам эзилиб йиғлай бошладилар.

ОШКОРАЛИК

Биласизми, ҳозир қанақа давр? Ошкоралик, демократия! Хоҳлаган гапингни хоҳлаган одамнинг юзига бемалол айтолсан. Бирортаси ёнғ деб кўрсин-чи, башарасига солмайсанми, демократия, ошкораликни бўғаяпсан, деб. Биз ўқувчиларга ҳам мазза бўлди. Ҳеч замонда эшитганмисиз қайси фандан имтиҳон бўлишини ўқувчилардан сўраганини? Йўқ! Лекин ошкоралик даврига келиб, худога шукр, биз ҳам кун кўриб қолдик. Биз-

га қолса, албатта, осонини кўра- миз-да.

Синфимиздаги етмиш фоиз ўқувчи бир овоздан жисмоний тар- бия ва ашуладан имтиҳон бўлсин дедик. Синф раҳбаримиз тихирлик қилувди, бу қанақа демократия, эски дарддан қутулмаган эканмиз- да ҳали, деб директорнинг олдига арз қилиб бордик. Уша куни дарс- ларга кирмасдан бутун мактабни бошимизга кўтардик.

Йўқ, кейин билсак биз хато қил- ган эканмиз. Қўлланма бўйича беш- та асосий фандан танлаб олиши- миз керак экан. Фақат қўлланмани кўзимиз билан кўргач, ишондик.

Ана шунақа, оғайнилар! Ошкора лик, демократия шамоли бизнинг синфимизда ҳам ҳур-ҳур эсиб ҳам- мани сергаклантириб қўйди. Ўқув- чилар хоҳласа мактабга келади, хоҳламаса йўқ. Дарс тайёрлаш ҳам худди шундай. Бурун ўқитувчилар доскага чиқариб олиб, дарсни эзиб сўрайвериб, хит қилиб юборар эди. То ўтириб олгунингча қора терга ботиб, ана шапалоқ тегади, мана қулоғимдан чўзади, деб шабадада турган баргдек титрардинг. Энди- чи? Қулоқ чўзиш у ёқда турсин, ло- ақал овозини кўтариб гапиролмай- ди. Финг деса, керак бўлса сизнинг дарсингизга ўтиришни хоҳламай- ман, деб синфдан тантанавор чи- қиб кетамиз. Шикоят қилиб ҳеч кимга боролмайди. Нимага дейсиз- ми? Ҳозир тушунтираман. Нега бундай ахлоқлик қилдинг деса, ўзи дарсни тушунтиролмади, ну- қул дафтарида ўқиб беради, дей- миз, вассалом! Қарабсизки, ҳамма-

сининг оғзи гулдир-гуп, ўзларининг камчилиги ўзларига маълум-да.

Мана, ниҳоят, орзиқиб қутилган таътилга ҳам чиқиб олдим. Лекин кўнгил жижил. Нимага дейсизми, битта имтиҳондан чаппа қилишди. Тайёрланиб августда топширар эмишман. Буни отамга айтганим йўқ. Билса, уйда ҳам менга кун йўқ. Бусиз ҳам нима қилишни билмай қийналиб кетдим. Бу «пудрат», «ижара» дегани қайдан чиқди ўзи? Отам ҳам ўн гектарни олган оч- офатдай. Ўзини худди биз учун жон куйдириб юргандек қилиб кўрсата- ди. Ҳар қайсимизга икки гектардан эмиш. Пахтанинг яганаси, ўти, чо- пиғи бизнинг бўйнимизда. Тушун- май қолдим, отам биз учунми ёки биз отам учунми? Илгари ўқитув- чилар пахтага олиб чиқса, у давлат- ни сўкар эди ўзини бизга меҳрибон кўрсатиб. Энди ўзи мажбур қилиб бизни ишлатади капиталистларга ўхшаб. Ўқитувчилардан-ку қочиб қутулса бўларди, аммо отамдан...

Ахир, жонимга текканидан кеча то тушгача ухладим. Отам ишдан келиб мени чақирди.

— Нима гап, ҳеч иш қилмабсан?

— Қилмайман, хоҳласам қила- ман, хоҳламасам қилмайман,— де- дим бўзариб.

— Бу нима деганинг, аҳмоқ?— деди отам жаҳли чиқиб.

— Сиз ўзи газета-пазета ўқий- сизми? Қайта қуриш, демократия, ошкоралик деб ҳаммаёққа жар со- либ ётишибди-ю!

— Хўш, нима у қайта қуриш, де- мократиянг?

— Нима, билмайсизми ҳали? Бу—

одамлар хоҳлаганини қилсин, вақ- тида дамани олсин, юракдаги дар- дини кўрқмай айтаверсин, дегани,— дедим билағонлик билан.

— Ҳим, шунақами ҳали? Яхши!

Отам ўрнидан турди-да, шашт билан белидаги тасмани ечиб, са- валай кетди.

— Мана сенга демократия! Де- мократия дегани ишламасдан еб ёт деганими-а? Гапир!

Зўрға ташқарига қочиб чиқдим. Қўйу моллар ҳам оч қолиб кетган эканми, мени кўриши билан худди онасини кўргандек бўкиришга туш- ди. Мен ҳам хўрлигим келиб йиғ- лай-йиғлай дардимни тўка бошла- дим.

— Ўқувчиларни далага олиб чиқ- маймиз деб қарор қилишганди, давлатни энди ақли кирибди деган- дингиз. Ўзингиз-чи, нега амал қил- майсиз? Қонунми, қонун! Далангиз- га чиқмайман!

— Учир-э!— Отам тасмани олиб менга отди.— Бор, айтгани қил- майдиган бўлсанг, демократиянг билан қорнингни тўйғаз! Бугундан сенга нон йўқ!

Мана, уч кундан бери чердакда ётибман. Қоринни ўғирланган ол- ма, ўрик, бодринг билан алдаб турибман. Лекин ноннинг ўрнини булар юз йилда ҳам босолмас экан. Бирам нон егим келяптики. Сан- диқ очиқмикин ўғирласам.

Ҳа, оғайнилар, ана шунақа, биз- нинг уйимизга ҳали демократия етиб келмаган экан. Бўлмаса мени тушунишарди. Вой, қорним...

Гулмих

Абдуваҳоб Ҳожибоев

Бир корхонада

Бизнинг корхонада ишлар ўн киши, Ҳаммасининг бордир ўз масъул иши. Биттаси бош раҳбар, яъни директор, Амалига кўра ҳаммамиздан зўр. Иккинчиси эса биринчи «зам»дир, (Ишни бошқаришга бу ҳали камдир!) Учинчи кишидир иккинчи муовин, Директорга жиян — энг яқин қавм.

Партия котиби тўртинчи киши, Ғоявий раҳбарлик асосий иши. Касаба раиси бешинчи одам, Меҳнат интизоми боғлиқ унга ҳам. Олтинчиси ичмас, худди шу боис — «Соғлом турмуш» жамиятига раис. Еттинчиси овга жуда ишқибоз — Табиатни асраш бўлимига мос. Саккизинчи киши назоратга бош — Ходимлар ишига доим кўзу қош. Тўққизинчи ўртоқ ҳисоб-китобчи, (Бирор пайт сен уни жойидан топ-чи!) Дастгоҳда ишлайди ўнинчи ўртоқ, Шior шул: «Берайлик маҳсулот кўпроқ!» Қиссадан ҳисса шу: бордир бир ишчи, Бошқариб туради тўққизта киши. Шу ҳол давом этса корхонамизда, Ишсизлар бўлмасмиш ҳеч қачон бизда.

НАСР

Бобораҳим ОМОН. Навоий бирла Ҳусайний. Икки пардали драма	7
Раҳмон ҲОЖИМУРОД. Деворий газета. Қиссанинг охири	21
Юсуф САМАДУҒЛИ. Қатл куни. Роман	49

НАЗМ

Яҳё ТОҒА	7
Азим СУЮН	31
Абдулла ҚУШБОҚ	62
Уктам МИРЗАЕР	68

ТАНИШУВ

Ҳабиба АБДУҲАКИМОВА. Шеърлар	6
Илҳом ҒАНИ. Шеърлар	20

НИГОҲ

Навоий ва ёшлар. Анкета саволларига жавоблар	33
Навоий ҳикматлари	36
Ҳаёт ТУРДИ. Шеърлар	37
Муҳаммад ЮСУФ	38—39
Муҳаммад ВАЛИ. Армонга ошно умид	40
Исмоил ТУХТАМИШЕВ. Шеърлар	41
Иброҳим ҒОФУРОВ. Кўнгилнинг нозиклиги	42
Муҳаммад СИДДИҚ РУШДИЙ. Ислом олами ривоятлари	44
Ватан қайғуси	45
Тил сандиғи	48

МАҚОЛАНАВИСЛИК

«Эй, Навоий авлоди!»	2
Расул ЖУМАЕВ. Суяги қотмаган қотиллар	64
Илгизар СОБИРОВ. Оқибатсизлик оқибатлари	67

АДАБИЙ ТАНҚИД

Баҳром БАҒФОВ, Аҳмад КАРИМОВ. Табаррук юз минг мисра	70
Нажмиддин КОМИЛОВ. Бир асар таҳлили	71
Ботирхон АГРАМ. Аторуд раво айлаган қалам	73
Афтондил ЭРКИН. Қолипдаги фан	76

ЕЛПИҒИЧ

Сафар ҚУРБОН. Ҳажвиялар	78
Абдуваҳоб ҲОЖИБОВЕВ. Бир корхонада. Ҳажвий шеър	79

Муқованинг 1—4 саҳифаларини мусаввир Н. Акромов ишлаган.



«Молодость»
ежемесячный
литературно-художественный
общественно-политический журнал
на узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и
Союза писателей Узбекской ССР

Мусаввир: Н. АКРОМОВ
Техник муҳаррир: О. РАҲИМОВ
Мусаҳҳиҳ: М. ТУРСУНОВА

Манзилгоҳимиз:
700113, Тошкент, Қатортол кўчаси,
60-уй.

Телефонлар:
Бош муҳаррир — 78-94-05
Бош муҳаррир ўринбосари — 78-49-83
Масъул котиб — 78-97-07
Наср бўлими — 78-97-58
Назм бўлими — 78-77-16
Мақоланавислик, адабий танқид ва
санъат бўлими — 78-17-47
Фотомухбир — 78-97-58

Таҳририят ҳажми 12 босма табақдан ортиқ роман ва 8 босма табақдан зиёд қиссалар қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма табақча бўлган асарлар муаллифларга қайтарилмайди. Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарлар қўлёзмасинигина қабул қилади. Ойбитикдан кўчириб босилганда «Ешлик»дан олинди, деб изоҳланиши шарт.

Босмахонага 21.12.90 й. да туширилди. Босишга 1.02.91 й. да руҳсат берилди. Офсет босма. 1-офсет қоғози. Қоғоз формати 84×108¹/₁₆. Қоғоз ҳажми 5,00 босма табақ Шартли босма табақ — 8,4. Нашриёт ҳисоб босма табағи — 12,1. Шартли бўёқли босмада нашр ҳажми 11,76. 150000 нусхада чоп этилади. Буюртма № 4576 Баҳоси обуначиларга 80 тийин. Сотувда 1 сўм. Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитаси «Камалак» нашриёт-матбаа бирлашмаси. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси.

«Ешлик» № 2. 1991.